



«Мehr»  
Мухторхон ЭСАНОВ асари

Хурматли журналхонлар!

2023 йил учун “Шарқ юлдузи” ва “Звезда Востока”  
журналларига обуна давом этмоқда.  
Журналларимизга барча матбуот етказиб берувчи  
ташиклотлар ёки таҳририятимиз орқали обуна  
бўлишингиз мумкин.

Обуна индекслари: “Шарқ юлдузи” – 911  
“Звезда Востока” – 831

8 / 2023

SHARQ YULDUZI

- NASR
- NAZM
- DRAMATURGIYA
- MUMTOZ ADABIYOT
- YOSHLAR DAFTARI
- JAHON ADABIYOTI
- ESTETIKA
- SAN`AT FALSAFASI
- ADABIYOTSHUNOSLIK

ISSN 0131 – 1832

# Шарқ юлдузи



# Sharq yulduzi

8 / 2023



**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
маданият ходими  
Хуршид ДўСТМУҲАММАД  
(1951 йилда туғилган)**

**Муқова-3**



**Хуршид ДўСТМУҲАММАД ҳаётидан лавҳалар**

# Шарқ юлдузи

Адабий-бадиий, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

## ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Сирожиддин Сайид  
Муҳаммад Али  
Кенгесбой Каримов  
Иқбол Мирзо  
Қаҳрамон Қуронбоев  
Минҳожиддин Мирзо  
Сайфиддин Рағиддинов  
Фармон Тошев  
Исајон Султон

Хайриддин Султонов  
Махмуд Тоир  
Гулистон Матёқубова  
Шерзод Ирзоев  
Нурбой Жабборов  
Кавсар Турдиева  
Шухрат Маткарим  
Адҳамбек Алимбеков  
Нибуфар Йўлдошева

Бош муҳаррир – Сирожиддин Рауф

Бош муҳаррир ўринбосари – Азиз Саид

Масъул котиб – Диляром Муротова

Назм бўлими мудири – Икром Отамурод

Наср бўлими мудири – Саид Анвар

Адабиётшунослик бўлими мудири – Дилфузा Қўзиева



## УШБУ СОНДА:

ҲАСР

Абдужалол РАХИМ

ОЙДИН КЕЧАЛАР



— Ўзинг ҳақингда гапириб бер? — дедим Илҳомга.

У бир зумга жимиб қолди. Юрагида бир дарди борга ўхшайди, деган хаёлда берган саволимдан афсуслана бошладим.

— Азиз, сен ота-онанг бағрида ўсгансан, — деди у ой шуъласи ёритган сайхонликка тикилиб.

— Болаликда ота-онасиз қолиш нималигини билмайсан. Менинг эса бошимдан ўтган...

---

АДАМИЁТШУНОСЛИК

Ҳамидjon ҲОМИДИЙ

ИЗЧИЛЛИК ҲОСИЛАСИ



Маълумки, профессор Эргашали Шодиев ижодининг илк палласидаёқ ўзбек ва тожик халқлари адабиётларининг ўзаро таъсири, бадиий ижодда икки тилда бирдай бадиият неъматларини яратиш анъанасини тадқиқ этишга маҳсус эътибор бериб, ўзбек ва тожик тилларида бесаноқ мақолалар эълон қилдилар. Пировард натижада эса “Ўзбек-тожик адабий алоқалари тарихидан”, “Адабиётда зуллisonайнлик анъанаси”, “Адабий алоқалар саҳифалари” каби салмоқдор, янги далилларга бой асарлар нашр юзини кўрди.

---

АДАМИЁТ ВА ШАҲС

Шухрат СИРОЖИДДИНОВ

“ҚАЙСАР ОЛИМ” НИНГ  
БЕПЛАҚРОР ҲСЛАМӢ



Шу вақтгача Навоий даҳосининг бир ғазали ҳақида бутун бошли уч юз бетлик бир китоб яратилмаган эди. Нусратулла Жумахўжа эса Алишер Навоийнинг “Қаро кўзум...” ғазалининг кирқ беш йил мобайнида ўнлаб атоқли олимлар ва шоирлар томонидан ўрганилиши, бу борадаги баҳсу мунозараларни кузатган, таҳлил (анализ)ларни синтез қилган ва ғазал тадқиқи тарихини тўлиғича китобида мужассам этган. Бу ҳам илмдаги ўрнак тажрибадир. Олимнинг ўз шахсий режасида Навоийнинг яна бир неча машҳур ғазаллари тадқиқига доир маҳсус монографиялар яратиш ва нашр этиш навбат кутиб турибди. Ҳолбуки, бу янги намуна асосида бошқа олимлар ҳам бир ғазалга бир китоб тажрибасини амалга оширишларига замин вужудга келди.


## ФАХРИЁР

СҮМБҮЛДА

Хазон нафаси келар ҳаводан  
Севиб бўлган юрақдай  
совий бошлар  
тина бошлар сув

дарёларнинг мавжлари тинар

кузга кириб борар дараҳтлар қатор  
жума намозига келган  
масжид олдидаги жамоатдайин  
ҳаммасининг эгнида  
барглардан қуралган  
мингямоқ чопон



## АНАР

ҚАРДОШЛАР АДАБИЁТИ

МЕН СЕН ЧУ ВА  
ТЕЛЕФОН

Эртасига эрталаб Мадинани, менинг Мадинамни қўрдим. Тўғри, ўтган кун хам кўргандим уни. Аммо ўша кун у бошқача кўринишда эди, аслида, унинг ҳар бир кўриниши ўзига хос ва гўзал. Оддий бир кўриниш... Эҳтимол унинг гўзаллиги хам шунда эди, лекин қандайдир паришон ва хомуш гўзаллик эди у. Булар ўтган куннинг фикрлари. Бугун эса ҳар нарса тамоман бошқача. У кўчирган қоғозларни кўриш билан бирга ўзига хам кўз остидан назар солардим. Унинг менга буткул ёт бўлган зоҳирий кўриниши билан бу қадар якин, таниш овози орасида, бу ердаги Мадина билан телефондаги Мадина орасида бир оҳанг, уйгунилик ахтарардим.



## Моҳира ЭШПЎЛАТОВА

ЁШЛАР ИЖОДИ

ОЛОВ РАҚСИ

– Сен келган жойларда шундай рақс тушишадими? – деди Бека у билан уйга қайтишаркан.

– Билмайман. Ҳеч нимани эслолмаяпман, аммо куй мени биладигандек, танийдигандек.

– Нималар деяпсан, Гулкелди? Куй қандай қилиб сени танисин, ахир унинг жони йўқ, у одам эмас.

– Мен уни эшитдим. У мени чақирди, ўрнимдан туришга, унга бўйсунишга мажбур этди. Мен фақат унга ўзимни топширдим, холос. Мен уни биламан, Бекам, у менга таниш. Рақс тушаётib хис этдим, мен ўйнашим керак экан.





## Ойдин кечалар

*Құсса*



**Абдужалол  
РАХИМ**

Ветеринар шифокорларнинг мақолаларини сонма-сон чоп этардик. Улар қорамол, қўй-қўзиларни турли хасталиклардан ҳимоялаш йўл-йўриклари ҳақида куйиниб ёзишарди. Шунга қарамасдан, ёз чилласида молларининг касалланиши яна авж олди.

Жазирама иссиқ кунларнинг бирида мени қишлоқ хўжалик институтининг чўлдаги ветеринария бўлимига юборишиди. Ветеринар олим билан учрашиб, сұхбат қилишим лозим. Ишига қаттиқ берилган олимларнинг гавжум лабораторияларини кўз олдимга келтириб, йўлга чиқдим. Келиб тушган жойим эса чўлнинг овлоқ бир чеккаси эди. Қаршимда сувсизликдан қақраган, оппоқ шўр билан қопланган сайҳонлик ястаниб ётарди. Сайҳонлик четидаги бир қаватли якка уй мен излаган ветеринария бўлими экан. Жигарранг бўёғи куёшда уннуккан дарвоза очик. Ҳовлига кириб, овоз бердим. Қаршимга ўзим тенги, яъни ўттиз ёшлардаги ўрта бўй, қорача йигит чиқди.

– Исмим Азиз, – дедим қўлимни узатиб, – муҳбирман.

Йигит қўлимни сиқиб, самимий жилмайди:

– Илҳом Ҳазратқуловман.

У мени оппоқ оқланган бинога бошлади. Эшик ёнбошига лавҳ илиб қўйилган. Ложувард таглилка тилларанг ҳарфларда “Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг ветеринария таянч бўлими”, деб ёзиб қўйишибди. Ичкарига кирдик. Меъморчилик безакларисиз, оддий уйда чамаси беш-олтида хона бор эди. Тупроқ кечиб, терлаб-пишиб келган эмасманми, ичкарининг салқини хуш ёқди. Тор йўлакдан ўтар эканмиз, менинг “Лаборатория” деб ёзилган очик эшикка кўзим тушди. Ичкаридаги катта столда микроскоп. Ён-верида турли рангдаги эритмали колбалар қалаштириб ташланган. Столнинг бир четида центрифуга мосламасини ҳам кўриш мумкин...

---

**Абдужалол РАХИМ** – 1953 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. Унинг “Ҳикоялар”, “Ломакон”, “Мугат фолбин”, “Йўлда кетаётган одам”, “Тоғ гўзали” китоблари, “Абу Али ибн Сино” романининг биринчи китоби чоп этилган.

Биз йўлак тўридаги хонага кирдик. Стол-стул ва жавонлар дид билан жойлаштирилган, хона кенг ҳамда озода эди. Тупроқ йўлда туфлим чангга ботиб келганим учун хижолат бўла бошладим. Илҳом буни сезди.

– Ўзингизни газета таҳририятида деб ҳис қилинг, – деди, у оппоқ мато қопланган ўриндиққа ишора қиларкан.

– Раҳмат.

– Ҳозир бўлимда ўзим қолганман. Лаборантлар чорвачилик фермалари, яйловларга чиқиб кетишган.

– Неча ёшдасиз? – қизиқиб сўрадим.

– Ўттизга тўлдим, Азиз.

– Тенгдош эканмиз.

– Мен ҳам шундай бўлса керак, деб ўйлагандим.

Биз Илҳом билан яқин жўралардек сенсираб гаплаша бошладик. У эгнига оқ халат кийганди.

– Ветеринария муаммолари бўйича илмий изланишлар олиб борамиз, – у ветеринария бўлими ишини қисқа қилиб шундай тушунтириди.

Мен бу соҳани мутлақо билмасдим. Буни яшириб ўтирумадим.

– Чорва молларида касаллик қўпайибди. Шунинг учун жўнатишиди, – деб қўя қолдим.

– Ҳа, тейлериоз касаллиги авж олди.

Шунда менинг беихтиёр столдаги кичик, ялтироқ гардишдаги аёл суратига кўзим тушди. Суратдан ўрта ёшлардаги кенг елкали бир аёл мунгли термилиб турарди. Атрофини ажин қоплаган кўзлари жуда сермаъно эди унинг: дунё ташвишларидан чарчаб, буни айтольмай қийналаётганга ўхшарди. Чинор япроқларининг тасвири туширилган эгнидаги оқ кўйлаги кенг елкаси, бақувват билакларини беркитиб турарди. Ҳамда ўртасидан фарки очилиб, икки томонга силлиқ тараалган соchlари – буларнинг бари оддий, заҳматкаш ўзбек аёлининг ўзига хос қиёфаси эди.

– Илҳом, аянгнинг суратларими? – деб сўрадим.

– Йўқ, Азиз, бу мендан катта опам. Бизнинг Зомин томонларда “опча” дейишади. Лекин менга онамдек бўлиб қолганлар.

Биз яна ветеринария мавзусига қайтдик.

– Тейлериоз ёмон касалликоми? – дедим бошқа мантиқлироқ савол тополмасдан.

– Жудаям ёмон касаллик! – Илҳом бирдан жонланиб кетди. – Тейлериоз юқсан сигир қаттиқ азобланади. Ўзинг ўйлаб кўр, тана ҳарорати кирқ бир даражагача, баъзан ундан ҳам ортиқ!.. – худди ўзи азобланяётгандек пешонаси тиришди унинг.

– Бечора сигирнинг бутун танаси қақшаб оғрийди. Сулайиб ётавериб, ўн-ўн беш кунда чўпдек озиб кетади...

Мен Илҳом билан эски дўстлардек ҳангомалаша бошладим. У ишига жондилидан берилгандардан эди. Феъли шунаقا одамлар бўлади-ку: иш деганда ҳамма нарсани унугдиган, мутаассиб. Аммо илмий унвони борлигини ҳали билмасдим.

– Номзодлик илмий ишним тейлериоз касаллиги бўйича эди, – деб қолди ўзи гап орасида.

– Фан номзодимисан?! – унга ҳайратланиб тикилдим.

Илҳом ҳали ёш, тенгдош эканмиз. Ўзим ўттиз ёшимда нимага улгурибман? Ҳарбий хизматдан кейин университетда ўқидим. Энди газетада мухбир бўлиб ишлайпман. Илҳом эса аллақачон фанда янгилик яратиби!

Илҳомнинг овози хаёлимни бўлди:

– Ҳа, ветеринария фанлари номзодиман. Бундан хаста жониворларга наф бўлса кошки...

## **Абдужалол РАХИМ**

- Даволашнинг бирор имкони бордир, ўша тейлериозни?
- Бор, албатта! Аммо мол соғайгунча жуда кўп маблағ йўқотилади. Биз буниям эътибордан қочиролмаймиз.
- Унда нима қилиш керак?
- Мен ҳам шуни ўйладим. Жониворларни бу лаънати касалликдан қутқариш йўлларини изладим, турли имкониятларни чамалаб кўрдим. Кейин аниқ бир қарорга келдим: қорамолларда тейлериозга чидамлиликни ошириш керак! Ягона йўл шу! Тейлериоз каналардан юқади. Каналарни бутунлай йўқ қилиб бўлмайди-ку. Табиатдаги мувозанатга зиён етказиб кўйишимиз мумкин. Шундай экан, қорамолнинг кана чақишига қарши қувватини оширишдан бўлак чора йўқ.
- Одамларни вакцина билан эмлагандек, демоқчисан-да?
- Шунга ўхшаш... Яйловларда каналар пайдо бўлишидан бир неча ой олдин ёш жониворлар эмланади. Лекин буям касаллик бутунлай бартараф бўлди дегани эмас. Эртага хасталанган сигирларни ўз қўзинг билан кўрасан. Тейлериозда мол жуда қаттиқ азобланади...

Шу пайт йўлакдан дупур-дупур қадам товушлари эшитилди-ю, Илҳом жимиб қолди. Зум ўтмасдан биз ўтирган хонага сариқ брезент этик кийган забардаст йигит кирди. У дароз эди, эшикдан бошини эгиб ўтди. Эгнидаги кўк катак кўйлаги тердан шалаббо бўлиб кетган. Чўзиқ, қорача юзида маржондек томчилар ялтирайди. Биздан чамаси уч-тўрт ёш кичик. Анча йўлдан юриб келгани аниқ. Кўринишидан оддий қишлоқ йигити-ю, аммо қўлида дўхтиларнинг дори-дармон кутиси бор.

- Ассалому алайкум! – у салом бериб, менга бир қараб олди.
- Кел, Ортиқбой, нима гап? – Илҳом унга синовчан тикилди.
- Ортиқбой томоқ қириб олди-да, қўлидаги темир қутига ишора қилиб, жим тураверди.
- Бу киши журналист, дўстим бўлади. Бемалол гапиравер.
- Яйловдаги подада иккита сигир касал, – Ортиқбой темир кутини беозор силкитди. – Текширишга қон олиб келдим.
- Илҳомнинг юзи бирдан жиддийлашди. Қошлиари керилиб, ўрнидан турди-да, бир энтикиб олди.
- Лабораторияга олиб кир! – деди шошиб. – Касалланган молларни ажратиб қўйдингларми?
- Ҳа, ветеринар келди, сут зардоби, қатиқ ичиришди.
- Яхши... Оксилтетрациклилари борми?
- Бор. Эмлашни бошлашди.
- Узр, Азиз, сени бироз ёлғиз қолдираман, – Илҳом истихола билан гапирди. – Ҳозир лаборатория текшируви ўтказиб берамиз. Бу, тейлериозни ўлатдан фарқлаш учун шарт.

Илҳом билан Ортиқбой даҳлизга чиқиб, алланималарни ғўнгир-гўнгир гаплашганча лабораторияга кириб кетишиди. Ёлғиз қолиб, хонани кўздан кечира бошладим. Тўғридаги иккита жавон рафлари турли-туман жилдлар, китоблар билан тўлган. Жавонларнинг устига оппоқ дори қутилари қалаштириб тахланган. Қарама-қарши тарафдаги диванга оппоқ мато тортилган. Кўзим яна стоддаги ўша аёл суратига тушди. Бирдан сурат тилга кириб: “Аёлга тикилиб қарамайдилар, айб бўлади”, дегандек бўлди. Ўзимни ноқулай сезиб, ўрнимдан турдим-да, ташқарига чиқиб кетдим.

Күёш мағрибга ога бошлади. Сайҳонликни томоша қилгим келди. Ветеринария бўлими ҳовлисидан чиққанимда қаршимда яккам-дуккам қамишлар ўсган

шўрхок сайҳонлик ястаниб ётарди. Мен завқ билан узоқ-узоқларга тикилиб, ўй суриб қолдим. Ҳали инсон қўли тегмаган бу жойлар ибтидоий таровати билан кишини беҳад завқлантиради. Мана шу ҳеч кимга керак бўлмаган сайҳонликда Ер сайдерасининг гўдаклик вақтини кўргандек бўлдим. Қизик, ўша даврларда одамлар қандай яшашган экан? Ҳали илм-фан пайдо бўлмаганда? Аждодларимиз ўзларининг овчилик ҳаётларини қоятошларга ўйиб тасвирашган пайтларни айтаман-да. Шошилиш нималигини билишмаган. Техника ажойиботлари, бугунги ҳаётимиздаги минг бир қулайликлар ҳаёлларига ҳам келмаган. Лекин шундай бўлсаям тиришиб-тирмашиб, яшаш учун курашганлар. Бунга қандай куч даъват қилди экан? Мен қамиш, бурганлар ўсиб ғовлаб ётган сайҳонликка қараб ана шулар ҳақида ўйлардим. Бир пайт қақраб ётган тупроқ юумида юронқозиқ пайдо бўлди. Жажжигина бошчаси атрофга олазарак аланглади-да, аллақёққа чопқиллаб кетди. Балки болаларига бирор егулик излаётгандир? Шу жонивор ҳам кун кечириш, ўзидан насл қолдириш учун тиним билмай елиб-югуради. Ҳаёт қонуни шундай бўлгандан кейин, инсон ҳам азал-азалдан яшаш учун курашган-да. Бу на ақл, на-да режа билан бажарилади. Яратган Эгамиз томонидан тухфа этилган ҳиссиёт!..

Анча пайт сайҳонликни кездим. Тупроқ момиқдек юмшоқ эди. Гоҳ қамишларнинг юзага чиқиб қолган илдизлари, гоҳ оқ-пушти рангдаги гуллари митти сурнайчаларга ўхшаб кетадиган печакларнинг поялари оёғимга ёпишади. Пайқаб қолсам, четлаб ўтаман.

Уфқда лоларанг шафақ пайдо бўлди. Кеч кираётганди. Илҳомнинг иши кўпайиб кетгани аниқ. Йўқса, мени чақиравди. Унга халал беришни истамадим. Лаборатория таҳлили натижаларини, жониворларни ўша хасталиқдан қутқариш ўйларини – менга керакли гапларнинг барини ўзи айтар. Буларни билишим, ён дафтаримга бирма-бир ёзиб олишим керак.

Чўл чигирткалари чириллаб оқшом кўшиқларини бошлаб юборишиди. Илдам сакровчи бу жониворлар тиним билмасдан, жамоа бўлиб сайрашар, назаримда ўзларининг тилларида берилиб нималарнидир баён қилишарди. Уфқни эгаллаб олган шом шафаги, кенг ва кимсасиз сайҳонлик жуда-жуда жозибали! Ҳаёлимга турли фикрлар қуондек ёпирилиб кела бошлади. Бу ғалати сайҳонликда кўнгил торларини чертадиган бир хислат бордай эди.

Бир пайт Ветеринария бўлими томондан Илҳомнинг овози келди. Ўтирилиб қарасам, Ортиқбой қутичасини кўтариб кўча томонга кетиб боряпти. Илҳом дарвоза олдида туриб менга қўлини силкитар, нимадир дея қичқиравди. Оқ уйдан анча узоқлашиб кетибман – унинг узук-юлуқ эшитилаётган сўзларини англамадим. Лекин мени чақиравтагани аниқ. Кеч кириб қолди, ишим ҳам битмади. Тунда шу ерда қоламан энди. Шуларни ўйлаб, шошилмасдан ортимга қайта бошладим. Дарҳақиқат, чўлдаги бу сайҳонликда бир ҳикмат бор. Мен уни тарк этишни истамаётгандим. Бунда ўй-хаёлга берилиб, ёлғиз юриш мароқли эди. Сайҳонлик ортидаги кўлдан салқин шабада эсиб, кундузги жазираманинг тафтини олиши-чи! Атрофга аланглай-аланглай, оёғимни бир-бир босиб ветеринария бўлнимига етиб келдим.

– Азиз, сенга чўл ҳавоси ёқибди, – мени кутаётганди Илҳом жилмайиб сўз қотди.

- Ғалати жойлар экан.
- Биринчи марта келганинг учун шундай туюлган.
- Қайдам.
- Сигирлар тейлериоз билан касаллангани аниқ бўлди, – Илҳом ишининг

## **Абдужалол РАХИМ**

натижасини қисқа қилиб тушунтириди. – Эртага борамиз, ҳаммасини ўзинг кўрасан. Бу сенгаям қизиқ-ку, шундай масми?

– Албатта.

Шундай дедиму, хижолат бўлдим. Аслида хаёлим бошқа ёқда эди. Сирли сайдонлик, қаршимдаги оқ уй, ундаги ёш олим Илҳомни қандай тасвиirlаш ҳақида ўйлардим. Устозим Раҳматулла Исломов журналистга синчковлик кераклигини ўргатган. Мен ўз-ўзидан ҳеч ерда ёзилмаган шу “йўриқнома”га амал қила бошлагандим. Кўрган-билганиларимнинг ҳаммаси онгимга қуилиб келарди. Айниқса Илҳомнинг столидаги аёл портрети. Унинг бошқа аёлларникига ўхшамаган суюги йўғон юзи, теграсини тарам-тарам ажинлар қоплаган, мунг чўкиб қолган қийиқ кўзлари тасаввурим кўзгусида қалқиб турарди.

Илҳом енги калта катак нусха кўйлакда эди. Келганимдан буён оқ ҳалатда кўриб қўнишиб қолган эканман. Энди эса қаршимда оддий қишлоқ йигити турарди. Бирор кўрса фан номзоди, олим демас, ўзимизнинг жайдари йигитлар каби очиқ чехра ва самимий эди у. Бу бизни эски жўралардек яқинлаштириб қўйди. Баъзан ким биландир илк марта кўришасизу, илгариттан биладигандек чақчақлашиб кетаверасиз. Бунинг сабабини билмайман, менда шундай бўлиб туради. Болалигимда қоравой Кўчкор билан, ўспиринлик давримда безоригина Ҳусайн билан шундай дўстлашганмиз. Уларни тақдир шамоли турфа томонларга олиб кетди. Умр йўлларида не-не воқеаларга дуч келмадилар дейсиз. Буларни бошқа сафар хикоя қилиб берарман. Ҳозир эса курдошим Илҳом мен билан ёнмаён юриб бораётир. Сезяпман, унинг ҳаёти ҳам силлиқ кечмаган. Тағин Илҳомнинг столидаги ўша портрет кўз олдимга келди. Опаси экан... Нега онаси эмас, опасининг суратини аллада азиз қилиб иш столига кўйган?

Биз Илҳом билан бинонинг орқасидаги алоҳида эшик олдига келдик.

– Амалиётга чиққанимизда мана шу иккита хона бизнинг уйимиз, – у бир тавақали кўк эшикни очди. – Киравер, ўз уйингдек бил. Биз бўлса, газета муҳбири меҳмонимиз бўлган, деб фахрланиб гапириб юрамиз.

Кирган хонамиз ошхона эди. Ичкарида кўчма газ плитаси турарди. Ёнида суюлтирилган газ баллони. Кўлбола жавонга чўян декча, коса-қошиқлар терилган. Хона ўртасидаги столда буханка нон, чойнак-пиёлалар. Бу ерда яна бир эшик бор. Очиқ эшикдан ичкари хонадаги қатор каравотларга кўзим тушди. Ҳар бирининг ёнига суюнчили ўриндиқ кўйилган.

– Шароитимиз шоҳона эмас, боримизни баҳам кўрамиз-да, – Илҳом менга синовчан тикилди.

– Ҳарбий хизматга қайтгандекман, – дедим кулимсираб. – Ичкарини аскарлар ётоқхонаси деб фараз қиласиз.

– Шундай-шундай, иккимиз оддий аскарлармиз.

Тенгдошлар бир-бирларини тез тушунишади. Илҳом билан у ёқ-бу ёқдан гаплашиб, ош дамладик. Ундан ветеринария соҳасидаги анча янгиликларни билиб олдим. Уларни одамлар “мол дўхтир” дейишади. Илҳомнинг айтишича, ветеринар шифокор ҳам одамларни даволайдиган дўхтирга ўхшаб кетар экан. Жониворларга меҳр-шафқат билан муомалада бўлишлари шартлиги-чи! Даволайдиган асбоблариям дўхтирларникига ўхшаш: ўзи билан олиб юрадиган кутисида скальпель деб аталадиган ништар, стетоскопдан тортиб, эмлаш учун игна-ю, тана ҳароратини ўлчайдиган “градусник”гача бор.

Шу оқшом Илҳомга ўзим ҳақимда гапириб бердим. Ҳарбийдан қайтгач бир йил ўтар-ўтмас ўйланганим, икки ўғлим борлигини айтдим. У бўлса оиласи ҳақида

оғиз очмади. Турли гумонларга бордим-у, ноқулай бўлмасин деб сўрамай қўя қолдим. Шунда яна столидаги аёл портрети – унинг опаси хаёлимга келди. Ўша суратдаги полвон келбатли аёлнинг кўзларида гусса бор эди.

Хизмат сафаримнинг биринчи куни шундай давом этарди. Илҳомнинг дўппидеккина қилиб дамлаган оши жудаям мазали чиқиби, мақтаб-мақтаб ёдим. Бу эса унинг кўнглини кўтариб юборди.

– Азиз, қолганинг яхши бўлди, – у самими жилмайди. – Сен билан гаплашиб, миямга янги фоялар келди. Ветеринарнинг иши ҳам ижод қилишдай бир гап-да!

Ошдан кейин терлаб-пишиб катта чойнақдаги аччиқ кўк чойни ичиб тугатдик. Ёз чилласи, ҳаво дим эди. Биз юриб ҳовлига, ундан сайҳонликка чиқдик. Бир туп тол тагига қўйилган ёғоч харракка ўтириб, ҳовуризмизни боса бошладик. Фароғатли чўл туни ниҳоятда ажойиб эди. Фалакдан тўлиной мўралайди. Аллақайдан чиябўрининг чақалоқ йигисига ўхшаган чинқириғи қулоққа чалинади.

– Ўзинг ҳақингда гапириб бер? – дедим Илҳомга.

У бир зумга жимиб қолди. Юрагида бир дарди борга ўхшайди, деган хаёlda берган саволимдан афсуслана бошладим.

– Азиз, сен ота-онанг бағрида ўғсансан, – деди у ой шуъласи ёритган сайҳонликка тикилиб. – Болалиқда ота-онасиз қолиш нималигини билмайсан. Менинг эса бошимдан ўтган...

Илҳом ичдан тўлиб турган экан. Бошидан ўтган воқеаларни бирма-бир айтиб бера бошлади. Баъзан одамда шундай бўлади-ку: ботинингда яширинган, ўқилмаган китобдек қат-қат бўлиб ётган саҳифаларни кимгадир очиши истаб қоласан. Дардлашишга мени муносиб кўргани учун ундан ҳанузгача миннатдорман. Унинг хикояси шунчалар изтиробли эдик, бефарқ тинглаш мумкин эмас эди.

\* \* \*

– Мактабда география ўқитувчимиз харитада нуқталар билан белгиланган сарик рангли жойларни чўл, саҳролар деб тушунтирган. Китобдаги суратларга қараб, чўл факат қум барханларидан иборат деб тасаввур қилардим, – деда Илҳом ҳикоясини бошлади. – Саҳролар бағрида фусункор шаҳарлар, қишлоқлар борлиги, бу шаҳарларда миллионлаб одамлар яшашларини кейинчалик билганман. Мен харитада белгиланмаган Оқбулоқ қишлоғида туғилдим. Қишлоғимиздан Туркистон тоғларининг пурвиқор қоялари кўриниб туради, бир томони эса дашт, адирлик. Оқбулоқда қадим-қадимдан ўзбек, қозоқ, кирғизлар бирга яшашган. Отам ҳам, онам ҳам хасталаниб, бирин-кетин ўтиб қолишганда эндингина олти ёшда бўлганман. Барчиной опам оиласи эди. Мен шу опачам билан Ўрол жездамнинг қўлларида қолдим. Биз томонларда поччани жезда дейишади.

Болалиқда меҳрга зор бўлишни ҳеч кимсага раво кўрмайман. Руҳан эзилиш ҳатто жониворларни ўлдириши мумкин. Биз юксак онгли жонзот – одамлармиз-ку, ахир! Тақдир гўдаклигимда онамнинг багридан юлиб олгани жуда оғир ботган. Ёлғиз ётиб, тунлари ухломай чиққанларим ҳозир ҳам ёдимда... Яхшиям бахтимга Барчиной опам бор экан. Опам – суюги йўғон, бакувват аёл эди. Ёшим олтида бўлсаям чақалоқ мисоли кенг-мўл бағрига сингиб кетардим. Йўқотган онамнинг меҳрини шу опамдан топганман... “Илҳомжон, кўрқма, мен борман! – деди Барчиной опам онамдан айрилган кунимиз. – Сени ҳеч ким хафа қилолмайди, онажонимнинг эркатойи!”

## **Абдужалол РАХИМ**

У шундай деди-ю, юзидан юзимга шўр томчилар оқиб тушди. Мени бағрига маҳкам босиб, “Ой болам, ойдой болам”, дея алла айта бошлади:

*Тов бошида бургут кўрдим, ойнолой,  
Жомбошидо булут кўрдим, ойнолой.  
Ой болам, ойдой болом, бургутим,  
Синнорингон кўнгним тўлди, ойнолой ...*

Ойдин кеча сирли ва шукухли эди. Қаршимиздаги сайҳонликда аллақандай кўланкалар кезаётганга ўхшарди. Илҳом шарпалар ўйинига тикилганча ҳикоясини давом эттириди:

– От минмаган от минса, чово-чово ўлтирас, тўн киймаган тўн кийса силой-силой тўздирад, дейишади биз томонларда. Олти ёшимда онамдан айрилиб ўксиниб қолгандим. Болалик кечинмаларим, изтиробларимни ёлгиз опам тушунар эди. Мени ҳар куни бағрига босиб, ўзининг ўғилчасига қўшиб алла айтарди. Етим қолганимда опамнинг бағри менга паноҳ бўлди.

Барчиной опамнинг эри – Ўрол жездам узун бўйли, сурнайдек ингичка, тик қоматли йигит эди. Фермада мол боқарди. Кўп ичар, маст бўлса, бирор баҳона топиб опамни аямай калтакларди. Мен опамнинг ўғилчасини етаклаб, уйга қочиб кириб кетардим. Айтдим-ку, Барчиной опам паҳлавон келбатли аёл. Аммо эрининг хурмача қилиқларигаям, аямасдан уриш-сўкишларигаям миқ этмасдан чидарди. Ким билсин, балки мен учун чидагандир...

Бир куни Ўрол жездам ҳовлидаги ёнғоқ остида кирғиз жўраси билан улфатчилик қилиб ўтиради. Иккисиниям кайфи ошиб, алжираф қолишиди. Ўрталарида нимадандир жанжал чиқди.

– Менга қара, Ўрол, ҳозир бир кўтаришда улоқтириб юбораман, анов бойловдаги итингди олдига бориб тушасан! – деди жўраси хезланиб.

Ўрол жездам арақ кайфидан мастона кўзларини ола-кула қилиб, эшкаксиз қолган қайиқдек чайқала-чайқала ўрнидан турди.

– Чиранма, газанак! – бармогини бигиз қилиб гўлдиради у. – Сен-н хотинимди бир силтovига тоб беролмайсан!

Қирғиз жўраси муштини ўқталиб жездамга ташланди. Ўрол жездам пишқириб келган жўрасининг билагидан ушлаб қолди. Икки эркак бир-бирини ғажиб ташламоқчи бўлган йиртқичлардек тишларини фижирлатиб, юзма-юз туришарди. Шу пайтда залворли қадамлар билан Барчиной опам келиб қолди-ю:

– Ҳой, бас қилинглар! – деб бақириб юборди.

Бу овоз иккала эркаккайм электр токи мисоли таъсир қилди. Кўллари чирмовуқдек туташганча, буйруқ берилган аскарлардек овоз келган томонга ўгирилишди.

– Кураш тушир! – дея бўкирди жездамнинг жўраси сурбетларча.

– Эй, Анқа! Бу билан кураш туш! – буюрди жездам. У опамни камситибми, полвон келбатига нисбат берибми “Анқа” деб чақиравди.

– Ай, Анқа! – жездам яна овози борича бўкирди.

Барчиной опамнинг паҳлавон гавдаси эгилди. Йиртқич бўридек юзи тиришиб турган эрига мутелик билан қаради.

– Бу билан кураш туш! – Ўрол жездамнинг фазабнок буйруги тагин ҳовлимизда акс садо берди.

Опам каловланиб туриб қолди. Оғирлигини у оёғидан бу оёғига солиб, нима

қиларини билмасди шүрлик. Рад этай деса, шайтондек ўқрайиб турган эрининг ит феълини билади: кўлига тушган нарсани улоқтириб чилпарчин қилади у, кўзига кўринган кимсани – болами, каттами – дўппослашга тушади. Уни бу жазавадан ҳеч ким тўхтатолмайди.

– Туш деяпман! – таҳдидли ўқрайган жездам қўлларини мушт қилиб, Барчиной опам томонга бир қадам ташлади.

Мен жажжи Ортиқбой укачамнинг қўлидан тутганча, уйимизнинг очик эшигидан мўралаб бу даҳшатли манзарани кўркув билан кузатиб турардим. Отасининг овозидан чўчиб кетган Ортиқбой йиглаб юборди. Уни қучоқлаб, бағримга босдим. Барчиной опам ялт этиб биз томонга қаради. Қўли билан “уйга киринглар”, дегандек ишора қилди. Биз жойимиздан қимир эта олмасдик. Мезон шамоллари эсаётган куз фасли эди. Ҳовлидаги ёнғоқ барглари бир нохушликдан хабар берәётгандек қалтираб, шилдирай бошлади. Аммо мендан бошқа ҳеч ким бунга эътибор бермади. Мен ёнғоқ остида турган меҳрибоним, ҳимоячим бўлган Барчиной опамдан кўзимни узмасдим. Опамнинг эри талаб қилаётган буйруққа бўйсунишдан ўзга иложи қолмаганди. У кескин ўгирилди-да, жездамнинг қирғиз жўраси томонга бир қадам ташлади. Бояги йигит бундай бўлишини кутмаганди чамаси, оёғига занжир боғлангандай жойида қотиб қолди.

– Анқа, хе, энангди... сени! Бўл дедим! – Ўрол жездам бу сафар овози борича қичқириб юборди.

Барчиной опам шуни кутиб тургандек, рўпарасида анграйиб турган рақибига ташланди. Эркак ўзини ўнглаб олгунича, белидан даст қўтарди-да, улфатлар ўтирган зулбаракдан нарига улоқтириб юборди. Кўз олдимда жездамнинг бўйни ўйғон қирғиз жўраси ерпарчин бўлиб ётарди. Бир зумда ҳаммаёқ жимжит бўлиб қолди. Ўрол жездамнинг кўзи ярқ этиб очилди. Ҳозир ўллаб қўрсам, ўшанда жездамнинг кайфиям тарқаб кетган эди. Барчиной опам эса нима қилиб қўйганини тушунолмай, тош ҳайкалдек жимгина турарди.

Бир пайт ерда чалқанчасига ётган қирғиз йигит қимирлаб қолди. Овоз чиқармай, кўлини тупроқ ерга тираб секин ўрнидан турди. Эгнидаги кўк катакли паҳмок кўйлаги, қора шими тупроққа беланган, аммо у бунга эътибор берадиган ахволда эмасди. Четан девор томонга кўзини тикканча, ўмровини сийпалаб, бир-икки қадам ташлади. Нимадир эсига тушгандек ортига ўгирилди. Шу пайт ҳалиям ўша жойда қотиб турган опамга кўзи тушиб, бошини чайқади. Аста келиб зулбарак этагидаги чанг ўтирган қора туфлисини оёғига илди-да, шоҳ-шаббалардан жуфтланган қийшиқ дарвоза томонга қараб кетди.

\* \* \*

Илҳомнинг овози нохун билан чертилган тордек титраб, бирдан жимиб қолди. Хаёлан ўша болалик даврига қайтган эди у. Мен мухбирлик хизмат сафаримда топган дўстимнинг ҳикоясидан қаттиқ таъсиrlандим. Эртакка ўхшаган бу ажиб воқеалар бутун вужудимни қуюндек чирмаб олди. Эҳ, дедим, ахир буларнинг бари унинг ҳаёти-ку! Ҳозир болаликдаги ўша изтиробларни қайта бошидан кечиряпти. Қалбida жўш урган хотиралар туғёнини босолмасдан қийналяпти!..

Биз ёғоч харакада ёнма-ён ўтирадик. Ойдин кеча сирли ва шукуҳли эди. Қаршимиздаги улкан сайҳонликда кўланкалар ўйини бошланди. Узок-узоклардаги уйларнинг чироқлари ёник. Мирзачўл тун оғушида ором олаётир. Илҳом иккимиз бехудуд кенгликларнинг овлоқ пучмоғида ёнма-ён ўтирадик. Бир пайтлар бу

## **Абдужалол РАХИМ**

жойлардан эшилиб-ёйилиб оқкувчи азим Сирдарёнинг эски ўзанлари ўтган. Ой шуъласида солланаётган сайҳонликнинг сўл этаги қамишзор тўқай. Ундан нариси кўл. Шу томондан чиябўрининг увулаган овози келди.

– Қишлоқ ёнбошида жўхоризор бор, – деди Илҳом ғалати овозларга диққат қилаётганимни сезиб. – Чиябўри пишган макка сўталарини кемиради.

– Ғалати жойлар экан.

– Мана бу сайҳонликни шўр босган, сувсиз қақраб ётибди. Кўл бўйида жуда катта ажриқзор яйлов бор, – деди Илҳом. – У ерда чим кесувчилар ишлашади. Қишлоқдагилар чимдан ҳам уй кўтаришади. Арzon, пухта қурилиш маҳсулоти-да, чим. Қишида иссиқ, ёзда салқин бўлади ундан қурилган уйлар. Ажриқзорда чим кесувчилар ўзларини “чиморез” дейишади. Шундай ғалати жой бу – Мирзачўл.

Илҳом кўнглида ғалаён қилган изтиробларни кувиш учунми, сухбат ўзанини бошқа томонга буриб юборди. Мен ҳамон унинг ҳикояси таъсирида ўтирадим.

– Наҳотки опанг аёл боши билан?.. – тилимнинг учидаги гапни айтишдан ўзимни зўрга тийиб қолдим. – Бу воқеа айнан шундай бўлганмиди?

Илҳом нима демоқчилигимни тушунди. Иккала қўлини кўксига қўйди-да, тўлиной нур тўккан сайҳонликка тикилиб қолди. Сўнгра бирдан менга ўгирилиб, тез-тез гапира кетди:

– Барчиной опам полвон аёл эди ўша пайтларда. Кунлардан бирида мана бундай воқеа бўлган. Кузнинг серёғин кунларидан бири эди. Эрта тонгдан қуёш чараклаб чиққани учун уйга сира киргимиз келмади. Мен укачам билан ҳовлида ўйнаб ютардим. Олапар итимиз ҳам тилини осилтириб атрофимизда айланади. Ўрол жездам молларга пичан олиш учун болохонага тираб қўйилган ёғоч нарвондан томга чиқа бошлади. Бироқ айни томга етиб қолганида, ёмғирда туравериб намиққан эски нарвоннинг у оёқ қўйган погонаси синиб кетди. Олапар қўрқанидан ангиллаб юборди. Ўрол жездам нарвоннинг ёғочига осилиб қолди. Мен эса унга анграйганча тикилиб турардим. Тасаввур қиласпсанми, жездамнинг ҳавода муаллақ қолган оёқлари лапанглайди. Ҳам қўрқинчли, ҳам кулгили эди ахволи.

– Анқа-а! – у овозининг борича қичқириб, опамни чақирди.

Барчиной опам уйдан югуриб чиқди. Хамир қораётган экан – қўллари оппоқ унга беланганди. Нарвонда муаллақ осилиб, оёқларини лапанглатаётган жездамга тикилганича қотиб қолди.

– Эй, Анқа, қара! – деди Ўрол жездам жон ҳолатда чинқириб.

Барчиной опам буйруқ берилган аскардек нарвон томонга отилди. Хаёлимда ер гурсиллаб, зириллаб кетгандек бўлди. Сўнг Ўрол жездамни оёқларидан қучоқлаб, ёш боладек даст кўтарди. Нарвоннинг ёғочидан қўлини қўйиб юборган жездам шувуллаб опамнинг қучогига тушди.

– Нега дарров келмадинг, анграймай ўл! – ерга тушгач, у қўлларини силай-силай, сўкиниб нари кетди.

Жездам ана шундай ғаддор одам эди. Бу ёғи мен оиласига юк... Барчиной опам эр шундай бўлади, деб ҳаммасига чидарди. Бардошли, вазмин эди у. Мени ўз ўғлидан ортиқ эркалар, “отам” дерди доим. Ҳозир ҳам шундай.

Болалигим новдаси чилпилган ниҳолдек кемтиклик билан ўтди. Ўрол жездамнинг опамга берган азоблари бола кўнглимни азобларди. Ичимда Барчиной апчамга бирор гап бўлмасин, деган ҳадик яшарди. Ўша ҳадик ғазабга айланарди айрим вақтларда. Хаёлан забардаст йигитга эврилиб, опамни ураётган золим жездамнинг қўлларини қайириб ташлардим. Опам бўлса: қўй укача, отагинам,

ўзингнинг жезданг-ку, феъли бор-да, – деб мени муросага чақиради. Мен шунақа, ҳаёт гул ва булбулдан иборат эмаслигини англаб улгайдим. Аммо Яратган Эгам кўнгил эзгулигига ёвуқлик ато этса, буни ҳеч қандай жаҳолат енга олмас, ўрнини эгаллай олмас экан. Ҳаётдан доим яхшилик кутиб яшадим. Тушларимда улгайиб, Барчиной опамга дунёдаги энг тансиқ таомларни олиб келардим, эгнидаги кўримсиз чит кўйлаги ёқинқирамай, қімматбаҳо шоҳи лиbosлар совға қилардим. Барчиной опам ҳам менга онамдек меҳрибон эдилар. Бироқ ҳаётда ҳамма одамлар ҳам, ҳамма болалар ҳам бир хил бўлавермас экан.

Тез орада мактабга, биринчи синфга бордим. Мактаб мен учун янги очилган олам бўлди. Ўртоқларим кўпайди, йиллар ўтиб, улар орасида рақибим ҳам пайдо бўлди. Бу воқеа кўкламда юз берганди.

Тўртинчи синфда ўқирдик. Синфимизда йигирма нафар бола бор. Муаллимамиз Кумри опа билан тушган оқ-кора фото суратимиз ўша пайтлардан эсадалик бўлиб ҳозир ҳам сақланиб қолган. Суратни мактаб ҳовлисидағи катта чинор соясида тушганмиз. Мактабимизга ҳар йили бир марта келадиган Илья Кирилович деган рус фотограф биз ўқувчиларни гуруҳ қилиб суратга оларди. “Менга каранг, менгаа, ана, күшча учиб чиқади”, дея содда қишлоқ болаларини ўзига қаратарди. Биз мактабдан бўшаганимиз ҳамон қишлоқ четидаги адирга қўйларимизни ўтлатгани олиб чиқамиз. Бу ернинг табиати жудаям чиройли. Бир томонда Туркистон тоғининг ўркач-ўркач тизмалари чексиз замин узра оқсоқол боболардек ёнбошлаган. Тоғ этагидаги адирлик эрта кўкламдан ям-яшил майса билан қопланади. Нарироқдаги қирликларда ҳам ўт-ўланлар гиламдек тўшалган. Айни баҳор фасли. Осмон кўм-кўк. Ҳар-ҳар ерида оппоқ парқу булулгар оқ атиргулнинг япроқларидек сочилиб ётибди. Олапар итимиз ҳам доим мен билан адирга чиқади. Жонивор жуда ақлли, завқланиб у ёқдан, бу ёққа чопади. Чакирсам, тилини осилтирганича югуриб келади-да, эркаланиб, оёғимга суйкалади. Хумдек бошини силасам, талтайганидан олдинги оёқларини елкамга тираб, мени ийқитмоқчи бўлади. Олапар энг яқин, садоқатли дўстим эди ўша вақтлар.

Қишлоғимиз болалари кўйларини Оқбулоқ адирларида ўтлатишиади. Орасида битта рақибим бор. Кўшни синфда ўқийдиган Тошқул. У ўрта бўй, миқти, жуда чайир бола эди. Аммо ўйлаган ўйи, қилган иши ёмонлик. Айниқса менга кўп тегажоғлик қиларди. “Етимча – етти кулча”, деб масхараларди доим. Ўтлоққа ўнта кўйимизни ҳайдаб келаман. Ораларида қўзилаган совлиқлар бор. Тошқул шунчаки ўтиб кетаётib ҳам бирорта кўзичогимни қулоғидан тортиб, судраб қолади. Совлиқ эса “ба-ба”лаб қўзисига талпиниб нола қиласди. Мен, “Кўй, қўйиб юбор!”, деб қичқираман жон ҳолатда. Тошқул тилини чиқариб, масхара қилганча нари кетади. Бир куни шу қилигини тақрорлаганда ёқалашиб кетдик. Мен калтак едим. Чунки у мендан анча бақувват, ўзғир эди. Шундан буён зориллайману олдига боришга юрагим бетламайди.

Ўша куни Тошқулнинг яна жини қўзиди. Рогаткаси билан тош отиб ҳамма болаларнинг кўйларини тиркиратиб юрди. Бир пайт Олапар итим жон ҳолатда ангиллаб ўзини ерга отди. Югуриб олдига бордим. Қорнига ўткир тифли тош санчилибди.

- Итингди ўлдираман! – Тошқулнинг совуқ дағдагаси эшитилди орқадан.
- Қарасам, кўлида рогатка билан ўқрайиб турибди.
- Итинг қўйларимди хурkitди, етимча! – у кучаниб қичқиреди. – Ўлдираман унингди!

## Абдужалол РАХИМ

Мен Олапарни түсіб туриб олдим. Ҳайтовор, ярамас Тошқул ортига ўгирилиб, үзининг қўйлари ёққа кетди. Олапарнинг кўзидан ёш оқарди. Оғриққа чидомасдан одамдек йиғларди. Қорнининг тош санчилган жойида қон юқи кўзга ташланарди. Барчиной опамнинг киссамга тоза рўмолча солиб қўядиган одати бор эди. Ўша рўмолчамни чиқарип, итимнинг жароҳатига босдим. Олапар бир-икки типирчилаб, ўрнидан турмоқчи бўлди. Бошини силагандим, мени тушунгандек тинчланиб, яна ётиб олди. Бироз шундай ўтиргач, рўмолчамни оламан десам, у жароҳатга ёпишиб қолибди. Тегмай қўя қолдим. Кўйларимни хайдаб уйга қайтдим. Олапар ўзини авайлаб, ортимдан эргашди.

“Оврувдон чанчув жомон, гаптан қонкув”, дейишади Зомин томонларда. Касалликлар орасида санчик, гаплар орасида кесатиқ ёмон дагани-да. Тошқул етимча – етти кулча, деб кўнглимни яралади, камига рогаткадан тош отиб, итимнинг танасини жароҳатлади.

Кўйларни хайдаб, Олапар билан ҳовлимиизга кириб келганимизда уйда ҳеч ким ўйқ эди. Жездам фермада – ишда. Барчиной опам ҳам қаергадир чиқиб кетган экан. Олапарни етаклаб бориб, ини олдига ётқиздим.

Итим тузалиб қолганди. Лекин Тошқулни эсласам, газабим қайнайди. Бугундан у маҳлукни яқинимга ўйлатмайман, деб ўзимга сўз бердим. Керак бўлса муштлашаман! Калтак есам ҳам, барибир ундан ҳақимни оламан!

Шу пайт бирдан қаттиқ шамол туриб, ёмғир томчилади. Уйга қайтаётганимда тоғ томонда қора булат пайдо бўлганини эсладим. Кўп ўтмай, ёмғир томчилари йириклишиб, ҳовлидаги тўнтарилган кир тогорани даранглатганча савалай бошлади. Бир зумда шаррос сел қуйиб берди. Олапарни инига киргиздим. Барчиной опам тикиб берган эгнимдаги кўйлагим шалаббо бўлиб кетган, мен эса кўлларимни мушт қилиб, қаршимдаги кўринмас рақибимга ташланмоқчидек тишланиб жойимдан жилмасдим. Шу дақиқадан эътиборан айтганини қиласиган, ўзи учун, севимли ити Олапар учун кураша оладиган Илҳомга айландим.

Бу вақтда бутун ҳовлимиизни тақира-туқур овозлар босиб кетганди. Ялангбош бўлганим учун менинг бошимга ҳам катта-ката дўл доналари келиб туша бошлади. Инида ётган Олапаримга қараб олдим-да, уйга томон югурдим. Шу пайт кўчадан кўй туёқларининг дупури, болаларнинг қичқирган товушлари келди. Улар адирдаги кўйларини ҳайдаб қайтишаётган эди.

Барчиной опам кўчадан кириб келганида дўл ҳам, ёмғир ҳам тинганди. Мен итимнинг ини олдиди чўнқайиб ўтириб, Олапарга нон бераётгандим.

- Илҳом, Илҳомжон! – опамнинг ҳаяжонли овози эшистилди.
- Ҳов, опча? – итнинг ини ортидан бошимни кўтардим.
- Хайрият! Кўйларинг бутунми?
- Ҳаммасини қўрага қамадим, қўзиларниям.
- Дўконга, харажатга чиқиб эдим. Сел қаттиқ келди! Тағин дўлга айланганини қара-я! Дўл тинган ҳамон буёнга югурдим. Сен адирда эдинг-да, хавотир олдим.
- Мен аввалроқ қайтган эдим.
- Хайрият, яхши қилибсан, отам. Тошқул жўрангнинг совлифи жарга қулаб нобуд бўлиби-ку, ҳали эшитмагандирсан?
- Йўқ-қ... – гапим оғзимда қолди.

Опамга нима деб жавоб қилишни билмадим. Ичимдаги бир овоз, “Килмишига яраша бўлиби”, деди. Бошқа, ундан кучлироқ ҳайкириқ эса, “Уйидагилардан калтак ёётгандир, бечора”, дея уни босиб кетди. Тошқулга раҳмим келишини ўзим кутмагандим. Жуда чатоқ бўлиби... Адирдан қишлоққа кираверишда чукур

жарлик бор. Баҳор ойларида пастдаги сойдан лойқаланиб ёмғир суви оқиб ўтади. Тошқулнинг кўйи шу жарликка қулаган. Инида жимгина ётган Олапарнинг бошини силаб ўтириб, ўша совлиққа жуда-жуда ачиниб кетдим.

Шу куннинг эртасига Тошқулни мактабда учратдим. Биз ёнма-ён синфларда ўқирдик. Қишлоғимизнинг ўртасидаги мактаб биноси аввал “сельсовет” бўлган. Поллари эскириб, юрганимизда нола чекаётгандек ғижирлайди. Синфларга кираверишдаги йўлакда бир-бirimизга рўпара келдик. Тошқулнинг қовоғи солик, уйқусираётгандек бошини эгиб олганди. Яқин келганида чап юзи қизарип, шишганига кўзим тушди. У менга ўқрайиб қаради-да, индамасдан синфига кириб кетди. Демак, ўлган совлиқ учун қалтак еган. Ферма мудири бўлиб ишлайдиган отаси ичкиликка муккасидан кетган, башараси совуқ одам эди. Барчиной опам менга айрим кунлари жўрангни уйи яна нотинч, деб қоларди. Тошқулнинг шафқатсизлиги шунданми, деб ўйлайман баъзи пайтлар.

\* \* \*

Ойдин кеча сирли ва сокин эди. Иккимизнинг ҳам бирдай уйқимиз келмаётган, мен Илҳомнинг ҳикоясини берилиб тинглардим. Қамишзордан кўтарилиб, тунги базмларини қураётган чивинлар чақиб безор қила бошлади. Шундай бўлсаям, дим хонадан кўра ташқаридаги салқин тун ҳавосида ўтириш мароқли эди. Бир пайт узоқда машъала ёқилди. Ярим кечаси ёнган бу гулханга ажабланиб тикилиб қолдим.

– Чўпонлар ёқиши, – деди Илҳом менинг ўша ёққа қараб қолганимни кўриб. – Тўқайдан чиқсан бирорта йиртқичнинг шарпасини сезишса шундай қилишади.

Дарҳакиқат, яқин-атрофда чиябўрилардан бошқа йиртқичлар ҳам бор. Сирдарёning эски ўзанлари ботқоқлик, тўқайзорларга айланган. Шу ерлардан минг бир жониворлар бошпана тутишган.

– Энди кириб ётайлик, – деди Илҳом. – Саҳарда фермага борамиз, касал сигирларни кўришимиз керак.

– Кейинги ҳаётингни билишга қизиқиб қолдим.

Илҳом менга бир қараб олди. “Бу журналистлар ғалати-да”, деб ўйлади, чамаси. Ҳар қалай сўзсиз нигоҳини шундай тушундим.

– Эртага гаплашамиз, – деб кўя қолди кейин.

Биз дарвозани ичкаридан кулфлаб, уйга кирдик. Ётоқ хонасида тўртта каравот бор эди. Чивин кирмаслиги учун симтўр тутилган деразалар ланг очиқ, шундан хона салқин тортибди. Узоқ йўл босиб келганим учун чарчабман. Илҳомни билмадим, мен қотиб ухлабман.

Хонага тонгги қуёшнинг ilk нурлари тушганда тиниқиб уйғондим. Илҳом ўрнида йўқ эди. Каравот тутқичига илиб кўйилган сочиқни олиб, ҳовлига чиқдим. Чўлнинг сахарги ҳавоси ниҳоятда ёқимли. Илҳом кеча “умивальник”, деб кўрсатган бет-кўл ювгичда муздек сувни сачратиб ювингач, бардамлашдим. Ветеринария бўлимига келганимдан бўён кўрганларим хотирамга мустаҳкам ўрнашиб қолаётган эди. Бир лаҳза шуларни хаёлимдан ўтказдим. Бинони айланиб ўтганимда ҳовлида Илҳом кўринди.

– Яхши ётиб турдингми, Азиз? – деди самимий жилмайиб. – Бу ерда шахар шароити йўқ.

– Аскар бўлганман-ку, коровулда қуруқ тахтага ётиб ухлардик. Сен эркалатиб юбординг аслида.

## Абдужалол РАХИМ

Биз ошхонага кириб, тез нонушта қилдик-да, сўнгра фермага жўнадик. Чўлдаги давлат хўжалигининг чорвачилик фермасигача тахминан уч чақирим йўл юрдик. Илҳом йўл-йўлакай ўзи тадқиқот олиб бораётган тейлериоз касаллиги ҳақида гапириб борди. Унинг айтишича, касалликни жуда тез аниқласа бўлади. Молниг лимфа тугуни катталашиши, танасида ҳарорат кўтарилиши, юрагининг безовта уриши тейлериозга хос экан. “Касал сигир ориқлаб кетади, тез чора кўрилмаса, нобуд бўлади”, деди у ачиниш билан бош чайқаб.

Ферма қишлоқдан анча четда эди. Кўш тавақали дарвозадан кирганимизда кеча мен кўрган йигит Ортиқбой қаршимиздан чиқди. У фермада қолган экан. Кўлида қалин дафтар бор. Кўзлари қизариб, қовоқлари салқиганидан тун бўйи ухламагани билиниб турибди. Шундай бўлсаям, такаллуф билан кулимсиради.

- Ака, яхши дам олдингизми? – деди саломлашаётib.
- Яна ухламабсан-да! Укам бўлсанг ҳам жазолайман энди, – Илҳомнинг овозида жаҳлдан кўра меҳр кўпроқ эди.

Мен унга қарадим. “Наҳотки опасининг ўғли, ўша, болалигида етаклаб юрган “укача”си шу девдек лаборант йигит бўлса?!” деган ўй ўтди хаёлимдан. Адашмаган эканман.

– Ортиқбой ўзимнинг укам, – Илҳом кулимсиради. – У ҳам институтимизнинг ветеринария факультетини тугатган. Илмий иш қилмоқчи. Аммо биринчи навбатда олимнинг ўзи соғлом бўлиши кераклигини унтиб қўяди. Илм излаган одам саломатлигига қараши шарт.

– Ухломадим, ака, – Ортиқбой узрхоҳлик билан бошини эгди. – Сигирларни олдидан кетиб бўлмади. Бирори бўғоз экан, бола ташлаб қўиди.

– Шундай, де?.. Афсуус, ёмон бўлибди, – Илҳом лабини тишлаб, бош чайқади. – Тейлериозга кучимиз етмаяпти! Энди қолган сигирларнинг жонини асраб қолиш керак!

– Ҳамма кўрсаткичларни соатма-соат ёзib боряпман, – Ортиқбой қўлидаги қора муқовали қалин дафтарига ишора қилди.

Илҳомнинг кайфияти тушиб кетганди. Қўлини силтаб, молхоналар томонга тез-тез юриб кетди. Биз ортидан эргашдик. У қаторасига курилган бешта каттакатта, узун молхоналар ёнбошидаги чоғроқ бино олдида тўхтаб, кескин ортига ўтирилди:

– Қани, хаста сигирларни кўрайлик-чи, – деди Ортиқбойга жиддий тикилиб. Биз бирин-кетин бино ичкарисига кирдик. Бу қорамоллар учун мўлжалланган ветеринарияшифохонасиэди. Кенг, яхлитуйнинг бурчагига моллар маҳкамланадиган тўсикли мослама – “фиксатор” ўрнатилган. Мен бундай мосламани илгари ҳам кўрганман. Унда ветеринар касал молни кўриқдан ўтказиши, муолажа қилишини олдиндан билардим. Атрофдаги деворлар оппоқ қилиб оқланган. Оқланган тахта тўсик билан ажратилган бўлмаларда иккита оқ-кора тусли сигир ётибди. Чапдагисининг бошини ёш молбоқар йигит ушлаб ўтирибди. Оқ халатли ўрта ёш киши чўйкараб, сигирнинг бўйин томирига игна санчди. Биз унга ҳалал бермаслик учун кираверишда кутиб турдик. Ветеринар қўлидаги пахтани игна санчилган жойга босди. “Худди одамни эмлагандек-а!” деган ўй кечди менинг хаёлимдан.

– Ҳорманг, Ҳасан ака, – деди Илҳом укаси Ортиқбой тутган оқ халатни кияётib. Бу пайтда Ҳасан ака таҳлил учун олинган қонни столдаги пробиркага бўшатарди. У ўрганиб қолган ишини чаққон битирди-да, биз томонга келди.

– Илҳомжон, сизни кутаётгандик, – деди самимий сўрашиб. – Ортиқбой укангиздан тайинлаб юборган экансиз, қон олиб қўйдим.

— Раҳмат, ака, — Илҳом ўзи билан олиб келган тибиётчилар кутисидан стетоскопини олиб, сигирнинг олдига борди. Юрагини эшитиб, иккинчи сигирга ўтди.

— Ортиқбой туни билан ухламабди, — Ҳасан ака Илҳомга гапира туриб бошини чайқади. — Укангиз куйинчак йигит-да, молларга ўзининг жигаридаи ачинади. Кўк ўт, илдизмеваларни майдалаб берди. Ҳар ярим соатда сув тутади.

— Шундай қылсак, сигирлар омон қолишади. Тейлериоз оғир дардлигини биздан ҳам кўп кўргансиз.

— Шундай-шундай, Илҳомжон. Касал бошланганда шу ердалигингиз яхши бўлдими дейман-да, — Ҳасан ака қўлинини қўксига кўйиб гапиради. — Ҳар гал бирор кори ҳолнинг олдини олиб қоласиз.

— Мақтаб юбордингиз, Ҳасан ака, — Илҳом хижолат тортиб кулимсиради. — Аслида, сизнинг тажрибангиздан фойдаланяпман.

— Балки шунақадир, ука, — Ҳасан ака чуқур тин олди. — Аммо сиз катта олимсиз.

— Унчаликмас, Ҳасан ака, тажрибада гап кўп.

— Ўтган йили тейлериозга йўлиққан сигирни бир ҳафтага қолмасдан тузатганингизни кўрган эдим. Баъзан ишингизни кузатиб, ҳайрон қоламан, жудаям берилиб кетасиз. Балли, ука! Олим деган шундай бўлибди-да.

Илҳом, Ҳасан ака, Ортиқбойлар шу ерда узоқ қолишди. Гоҳ сигирларнинг елинини пайпаслашар, гоҳ оғзини очиб, тилини кўришар, кўзи ёшланиб, қуруқ ўйтал тутаётган жониворларни силаб-сийпалашдан чарчашмасди.

Биз фермадан кеч кирганда қайтдик.

— Ҳасан ака сигирларни мен ишлаб чиқсан тавсиялар бўйича даволаяпти, — Илҳом йўл-йўлакай тушунтириб борди. — Бунда қорамолнинг согайиши муддати икки бараварга қисқарди. Бу жудаям яхши кўрсаткич! Янги услугуб тажрибадан яхши ўтса, қанчалик иқтисодий фойда беришини тасаввур қилолмайсан...

Журналистнинг иши қизиқ-да, бугун ўзимни бутун умр мана шу одамлар билан яшаётгандек хис қилдим.

— Илҳом, молларга шу ёвуз касалликни тарқатаётган каналарни қириб юбориш керак! — дедим хаёлимга келган ажойиб фикрдан завқланиб. — Бунинг иложи бор-ку? Бизда кимё саноати ривожланган!

Илҳом менга кулимсираб қаради. Кейин қўли билан қаршимиздаги кенгликларга ишора қилди:

— Бу ерларда ўт-ўланлар кўп. Қанчадан-қанча йирик, майда жонивор, ҳашаротлар бор. Табиатнинг ўзи шундай мувозанатни яратганки, четдан бирор таъсир қилиш хатарли. Уни бузсак, ҳайвонот оламида ҳалокат содир бўлади. Биргина канани йўқ қиласман, деб бу ўтлоқларнинг бошқа фуқароларини ҳам қириб юборишмиз мумкин. Билсанг, эллигинчي йилларда Хитойда чумчуқларга қирон келтиришган. Натижада турли чивинлар кўпайиб кетган...

Илҳом билан суҳбатга берилиб кетиб, ветеринария бўлимига етганимизни сезмай қолибман. Узоқдан таниш оқ бино кўринганда кун ботаётган эди. Бу ерда узоқ қолиб кетаётганимни таҳририятга хабар қилолмаганимни ўйлаб, безовталандим. Ўйдагилар ҳам хавотир олишади...

— Бугун ҳам қолишимни хабар қилолмаганим чатоқ бўлди-да, — дедим ветеринария бўлими дарвозасидан кираётганимизда.

— Қўнғироқ қилсанг бўлади-ку, бизда алоқа яхши, — Илҳом хотиржам овозда шундай деди.

— Қандай?..

## **Абдужалол РАХИМ**

– Столимдаги телефон аппаратига кўзинг тушмабди-да ҳали?.. Э-э, кечирасан, ҳисобот ёзаётганимда сугуриб кўйгандим, шу бўйи қолиб кетибди.

– Ҳа-я, бирор марта қўнгироқ бўлмади. Бу овлоқ жойда телефон алоқаси бўлмайди, деб ўйлаганимдан мен ҳам сўрамабман.

– Икки чақирим наридаги автобазадан сим тортиб келтиришган, – изоҳ берди Илҳом. – Алоқа яхши.

У хонага кирганимиз ҳамон телефон симини улади. Шу заҳоти коммутатор билан боғланиб, мен берган рақамни айтди. Гўшакдан газетамизнинг масъул котиби, устозим Раҳматулла Исломовнинг таниш овози эштилди. Газета саҳифаланаётгани, бу сонга ўзи навбатчи эканини айтди у киши. Тез-тез гапириб, уч-тўрт кун қолиб бўлса ҳам ишимни битириб келишимни тайинлади. Шундан кейин уйга, дадамнинг хонасидаги телефонга қўнгироқ қилдим. Дадамга ҳар эҳтимолга қарши бир неча кун қолишим мумкин, деб қўя қолдим.

Ошхонага кирганимда Илҳом кечки овқат тайёrlашга киришиб кетганди.

– Бугун флотча макарон еймиз, – деди капгир билан чўян қозончада жизиллаб қовурилаётган қиймани айлантиаркан.

– Яхши ошпаз экансан, оғайни.

– Талабаликда ўрганганмиз. Бошқа пайт қозон-ўчоққа лаборант йигитлар қарашади.

Биз кун бўйи фермада тик оёқда туриб чарчаган эдик. Тушлик ҳам ҳаминқадар бўлган. Аввалги кундагидек бирга ўтириб, Илҳомнинг флотча макаронини паққос тушириб, косаларимизниям ялаб-юлқаб қўйдик. Чарчоқ енгаётган бўлсаем, мен дастурхон тезроқ йиғиширилиб, кечагидек сайҳонликка чиқишимизни кутдим. Шундай ҳам бўлди. Биз яна ветеринария бўлими ташқарисига чиқиб, тол остидаги харракка ўтиридик. Сайҳонликка тун пардасини ёя бошлаган. Мирзачўл замини кундузги офтоб жазирамасидан қутулиб, ором олаётир. Тун салқинида инидан чиққан бирорта жонивор қамишларни шилдиратганча ҳар замон қаёққадир югуриб қолади. Кўланка сингари қуюқлашиб бораётган кеча ботиний туйғуларимизни уйғотади.

Бироз вақт иккимиз ҳам қоронгилик қўйнига сингиб бораётган сайҳонликка тикилиб ўтиридик. Ҳар ким ўзининг хаёллари билан банд эди. Илҳом, молларга чунон азоб бераётган гаддор касалликни енгиш режасини ўйида пишитаётган бўлса ажаб эмас. Мен эса унинг кеча, ойдин тунда айтган ҳикоясини эслаб кетдим. Дўстимнинг полвон келбатли Барчиной опаси, узун бўй, қоп-қора, чиллашир Ўрол жездаси бир-бир хаёлимда жонланди. Рогаткадан ўткир киррали тош отиб Олапарни яралаган Тошкулнинг совуқ башараси кўз олдимдан ўтди...

– Кейин-чи, кейин Тошкул ўзгардими?! – деб юбордим бехосдан. Гапирганимни ўзим ҳам сезмай қолгандим. Чунки Илҳом кеча айтиб берган воқеалар бутун борлигимни қамраб олганди. Тол остидаги харракакда – ёнгинамда ўтирган Илҳом туйқусдан берган саволимдан ажабланиб, менга қаради.

– Кеча айтганларинг ёдимга тушди, – узрҳоҳлик билан изоҳладим мен.

– Журналистлар қизиқувчан бўлишади, – Илҳом очиққўнгиллик билан кулими сиради. – Йўқ, Тошкул сираям ўзгармади, Азиз. Айтган эдим-ку, менга кўланкадек эргашиб юради, деб... Қора кигиз ювган билан оқармайди, дейишади. Олапар воқеасидан кейин, аксинча, Тошкул ёвуз рақибимга айланди. Ундан кўрқмай қўйдим. Бирор ишқал чиқарса, муштлашаман, деб кута бошладим. “Калтак есам ҳам майли, аммо ўзининг-да оғзи-бурнини қонга тўлдираман!”, деган сўзлар айланарди хаёлимда. Нихоят қаҳратон қишилласида шундай воқеа рўй берди.

Мен тўртинчи синфда ўқиётганимда Барчиной опамнинг ўғли Ортиқбой биринчи синфга борди. Укамни ўзим етаклаб, катта қилганман. Унга озор етса жонимни қўйгани жой тополмасдим. Бир куни Ортиқбой уйга кўзида ёш билан келди. Қўлидаги яп-янги портфели ғижимланган қоғозга ўхшаб қолибди: майишиб, бир ёни йиртилган, дафтар-китоблариям жиққа ҳўл.

– Нима бўлди?! – укамнинг аҳволини кўриб капалагим учди.

– Тошқул папкамда муз учди, – кўзини ишқалаб йиглаб юборди Ортиқбой.

Уйда ҳеч ким йўқ эди. Ўрол жездам фермада. Опам у пайтлар сут соғувчи бўлиб ишлар, сигирларнинг соғин пайти аллақачон тугаган бўлсаям, ҳали фермадан қайтишмаганди. Мен дераза олдига қўйилган хонтахтада дарс тайёрлаб ўтирган жойимдан сақраб турдим. Ортиқбойнинг қўлидан портфелини олиб, укамни қучоқладим.

– Йиглама, ўғил бола йигламайди.

– Попкам... – энди у бор овозда йиглаб юборди.

– Сенга ўзимнигин бераман!

Соддагина укачам бурнини тортиб, менга умид-ла қаради:

– Ростдан берасизми?

Ўша йили иккимизгаям янги портфель олиб беришганди. Уники қўқ, меники жигарранг. Иккимиз ажратиб олишимиз осон бўлсин, деб шундай қилишган. Ичимдаги газабимни базўр босиб турадим. Тошқул укамни мазах қилиб устидан кулаётгани, яп-янги портфелига ўтириб, музламада учайдиганда ҳаёлимдан кетмасди. “Ҳали сенга кўрсатиб қўяман, Тошқул! – дедим ўзимча. – Энди, тинка-мадорим куригунча сен билан муштлашаман! Укамниям, Олапар итимниям ўчини оламан!”

Мен дарров ўзимнинг жигарранг портфелимдан китоб-дафтарларимни чиқариб олдим-да, уни укамнинг қўлига тутқаздим. Укамнинг портфелини бўшатаётиб, иккита китобу бир нечта дафтардан иборат бисотини қуритиш учун печка олдига териб қўйдим. Портфелинг бир ёнбоши чокидан сўқилиб кетганди. Бунга эътибор бермасдан, қуруқ латта билан артиб тозалагач, унга ўзимнинг китобларимни жойладим. Ортиқбойнинг анча кўнгли тинчиidi.

Барчиной опам фермадан қайтганида ҳеч гап бўлмагандек кутиб олдик. Ортиқбоя портфель воқеасини айтмасликни тайинлаган эдим. Менинг портфелимга эга бўлгани учун у айтганимга кўнди. Укамнинг булар барини кейинчалик опамгаям, Ўрол жездамгаям оқизмай-томизмай етказишини билардим. Аммо Тошқул билан ҳисоб-китоб қилиб олгунимча сир бўлиб тургани маъқул, дея ўйлардим.

Мактабимизда синфхоналар етишмагани боис биз тушдан кейин ўқирдик. Дарслар бошланишига ҳали вақтли эди. Укамни ёлгиз қолдирдим-да, Тошқулни излаб, кўчага чиқдим. Бунинг учун Барчиной опамдан дакки эштишишни билардим. Шундай бўлсаям, мен ғазабимга чидолмаётган эдим. Ахир укамнинг кўзёшларидан ташқари Тошқулнинг ҳар дуч келганда масхаралаб камситишларидан ўзим ҳам роса тўйгандим.

Ўша куни қишининг изгирини авжига чиқди. Мен калта қора тўнимга ўраниб олганман. Кўчада у ёқ-бу ёққа аланглаб, бироз турдим. Сўнг таваккал қилиб, Тошқулларнинг уйи томонга юрдим. Биз қишлоқ ичкарисида турмиз, уларники эса адирликка яқин. Йўлда дўнглик бор эди. Ўша ерда Тошқулнинг қораси кўринди. Этаги узун қора чопонда, телпагининг қулоқчини ҳавода ҳилпираб муз учарди. Яқинлашиб қараганимда у менинг кўзимга ириллаб хезланган итга ўхшаб кўринди. Шу қутурган итнинг ташланишини кутмасдан, шиддат билан

## **Абдужалол РАХИМ**

у томонга юриндим. Тошқул дүнгга чиқиб, энди пастилкка сирпанмоқчи бўлиб турганида менга кўзи тушди. Илгари ҳам бир-икки марта сен-менга борганимиз учун, у менинг нима мақсадда югуриб келаётганимни тушунди. Жим туриб кута бошлади. Атрофда музлама учайтган тўрт-бешта бола ҳар томондан келиб, бизнинг яқинимизда тўпланишди. Мен қаққайиб турган Тошқулнинг ёнига қандай етиб борганимни билмайман.

– Нимага ҳовлиқиб юрибсан?! – деди у қўлларини мушт қилиб. – Укангни ўчини олгани келдингми?!

– Ҳа!

– Етимча! – шунда мен томонга чигирткадек сакради Тошқул.

У чайир, жуда чаққон эди, қандай келиб юзимга мушт туширганини англамай қолдим. Бурним оғриди, лабимга илиқ бир нарса оқди. Бу қон эди. Елимдек ёпишқоқ қонни кафти билан сидириб тушладим-да, жон-жаҳдим билан Тўшқулнинг бўйнидан бўғдим. Биз бир-биримизга чирмасиб, ерга қуладик. Шундаям у яна бир мушт туширишга улгурди. Мен юзига калла қўйдим. Икковимиз думалашиб, музламадан пастилкка сирпаниб тушиб кетдик. Болалар атрофимизда чувуллашар, биз бир-биримизга аямай мушт туширардик. Шудам бизларнинг томиrimизда қадим аждодларимизга хос жангарилик қони кўпирганди. Гўё вақтдан ажралиб, ўзга бир қабоҳат оламига тушиб қолгандек эдик.

– Тур ўрнингдан! – шу пайт кучли бир қўл елкамдан тортиб, ўзимга келтирди.

Бу Ўрол жездам эди. У оппоқ қорли заминда чақмоқ урган дараҳтдек қорайиб кўринар, бурнини тортиб, шумшайиб турган Тошқулга дакки берарди. Уйга етиб келгунимизча жездам бошқа бир оғиз ҳам гапирмади. Бизни фермадан қайтган Барчиной опам қарши олди. Аҳволимни кўриб, унинг капалаги учиб кетди. Жездам Тошқул билан муштлашганимни айтганида:

– Отам, нега ўйтдинг? – деди лабини тишлаб.

Ортиқбой укам онасига портфель воқеасини айтган экан. Бироз вақт мен билан ҳеч кимнинг иши бўлмади. Юз-қўлимни ювдим. Лабимнинг шилингнан жойи ачишиб оғрирди. Ўрол жездамнинг соқол олишда ишлатадиган юмалоқ ойнасига қараб, энди мактабдагиларга қандай кўринаман, деган хаёлдан ичим шувуллаб кетди. Ахир лабим бўғирсоқдек шишиб чиққан, бурнимнинг бир четида қон қотиб ётар, ўнг кўзимнинг атрофи сиёҳ суртилгандек кўкариб кетганди. Очиқ эшикдан Барчиной опам билан жездамнинг гаплари эшитилди. “Безори бўлиб кетса, қайтамиз?!” деди опам хавотирланиб. Ўрол жездам эса бу хотиржам эди. “Кўябер, укаласини қўриқласа ёмонми?” деб қўя қолди у. Жездамнинг гапини эшитиб, кўнглим таскин топди. Қаҳри қаттиқ Ўрол жездам ҳақиқатпарвар, меҳрибон одамдек кўрина бошлади кўзларимга.

\* \* \*

Йиллар ўтиб борарди. Бўйим чўзилиб, оқ-қорани ажратадиган бўлдим. Барчиной опам аввалгидек меҳрибон, Ўрол жездамнинг эса мен билан иши йўқ эди. Улар Ортиқбойдан ташқари яна уч ўғил кўришди: Усмонкул, Мелобой, Тўйчибой. Мен ҳамма укаларимни яхши кўрардим. Ўзимни тўртала укамдан айро тасаввур қила олмасдим. Аммо шундай бўлсаям, онамни бот-бот эслайверардим. Айниқса, Барчиной опам ўғилларини эркалатганида онамнинг иссиқ кучоги ёдимга тушарди. Ахир онанинг қўйнига олиб ётиб ухлатганларини унутиб

бўларканми! Онам оламдан ўтган йиллари гўдак бўлсам ҳам, унинг қатиқлаб ювилган икки ўрим сочининг ҳидини ҳанузгача туйгандек бўламан.

Ҳаёт етимчага бол тутмайди, деганлари рост экан. Яхши-ёмоннинг фарқига бориб, эркаклик ғурури уйфона бошлаган ўспиринлик давримда синик кўнглим яна бир зарбага дуч келди...

Ўшанда ўнинчи синфда ўқирдик. Синфдошим Гулқизга муносабатим ўзгара бошлаганини ўзим ҳам сезмай қолибман. Улар бизга кўшни туришар, биринчи синфда ўқийдиган пайтларимиз кўпинча мактабга бирга кетардик. У жажжигина, ёқимтой қизалоқ эди. Отаси узоқ жойларга қатнайдиган шофёр бўлгани учун, кийган кўйлаклариям бошқа қизларнидан ажралиб турарди. Айниқса, синфдош қизларимиз “шакар шойи”, деб мақтайдиган қора-қизил барг нусха қўйлагини кийганида очилиб кетарди. Ўзим улғайганимиз сари, Гулқизга бўлган меҳрим ҳам ўса борди. Бора-бора уни бошқа болалардан қизғанадиган одат чиқардим.

Мактабимизнинг орқа ҳовлисида бир туп чинор бор эди. Ажин қоплаган йўғон танасига катта одамнинг қучоги етмайди. Биз ҳар куни танаффусда синфдошларимиз билан ушбу чинор соясида ўралашиб юрардик. Бир куни шу ерда Гулқиз билан узоқ гаплашдим. У ҳамширалик билим юртига ўқишга кирмоқчи бўлиб юрар, биология фанини жон-дилимдан яхши кўришимни билгани учун мендан нуклеин кислоталар ҳақида сўраб қолди. Бу ирсий материал хужайра ядросида бўлгани сабаб, хужайра тузилишидан бошлаб узоқ тушунтирдим. Сезмаган эканман, бизни ўзларининг синфи деразасидан Тошқул кузатиб турган экан. Мактабдан қайтаётганимда, у кўччанинг овлоқ жойида рўпарамдан чиқди. Газабдан башараси тиришиб кетган.

– Илҳом, сенда гап бор, – деди илондек совуқ тикилиб.

Зомин томонларда айтишганидек, Тошқулнинг оти кўндаланг чопади: ҳамиша бир терс гап гапириб турмаса бўлмайди. Биз йўлдан четга бурилдик. Иккала синф болаларининг ҳам ўтиб кетишиларини кутдик. Тошқул қовоғини уйиб олган. Сезиб турибман, бугун ундан яхшилик чиқмайди. Бу аламини зўрга ютиб, қизариб-бўзаришидан кўриниб турарди. Фақат гап нимада эканини тушунмасдим, холос.

Кеч кузак пайт эди. Охирги мактаб ўқувчилари ҳам ўтиб кетгач, Тошқул шиддат билан олдинга ўтиб, қишлоқ четидаги адир томонга юрди. Худди буйруқ берилгандек унинг ортидан эргашдим. Хаёлимда минг битта ўй. Менда нима дарди бор, билмайман.

Адирдаги жарликка етганимизни сезмай қолибман. Бу ўша – дўл ёққан кунда Тошқулнинг совлиғи қулаб нобуд бўлган жой. Тез-тез юриб кетаётган Тошқул шу ерга етганда тўхтаб, кескин ортига ўғирилди. Бу вақтда қоронги туша бошлаганди. Кулранг туман ортидан унинг қонга тўлган иккала кўзи ялтираб кетди.

– Нимага бу ерга келганимизни биласанми?! – деди менга қараб хезланаркан.

Унинг муштлашмоқчилигини пайқагач, мен ҳам хужумга тайёрлана бошладим. У бир сакраб, жигарранг костюмимнинг ёқасидан олмоқчи бўлди. Ўзимни тортганимдан сўнг, иккала билагимга чанг солди. Тирсакларимни кериб, мен унга юзма-юз туриб қолдим. Тошқул ҳансирар, ёқимсиз иссиқ нафаси тинмай юзимга уриларди. Кўлларимни бўшатишга уриниб кўрдиму, уddeалолмагач, пешонасига жон-жаҳдим билан калла қўйдим. Икки қўли ҳавода муаллақ қолган Тошқул гандираклаб кетди. Кўзларидан ўт чиқиб кетгандир ўзиям. Жарликка қулашига бир қадам қолганда, ўзини зўрга ўнглаб:

– Гулқизга яқинлашсанг ўлдирамаан! – деда бўкириб юборди.

Мен унга анграйганимча қотиб турардим. Таним бирдан бўшаши. Гулқиз?..

## **Абдужалол РАХИМ**

Тўхта, у нега Гулқизни тилга олади? Нега-а?! Кўнглимда фалаён қўпди. Шунда Тошкул яна овози борича қичқирди:

– Гулқиз менга бешиккертти қилинган! У буни билади! Тушундингми-и?!

Унинг ушбу гаплари миямга кетма-кет отилган ўқдек санчилди.

Тошкул билан Гулқизнинг оталари тенгдош жўралар. Буни билар эдим. Демак, болаларини бешикдалигидаёқ унаштириб қўйишган. Гулқиз! Шўрлик Гулқиз мана шу ипириски Тошкулга бешиккертти қилиб қўйилган...

– Итсан! Илонсан! – дедим унга ғазаб билан тикилиб. Овозим жарлик деворларига урилиб, акс садо берди...

Биз томонларда бешиккерттига ўхшаган алмисоқдан қолган одатлар ҳанузгача бор. Катталарнинг ўйламай қилган битимлари қанчалаб йигит-қизларнинг кўнгилларини вайрон қилган. Ахир севги юракка сендан сўрамасдан киради. Бу олий туйгунинг сир-асрорини бирорта донишманд еча олганми экан? Қалбингда ёнган оловни ўчириб бўлармиди... Ўшанда Тошкул бошқа бир сўз айтмасдан жўнаб қолди. Мен жар ёқасида афтодаҳол, ҳайкалдек қотиб турадим. Дилем вайрон бўлди. Дунёдаги энг азиз нарсамдан айрилиб қолаётгандай эдим. Ичимга чироқ ёқса ёримайди. Бирдан ўзимни жарликка ташлагим келди. Жиннилик қилиб қўйишим ҳам мумкин эди-ю, Барчиной опамни ўйладим. Опам ўзининг паҳлавон гавдасига номуносиб ғарибина боқиб туради хаёлим кўзгусида. “Сенга нима бўлди, отам, – дея сўрарди у гинахонлик билан. – Укачам жигит бўлиб қолганидан севиниб эдим... Ўзинг биласан, айна, ҳаётда бирам кўп азобларга чидадим. Бунинг роҳатини сендан кўрсам, деб эдим. Сенинг бўлса ҳаётнинг бир зарбасига бардошинг етмадими?”

Барчиной опамнинг хаёлимда жаранг сочган овози такрорланаверди. Мен фикримдан қайтиб, индамай уйимизга қайтдим. Ахволим абгор эди. Уйга кириб келганим ҳамон Барчиной опам бир нима рўй берганини сезди.

– Отам, ким хафа қилди? – дея сўроқлай бошлади.

– Ўқишига киришни ўйлаляпман, – деган гап келди тилимга.

– Кирасан ўқишига, сен кирмай ким кирсин, Илҳомжон? Мактабнинг олди ўқувчиси ўзинг-ку.

Дарҳақиқат, мактабдаги баҳоларим фақат аъло эди. Олтин медаль олишим аниқ бўлиб қолганди. Қишлоқ хўжалик институтига киришга, ветеринар бўлишга аҳд қилиб қўйгандим.

Эртаси куни мактабга хаёлим паришон бўлиб келдим. Биринчи дарс биология. Дарс кулогимга кирмади. Дераза ойнасидан ташқарига қарайман. Шоҳлари баҳор шабадасида енгил силкинаётган чинорга тикилиб ўй сура кетаман. Кечагина шу чинор остида Гулқиз билан ёнма-ён эдик. Аста Гулқизнинг партасига қарайман. У ҳеч гапдан бехабар, янги мавзуни ўтаётган ўқитувчимизга тикилганича ўтириби. Энди унга яқинлашишга ҳаддим сигадими? Ахир Гулқиз Тошкул тўнкага бешиккертти қилинган. Ўзи ҳам буни билармиш... Мен эса Гулқизга бўлган туйгуларим китобларда битиладиганга ўхшаш севги эканини аллақаҷон тушуниб етгандим. Назаримда у ҳам менга бефарқ эмасдек эди. Ё мен адашдимми? Бу шунчаки ҳамсоалик, синфдошлиқ риштасими?..

– Илҳом! – биология муаллимимиз Тўхтасин аканинг овози хаёлимни бўлди.

– Лаббай, устоз? – дарров ўрнимдан турдим.

– Сенга нима бўлди, гапирсам эшитмайсан? Фикрингни жамла, янги мавзуни бошладик.

Мен партага ўтириб, энди Тўхтасин акага тикиламан. У энди гина педагогика

институтини битириб келган янги муаллимимиз. Ниҳоятда озода, тартибли кийинади. Дарсни майин, осойишта овозда шунақаям берилиб ўтади-ки, беихтиёр маҳлиё бўлиб қоласан киши. Мана, ҳозир ҳам одам ва бошқа жониворлар танасидаги ҳаётий жараёнлар ҳақида худди дўхтирларга ўхшаб гапиряпти. Одатда Тўхтасин аканинг дарсларини қулоғимга кўйиб, ёдлаб оламан. Ҳозир бўлса миямдаги хотира қутичаси иккига бўлинган. Бир томонига Тўхтасин аканинг мароқли ҳикоясини жойлаб олишга тиришаман, бошқа қисмида эса Тошқулнинг совук овози эшитилади. Секин бошимни буриб, тағин Гулқизга қарадим. Унинг мен билан иши йўқ, диққат билан дарсни тинглаяпти. Ниманиям ўйласин, Тошқул билан жанжалимиздан бехабар-ку! Хабардор бўлганда-чи?..

Тўхтасин ака эса парталар оралаб юриб, янги мавзуни тушунтиришда давом этади. Тингламаётганимни пайқаб, олдимга келганида қўлидаги “указка” чўпи билан секингина партамга уриб қўйди. Уялиб кетдим...

Дардни яширсанг, иситмаси ошкор қилади, дейдилар. Мендаги ўзгаришни Ортиқбой укам ҳам сезди. Бу пайтда у еттинчи синфда ўқирди. Катта йигит бўлиб қолган. Гўдаклигидан мени яхши кўради. Тақлид қилишларини-ку, айтманг. Уям кишлоқ ҳўжалик институтига ўқишига киришни кўзлаб юарди.

– Ака, нима бўлди? – деди мактабдан қайтганимда. – Ўзгариб қолибсиз?

Дардни бардош енгади. Мен бардошли эдим. Етимлик шунга ўргатди. Отонамдан айрилган кунимдан эътиборан ҳаётнинг ўзи чархлади мени. Аммо йигитнинг шаҳди қайтгунча, хўқизнинг шохи синсин экан. Жудаям тушкун ахволда эдим.

– Гулқиз... – деб юборганимни билмай қолибман.

– Акааа! – ҳаяжонга тушди Ортиқбой. – Яхши кўрасизми, Гулқиз опамди?! – у Гулқизларнинг уйи томонга ишора қилди.

– Тошқулга бешиккертти қилинган экан.

– Ўша қўйнинг қийигами? Уни ҳамма шундай дейди... Гулқиз опамни шунга бешиккертти қилишибдимикан?! Шундай чиройли қизни-я?!

Мен укамга ажабланиб қарадим. Унинг – кечагина ўзим эркалаб юрган укачамнинг гапи кўнглимга бироз таскин берди. Ҳа, катта йигит бўлиб қолибди Ортиқбой. Кўнгил ишларини тушуна бошлабди. Хаёлимда ўша “бешиккертти” ҳеч қачон амалга ошмайдиган, шунчаки бир гапдай туюлди. Ортиқбойга тикилдим. Қошлари қоп-қора, лабининг устида ниш ураётган майсалар қорача юзидаям билиниб қолибди. Ўша жажжигина Ортиқбой йигит бўлаётганди. Укамнинг олдида ғалати ахволга тушдим. Мени нокулайлиқдан яна унинг ўзи куткарди. Ҳали ёш бола, деб ўйлар эканман, у бўлса катталардек гапира бошлади:

– Ака, сизни бундай тушкун, ночор кўришни истамайман, – деди шартта. – Бунақа қилманг, ака, бўлмайди!

– Нима бўлмайди? – унинг эътиrozли гап оҳангидан ҳайратим янаем ортди.

– Ҳар доим сизга ҳавас қилганман, – укам илк бор кўзимга тик қараб гапиради. – Энди бўлса... Бу йил шаҳарга кетасиз, деб кутаётгандим. Ўқишингиз керак! Катта одам бўласиз, ака! Онам шундай дейдилар доим. Мен...

Ортиқбойнинг тутила-тутила айтётган узук-юлуқ гаплари менга қаттиқ таъсир қилди. Шу ёшимда илк бор масъуллик нималигини англаб етдим. Ҳаётимдаги воқеалар, ҳатто ташлайдиган қадамим ҳам энди фақат ўзимгагина тегишли эмаслигини тушундим. Гўё хаёлимда зилзила содир бўлди-ю, ер қаттиқ силкиниб, миямдаги мискин ўйларни пароканда қилиб юборди...

Мактабдаги ўкув йилимиз якунланишига саноқли кунлар қолганди. Кимнинг

## Абдужалол РАХИМ

ўқишига бориши ёки бирор ишга кириши маълум. Менинг ветеринар врач бўлишга аҳд қилганимни ҳам синфдошларим яхши билишади. Бу орзу кўпдан кўнглимга ўрнашган. Тошқул рогаткасидан тош отиб Олапарни яралагани, вафодор итимнинг қанчалар азоблангани сира ёдимдан чикмади. Ўшанда жониворнинг жароҳатини ҳар куни ўзимча муолажа қиласадим. “Отагинам, сен фермамизда катта дўхтир бўласан-ов”, деган эди, ҳаракатларимни кузатиб турган Барчиной опам. Фермадаги “катта дўхтир” қишлоқдаги энг обрўли одам. Шу ўй хаёлимга ўрнашиб олган. Кейинчалик Ўрол жездам билан фермага бориб, ишларига қарашиб юрдим. Кўп бор молбоқарларнинг “ветврач келаётir”, деб хушёр тортганларини қўрдим. Ўшанда мен ҳам ветеринар бўлишга қарор қилганман. “Гапнинг жони бор, – дерди адабиёт ўқитувчимиз Бакир ака. – Одамни ўлдиришиям, ўликни тирилтиришиям мумкин”. Ортиқбой укамнинг алам билан айтган гаплари менга жон бағишлади. Шу кундан яна дарсларга берилиб кетдим. Кимё, биологияни тақрорлашга кирищдим. Ўқишига кираман, деб қаттиқ мақсад қилдим.

Шу йили баҳор жуда тез тугагандек бўлди. Кўклам адоғига бориб ўқув йили якунланди. Мен мактабни олтин медаль билан тугатдим. Жажжиғина медалимни туман марказида, катта йиғилишда тантанали қилиб топширишди. Йиғилишга Барчиной опам ҳам борди. Мени қучоқлаб йиглаб юборгандари ҳозир ҳам кечагидек эсимда.

– Ўзимдинг укам, отагинам! Онамдан қолган ёдгорим, – пицирлар эди опам йигламсираб. – Айланай сендан...

– Опа, йигламанг, – дейман атрофдагилардан уялиб.

– Фермамизда катта дўхтир бўласан-а? – опам эса ҳеч кимга эътибор бермасдан мени маҳкам қучоқлаб олган эди.

– Хўп, опа, ветврач бўламан! Ортиқбойниям ўқишига олиб бораман.

Бу Барчиной опамнинг ҳаётидаги энг бахтли кун эди. Уйга кела-келгунимизча мени алқаб, тинмай гапирди. Отамиз, онамизни эслади. Уларнинг рухлари шод бўлаётганини айтиб, тавоф қилди...

Битирув кечасини Гулқизларнинг уйида ўтказадиган бўлдик. Синфимиздаги қизлар шундай келишишди. Гулқизларнинг ҳовлилари катта эди-да, гулхан ёқилишини ҳам ўйлашган. Қишлоқда одатимиз шундай – мактабни битирув кечаси гулхан ёқиб, ўйин-кулги қиласиз. Гулнора, Махсума, Тўфанисалар елиб-югуриб зиёфат дастурхонини тайёрлашди.

Ховлидаги гулхан чирс-чирс қилиб ёнарди. Мен зимдан Гулқизни кузатдим. У елиб-югуриб хизмат қиларди-ю, чехраси ташвишли эди. Олдига бориб гаплашай десам, атрофидан синфдош қизлар кетишмайди. Бирори кўрпача, бошқаси бориб чойнак қаердалигини сўроқлади. Ховли ўртасига ёқилган гулханга ўтин ташлаб ўтириб, унинг ёлғиз қолишини пойладим. Ниҳоят қизлар чуғурлашиб ҳар ёққа тарқалишди. Гулқиз бостирма остидаги ошхонада ўчоқнинг чўгини торта бошлади. Шошилгандан юрагим гуп-гуп уриб олдига бордим.

– Гулқиз! – дедим ҳаяжондан овозим бўғилиб.

У чўчиб ортига ўгирилди. Қўлидаги косов чўп тушиб кетиб, атрофга чўғ сақради. Тезда унинг олдига бориб, ерга сочилган қип-қизил чўғларни туфлим билан босиб ўчиридим.

– Илҳом?! – у менга тикилиб қолди.

Саратоннинг боши, қунлар узайган, қишлоққа оқшом қўна бошлаган бўлсаем, бир-биримизни аниқ-равшан кўриб турардик. Мен унинг июнь ойи иссиғи-ю, ўчоқдаги чўғ тафтидан терлаган пешонаси, сўлим чехрасига тикилдим. Кўз кўзга

тушса, муҳаббат юракка тушади, дейишади. Юрагим орзиқиб кетди. Қаршимдаги гүзілга шу қадар мафтун бўлиб қолган эдим. Гулқиз билан ўн йил, балки ундан ҳам ортиқ бирга бўлғанман. Шу вақт оралиғида юзи ҳамиша кулимсираб туар эди. Энди бўлса, чехрасига андуҳ соя солибди... Мен Тошқулнинг жар ёқасидаги тўқнашувимизда газабланиб айтган “бешиккертти” ҳақидаги гапини эсладим. Аммо ботинимдаги бир овоз буларнинг бари бекор, биз қайси замонда яшаяпмиз ахир, тақдирини Гулқизнинг ўзи ҳал қиласди, дер эди тинмай. Ҳолбуки, илгариттан унинг менга қилган муомаласида ҳурмат, балки ундан-да каттароқ туйғу борлигини хис этардим. Бироқ жудаям ориятли эдик: ботинимиздаги ҳиссиётларни бир-бирилизга ошкор қиласликка тиришардик. Ўртамида Қора ботир борлигини мен билдим. У-чи?! Тошқул “Гулқиз буни билади”, деганди. Наҳот шундай бўлса?

– Гулқиз нега хомушсан? – дедим бор меҳр-муҳаббатимни шу сўзларга жамлаб.

Овозим ҳар доимгидан бошқача, эҳтиросли эди. Бундан ўзим ҳам ҳайрон бўлдим. Гулқизга яна нималардир дегим, ичимга ютиб юрган ширин сўзларни қаторлаштириб ташлагим келди. У қўлини кўтариб, пешонасига тушган соchlарини тўғрилади. Қўлини олганида унинг кўзлари ўчоқда жимираётган алвоңранг чўққа қадалганди.

– Ўқишга кетасизми? – деди саволимни эшитмагандай.

– Ҳа, Гулқиз, Самарқандга бораман. Қишлоқ хўжалик институтига кирмоқчиман, ветеринария факультетига.

Шундай дедиму, юрагим шув этди. “Тўхта, – дедим ўзимга, – у мени “сиз” дедими? Биз шунчалар ўзгариб кетдикми? Энди бир-бириз билан аввалгидек бемалол учрашиб, кўнглишимиз торtgанича гаплаша олмаймизми?”

– Гулқиз, сен-чи? – дедим уни йўқотиб қўяётгандек шошиб.

– Мен... Мени узатишмоқчи! – Гулқиз юзини қўллари билан ёпиб олди. – Йўқса, оқ қиласман, деди отам, бундан ўлганим яхши!

Электр токи ургандек сапчиб кетдим. Уни эрга беришмоқчи! Тошқулгами?! “Бу мумкинмас! Бўлмағур гап! – дерди ички бир овоз. – Ишонма! Ундеймас! Гулни асов новвос олдига ташлаб бўладими? Мол гул нималигини биладими?”

– Тошқулгами?! – бу сўз лабларимдан беихтиёр учди.

Гулқиз юзидан қўлларини олиб, менга тикилди. Унинг ҳайрат билан бокиб турган кўзлари юрагимга ўқдек қадалди. Нима дейишими билмай қолдим. Шу пайт синфдош қизларимиз Гулнора билан Махсума келиб қолишиди. Иккимиз ҳам ҳеч нарса бўлмагандай қизларга пешвоз чиқдик. Ботинимизда эса ҳамон ўша ҳис-ҳаяжон ғалаён қилас, жавобсиз саволлар бир-бирига қоришиб, юрак-бағримизни эзарди. Ахир севгининг баҳори билан шодланма, ёзу қиши ҳам бор, дейишади-ку. Ҳиссиётларга бой ўсмирикдаги Гулқизга бўлған туйгуларим – покиза севгимнинг баҳори эди. Энди бўлса, бу ишқнинг қаҳратон қиши қаршимга қилич яланғочлаб чиқди. Инсон тақдирини бешикдалигидаёқ ҳал қилиб қўйишлари ана шу қонхўр қиличининг тиги эмасми, ахир! Отаси, қабиҳ “битим”га рози бўлмаса оқ қиласман дегани-чи?!

Шу оқшомда ҳамма синфдошлар ўйнаб-кулишиди. Ҳамид рубоб чалиб, туркманча “Елпессе” кўшиғини айтди, яна кимдир “Лайло”ни. Кулогимга оҳанглар эшитиларди-ю, атрофда бўлаётган ишларни англамасдим. Тушкунлик гирдоб каби мени ўз домига тортарди. Гулқизни олиб бир ёқларга кетсамми, деб ўйладим. Лекин у, “Отам оқ қиласман деди”, деб турса, менинг бунга қўлим борармиди..

\* \* \*

Ишқ йўлида шоҳ ҳам бир, гадо ҳам бир, деган ўша кўхна гап тўғри экан. Аслида поччамнинг қўлида боқиманда бўлсам ҳам, кўнгил кенгликларида севги қуши чарх уриб парвоз қиласр эди. Гулқизни ҳар куни кўрардим. Бир-биримизга талпинишларимизни фақат иккимизгина биламиз. Буни ҳеч қачон сўз билан ошкор этмаганмиз. Кўришганда ҳиссиётларимизни кўзларимиз айтиб турарди. Бу ҳақда шеър ҳам ёзганман. Ўша шеър мана бундай бошланади:

*“Севаман деб айтмадим бир бор,  
Сен ҳам ишқинг этмадинг изҳор.  
Сукут сақлаб севдиг-у бизлар,  
Ўт нигоҳлар боқди фусункор”*

Шундай давримиз эди-да, шеър ҳам ёзасан, кези келса қўшиқ ҳам қуйлаб қоласан. Синфимиздаги деворий газетага шеър керак бўлиб қолса, мавзусини айтишса бас, шеър тўкиб ташлайверардим. Адабиёт ўқитувчимиз Бакир aka сен дўхтири эмас, шоир бўласан, дер эдилар. Шоир бўлмадиму, кўнгил ишига келганда шоирлардек девона бўлдим.

Самарқандга кетишимдан олдин Гулқизга кўнглимни ёрдим. Ўша куни синфдошлар – йигирма нафар йигит-қиз мактабимиз билан хайрлашдик. Биздан аввалги битиравчилар ҳам шундай қилишган. Биз ҳам акаларимиз, опаларимизнинг йўлларини четлаб ўтолмаймиз-да. Чошгоҳда мактабга келдик. Аввал синфимизга кирдик. Ҳамма ўзининг партасига ўтириб олди. Таътилга чиқмаган ўқитувчиларимиз бир-бир синфга киришди. Улар ҳар биримизни суйиб, эркараб чиқиб кетишли. Ўзимизни яна ўқувчилардек ҳис қилдик. Бир-биримизга гап ташлашиб, шовқин-сурон кўтардик. Очик эшикдан кузатиб ўтиридим: бу вакт йўлакдан ўқитувчилар ўтиб-қайтишли. Аммо ҳеч бирлари синфга бош суқиб, бизга танбех беришмади. Ниҳоят бақиричақирлардан чарчаб, мактаб ҳовлисига чиқдик. Гулқизга ўша баҳайбат чинор остида юзма-юз келдим. Бу тасодифими ёки иккимиз ҳам шу учрашувни истадикми – билмайман. Гулқизнинг лаблари кулимсирад эди-ю, кўзлари ўйчан боқарди. Биламан, дилиғаш. Кўзларини олиб қочиб, узоқдаги тоғларга тикилади. Ёпирай! Ҳамма синфдошларимиз шодланиб ўйнаб-кулаётганларида унинг кўзлари ёшсиз йиглар эди! Ичим ёниб кетди. “Сени мана шу тоғларнинг дараларига олиб кетайми? – дедим ўзимча. – Сен-у мен, фақат иккимиз бўламиз. Сенга кўнглимда борини айтаман. Дилинг ёришади, кўзларинг кулади ўшанда”. Бироқ буларнинг бари хаёлимда эди.

- Гулқиз, эртага Самарқандга жўнайман.
- Яхши боринг, Илҳом.
- Нега “сиз” деяпсан?
- Ўзим... Энди катта бўлиб қолдик.
- Жудаям тез катта бўлдик, Гулқиз! Кўл ушлашиб биринчи синфга борганимизни эслайсанми?
- Энди ундан бўлмайди.
- Самарқандга бирга кетайлик, Гулқиз! Сен ҳам ўқишига кирасан. Ҳамшира бўлмоқчи эдинг-ку?
- Рухсат беришмади, – Гулқизнинг овози титраб кетди. – Рухсат беришмайдиям!
- у пиқиллаб йиғлаб юборди.

Шу пайт синфдош қизларимиз чувуллашиб биз томонга кела бошлашди. Гулқиз тезда құзёшларини сидириб, қизлар томонга юрди.

– Мени кут, бирор йўлини топаман, – дейишга улгурдим.

Чинор остини қий-чув овозлар босиб кетди.

\* \* \*

Кунлар шамолдек елиб ўта бошлади. Вақт кўзга кўринмайдиган учкур отлигини бегам ўқувчилик давримизда сезмаган эканман. Энди ҳаммаси бошқача: кундалик ишларингни ўзинг белгилайсан. Муаллимлар интизомли бўлишни талаб қилишмайди-ю, лекин тиришиб-тирмашаверасан. Шуларни бажармасанг, ўша учкур отдан йиқилишингни биласан.

Самарқандга келиб, қишлоқ хўжалик институтининг ветеринария факультетига ҳужжатларимни топширдим. Ётоқхонадан жой беришди. Имтиҳонларга тайёрлана бошладим. Институтга кирувчилар учун дарслар ташкил қилинганди. Устозлар ўтаётган мавзуларни яхши билардим. Шундай бўлсаям, буларни қайта эсга олишим, дарсликларни яна бир кўздан кечирганим беҳуда кетмади. Кириш имтиҳонларини фақат аъло баҳоларга топширдим.

Талаба бўлиб уйга келганимда Барчиной опамнинг қувонганларини кўриб, ўзим ҳам ҳаяжонланиб кетдим.

– Отам, сендан умидим катта, – опам мени кучоқлаб кўзига ёш олди. – Онамдан қолган ёдгорим, қора тунларимнинг чирофисан!

– Опа, йигламанг, – Барчиной опамнинг кўзёшларини кафтим билан артдим, – хали Ортиқбой, ундан кейин Усмонқул, Мелибой, Тўйчибойлар ҳам ўқишади.

– Айтганинг келсин, Илҳомжон, ўзимди укажоним!

Ортиқбойнинг елкамга осилиб олганиничи! Бўйи мендан баланд бўлиб қолган эди унинг. Шу куни уйимизда байрам бўлиб кетди. Ҳатто Ўрол жездам ҳам елкамга қоқиб:

– Қайним, сенинг калланг бутун, – дея мақтади, – зав ферма бўласан. Анов Тошқул жўрангди отаси миҗинглайвериб жонга тегди. Раҳбар ўзимиздан чиқса, бизгаям кун кулиб қолади-да. Шундай, қайним!

Тошқулнинг номини эшиганимда юрагим шув этди. Гулқизнинг аҳволи қандай экан? Уйидагилар ўқишига юборишмади. Наҳот ўша гап рост бўлса?! Уни Тошқулга беришмоқчими? Кўз олдимга Тошқулнинг совуқ башараси келиб, ёмон нарсани босиб олгандек ижирғандим.

Шу лаҳзанинг ўзидан тезроқ Гулқиз билан учрашишни ўйлай бошладим. Жоним ҳалак эди. Бу ноҳақликка чидолмаётгандим. Шу куннинг эртасига унинг ўзи бизникига чиқиб қолди. Чошгоҳ пайти, Ортиқбой иккимизнинг хонамиизда ўйчан ўтирадим. Очиқ деразадан Барчиной опамнинг овози эшитилди:

– Кел, айна, синфдошинг ўқишига кирди, эшитиб эдингми?

– Эшитдим, Барчоной чеча, шу... Табриклай деб чиқдим.

Гулқизнинг овози чиннидек жарангдор, булоқ сувидек тиниқ эди. Бу майин, ширали овозни юзлаб қизларинг овозлари орасидан ҳам ажратиб олар эдим. Туйгуларим жўш уриб, нафас ололмай қолдим. Сапчиб ўрнимдан турдим-да, деразага яқин бормасдан ҳовлига қарадим. Гулқиз майда гулли оддий қизил кўйлакда эди. Машриқдан кўтарилган қуёшнинг олтинранг нурлари юзига тушиб турибди. Бошида оқиши дуррача. Офтоб нури фарқи очилган сочининг сиёхранг толаларига сингиб кетаётганга ўхшайди. Гулқизни жудаям соғингандим. Узоқ тикилиб қолдим.

– Илҳомжон, чиқ бу ёққа, – ҳовлидан опамнинг овози эшитилди, – Гулқиз келди.

## **Абдужалол РАХИМ**

Юрагим гуп-гуп уриб кетди. Ўзимни эшикка урдим. Ҳовлида опам кўринмади, Гулқизнинг бир ўзи.

- Гулқиз! – дедим уни энди кўраётгандек ҳаяжонланиб.
- Илҳом, ўқишига кирибсиз, табриклайман! – Гулқиз жилмайди.
- Раҳмат, синфдошлардан биринчи бўлиб табрикладинг. Сен доим менга яқин бўлгансан, Гулқиз!

– Шундай...

Ҳеч ким йўқми деган хавотирда атрофга алангладим. Ҳеч ким кўринмади. Бундай имкониятни бой бермаслигим керак эди.

– Гулқиз, сен Тошқулга тегма! – дедим овозимни пасайтириб дабдурустдан.

Гулқиз кўзларини катта-катта очиб менга қаради. Унинг маъноли нигоҳида ҳайрат, алам, иштибоҳ бор эди.

– Нима қиласай, иложи борми? – кўзларига ёш қалқди унинг. – Ўзим ҳам қийналиб кетдим!

У шундай деб, ортига бурилди-да, четан дарвоза томонга тез-тез юриб кетди. Турган жойимда тошдек қотиб қолдим. Ичимда бир нарса ёнди. Довдирағ, бир неча қадам ташладим. Ёғочдек қотган оёқларим чалишди... Мен жездамнинг қўлида бир етимчаман. Буни бутун қишлоқ билади. Дардимни Барчиной опамга айтайми? У киши Гулқизларникига совчиликка чиқадими? Қизнинг Тошқулга бешиккертти қилингани катталарга аён. Бу чегарани бузишга, бизнинг кўнглимизни вайрон қилаётган тўфонни бостиришга ким ботинади? Қишлоғимизда шундай воқеа бўлган: бешиккертти қилинган қизни бошқа йигитга беришган. Улар фарзанд кўрмасдан ажрашиб кетишди. Кейин аёл хотини қўзи ёриш пайтида ўлган бошқа бир эркакка тегди. Бироқ бу эридан ҳам фарзанд кўрмади. Одамлар буни ҳануз гапириб юришади...

– Илҳомжон, нега индамайсан? – қаршимда турган Барчиной опамнинг овозидан ўзимга келдим. – Ҳамсояларникига чиқиб эдим, қайтиб келсан куннинг тифида турибсан, қайта-қайта чақирдим, эшитмайсан?

– Ўй суриб қолибман

– Гулқиз кўнглингни буздими?

– ...

– Бу дард журакка мугиз бўлип санчилади.

– А?..

– Биламан, ука, Гулқизни сўйдингу, азобдасан. Қиз бешиккертти қилинган, йўқса ўзимиз келин қилар эдик.

– Опа-а?!

– Бунинг иложи йўқ, Илҳомжон! Сени ўзим уйлантираман, лекин Гулқизга эмас. Бу имконсиз, ўзингни қийнама.

Шу туни ухламадим. Узоқ-узоқларга бош олиб кетгим келди. Сиқилиб, ярим тунда кўчага чиқдим. Ботинимдан ўксик-ўксик туйгулар фалаён қиласади. Қалбимда довул қўзгалиб, тўполон қўпайтганга ўхшайди. Мен шу қуюн чангалида ёғоч парчасидек чирпирак бўлиб учар эдим. Ҳаётимдаги энг улуғ орзуимга эришганимда – талаба бўлиб, бошим кўкка етган кунларда ана шундай аҳволга тушаман деб ким ўйладди. Мұҳаббат – дилнинг меваси. Бу тансиқ мевани ўзга бир кимса юлиб олаётган эди мендан.

Алмисоқдан қолган удумларимиз биздан бошқа яна нечалаб севишганларнинг ҳаётларини заҳарлаб, оппоқ тонгларини зулумотга айлантирган экан-а?! Дунёга келганингдаёқ кўнгил уйингга қулф солсалар, унга ўзинг эгалик қилолмасанг. Ахир шунчалик ҳам ваҳшийлик бўладими?!

\* \* \*

Август ойининг охирида Самарқандга жўнаб кетдим. Гулқиз билан бир кун аввал хайрлашдим. Тасодифми ёки кўнгил яқинлигими, саҳарда иккаламиз баравар кўчага чиқиб қолдик. У ўша майда гулли қизил кўйлагида, бошига окиш рўмол ўраб олганди. Кўлида чеълак билан супурги. Опам: “Биз томонниям чиннидек қилиб супуриб қўяди, барака топсин”, дер эди доим. Бугун ҳам четан дарвоза олдини супургани чиқибди. Уни учратиш иложини тополмай турган эдим, севиниб кетдим.

- Гулқиз, яхшимисан? – дедим юрагим гупуриб.
- Яхшиман, – у ёқимли жилмайди.
- Гулқиз?
- Нима?
- Мен...
- Биламан, бугун Самарқандга кетасиз.
- Қайдан билдинг?
- Барчиной янгамдан.

Шу пайт атроф ёришиб кетди. Йўл четидаги теракларнинг учида тилларанг нурлар жимиrlай бошлади. Кўча сокин. Кечаси билан дайдиган қишлоқ итлариям аллақаерларда мудрашмоқда. Ҳар замонда кимдир у ёқ-бу ёққа ўтиб қолади. Шунинг учунми, Гулқиз қимтиниб, чеълакдаги сувни селгитиб сепа бошлади.

– Мени кут! Сени соғинаман! – дедим-да, Гулқизни нокулайлиқдан куткариш учун ҳовлимизга кириб кетдим.

Бешиккертти ҳақидаги ўй уни азоблаётгандир, дея ўйладим. Мени кўрганида бу туйгулар жунбушга келгандир? Гулқизга ачиниб кетдим. Ўзимнинг ичэтимни кемираётган дард Гулқиз бечорани ҳам чорасиз аҳволга солиб қўйганди. Дарҳақиқат, отасининг юзига тик қарай олмайдиган қиз нимаям қила оларди? Мен-чи? Ахир мен йигит кишиман! Бирор иложини топишим керак, топаман ҳам! Лекин вақт керак! Бир-икки йиллик фурсат борми?! Бизнинг бир-биримизга бўлган хиссиятларимиз билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Аммо кўнглимда бир илинж бор: нимадир содир бўлади-ю, Гулқиз билан бирга бўламиз, деб ўзимни овутардим. Ўша “нимадир” ер қимирлашидек даҳшатли, сув тошқинидек вайронкор бўлишини эса ҳали билмас эдим...

Сентябрдан ўқишлиар бошланиб кетди. Ўқув йили мактабларда “Биринчи қўнгироқ” байрами билан очилади. Биринчи сентябрни институтимиздаям кувониб қарши олдик. Катта ҳовлида талабалару устозлар саф тортидик. Биз жудаям кўпчилик эканмиз. Ўзбекистондаги ҳамма йигит-қизлар бизнинг институтимизга йигилиб келишганга ўхшарди. Эндинга талабалик баҳтига эришган бари ёшларнинг бошлари осмонда! Бу баҳтга бир ишониб, бир ишонмаймиз денг. Курсдошлар ilk марта бир-биримиз билан кўришдик. Рости, кириш имтиҳонларидаям бирга эдик. Бироқ у пайт жуда кўпчилик бўлганмиз. Энди бўлса, ўттиз нафар саралангандар баҳт нашидасини сурмоқдамиз. Гурухимизда асосан йигитлар йигилишибди. Иккита қиз ҳам бор. Ёқимтой, сочини ихчам турмаклагани Дилором, шўхгина дугонасининг исми Захро экан. Улар атлас кўйлакда жудаям чиройли кўринишарди. Орастга, озода қизлар эмин-эркин, нимтабассум билан гапиришарди. Аммо бу Самарқанд гўзалларини Гулқизга ўхшатолмадим. Менинг Гулқизим бошқача эди!

## **Абдужалол РАХИМ**

Талабалик ҳаётимга ҳар кунда эмас, ҳар нафасда янгилик олиб кира бошлади. Бу жараён баҳорнинг ўйноқи шабадаларидек ёқимли эди. Мен ҳаяжон оғушида сармаст эдим. Бу орада Гулқизнинг бошидаги ташвишни унутиб қўйдим. Мухими бизнинг бир-биримизга талпинишимиз деб ўйлабман. Тобора яқинлашиб келаётган хатардан эса бехабар эдим...

Самарқанддаги талабалик ҳаётим бир уммон эди. Мен унга бошим билан шўнгibi кетдим. Қишлоқни соғинганимда кўз олдимга Гулқиз келарди. У билан кўл ушлашиб биринчи синфга борганимиз, йироқларда қолган болалигимизни, юракларимиз бир-бирига талпинган чоғларни ёдга оламан... Бамисоли дилимни ёритиб турган офтоб эди Гулқиз. Менда унинг сурати бор. У бу суратни саккизинчи синфни битираётганимизда тушган. Ўзим сўраб олганман. Ул суратни ҳеч ким тегмайдиган китобимнинг қатида асрайман. Соғинганимда олиб, тикилиб ўтираман. Мен сира ҳам ундан ажраб қоламан, деб ўйламасдим. Бир куни мўъжиза содир бўлади-ю, Гулқиз билан топишамиз, у менга бефарқ эмас-ку, муҳими шу, деб билардим ўзимча.

\* \* \*

Институтдаги ўқишилар авж олган. Талабаликнинг жозиб олами мени қайноқ бағрига олди. Ҳамма фанлардан ўқилаётган маърузаларни жон қулоғим билан тинглаб, домлаларнинг айтганларини қалин дафтарларимга сўзма-сўз ёзиб оламан. Ветеринария факультетининг биринчи босқичида кимё ўтиларкан. Буни ўзлаштириш уччалик қийин эмасди. Мактабда кимёни берилиб ўқиганман. Аммо ҳайвонлар анатомияси, ҳайвонлар физиологияси фанлари анча тер тўкишни талаб қилди. Шундай қилиб, кунлар сезилмай ўта бошлади.

Ортиқбой укам саккизинчи синфда ўқирди. Овози дўриллаб, катта йигит бўлиб қолган. Бўйи мендан баланд, ўзи ҳам Алномищдек бақувват. У менга хат ёзиб, қишлоқдаги гапларни етказиб туради. Бир гал Гулқиз фермага соғувчи бўлиб ишга кирганини ёзди-ю, шундан кейин бу ҳақда жимиб кетди. Укамдан Гулқизни суриштиравериш эриш туюлиб, сабр қилдим.

Менга пул юбормасликни Барчиной опамдан ўзим ўтиниб сўраганман. Стипендиямга яшардим. Талаба бўлганлар билишади, бу осонмас. Биринчи босқич талабасининг емок-ичмоқдан бошқа харажатлариям бор: китоб-дафтар, юриштуриш дегандек. Якшанба кунлари менга ўхшаб узоқ қишлоқдан келган жўрам Асрор билан бозорга чиқиб, юқ ташиш-туширишга ўхшаган ишларни қилиб юрдик. Ҳарна чўнтакка фойда. Кунларнинг бирида Асрор институтимиз яқинидаги почта бўлимида иш бор деб қолди. Шу куни ёк биргалашиб, ўша почтага бордик. Кираверишига катта-катта оқ ҳарфлар билан “Почта”, деб ёзилган темир кутилари бор, бир қаватли кўхна бино экан. Почтачининг ойлиги кам, ишлари мўл. Оёқда юриб хатлар, газета-журналларни тарқатишнинг ўзи бўлмайди. Шунинг учун ёш, чаққон йигитларни излаб қолишган экан. Асрор иккимиз дарслардан кейин келиб ишлайдиган бўлдик. Почта бўлимининг ҳисобчиси Ситора опа билан шунга келишдик.

Почтачи бўлиш осон эмас экан. Айниқса, энди ишга кирганимизда Самарқанднинг боши берк кўчаларини излайвериб роса ҳолдан тойдик. Бироқ чидаш керак эди: бу иш бозорда юқ ташишдан ҳам обрўли, ҳам қизиқарли, яна энг асосийси, ойма-ой накд маош олиб турасан. Шундай қилиб, ишлик ҳам бўлдик. Хонадонлар, турфа феълли одамлар билан танишдик. Ишдан чарчасам

ҳам, кўпинча ярим тунгача дарс тайёрлардим. Вақт тез ўтди. Бирпасда биринчи семестр якунланди. Ярим йиллик имтиҳонларни аълога топширдим. Мени оширилган стипендияга ўтказиши. Бир неча марта ўзим ишлаётган почтадан Барчиной опамга пул жўнатдим. Иш ўрнимни йўқотмай, деб қишки таътилдаям қишлоққа боролмадим.

Баҳор охирлаганда биринчи босқич имтиҳонлариниам фақат аълога топширдим. Асрор иккимиз уйни соғинган эдик. Уям узоқ Форишнинг тоғли Осмонсоӣ қишлоғидан. Қаттиқчиликни бўйнига олиб, янги йил байрамига берилган таътилда Самарқандда қолган. Қисқаси, у ҳам мен сингари уйидагиларни соғинган.

Ситора опанинг маслаҳатига кўра, жўрам билан почта бошлигининг олдига кирдик. Бошлиқ хушфөъл одам эди.

– Бизда аввал ҳам студентлар ишлашган, – у кулимсираб, бизга тикилди. – Уйни соғинибсизлар-да, а? Ҳа майли, вақтинчага одам топиб қўйганман. Қишлоқларингга бориб, яхшилаб дам олинглар. Қайтганларингда яна ишга оламан.

Асрор ҳам, мен ҳам шу куннинг ўзидаёқ поездга чипта олиб, жўнаб кетдик. Уйимизни жудаям кумсагандим. Гулқиз билан учрашишимни ўйлаб, юрагим қинидан чиқиб кетай дерди. Афуски, олдинда мени мангумузликлардан ҳам совук бир хабар кутаётганини билмас эдим.

\* \* \*

Поезд Жиззах вокзалига кириб келаётганда юрагим ҳаприқиб кетди. Поезддан тушдиму, Зомин автобусига ўтиридим. Пурвиқор Туркистон тоғлари соясидаги Оқбулоқ қишлоғим, сени соғиндим, – дея пи chir лайман йўлда кетаётиб. Барчиной опам, укаларим, Ўрол жездамнинг қиёфаси кўз олдимда намоён бўлади. Уларни қаттиқ соғинганимни ҳис қиласман. Айниқса, Гулқизни! Севиклим нима қилаётган экан? Тошқулни отаси Олмазор деган йироқ қўргондаги техникумга ўқишига жойлаштирган эди. Унинг йироқдалиги мени анча хотиржам қиласми. Аммо “Бешиккертти” деган балони эслаб, хавотирим ҳам йўқ эмас. Юрагим безовта бўла бошлади. Тезроқ Оқбулоққа етиб олишни, Гулқизни қўришни, кўнглимдаги ғашликни тарқатишни истадим. О, бу кўнгил! Шунчалик ҳам талпинадими висолга! Бас, энди Гулқизни ўзим билан Самарқандга олиб кетаман! Ҳамширалик билим юрти қаердалигиниям билиб олдим. Ҳам ўқиб, ҳам ишлайман. Уни ҳеч нарсага зориқтириб қўймайман. Албатта, албатта шундай қиласман! Автобус ойнасидан дилимга ёвуқ манзараларга тикилиб борарканман, шундай режалар билан ўзимни овутдим.

Аср намози вакти яқинлашиб, қўёш мағрибга ёнбошлаганда автобусдан тушдим. Қишлоққа олиб борадиган йўл кўзимга чўғдек қўринди. Оқбулоққа адирликдан юриб борилади. Йўл бошида Бўривойга дуч келдим. Бўривой – синфдош жўрам бўлади. У қирчанги отига икки той сомонни ортиб олган, отининг юганидан ушлаб, тўхтаган автобусга тикилиб туради.

– Илҳом, жўра, ўзингмии?! – Бўривой севинганидан қичқириб юборди-да, қўлидаги қайишни қўйиб юбориб, мен томонга отилди.

– Ий-е, Бўривой! – мен эгилиб, қора чарм сўмкамни ерга қўйдим.

Кучоқлашиб қўришдик. Мактаб даврида у билан жуда яқин бўлмаганмиз, бироқ ўша дамда энг яқин кишимни учраттгандек тўлқинланиб кетдим. Ахир Бўривойнинг қиёфасида қишлоғимни, жигарларимни кўргандек бўлдим-да. Унинг болаликдан ўқишига унчалик хуши йўқ эди, аммо кўнгли тоза, самимий йигит. Бир

## **Абдужалол РАХИМ**

йилда улғайибди: оёғида қүнжи қайрилган этик, енги узун катак кўйлагининг кўкрак тугмалари қадалмаган, бошида эса қуёшдан пана қиласиган ғалати кепка.

– Жўражон, ўзгариб кетибсан, – деди у билагимдан маҳкам тутиб. – Муаллимга ўхшайсан-ей!

Бир-бirimizning елкамизга қўл ташлашиб, Бўривойнинг озгин қирчангиси томонга юрдик. Беғам от йўл четидаги ажриқларни чимдиб, кавшаниб турарди. Бўривой юганга қўл юборганида норози бўлиб, хумдек бошини силкитди.

– Тис-ей, жонивор, ҳаддингдан ошма! – Бўривой қайишни маҳкам ушлаб, менга ўгирилди. – Илҳом, тўйдан кеч қолдинг-да, ҳамма синфдошлар бирга эдик.

– Кимди тўйи?! – юрагим шув этди.

– Гулқиз билан Тошқул тентакди-да, бешиккертти қилинганд экан-ку...

Олдинда от етаклаб кетаётган Бўривойнинг кейинги сўzlари қулогимга кирмади. Устимга совуқ сув қўйиб юборилгандек сесканиб, тўхтадим. Қўлларим ўз-ўзидан мушт бўлиб тугилди. Ўнг кўлимдаги чарм сўмкамнинг банди гижирлади. Тошқулнинг бўйнидан бўғаётгандек хезландим. Бўривой ҳамон нималарнидир гапириб, олдинда отини етаклаб борарди.

– Нега тўхтаб қолдинг, юр, жўра. Биз ҳам сенга ўхшаб ҳайрон бўлдик. Билмаган эканмиз-да, бешиккертти қилинганини.

Осмонда момақалдироқ гумбурлаб, улкан тош бошимга урилгандек бўлди. Кўз олдим қоронfilaшиб, кўнглим айниди. Бўғзимга тиқилган ингрокнинг чиқиб кетмаслиги учун тишларимни синдириб юборгудек куч билан бир-бираига босдим.

– Сенга нима бўлди? – Бўривойнинг овози ўзимга келтирди. – Ўқиши осонмас, жўра, қаттиқ чарчабсан-да.

Кўзимни юмиб-очдим. Ҳушимни йиғиб, Бўривойнинг ортидан зўрга эргашдим. У эса очиққўнгиллик билан ҳамон қишлоқдаги янгиликларни гапириб борарди. Овози элас-элас қулогимга киради-ю, нима деётганини англамайман. Тўй тафсилотларини айта бошлаганида қўнглим озиб, мендан бир гап сўрамаса дедим. Барibir гапира олмасдим ўша пайт. Ичимдан бир нидо отилиб чиқарди-ю, умримнинг мазмуни бўлган муҳаббатим ва унинг жудолик алами фош бўлиб қолар эди.

– Бўривой, сен боравер, – дедим қишлоққа етиб қолганимизда адир томонга бурилиб.

– Ий-е, жўра, бирга кўй боққан адирларимизни соғинибсан-да, а? – Бўривой соддадиллик билан кулимсираб, менга қаради. – Салкам бир йил кўринмай кетдинг-да ўзиям. Ўқишига қаттиқ берилгансан. Майли, адирни бииир айланиб, кейин қишлоққа киргин. Сени тушунаман.

У шундай деб, отига миниб олди. Қирчангни от қишлоқ йўлидан секин йўргалаб кетди. Бўривой кўздан узоқлашган заҳоти адир бўйлаб югурдим. Нафасим оғзимга тикилиб, ҳансираф, оёғим остидаги беозор майсалардан аламимни олмоқчилик тепкилаб борардим. Бир зумда ўша дўл ёққан кунда Тошқулнинг кўйи нобуд бўлган жарликка етдим. Шу ерда тўхтаб, қўлимдаги сўмкамни адирга улоктириб юбордим. Жарликка тикилиб, иккала қўлимни олдинга чўздим. “Тошқул, сениям шу жарга қулатама-ан!” дедим газаб билан хириллаб. Аламимга чидолмасдан ўзимни ерга отдим. Нималарнидир гўлдираб, хаёлан рақибим билан олишдим... Бирпастдан кейин кўм-кўк ёвшанлар орасида гарип бўлиб ётган сўмкамни олдимда, қишлоқ томонга тез-тез юриб кетдим.

Ўзимни жудаям гарип, ношуд ҳис қиласидим. Ҳамма айб менда! Қўлимга кўнган баҳт қушини учирив юбордим. Яратган Эгам кўнглимга солган табаррук

түйғу – мұхаббатимни асрай олмадим. Шунинг учун ҳам Гулқизни мендан тортиб олдилар. Шу пайтда қишлоқдошларим ҳам күзимга хунук күриниб кетди. Бүривой түнканинг гапини қаранг: “бешиккертти қилинган”, эмиш. Бутун қишлоқ шу битта сўз билан сеҳрлаб қўйилган эканда, а?! Одам чегараси йўқ коинотга учайтган даврда-я! Бу қандай бедодлик! Итфеъл Тошкулни бўлса, мен аллақачон хаёлан жарликнинг қоронғи тубига улоқтириб юборганман. Нима қилай, бу таъвиянинг хунук башараси қийшиқ ойнада кўрингандек тасаввуримга кириб келаверди. Уйимизга етганимда Гулқизларнинг ҳовлилариға кўзим ташиб, хаёлимдаги ўша қийшиқ ойнани жон-жаҳдим билан кўчага улоқтиридим. Ўйимдаги ойна чил-чил бўлиб синди, синган парчалари ҳар тарафга сочилиб кетди. Шундан кейин озгина бўлсаям тинчланиб, четан дарвозамизга қўл юбордим. Шу пайт ичкаридан оёқ товушлари эшитирди. Четанинг бир палласини очганимда тез-тез юриб Барчиной опам келаётганди. Кун ботаётган бўлсаям аниқ кўрдим, юзлари ҳаяжондан қизарип кетган. Аммо кўзлари, опамнинг менга доим адоқсиз меҳр билан боқадиган кўзлари йигитларнидек қатъият билан чақнарди. Бехосдан четан сурилганда опам чўчиб кетиб, тўхтади. Сўнгра:

– Илҳомjon, отам, сенмисан! – дея мен томонга отилди. Қучоқлаб, елкамга бошини кўйиб йиглаб юборди. – Сени соғиниб кетдим-ку! Отамдан, онамдан қолган ёлғизим!..

Опамнинг кўзларидан тинмай ёш қуйиларди. Мени қўйиб юбормасдан унсиз йиглар эди бечора. Мен бу иссиқ кучоқда она бағридаги боладек бир зум ором топдим. Юрагимдаги алам ўти пича босилгандек бўлди.

– Ака-а! – ҳовли томондан Ортиқбойнинг ёш болаларнидек қувноқ овози келди.

– Сен кир, кирақол, укаларинг соғинишган ахир, – опам елкамдан қўлларини олмасдан юзимга тикилди. – Жезданг ҳам охирги пайтда сўроқлаб қолди. Кир, киравер ичкарига, мен ҳозир қайтаман.

Ҳовлимиз шовқин-сурон бўлиб кетди. Ортиқбойнинг ортидан қолган укаларим чувуллашиб чиқиши. Улар севинганларидан нималардир дея кичкириб, мени ҳар томондан тортқилашганча ҳовлига олиб киришди. Қийчув овзларини эшигтан Ўрол жездам ҳам уйдан чиқиб, биз томонга кела бошлади. Ўғилларига ўшқирмоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, менга кўзи тушиб, туриб қолди.

– Ий-е, қайним, келдингма, дов йигит бўп кетибсан-ку, – деди жилмайиб.

Очиқ чеҳралик бу одамгаям ярашар экан. Қўл ташлашиб, бир-бirimizning елкамиздан қучиб кўришдик. Бўйи мендан баланд бўлиб қолган Ортиқбой, унинг ортида укалари Усмонқул, Мелибой, Тўйчибойлар бизга тикилиб туришарди. Усмонқулнинг ҳам бўйи анча чўзилибди. Вақтнинг тез ўтишини қаранг, энди у олтинчи синф бўлса, Мелибой тўртинчи синф ўқувчиси. Кенжатойимиз Тўйчибой ҳам биринчи синфи тугатган. Кечагина қўлларидан етаклаб юрган жиянларим бир йилда улгайишиб қолгандек эдилар.

Мен ҳаяжондан юзларим ёниб уйимизга кираётганимда, жездам “Анқа-а!” дея опамни чақирганича ҳовлида қолди. Барчиной опам бунчалик шошиб қаерга чиқдилар экан? Бир нимадан қаттиқ ҳаяжонда эди, назаримда...

\* \* \*

Ғазабнинг боши – аклсизлик, охири – пушаймонлик, дейишади. Ўшанда мен ўн саккиз ёшда эдим. Шу ёшимгача етимлик азобини билдим, изтироб чекдим. Аммо суйганингни тортиб олсалар алами ёмон бўлар экан. Ичимдаги ғазабимни сира босолмаётгандим. Ахир Гулқизга етишиш ҳақидаги орзу-умидларим бир онда чиппакка чиқсан эди-да. Буларнинг барига болалиқдан рақибимга айланган Тошкулни айбдор санаардим. У кўнглим мулкининг маликасини тортиб олди. Гулқиз унга тегмайди, бунга асло рози бўлмайди деб қаттиқ ишонардим. Ишончим тошга урилиб синган шишадек чил-парчин бўлди. Дил уйим кимсасиз, мана шу сайҳонликдек бўум-бўш маконга айланди. Ичимга чироқ ёқса ёришмайди. Мени Ортиқбой, Усмонкул, Мелибой, Тўйчибойларнинг атрофимда гирдикапалак бўлиб алқашлари бирор жиннилик қилиб қўйишдан тийиб турарди. Айниқса, кичкина Тўйчибойнинг мен – катта акаси кўтариб олган чарм сўмкани тортқилаб, унга нима олиб келганимни сўроқлашлари, мунчоқ қўзлари билан мўлтираб тикилишлари эритиб юборди. Шундаям юрагимга дориган алам тарқамайди. Суратим уйини соғиниб келган Илҳомники-ю, ботиним зардобга тўлган. Аммо воқеалар оқимининг бутунлай бошқа ўзанга туша бошлаганини ҳали билмасдим. Мен-ку, мен, ҳозирча буни қишлоқдаги бошқа бирорта одам ҳам билмас эди...

Кеч бўлиб қолганди. Саратон қуёши Зомин тоғлари ортига яширинди. Шу пайт биз укаларим билан ўтирган хонага ранги ўчиб Барчиной опам кирди. Шифтдаги лампочканинг ёруғида кўзларидаги ҳайрат, кўркув инъикосини дарров пайқадим. Опамни ҳеч қачон бунчалик умидсиз ҳолда кўрмагандим. Ҳозир эса у киши бор-йўғини ўғрига олдириб қўйган кимсага ўхшаб кетардилар.

– Опа! – деб ўрнимдан туриб кетдим.

– Илҳомжон, мен билан юр-чи! – деди опам сирли қилиб.

Кичик укаларим Самарқанддан олиб келган совғаларимни бўлиб олиш билан овора. Ортиқбой жездамга аталган чет эл кўйлагини кўтариб чиқиб кетган. Мен опамнинг ахволидан хавотирга туша бошладим. Нима бўлди экан? Ўрол жездам ҳеч гап бўлмагандек бемалол юрибди, опам бўлса мен билан кўришди-ю, ранги бир ахволда кўчага чиқиб кетди. Бир йилдан буён кўрмаган укасини ташлаб-а?..

– Отам, эшикни беркит, – деди Барчиной опам катта уйга (биз меҳмонхонани шундай атардик) кирганимизда. – Биласанми...

Афтидан, опам гапни нимадан бошлашни билмасди. Дераза олдига бориб ташкарига тикилди. Тилини такиллатиб, бошини чайқади. Одми чит кўйлагининг ёқасини тутамлаб, кўксига туфлади.

– Опа, нима бўлди?! – дедим сабрим чидамасдан.

– Илҳомжон, Гулқиз қайтиб келган! – Барчиной опам ниҳоят ёрилди.

– Ним-маа?! – мен эсанкираб қолдим.

– Ўзингни бос, отам... У... Тошкулни ёнига йўлатмабди... Шайтонлаб қолавериби, – опам энди тез-тез гапира бошлади. – Дўхтири чакиришибди. Уйига олиб боринглар, бир гап бўлса жавобгарликка тортиласизлар, дебди дўхтири!.. Гулқиз ҳозир уйида... Овқат емайди, чўпдек озиб кетган! Онаси бошида йиғлаб ўтириби.

Барчиной опамнинг мен сира кутмаган бу гаплари юрагимни ларзага солди. Ер қимираётгандек вужудим қалқиди. Оёқларимда мадор қочди. Катта уйга онам ҳаётлигига ўз кўли билан тўқиган катта зулбарақ гилам тўшалган эди. Унга ўтириб, оқ, қизил, қора нақшларига тикилиб қолдим.

– Энди нима бўлади?! – Барчиной опамнинг хавотирли овози қулогимга кирди. Мен онамнинг кўллари теккан рангин нақшлардан қўзимни узмасдим.

\* \* \*

Шу тунда ухломадим. Кўзимни юмсан, Гулқизнинг сўлғин чехраси хаёлимга кириб келаверди. Қовоғини уйиб олган. Гапирмайди-ю, мендан ўпкалагандек таънаомуз тикилади. Унинг бу қарашларидан юрагим эзилиб кетади. Кўзимни очаманда, ой нурида бўзарib кўринаётган очиқ деразага нигоҳ ташлайман. Менга қарама-карши томонда Ортиқбой укам пишиллаб ухлаб ётибди. Уям олдимда ўзини айборд ҳис қилияпти: кам гапириб, кўпроқ ерга қарайди. Гўё Гулқизни асрай олмаганига айбордек. Тўй ҳақида ҳам менга хабар қилишга ботинолмаган. У ҳали ёш, энди ўн бешга киряпти. Нима ҳам қила оларди, акаси учун Гулқизни талашиб-тортишсинми? Йўқ, бизда ҳаммасини катталар ҳал қилишади. Катталар эса бизни доим ҳам тушунавермайдилар. Минг далил-дастаклар келтирсанг-да, ўзларининг айтганларидан қолишмайди. Каттанинг хоҳиш-иродаси қонундай гап. Уни бузсанг, бебошсан. Бебош эса жазога мустаҳик: дўқ уришлар бошланади, гийбатлар болалайди, ҳатто оқ қилиш билан кўрқитишиади.

Тонг оқара бошлаганда ўрнимдан туриб кетдим. Ўрол жездам билан Барчиной опам аллақачон фермага отланишаётганди.

– Ҳа, қайним, эрта туриб олибсан? – деди жездам. – Қишлоқди соғингансан-да. Майли, укаларингди бағрингга олииб ўтиришади.

Барчиной опам бўлса менга хомуш боқиб, жездамнинг ортидан эргашди. Юз-кўлимни ювиб, ҳовлини бемақсад айлана бошладим. Олапарнинг инидаги ит ириллаб ўрнидан турди. “Олапар, ёт!” дейишим билан таниди-ю, думини ликиллатиб, бошини силкита бошлади. Чунки бу итимизнинг номи ҳам Олапар. Аммо аввалгисидан бошқа Олапар... Энди ҳаммаси аввалгидек эмас. Вақт – илоҳий ҳакам, шамолга ўхшайди, уни ортга қайтариб бўлмайди. Тағин ичимда фалаён кўтарилиганди. Гулқиз кўз олдимдан ўтавериб, қийналиб кетдим. Хаёлимда унинг қаршисига Тошқулнинг қаҳрли башараси сузуб келади. Рашқ, алам, эркаклик тутуми қийнарди мени. Яна опам айтган гаплар – унинг аҳволини ўйлаб эзиламан... Гулқизни севдим, бу туйгуни йиллар мобайнида қалбимнинг тўрида асраб келдим, аммо муҳаббатимга ажр бўлмади... Лекин нимага у Тошқулни ёнига ўйлатмабди?.. Менинг туйгуларимга оқибат сақлаганиданми? Шундай бўлсаям, барибир эрга тегиб чиқсан... Одамлар нима дейишади энди?.. Йўқ, қишлоқдагилар нима дейишлари билан ишм ўйқ! Мен, ўзим қандай қабул қиласман?.. Кўнглимга кулок соламан, энг тўғри ўйл шу!

Хаёлимда дарахтдан кўтарилиганди күшлардай чарх ураётган сўроқларга жавоб изладим. Гулқиз, менинг шўрлик Гулқизим, нега бундай бўлди-а? Нега тақдиримиз бунчалар аччик?!

Аросат ўйлар исканжасида кўчага чиқдим. Жездам айтганидек, қишлоғимизни соғингандим. Шилдираб сув оқаётган жилға, қадрдон кўчамиз болалигимни ёдимга солди. Оламда содик сахар хукмрон эди. Мен бедор ўтказган тун осмонидаги ой ва юлдузлар фалак тоқига беркинган. Шу дамда мактабимизни кўргим келди. Мусаффо тонг ҳавосидан симириб, мактаб томонга юрдим. Кўчада фермага кетаётган бир-икки одам учради. Салом берсам алик олишарди, ҳол-ахвол сўрашарди-ю, қишлоқда ҳеч қандай воқеа бўлмагандек шошиб ўтиб кетишарди. Мактабга етганимда атрофда ҳеч ким кўринмади. Қоровул чол бомдод намозини

## **Абдужалол РАХИМ**

ўқиб бўлиб, мизгиб қолгандир деб ўйладим-да, темир панжаранинг эшигини суриб, ҳовлига кирдим. Қадрдон чиноримизни кўргим келди. Мактаб ортига ўтганимда, улкан чинор ўша-ўша: қуюқ барглари қорайиб, метиндек танаси савлат тўкиб турарди. Шу пайт тоғ ортида олмос жилосидек бир қучоқ нур ялтираб кетди. "Аз-зухо" – ёришиб бораётган фалак чинор остидаги қарияга бир кафт нур йўллади. Қуёшнинг илк зар толалари япроқлар аро ўйноқлай бошлади. Чинор остида бошига қадимги кулоҳ кийган, оппоқ соқолли чол ўтиради. У чинордан ёғилаётган нурлар шалоласига юзини тутди. Ажойиб манзарага тикилиб қолдим. Баҳайбат дараҳт ости – айланасига ўн беш қулоҳ сайҳонлик. Юз йил, балки икки юз йиллик маҳобатли дараҳтнинг тупроқни ёриб чиқсан, силлиқ харракка ўхшаган томирида қўлида китоб билан ўтирган оқсоқолни танидим. Бу – қишлоғимизнинг мулласи Ашрафхон домла эди.

– Ассалому алайкум, Ашрафхон бобо, – дедим қўлимни қўксимга қўйиб.

Ўша алфозда ҳануз нурлар ёмғирига юзини тутиб ўтирган Ашрафхон домла чўчиб мен томонга қаради. Қўлидаги қалин муқовали кўҳна китоби тушиб кетай деди. Толиққан, нурсиз қўзларини пирпиратиб бироз тикилиб турди-да:

– Ваалайкум ассалом, – деди бўғик ички овозда.

Ашрафхон домла Оқбулоқ қишлоғининг ёши улуғи. Ундан дуо олгани атрофдаги бошқа қишлоқ, овлулардан ҳам одамлар келиб туришади. Хаёл билан ўтирган отани чўчитиб юборганимдан мулзам тортдим. Нима дейишими билмай қолдим.

– Кимсан, болам? – Ашрафхон домла ҳамон менга тикилиб турарди.

– Илҳомман, бобо, Ўрол молбоқарнинг қайниси.

– Барчинойнинг укасиман, де... Кўринмай кетдинг?

– Ҳа, бобо, Самарқандга ўқишига кетиб эдим.

– Ўқиб ким бўласан, бўтам?

– Ветеринар, мол дўхтирир бўламан, Худо хоҳласа.

– Балли, балли бўтам. Мол боққаннинг бармоғидан мой томар, дейди. Молни даволасанг барака топасан.

– Қўлингиздаги қандай китоб, бобо? – Ашрафхон домлага яқинроқ келдим.

– Бу, ўғлим, "Пахлавон Аҳмад замчи" китоби.

Энди биз юзма-юз турар эдик. Ашрафхон домла билан гаплашар эдиму, изтиробда ўртанаётган кўнглим борган сари таскин топарди. Кеча Гулқизнинг Тошқулга текканини билиб, кўнгил уйим вайрон бўлди. Барчиной опамдан унинг уйига қайтиб келгани, хаста эканини эшитганим. Буларнинг бари ёмон тушмиди ёки узок ўтмишда юз берганми, ажратолмайман. Ашрафхон домладан ёғилаётган тафт юрагимда қотиб қолган музни эритаётганга ўхшарди. Беихтиёр нурлар оғушида ўтирган қария томонга яна бир қадам ташладим.

– Ким бўлган экан, Аҳмад замчи?

Ашрафхон домла сарғимтил муқовага тикилди. Тиззасидаги китобни, озор беришни истамагандек, авайлабгина кафти билан силади. Оғир тин олиб, менга қаради-да, тиловат қилаётгандек сокин овозда шундай деди:

– Замчи ичига тош солиб отиладиган палаҳмонни улоқтиради. Бўтам, у паҳлавон жангчи... Аҳмад замчи хоразмшоҳлар даврида яшаган. Абу Муслимнинг ҳаммаслаги эди. Адолатсизликка, зулмга қарши курашган... Ана шундай музafferлар ўтган бу тупроқдан, – Ашрафхон домла чинор ортидаги сайҳонликка кўз тикиди. – Мен ҳам, сен ҳам шундай улуғлар авлодиданмиз. Дилингда изтироб бор... Аммо сени фаришталар кўллайди.

– Фаришталар? – ажабланиб Ашрафхон домлага тикилдим. Бошқа пайт

бўлганда қариянинг гаплари ғалати, эриш туюларди балки. Бироқ юрагим зардобга тўлган ўша тонгда отамдек меҳрибон оқсоқолнинг сўзларини жон қулогим билан тинглардим.

– Шундай, бўтам, фаришталар Оллоҳнинг топшириқларини бажарадилар, – Ашрафхон домла чинор барглари оралаб ёғилаётган офтоб нурларига қаради.

– Бобо, ёшингиз нечада?

– Юздан ошдим, – у оппоқ соқолини силади.

– Фаришталар дедингиз?..

– Фаришталар яхши одамларга жаннатнинг кавсар сувидан олиб келиб ичиришади, – Ашрафхон домла машриқдан тобора кўтарилаётган қуёш нурларига кафтини тутди.

Мен оппоқ яктақ кийганча, қўлида кўҳна китоб билан кекса чинорнинг тупрокни ёриб чиқсан силлиқ томирида ўтирган Ашрафхон домлани хаёл олиб қочди, деб ўйладим. У офтоб тафтини йигиб олгандек кафтларини жуфтлаб, юзига тортди. Чинор япроқларига урилиб жимирилаётган нурли йўлларга тикилди.

– Ана, фаришталар нур бўлиб келдилар, – деди сокин овозда. – Рухлардан мужда йўллайдилар... Устозларим дуоларимдан ризодурлар.

– Бобо, ахир...

– Сен буларга ишонмайсан-да, бўтам... Кулок сол: улуғ табиб ва файласуф Абу Али ибн Сино муаллими соний Арастуни ўзига устоз билди. У “Маъод ёхут азҳавия” номли асар битди. Бу – Куръони каримдаги “Аз-зух”, яъники “Тонг ёришуви” маъносидан олинган. Ибн Сино дейдик, рух тана билан бирга пайдо бўлади, аммо танадан ажралгандан кейин, қайтиб танага қовушмайди.

Мен учун бу гаплар жуда ғалати эди. Буларни бизга мактаб дарслкларидаям, институтдаям ўқитишмаган. Ашрафхон домла мадраса кўрган, мадрасада эса диний билимлар ўқитилади. Офтоб нурлари оғушида ўтирган оппоқ соқолли бобо шунчалар ишонч билан гапирадики, мен буни ҳис қилиб, ҳар битта сўзини жон қулогим билан тингладим. Эшитганларимни онгимда таҳлил қиласканман, саволлар ёмғирдек ёғилардиди:

– Рухлар кўзга кўринмайди, бироқ бизга ёндош оламда барҳаёт демоқчимисиз?

– Шундай, бўтам, – Ашрафхон домла гапимни ишонч билан тасдиқлади. – Бундан ташқари, инсонларнинг таъсири эмас, жамики тирик жоннинг рухи мавжуд.

– Ундан бўлса, қассоблар бўғизлаган кўй-молларнинг рухларига қандай жавоб берадилар?

– Уларни дуо асрайди. Аввал тиловат қилиб, шундан кейин пичоқ тортадилар. Бунга амал қилмаган қассоб хасталанур... Бўтам, мен сингари кексайиб бораётган мана шу чинорнинг ҳам рухи бор, – Ашрафхон домла ёнбошига кўлини узатиб, ўзи ўтирган баҳайбат томирни аста силади.

– Рухлар қандай хабар олиб келдилар? – мен ўзимнинг дардим билан караҳт эдим. Улкан дараҳтнинг новдаларига инган қуёш нурларига тикилдим.

– Бир яхши, яна бир бадкор кас аъмолидан хабар келди.

Шу дамда Ашрафхон домланинг ўзигагина хос бўлган оҳангга йўғрилган айтимлари таъсирига тушиб қолдим.

– Яххисини ҳам, бадкор кас ҳақидагисиниям айтинг, бобо? – Ашрафхон домланинг қаршисига чўк тушиб, бошимни эгдим.

– Унда, эшит бўтам. Кў-ўп йиллар аввал сендеқ кўзлари чақноқ, ўт-олов йигит эдим. Бу жойда катта олмабог бўлган, – у чинор ортидаги қишлоқ уйларига ишора қилди. – Бу уйлар кейин қурилган. Бог эгаси кексайиб қолганда иккита

## **Абдужалол РАХИМ**

йигитни ёрдамчи қилиб олди. Йигитлар олма дараҳтларини парвариш қилиб юриб, боғбоннинг қизига ошиқ бўлиб қолишиди. Йигитлардан бири бадкирдор, бошқаси хокисор, содда эди. Кунлардан бирида ана ўша бадкирдор боғбоннинг қизини булғаб қўйди. Қилғиликни қилди-ю, аллақайларга қочиб, йўқ бўлиб кетди. Қизга эса дунё қоронги бўлиб, ғам-алам оташида ақлинни йўқотди. Бу машъум сирни – қиздаги маҳзунликнинг боисини фақат иккинчи боғбон йигит биларди. Кунлардан бирида алам ўтида қовурилган қиз ўзини боғдаги олма дараҳтига осди. Буни кўриб қолган йигит дор арқонни кесиб юбориб, қизни ўз жонига қасд қилишдек иккинчи гуноҳи азимдан асраб қолди.

– Кейин, кейин нима бўлди?! – мен Ашрафхон домланинг хотирасида жонланган ҳаётий воқеага берилиб кетганимдан қичкириб юбордим.

– Нима бўларди, хоксор йигит мард ҳамда муруватли эди. Қизга уйланажагини айтди.

– Кейин-чи?!

– Кейин боғбоннинг қизига уйланди. Оллоҳ йигиттага ажр берди. Серфарзанд, сердавлат бўлиб кетди. У менинг жўрам эди. Умрининг охирида ҳеч кимга айтмаган сирини менга ошкор қилди. Жўрамни дуо қилдим. Жаннати жўрам эди у...

– Бадкирдор шериги-чи?

– Унинг қайдалигини ҳеч ким билмайди.

...Ашрафхон домла кўнглимдаги изтиробни билиб олгандай эди. Балки шундай ҳам бўлгандир. Менга хоксор боғбон йигит воқеасини шунчаки айтмаган чиқар... Шунда Гулқизнинг сўлиган атиргулдек маҳзун чехраси хаёлимда фариштага айлангандек бўлди. Бу вактда қариянинг ўтмишдан келаётгандек бўғиқ овозини эшитардим-у, миямда ўзимнинг ташвишли ўйларим аридек ғужфон ўйнарди. Энди нима бўлади? Мен нима қиласай? Гулқизни азоблаётган дард – менинг ҳам дардим. У энди Тошкулнинг олдига қайтиб бормайди! Ҳеч қачон қайтмайди у хонадонга! Шўрлик Гулқиз... Менинг Гулқизим! Сени Самарқандга олиб кетайми?.. Ахир одамлар энди сен ҳақингда “Эрга тегиб чиққан” дейишади... Кўнглим, кўнглим алағда, қийналиб кетдим! Бари ширин, тотли кунларимиз тугадими? Гулқиз! Нега рози бўлдинг бу никоҳга! Биламан, отангнинг оқ қилишидан кўрқансан. Сенда гуноҳ йўқ. Сен булоқ сувидек покизасан. Мен, мен ўзим айборман ҳаммасига. Сени ҳимоя қилолмадим. Вақтни бой бериб қўйдим. Бўш-баёвлик қилдим...

– Сени фариштадек бир қиз кутмоқда, – хаёл суриб турганимда Ашрафхон домланинг овози ўзимга келтирди. – Сенинг баҳтинг у, иккиланма, бўтам.

Ашрафхон домла қўлидаги китобини очди-да, сарғайган сахифадаги арабий имлоларга тикилди. Суяги бўртган бармогини сатрлар устига қўйиб, мутолаага киришди. Мен афтодаҳол ўрнимдан турдим-да, секин-аста чинордан узоқлашдим. Кўнглимда бир илинж пайдо бўлганди.

\* \* \*

Гулқизнинг аҳволи мен ўйлаганимдан ҳам чатоқ экан. Барчиной опам ҳамсоямизникидан ҳеч бўлмаганда кунига бир марта хабар оларди. Қайтиб чиққанида лабини тишлаб, бошини чайқайди-ю, индамайди. Менинг юрагим эзилади, иложисизликдан бўғиламан. Мук тушиб ўтириб оламан, дунё кўзимга қоронғи. Миямда минг хил ўй айланади, на боши, на охири бор. Икки кун шундай ўтди. Охири сабрим чидамасдан, опамга ёпишдим.

– Опа, ҳамсояларникида нима гап? – дедим ёлғиз қолганимизда.

– Илҳомжон, сенга нима дейишгаям ҳайронман, – Барчиной опам хонтахтага суюниб ўйчан ўтиради. – Гулқиз ўзида эмас, еган-ичганиниям билмайди. Тиқ этган товушдан қўркиб, сапчиб ўрнидан туриб кетади, фалати бўлиб қолган. Ашрафхон домла ўқиб кетганидан кейин бироз ўзгариш бўлди. Домла у ёқка юборманглар, қиздан айрилиб қоласизлар, дебди.

– Дўхтирга кўрсатиш керак! – қизишиб ўрнимдан туриб кетганимни билмай қолдим.

Ҳозироқ Гулқизнинг олдига чиқиб уни овутгим, ширин сўзлар айтиб кўнглини кўтаргим келди. Аммо опамнинг олдиларида истиҳола қилиб, ўзимни босдим. Ичимдан тошиб келаётган ҳиссиётларимни шу уч сўзга жамлагандим.

– Дўхтири ҳар қуни келиб хабар олаётир, – опам менга қараб тушунтира кетди. – Самарқандга, катта дўхтиrlарга олиб борасизлар, деганмиш.

Мен ҳамон ўзимни босолмасдан тик турадим. Бошимга қон тепди. Юзим қизиб кетди. Ҳаяжонимни опамдан яшириш учун деразанинг олдига бориб, ҳовлига тикилдим.

– Олиб боришин-да, опа, айтинг уларга! – овозимни баландлатдим.

– Илҳомжон, онаси шундай қилмоқчи. Қизини Самарқандга олиб кетмоқчи. Гулқизди отаси билан ҳар қуни жанжаллашади. “Бешиккертти”, деб қизимди бошига етдинг, дея эрини янигани-яниган.

Шўрлик Гулқизнинг касали кун сайин оғирлашарди. Опам мени тинчлантирадиган гап айтмай қўйди. Орадан бир ҳафта ўтиб ҳам аҳвол ўзгармади. Мен ўзимни қўйгани жой тополмасдим. Шундай азобли кунларнинг бирида опам Гулқизнинг онасини – Чечак момони етаклаб чиқди. Чечак момо мени кўрди-ю, юраги тўлиб, йиглаб юборди.

– Илҳомжон, қизим билан бирга ўсдинглар, айна-а, – деди кўз ёшларини дакана қилиб ўраган рўмолининг учи билан артиб. – Энди қизимдан айрилиб қолай деб ўтирибман... Икки қўлим отасининг ёқасида! – Чечак момо алам билан чинқириб юборди. – Мабодо қизим ўлса!..

– Опа, ундей деманг, жаҳлга ҳай беринг, – Барчиной опам қон йиглаётган Чечак момони овута бошлади. – Илҳомжон Самарқандни яхши билади, сизларни ўзи олиб боради, дўхтиrlар билан ҳам гаплашади.

Бирчиной опам тез-тез гапириб шундай деди. Мен анграйганча опамга тикилиб қолдим. Юрагим гупиллаб тез ура бошлади. Бундай гапни кутмагандим. Баҳт эшиги очилгандек бўлди хаёлимда: Гулқизни Самарқандга олиб кетаман, у мен билан кетади! Умидларим амалга ошаётган, тушларим ўнгидан келаётгандай эди. Барчиной опамнинг гаплари Чечак момогаям дарҳол таъсир қилди.

– Айна, болажоним, шундай қил! – момо менга ялина бошлади. – Сен ҳам боламсан. Қизим отасини қўрсаям шайтонлаб қолаётир. Отаси билан боролмаймаан! – у ўкириб йиглай бошлади. – Ёлгиз қизимдан айрилиб қолсан-а, бешиккертти қилмай...

Чечак момо у ёғини айтмай, кафти билан оғзини ёпди. Мен бу гапларни эшитиб, ҳатто севиниб кетдим. Ичимдаги зимиstonда чироқ ёнгандек бўлиб, қўзларимдан ёш чиқди. Бу шукроналик ёшлари эди. Ахир нима қиласаримни билмасдан аросатда эмасмидим? Энди бўлса, Гулқизнинг болалигимдан қадрдон чехрасини кўраман, уни ўзим даволатаман! Ашрафхон домланинг чинор остида айтганлари ижобат бўла бошлаган эди.

\* \* \*

Илҳом ой тўлишган сокин тунда ҳаяжоннинг зўридан овози титраб долғаларга бой ҳаёти ҳақида мана шундай ҳикоя қиласади. Баъзида тўхтаб тин олади, ахён-аҳёнда ойдин тун қучоғига сингиб кетаётгандек жимиб қолади.

– Азиз, дам олайлик, – у ўрнидан тураётиб ҳорғин овозда ҳикоясини якунлади. ...Эртасига мен яна куёш кўтарила бошлаганда уйғондим. Илҳом ҳар кунгидек вақтли туриб кетганди. Уни ўзининг хонасида учратдим. Катта столдаги қалин дафтарга шошиб бир нималарни ёзаётган экан. Кирганимда “сабр кил” маъносида чап қўлининг кўрсаткич бармоғини кўтарди-да, яна тез-тез ёза кетди.

– Бўлди, энди фермага жўнаймиз, – деди ниҳоят дафтарини ёпаркан. – Шошмасак бўлмайди, нонуштани ҳам ўша ерда қиласаз.

Фермага етиб келганимизда катта ҳовли сахни молбоқар эркаклару соғувчи аёллар билан гавжум эди. Кимдир елкасига панشاҳасини ташлаб, молхона ортидаги пичан ғарамига шошади. Бошқа бир ёш йигит ҳовлига аллақандай суюқлик пуркаётир. Оқ ҳалат кийган соғувчи қизлар қатор қилиб териб қўйилган сут бидонлари олдида уймалашиб юришибди. Биз сут соғувчиларнинг кунлик кўрсаткичлари оқ бўр билан ёзиб қўйилган қора доска олдидан тез юриб ўтиб, ўзимизга таниш кичик молхонага кирдик. Бўйдор, қотма ветеринар Ҳасан ака, Ортиқбой ва яна иккита ёш молбоқар шу ерда эди. Ортиқбой касал сигирлардан бирининг тепасида тик турганича дафтарига кўрик натижаларини ёзарди.

– Илҳомжон, келинг, кутавериб кўзимиз тўрт бўлди-ку! – Ҳасан ака бизни кўргани ҳамон қувониб кетди.

– Нима бўлди? – Илҳом бир Ортиқбойга, бир Ҳасан акага қараб олдида, касал сигирлар томонга юрди.

– Икки сигирдинг ҳам аҳволи яхши! – Ортиқбой ҳовлиқиб Илҳомнинг олдига юргурилаб келди. – Аввал сира бундай бўлмаган, ака!

– Нима қилган эдинглар? – Илҳом сигирларга синчковлик билан тикилди.

– Сиз айтгандек, “Бупарвалек” дорисини кунига уч ярим миллиграммданмас, кунора икки марта етти миллиграммдан қилгандик. Албатта, сигирлар вазнининг килограммига...

Улар яна алланималарни муҳокама қила кетишиди. Мен билан ҳеч кимнинг иши бўлмай қолди. Шу ерда ҳамон Ҳасан аканинг буйругини кутиб турган ёш йигитлардан бири “Ака, сиз ўтириб олинг”, деб менга суянчиқсиз курси келтириб берди.

\* \* \*

Биз фермага кираверишдаги уйда енгил нонушта қилиб олдик. Сўнгра Илҳом кун бўйи Ҳасан ака билан ферма айланди. Мен эса Ортиқбойнинг ёнида бўлдим. Ёш тадқиқотчи сигирларнинг ёнидан жилмасди. Қўлидан қўймаётган қалин дафтори турли тиббий истилоҳлар, рақамларга тўлиб кетди. Саволларимга қисқа-қисқа жавоб беради-да, яна ишига шўнгийди. Мен ҳам кўрганларимни ён дафтаримга ёзиб бораман. Ветеринария бўлими ва фермадаги таассуротларим тобора қизиқарли бўла бошлади. Шундай бўлсаям ҳануз ойдин кечаларда Илҳом айтган ҳикоя хаёлимдан кетмаётганди. Илҳом билан Гулқизнинг кейинги тақдирларини билиб олишга шошилиб, кеч бўлишини кутардим.

Нихоят Илҳом фермадаги ишларини тутатди. Шу ерда қолаётган Ортиқбойга анча пайт алланарсаларни тушунтируди. Биз ветеринария бўлимига қайтдик. Сайҳонликка етиб келганимизда, тол остидаги таниш хараккка қўзим тушди. Шунда яна Гулқизнинг қиёфаси қўз олдимда жонланди. Унинг мунгли қўзлари мени тинмай таъқиб қиласарди. Шўрлик қизнинг кейинги тақдирни нима бўлди? Фикримда шу савол чархпалақдек айланади. Тўғри, буни Илҳомдан сўраб билиб олсан ҳам бўларди. Бироқ, Илҳомнинг хикояси аянчли якун топса-чи! Шундай бўлса-я? Унда дўстимнинг дардини янгилаб қўйишим аниқ. Эрқаклар ўзларининг ҳаётларини достон қилишни ёқтиришмайди. Илҳом кўнгил уйининг эшигини менга очган экан, бу ҳам бўлса тақдир инояти, Тангрининг тухфаси...

Кутганимдек, кечки овқатдан кейин яна тол тагидаги жойимизга чиқдик. Фалакдан тўлиной мўралайди. Тун қўйнидаги сайҳонлик этагидан чиябўрининг чақалоқ йиғисига ўхшаб чинқиргани эшитилди.

— Албатта кечаги айтганларимнинг давомини эшиттинг келяпти, — деди Илҳом қўлидаги сигаретасини ёндираётиб. — Хуллас, менга омад кулди ўшандা. Кўнглимдаги ғалаённи босиб олишим, бир қарорга келишим учун имкон эди бу.

Оқбулоқда биргина тожик таксичи бўларди. Уни – Бобо акани ҳамма танийди. Ёши эллиқдан ўтган, ўрта бўй, қорача, қотма одам. Бобо ака ўзининг “Жигули” машинаси билан кира қилиб, истаган ерингизга олиб боради. Ўша қизил “Жигули” эрта тонгда қўшни ҳовли олдига келиб тўхтади. Гулқизни онаси – Чечак момо етаклаб чиқди. Қизнинг аҳволини кўриб, эсхонам чиқиб кетди: рангида қон йўқ, озиб кетганидан рангпар юзидағи ёноқ суюклари бўртиб чиқкан. Киртайган қўзлариям катта-катта бўлиб қолганди. Атрофга бефарқ аланглайди. Эгилиб-букилиб қадам ташлаётган бу хаста тана аввалги, мен билган Гулқизга сирам ўхшамасди. Худди Гулқизнинг ўрнига бошқа бирорни алмаштириб қўйишгандек. “Жигули”нинг эшиклари очиқ, мен Бобо аканинг ёнида серрайиб турардим. Бехосдан Гулқизнинг нигоҳи менга тушди. Онасининг етовида юриб келаётган жойида бирдан тўхтади. Кўзларида йилт этган учкун пайдо бўлди. Бу қувончмиди, қўркувмиди ё шунчаки ҳайратми – билмадим. Қуруқшаган лаблари титради: жилмаймоқчи бўлдими, нимадир дея шивирладими – англамадим. Ўзимнинг аҳволим ҳам уникidan яхши эмас эди. Ичимдан бир нима томоғимга тикилиб келди. Ночор аҳволимни фош қилиб қўймаслик учун бошимни ерга эгиб олдим. Бобо ака тирсагимга туртганида ўзимга келибман.

— Ҳамсоянга қарашибмайсанмии, — деди у ўзининг тожикча лаҳжасида.

Алҳол нима қилишимни билмасдан бир лаҳза каловландим. Шундан сўнгра ёш боладек мўлтираб, Чечак момонинг олдига келдим.

— Қарашиб юборайми, момо? – дедим.

— Эшик ёпилиб қолмасин, тутиб тур, айна, – деди у Гулқизни орқа ўриндиқка ўтқазаётib.

Кулундек сакраб кабина эшигининг ортига ўтиб олдим. Нихоятда беҳол бўлиб қолган Гулқиз оёқларини базур кўтариб ичкарига олаётганида нигоҳи бир сония менга қадалди. Унинг кўзларида овчи қўлига тушган охуникидек мунг бор эди. Юрагим ҳаприқиб кетди. Туйгуларим ботинимдан вулқондек отилмаслиги учун тишимни тишимга босдим. Терлаб кетган кафтларим билан темир эшикни жонжоҳд ила тутамладим. Ҳаёт шунчалар ҳам бешафқат бўладими?! Мен билган гўзал, қувноқ, ёқимтой Гулқиз наҳотки йўқ энди?!

Мен машинанинг олдинги ўринидигида Бобо ака билан ёнма-ён ўтирдим. У камгап одам эди. Қишлоқ йўли ортда қолиб, трассага чиқиб олганимиздаям оғзига

## **Абдужалол РАХИМ**

толқон солғандек бир оғиз гапирмади. Ҳар-ҳар замонда тепадаги ойнадан орткы ўриндиққа күз ташлайман: Гулқиз онасининг елкасига бошини қўйиб кўзини юмган. Шўрлик қиз фақат онасининг ёнидагина ўзини бехавотир ҳис қилаётганини тушундим. Шу пайтда уни сўлиб қолган гулга ўхшатдим. Юрагини ишга солиб турадиган қувват тугаб бораётгандек. Адабиёт ўқитувчимиз Бакир ака бир куни “сувайдо” сўзининг маъносини узоқ тушунтирган эди. Бу – юракда ишқ туфайли пайдо бўладиган қуюк нуқта эмиш. Нимагадир ўқитувчимизнинг ўша гапини эсладим. Гулқизнинг юрагидаги қувват берадиган нуқтаси заифлашдими? У менга бефарққа ўхшайди... Ё ҳаммаси дармонсизлик туфайлимикан?..

Самарқандга пешинга яқин етиб келдик. Неча асрларга гувоҳ бўлган миноралар шаҳри бизни қуchoқ очиб қарши олди. Шаҳар осмонида қуёш чарақлаб турарди. Кўчаларни автобус, машиналар тўлдирган. Шошиб кетаётган одамлар орасида қора кўзойнак таққан, ғалати шляпадаги чет элликлар ҳам кўриниб қолишади. Сиёб бозори ёнидан ўтаётганимизда Бибихоним мадрасасига тикилиб қолдим. Бу мадрасани Амир Темур суюкли хотини Бибихоним – Сароймулхонимга атаб курдирган. Буюк инсоннинг суюкли аёлига муҳаббати, эътибори мана шу сервиқор иншоотдек улуғвор ва кўркам! Мен Гулқиз учун нима қилдим? Унинг, ўзимнинг баҳтим учун кураша олмадим, дея ич-этимни кемирар эдим ҳамон. Шуларни ўйлаб, аъзойи баданимда титроқ турди... Бобо ака вилоят касалхонасини билар экан. Машина Рудакий кўчасидан гизиллаб бораради. Асад ойи яқинлашиб қолган. Тиник осмондаги парча-парча оқ булатлар қадим шаҳарнинг юксак минораларига қўнаётганга ўхшайди. Шу пайт бир тўп оқ каптарлар учиб ўтишди. Мен бир йил давомида қадрдон бўлиб қолган Самарқанд манзараларига махлиё бўлиб тиббиёт институтининг клиникасига етганимизни сезмабман. Тепадаги ойнадан орқа ўриндиққа күз ташладим. Гулқиз ҳамон Чечак момонинг пинжига суқилиб ўтирибди. Қани эди, хозир унга осмонда яйраб учайдиган оппоқ каптарлардан биттасини тутиб берсам. У бирдан қувониб, аввалгидек чехраси очилиб кетса. Каптарни кўм-кўк осмонга қўйиб юбориб, севинчдан кулиб юборса... Қани энди шундай бўлақолса, қани энди!.. Аммо буларнинг бари фақат хаёл қилиш мумкин бўлган, имконсиз ишлар эди...

“Биринчи клиника” деб аташадиган ўша машхур касалхона улкан эман, арчалар куршовидаги бири кўхна, бошқаси янги курилган биноларда жойлашган. Гулқизни туманимиз поликлиникаси йўлланмаси билан дарҳол қабул қилишди. Тилларанг гардишли кўзойнак таққан, тўлача аёл уни узоқ текширди. Чечак момони алоҳида хонага олиб кириб, сўрокқа тутди. Шундан сўнг Гулқизни терапия бўлимиға ётқизишиди. Чечак момо эса қизимнинг ёнида қоламан, деб туриб олди.

– Қизингизни соғайтириб қайтарамиз, – деди дўхтир жиддий қилиб. – Бизга ишонинг, опа. Бироқ узоқ даволанишига тўғри келади. Бу бир-икки кунлик иш эмас.

Гулқиз асаб касаллилари бўлимиға эмас, оддий хасталар даволанадиган бўлимиға қабул қилинди. Қишлоқда, “Гулқиз жинни бўп қопти”, деган совуқ гап тарқала бошлаганди. Менинг куйиб-ёнганимга бир томондан шу узунқулоқ гийбатлар сабаб бўлган эди. Энди дўхтирининг гаплари кўнглімга таскин берди. Ашрафхон домланинг “Аҳмад замчидек музaffer азаматлар ўтган бу тупроқда”, дегани эсимга тушди. “Сени фаришталар қўллайди”, деган эди у яна. Мени фаришталар қўллаётгани шу бўлса керак: Гулқизим соғайиб кетади, аввалгидек ой қизга айланади. Менга шунинг ўзи етарли. Одамлар нима дейишса деяверишигин. Тошкул билан жангда мен музafferман. Гулқиз билан муҳаббатимиз голиб бўлди.

Тақдирнинг бизга аталган улуф саодати бу! Бундан кейин ўзимни қандай тутишим, энди нима қилишим кераклигини яхши билардим. Ақлим билагимдаги “Зим” соатимдек аниқ ишлай бошлади.

– Момо, мен сизни бир уйга жойлаштираман, Гулқиздан ҳар куни келиб хабар оламиз, – дедим Чечак момога. У суюнганидан йиглаб юборди.

– Илҳомжон, қизим жинни эмас-а? – деди Гулқизни бўлимга олиб кириб кетишаётганида. – Сен ҳам дўхтирликка ўқийсан, биласан-ку, айт, улим?

Чечак момонинг “ўғлим” дегани мени эритиб юборди. Уни ўзимнинг онамдек кўриб, меҳрим жўшиб кетди.

– Гулқиз соппа-соғ, момо, – дея ишонч билан гапирдим. – Мана кўрасиз, уям келажақда ҳамшираликка ўқийди! – деб юборганимни билмай қолдим.

– Шуннай, шуннай, улим, у ҳам дўхтир бўламан деб эди!

Чечак момо қизимдан айрилиб қоламан деган хавотирда адойитамон бўлганди. Шунинг учун ҳам, айни пайтда Гулқизнинг согайиб кетиши учун ҳар нега тайёр эди.

Момо шу вақтгача Тошқул куёви ҳақида гап очмаганди. Клиникадан чиқиб кетаётганимизда ичини ёрди.

– Сени улим деганман, Илҳомжон, Барчиной опанг ҳам туғишганимдай, – у ҳамон кўз ёшларини тия олмасди. – Онангман қиз дугона эдик. Шўрликканга тушларимга киради. Барака топ, Барчиной ҳолимиздан хабар олмаганида, сен бўлмаганингда нима қиласди... Энди анавиларди остонасига қадам босмайди қизим! Шуларди номини эшитса шайтонлаб қолаётир. Ортиқ ёнига йўлатмаган анави хўқизни... Оҳ, қизим-а! – Чечак момо алланималар дея гуврана-гуврана ув тортиб йиглаб юборди.

\* \* \*

Чечак момони ўзим ишлаган почта бўлимига бошлаб бордим. У менга ёш боладек бўйсунар, худди ўз ўғлидек яқин олиб муомала қиласди. Ахир айни пайтда бу жабрдийда аёлнинг ёлгиз суюнчиги бўлиб қолгандим.

Почта бўлимимиз хисобчиси Ситора опа кўнгли очик, меҳрибон аёл. Мени ўзининг укасидек кўриб қўллаб юрар, ҳатто ортиқча пулимниям у кишига бериб кўярдим. Биз почта бўлимига келганимизда Ситора опа ўзининг хонасида экан. Ахволни батафсил тушунтириб ўтирмадим. Шунчаки қизи касалхонада эканини айтиб, Чечак момога ижара уй топиб беришини илтимос қилдим.

– Илҳомжон, уй излаб нима қиласан, гардам, – деди Ситора опа ўйлаб ўтирмасдан. – Ҳамсоянг менинида тураверадилар. Рамазон ойи яқин, савоб амал қиласай манам.

Суюниб кетдим. Ситора опа Бибихоним мадрасаси ортидаги маҳаллада яшарди. Туш пайтида опанинг уйига биргалашиб бордик. Чечак момони ўша ерда қолдирдим-да, ўзим институтимизнинг ётоқхонасига кетдим.

Ҳаётимда фавқулодда ҳодисалар содир бўлаётган эди. Бу воқеларнинг рўй беришини сира кутмаган эдим. Гулқиз билан муносабатларимиз борасида ҳали фурсат бор, бу фурсат бизнинг фойдамизга ишлайди, дердим доимо. Бироқ эзгу ўйларимни ўша вақт ўз гирдоби ютиб юборди. Ёшлигим, соддалигим, балки бўшбаёвлигим панд бергандир... Энди бўлса, ҳаммаси изга тушаётгандек. Ашрафхон домла Хизр экан, чиндан ҳам фаришталар қўллашди бизни. Бахт қуши тағин бошимда чарх ура бошлади...

## Абдужалол РАХИМ

Мен Чечак момони ҳар куни клиникага олиб борардим. Секинлик билан Гулқизда ўзгариш сезила бошлади. Чечак момо қизининг олдига кириб янги гаплар топиб чиқар эди: “Гулқиз иштаҳага кира бошлабди, факат суюқ овқат ичиришар эмиш. Кўп ухлаётгани яхшиликка экан, дўхтири шундай дебди...”

Дунёда яхшилар кўп. Почтадаги ҳисобчимиз Ситора опа Чечак момога багрини очди. У ҳатто ўз қўллари билан Гулқиз учун мастава, угра ош қилиб берарди. Бир ҳафта ўтиб эса мени ишга таклиф қилишди. Бундан чунонам суюндимки, асти қўяверасиз. Охирги қунларда ҳамёнимнинг ҳам таги кўриниб қолаётган эди-да. Шундай қилиб, газета-журнал ва хатларни саралаш бўлимида ишлай бошладим. Ситора опа аванс сифатида маошим ҳисобидан пича пул ҳам олиб берди.

– Гулқиз сени сўраёттир, улим, – деб қолди бир куни Чечак момо.

Суюниб кетдим. Аммо буни Чечак момога билдирамадим. Она-бола ўртасида қандай гап бўлганидан бехабар эдим-да. Клиникага борганимда мен билан кўришиш учун Гулқизнинг ўзи ҳовлига чиқди. Уни кўриб анграйиб қолибман: мен томонга озгин, юзлари оппоқ, шабада эssa қулаг тушадиган бир қиз секин-аста юриб келарди. Чоштоҳ қуёши фарқи очилган силлиқ соchlарida жилваланди. Унинг қайтадан жонланиб, ёшлик учқунлари пайдо бўлган кўзларигина менинг Гулқизимни эслатиб турарди. Жудаям туйғун йигит эдим ўша даврлар. Туйғуларимни фош қилиб қўймаслик учун кулимсираб истиқболига юрдим. Биз улкан эман дараҳтлари соясида бир-биrimizga дуч келдик. У бир оғиз сўз айтмасдан, кўлинини кўксига кўйиб, бошини эгди.

– Гулқиз! – дедим ҳаяжонимни яшиrolмай.

У менга қаради. Кўзларидан тинмай ёш оқарди. Қонсиз лабларида эса табассум. Мен бу ҳолатдан лол эдим. Унинг ботинидаги оғриқ менинг танамга кўчди. Дод деб юборишдан ўзимни базўр тўхтатдим. “Ҳаёт бунчалар азоб берди бизга?! Бизнинг ҳам бошқалардек севиш, ишқ оташида ёниб яшашга ҳақимиз бор эди-ку?! Бир кам дунё деганлари шуми?!?” ушбу сўзларни Гулқизнинг кўзларидан ўқиб турардим. Иккимиз ҳам бир хил изтироблар оташида ёнар, бироқ бир-биrimizга бутунлай бошка, узуқ-юлуқ сўзларни айта бошладик.

– Гулқиз, тузукмисан? – дедим титроқ овозда.

– Яхши... Илҳом!

– Лаббай?

– Онам сендан миннатдор.

– Чечак момо қаттиқ кўркди.

– Мен оёққа турдим.

– Энди ҳаммаси яхши бўлади, Гулқиз!

– Қишлоққа қайтиб бормайман.

– Аа?!

– Онам рози... Шу ерда қолиб, ҳамшираликка ўқийман.

– Яхши ўйлабсан, Гулқиз, Шундай қиласиз!

– Менга кўлиниям теккизгани йўқ! – Гулқиз кафтлари билан юзини яширди. Елкаси кўтарилиб туша бошлади. У унсиз йигларди. Шу чоққача чеккан аламлари, чеккан азоблари икки юзига маржон-маржон ёш бўлиб оқди.

– Гулқиз! Ҳамшираликка ўқийсан, йиглама, – мен уни овута бошладим. – Ўзим ёрдам бераман, ўкишга кирасан. Факат йиглама, йиглама, Гулқиз! Иккимиз ҳам ўқиймиз, бирга ўқиймиз!

– Ростми?! – Гулқиз кўлларини тушириб, менга тикилди.

– Рост, энди сени ёлғиз қўймайман!

\* \* \*

Мен клиникага ҳар куни борадиган бўлдим. Ҳаётимдаги энг ширин дамлар бошланган эди. Уни кўриш, бирга, ёнма-ён ўтириш, ширин сўзлар айтиб кўнглини кўтариш менга чексиз хузур бағишларди. Умрим бўйи излаган таянч нуқтамни топиб олгандек эдим гўё. Гулқизнинг ҳам кун сайин чехраси очилиб, юзига қон югура бошлади. Касалхонада роппа-роса йигирма кун ётди. Соғайиб чиқаётганида, бироз озиб қолганини айтмаса, деярли аввалги соғлом ҳолига қайтганди. Даволанаётган кунларида ўкишга киришини узил-кесил ҳал қилдик. Буни онаси билан ҳам маслаҳатлашди. Чечак момо қизининг соғайиши, баҳтли бўлиши учун нима деса шунга рози бўлди. “Энди қизимнинг тақдирини отаси эмас, ўзим ҳал қиласман, ҳамшира бўлгиси келса, ўқий қолсин”, деди иккиланмай.

Гулқизни клиникадан тўғри Ситора опанинг уйига олиб бордик. Ўкишга киргунича шу ерда турадиган бўлди. Чечак момогаям, Ситора опагаям Гулқиз билан муносабатларимиз аён бўлиб қолган эди. Бизни Ашрафхон домла айтган фаришталар кўллашди, зимистонга айланган ҳаёт йўлимиз ёришиб кетди. Чечак момо қишлоқдан Гулқизнинг хужжатларини олиб келиб, менга топшириди.

– Улим, ўртоғингга ўзинг ёрдам қил, сенга ишондим, – деди қатъий қилиб...

...Шу йили Гулқиз тиббиёт билим юртига ўкишга кирди. Ётоқхонага жойлашиб, дарсларга берилиб кетди. Ҳаётимиз бир маромда давом этарди. Энди бизга ҳеч ким тўсқинлик қилмасди. Иккимиз ҳам бор кучимизни ўкишга сарфладик. Инсон ўзи учун улуғ бир мақсадни кўзлаб, ирова билан ҳаракат қилса, интилган орзусига эришар экан. Уч йилдан сўнг – у ўкишини битирган йили турмуш курдик. Гулқиз ўз айтганида туриб олиб, қишлоққа қайтиб бормади. Тўйимиз Самарқандда, институтимизнинг маданият саройида бўлди.

\* \* \*

Вақт ярим тунга яқинлашиб қолганди. Илҳом: хикоямни тугатдим маъносида менга бир қараб олди-да, ўрнидан қўзғалди. Мен ҳам ўтирган харагамиздан турдим.

– Ҳозир Самарқандда яшаймиз, институтимиз томонидан уй беришган. Иккита ўғлимиз бор, – Илҳом шундай деб, дарвоза томонга юриб кетди.

Мен жойимдан жилмасдан. Тунги шарпадек, тол остида котиб турардим. Ҳаёлимда эса “Наҳотки изтиробли ишқ ҳикояси шунчалик тез якунланса?” деган сўроқ бор эди...

Фалакдан тўлиной мўралайди. Сайхонликнинг йироқ-йироқларидан чиябўрининг чинқириғи эштиллганда Илҳомнинг ортидан эргашдим.

– Тошкул қаерда ҳозир? – шу савол оғзимдан чиқиб кетди беихтиёр.

Илҳом юриб кетаётган жойида тўхтаб, ортига ўгирилди. Ойдин кечада унинг юзи кўринмасди. Аммо метиндек гавдаси кўз ўнгимда турарди.

– У ўша, ўкишга кетган томонларда колиб кетди, – деди бефарқ овозда. – Қайтиб келмади. Оқбулоққа келолмади...

Илҳомнинг овози тун қўйнига сингиб кетди. Шу тобда унинг овозиям бошқача эштилди. Момақалдироқ мисоли залворли эди бу овоз...

## МУХТАСАР ХОТИМА ЁХУД ҚИССАНИНГ ДАВОМИ

Йиллар чўл шамолларидек елиб ўтарди. Ҳаёт ташвишлари тугай демайди. Кундалик ишлар газета мухбирини тўқилган толчивиқдек ўраб-чирмаб олаверади. Илҳом

## Абдужалол РАХИМ

билан баъзи-баъзида кўришиб турардик. У Мирзачўлдаги тадқиқотларини якунлаб, Самарқандга қайтиб кетди. Шу билан бизнинг алоқаларимиз ҳам узилиб қолди.

Илҳом билан Гулқизни эслаганимда ойдин кечаларда тинглаганим ўша ишқ қиссаси, улар чеккан изтироблар ёдимга тушаверади. Одамлар бир-бирларининг дардларига бефарқ қарашмайди. Биламан, Гулқизнинг аччиқ кечмиши, Илҳомнинг аламлари қишлоқ кишиларини ҳам лоқайд қолдирмаган. Айникса, уларнинг синфдошлари бу иккала дўсти учун қаттиқ қайғуришган. Имоним комилки, қишлоқда Гулқиз билан Илҳомнинг юзлари ёруғ. Ахир ҳар ишга вақт энг одил ҳакам.

Баъзи-баъзида ўша сайҳонлик олдидан машинада ўтиб қоламан. Энди бу ерларда қўш қаватли уйлар қурилиб, шаҳарча бунёд этилган. Мирзачўлнинг шу овлоқ бурчаги кечагина қамишлар ўсган сайҳонлик бўлгани, аллақайлардан чиябўриларнинг чинқиришлари эшитилиб турганига ўзим ҳам ишонолмай қоламан. Гўё буларнинг бари тушда содир бўлгандек. Фақат шаҳарчанинг бир четида мунғайиб қолган ветеринария бўлимининг бир қаватли биноси ўша даврларни эслатади.

Кунлардан бирида Самарқанддан хат олдим. Юборилган манзилида Илҳомнинг исмига қўзим тушиб, севиниб кетдим. Шошиб хатжилдни очдим. Унда ушбу гаплар ёзилганди:

“Ассалому алайкум, қадрли дўстим Азиз! Биламан, ишларинг кўп. Газетчилар фидойи кишилар бўлишади. Бунга бирга юрган кунларимизда амин бўлганман. Албатта, ишинг бошингдан ошиб ётибди. Шундай бўлсаям, сени докторлик диссертациямнинг ҳимоясига таклиф қиласман. Ҳимоя Самарқандда, институтимизда бўлади. Аввалдан айтиб қўй, келсанг, албатта бизнинг уйимизда меҳмон бўлишинг шарт”.

Мен Илҳомнинг фан докторлиги иши ҳимоясига боришга қарор қилдим. Шунда яна Мирзачўлнинг ойдин кечаларида айтилган ҳикояни эсладим. Тақдири ҳеч кимникуга ўхшамаган Гулқизни қўргим келди.

Тошкент – Самарқанд йўловчи поезди Самарқандга тушдан кейин етиб келди. Темирийўл вокзалида одам кўп эди. Илҳом менга телеграмма йўллаб, ўзи кутиб олишини хабар қилган. Шунинг учун вагондан тушганим ҳамон атрофга аланглаб, одамлар орасидан таниш чехрани излай бошладим. Издиҳомдан узун бўйли йигит мен томонга тикилиб турарди. Ғўлабирдан келган, дароз йигитни таниб, қувониб кетдим. Бу, Ортиқбой эди! Одамлар орасидан тикилиб, ўша томонга силжий бошладим. Бироқ олдинга жилиш қийин эди. Оломонда туйғунлик билан топган кишимни қўздан қочирмасликка тиришардим. Шунда Ортиқбойнинг ўзи дарёда сузган балиқдек яқинлаша бошлади. Биз бир-биримизга дуч келганимизда унинг ёнидаги Илҳомга қўзим тушди. Ўрта бўй, қорача йигит ўша-ўша ақлли нигоҳини менга қадаб жилмайиб турарди. Биз кучоқлашиб қўриша кетдик. Яшил вагонлардан селдек ёпирилиб тушаётган йўловчилар, уларни кутиб олишга келган ёш-қари гуррос-гуррос у ёқдан-бу ёққа ўтишади. Дароз Ортиқбой бизни денгиздек чайқалаётган одамлар орасидан четга олиб чиқди. Ҳали-бери одам сийраклашадиганга ўхшамасди.

Биз таксига чиқиб, Илҳомларнинг уйига жўнадик. Ёнимда ўтирган Илҳомнинг ҳам ўзимдек соchlари оқариб қолгани, бироз тўлишганига энди эътибор бердим. У ўзи ишлаётган институт яқинидаги кўп қаватли уйда тураркан. Эшикни Гулқизнинг ўзи очди. Бошига парча-парча тўқ жигарранг гулли қирмизи рўмол ўраган аёлнинг чехраси ниҳоятда самимий эди. Аммо вақт курмағур гўзал ёшликтининг изи қолган мунчоқ кўзлар теграсига айри нусха чизиклар тортибди...

## Кузга кириб борар дарахтлар қатор



**ФАХРИЁР**

**Сангижумон манзумаси**

1

баҳор шаклланиб бўлди ниҳоят  
сангижумонда.

дарахтларни япроқлатди,  
куш улашиб чиқди шохларга,  
ариққа сув берди,  
ерга – ўт-ўлан.

қалдирғочу қўкқарғаларни  
нусратуллабой  
отажан худойшукурни  
ўғилларин суннат тўйига  
чақириб келгандай  
жанубга буюртма бериб олдирди.

дарахтларни гуллатиб,  
ҳашаротлар,  
асалари топиб берди чанглатмоқ учун.

бунда фақат майна –  
афғон қуши етарли эди,  
уни ясамоқ ҳам ёки буюртма бериб

---

**ФАХРИЁР** – 1963 йилда тугилган. Самарқанд давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. “Дарднинг шакли”, “Аёлгу”, “Геометрик баҳор”, француз тилида “L’os des larmes” (“Кўзёш сояси”, Париж), “Излам” шеърий китоблари, “Янгиланиши анъанаси” публицистик мақолалар тўплами ва “Метаҳикоялар оралаб” адабий-танқидий мақолалар, интервьюлар тўплами нашр этилган.

олдирмоққа дейлик афғонистондан  
хожат бўлмади.

зулфиянинг шеърларини ўқиб кўрмаган,  
ҳадисларни ёдламаган  
бозорчи хотинлардай  
уришқоқ қуш,  
шаддод қуш.

у  
ҳар қандай фаслга тайёр.  
айриб олади ҳаққини доим  
fasлдан ҳам,  
одамлардан ҳам.  
баҳор кўк жияқдан булувларни момиқдай узиб  
осмонга сочар  
ёмғир умид қилиб  
қувраб қолган адир устига –  
ёбонлар қуриди, энди ҳечқурса,  
умид ўлмасин.

аллоҳ баҳор бўлиб қарашади бандаларига  
умиддан.  
йиртиқ булат билан ямалади умидсизликлар –  
тўсилади шайтоннинг йўли.

қосим оқсоқол айтар,  
савр ёмғир берса ҳам энди  
алангга фойдаси йўқ,  
заранг наф олар факат.

баҳор берган жоноворлар насибасини  
қуёш ёки ойлаб эсган шамоллар  
тортиб олади  
қайси бир большовой киносида  
халққа бермай буғдойни ёқкан  
бахил бой каби.

2

табиат – сармаст:  
илиб қолган намхуш ҳавони  
булбул чаҳ-чаҳин  
қоқигул мисол  
тузга белаганча газак қилиб симирап –  
семираар,

## **Күзға кириб борар даражтлар қатор**

семирамида боғларидан қайси жойи кам  
тоғолди қишлоғи қўкламларининг?  
гуруч тошидай  
териб ташлар ғуррак чугурларини  
булбул чаҳ-чаҳининг ичидан.  
тузланган чаҳ-чаҳ таъм берар оғизга.

кейин чаҳ-чаҳ бузилмайди  
дудлаб қуритилган балиқдай.  
қишга олиб қўйса бўлар бемалол  
корли кунларда  
татиб турмоқ учун оз-оздан  
тумов мавсуми  
терафлю ўрнига.

қишки сандал устида  
соат ё телевизор  
ва ёки офат бўлган  
кўл телефон ўрнига  
янграб турса  
тузланган ё қуритилган булбул чугури.

ёки ҳозир тошкент тўйларида  
урф бўлган  
унолигига ёзилган қуш сайроғи ўрнига  
дастурхонга тортилса  
неъмат қилиб  
булбулнинг  
тузлаб қуритилган чаҳ-чаҳи  
синиб кетар эди қанча отарчиларнинг  
компьютерда йўниб ёзилган,  
кепак пулiga бормас  
қўшиқлари дафъатан.

қўшиқ бозори эмас,  
ҳатто трампнинг  
twitterдаги twitларини  
касад қилас булбул чаҳ-чаҳи.

3

кўшни қишлоқдан  
дарсга кеч қолиб келган  
этикчаси лой қизалоқдай  
тоғ қишлоғига  
ҳар йили кечикиб келади қўклам

йигирма ё ўттиз чақири  
наридаги ўлаҳатдан ҳам.

дараҳтлар,  
майсалар,  
ҳашарот,  
қушлар – бари-бари  
кўзи тўрт бўлиб кутар уни.

факат қишдан зўр-базур чиқкан  
мардикорнинг вақти йўқ –  
ёзлаб,  
бир-икки сўлқавой ишлаб келгани –  
сигир сотиб олгани  
шимолга –  
йўл олар кўчманчи қушлардай.

уч-тўрт бола билан қолар хотини,  
аммо уйда оқлик қолмаган:  
қишининг чилласида сотилиб кетган  
битта сигир ҳам.

оғил бўш турибди ўшандан бери,  
дўкондаги эгин кўрмаган  
зарбофт тўнлардай:  
эгиннинг пули йўқ,  
тўннинг – одами,  
оғилнинг – моли.

4

бу йил баҳор бошқача келди,  
адирларни қизгалдоқ билан  
бўяб чиқди алвонга –  
ҳаёт умиди.

баҳор бўйи  
сойлар селдан бўшамади,  
осмон – қалдироғу яшиндан.  
гумбурламай қўйган тоғлар эҳтимол  
қўзғатгандир қаҳхор қаҳрини?

негадир мусаффо эмас,  
қарсилаган осмон, кора булутлар  
чақмоқ чақиб, новвотқанддай ушатиб

берар элнинг насибасини,  
ёмғир қилиб,  
жала қилиб элнинг устидан  
сочаладай сочади –  
кўк тангри ёди.

5

– фақат нам кўплигидан  
ток қорасон бўлди, энди узумнинг  
ҳосили бўлмайди, – дейди отам қуюниб.  
далда бермокчи бўлиб:  
– ўзим қарашаман, – десам,  
– барибир ер чопиб топган нонингнинг  
баракаси бошқа, – дейди унамай.  
– бу йил – чорваники,  
дехқончиликдан  
лалми буғдой йили бўлди, лекин кишлоқда  
ҳеч ким буғдой экмабди, қара,  
ёмғирни кеч берди худойим.  
кўкка чўпчиб кетди ўт-ўлан.  
– ҳеч бўлмаса, чорва тўяди.  
умидини арқон билан қўлига  
итдай боғлаб олган отам кўнглини  
туякаш бобомнинг туяларидаи  
ерга чўқтирас.

6

ҳали ўзгармаган минг йиллик тутим:  
дехқон қўш қўшади,  
токзорини ҳайдар омочи билан,  
гавроннинг зўридан  
қўш эшак ё қўш хўқиз  
у бошдан бу бошга бориб келади  
юз йиллик омочни судраганича.

\* \* \*

мана шу  
тоғларни сенга рўбарў  
қилмоқ учун шамоллар билан  
тарошлади одам ота замонларидан  
бери

мана шу  
уммонни тиндириб  
кўзларингга мовий қилиб кўрсатмоқ учун

етти қароқчининг чўмичи билан  
милён йиллар шопирди тинмай

мана шу  
булбулнинг навосин  
тингламоғинг учун тонглари  
туман йил сайроқни ёдлатди унга  
даражат япроғи билан  
битилган нотага қўшиб астойдил

мана шу  
чечакни ундириди сўнгра  
тупроқдан  
аёлга тортиқ этгали

мана шу  
ховузга ойни ташлади  
юлдузларни тўшади пояндоз қилиб  
келар йўлингга

кейин  
майга чўкиб ётган сени тополмай  
минг йил сарсон юрди табиат  
fasllarни оралаб

\* \* \*

*walking the streets  
wrapped in an identity like a coat...  
Жон ЭШБЕРИ*

кимлигингга тўндай ўраниб,  
кезасан хазонли боғларни,  
жунжикириар кузнинг салқини,  
қўзғатар дилдаги титроқларни.

кенгайиб боради тўлқиндай  
борган сайин титроқ қамрови.  
бир тебрам қўпади вужудда,  
зилзила маркази – ўмровинг.

зил кетар кимлигинг, титроқлар  
тобора мавжланиб боради,  
жуволдизга айланиб қўққис  
ернинг шар пуфагин ёради.

тева ўркачидай титроқлар  
ўтмас жуволдизнинг кўзидан.  
сингиб кетмас номаълумликка  
ва умидлар каби тўзимас.

мушукчани тўнга солгандаи  
кимлигингга титроқни гизлаб,  
хазонли боғларни кезасан  
кўхна муҳаббатингни излаб.

### **Сунбула**

1

Хазон нафаси келар ҳаводан  
Севиб бўлган юракдай  
совий бошлар  
тина бошлар сув

дарёларнинг мавжлари тинар

кузга кириб борар дараҳтлар қатор  
жума намозига келган  
масjid олдидағи жамоатдайин  
ҳаммасининг эгнида  
барглардан қуралган  
мингямоқ чопон

2

Ёз бўйи  
Куёшда тобланиб эриган тошлар  
Косасини кийиб олар бирма-бир  
Театрдан чиқиб палтосин  
Гардеробдан олаётган томошабиндай

3

табиат  
турналарнинг видо қўшиғига  
ҳозирланади  
теракларга чиқиб осмонни  
парча булут билан шишадай тоза  
қилиб артар

офтоб ҳароратини  
секин пасайтиради  
ва шамолни қўшиб юборар  
қулоғини бураб оҳиста

4

Кузнинг қаҳри қаттиқ  
Хар бир нарсани  
бўйсундирап измига

хазонларни эзиб  
тўзғитиб  
ва учириб юрган шамолдай  
умидларни пийпалаб ташлар

совуқ урган сабза мисоли  
сарғайиб қолади  
юракка кечикиб келган ишқ

мажруҳ умидларни дорилаб кетар  
турналарнинг видо қўшифи

5

қовунлар тарсиллаб ёрилар  
умидларини  
куз тортиб олган юракдай

ё қаландарнинг  
қашшоқлиги учун тўланган  
товорни мисол

6

куз  
ҳар япроги тиллога дўнган  
дараҳтларни  
шип-шийдам қилиб  
ўтказиб юборади қишининг салтанатига  
очкўз божхоначидай

қайлардадир адашиб юрган  
ажалнинг ҳам  
урён дараҳтларга раҳми келмайди

ўтин қилишга  
муҳит қўмитаси бермайди изн

шу кўйи  
уларни ажал ҳам  
қўмита ҳам

ташлаб кўяр  
кишнинг измига

7

Энди бу ёғига нима фарқи бор  
Умидлар таланган  
Муҳаббат сўлган

Видолар айтилди  
Қолгани бекор

Армон ҳам  
Богичи узилган шиппак  
Мисол қолиб кетди ёзниңг ортида

энди  
бу дунёда килар иши қолмаган  
яrim кўнгил бор

бир қаноти синиб  
илонга айланган бургут сингари  
ўрмалайди  
қумлар оша  
куйган муҳаббатнинг  
култепаси оша  
нотовон кўнгил

**Ҳижрат**  
(термаларга татаббу)

Аттанглар ухлаб ётар,  
харсанглар ухлаб ётар,  
сатанглар ухлаб ётар,  
ватан кетиб боради.

Ҳижрат замони етар,  
имконлар қўлдан кетар,  
хоин муродга етар,  
Ватан кетиб боради.

Захарланади мухит,  
Қарғар боболар руҳи,  
Жадидларнинг андухи –  
Ватан кетиб боради

Ернинг дини ўзгарап,  
Қилич қини ўзгарап,  
оға, ини ўзгарап,  
ватан кетиб боради.

Ҳар қадаминг пойлоқчи,  
сарҳадда ётлар соқчи,  
қол дегувчи зот тақчил,  
ватан кетиб боради.

тилни эгаси зўрлар,  
томуша қилар кўрлар,  
фигон фалакка ўрлар,  
ватан кетиб боради.

борар манзилин айтмас,  
на хорижмас, на сайтмас,  
кетар, ортига қайтмас,  
ватан кетиб боради.

қайтаргувчи бир зот йўқ,  
Ҳайдагич кўп, имдод йўқ,  
атар, минар бир от йўқ  
ватан кетиб боради.

Булутларга тўқнашар,  
ою юлдуздан ошар,  
бilmам, қайларга шошар,  
ватан кетиб боради.

Эр қолмас, қуллар қолар,  
мардикор, туллар қолар,  
эгасиз гуллар қолар,  
ватан кетиб боради.

Хоинлар ҳайдаб солар,  
қилич забтига олар,  
мунгайиб бир эл қолар,  
ватан кетиб боради.

# Умрим ҳали бошлангани йўқ



Наргиза  
ОДИНАЕВА

\* \* \*

Тун. Қайдадир, нимадир чархланаётир\*:  
Ўлимларга туташган йўл елкасида,  
Ҳақиқатни уйғотган дор ҳалқасида,  
Қабоқлари қизарган кун орқасида...

...Эй замин ёқалаб юриб кетганлар,  
Умрини қор кечган, шамол ичганлар,  
Бир каклик айланиб кўзимда донлар,  
Тун. Қайдадир, нимадир чархланаётир.

Бир даҳшат келадир ундан от суриб,  
Алпнинг уйқусига, тўшига кириб.  
Отолмаган тонглар, хўроз қичкириб,  
Тун. Қайдадир, нимадир чархланаётир.

Бахтнинг баҳосини савдога солма,  
Ошиқ, товонингдан тиконни олма.  
Нари бўл, бери бўл – ўргада қолма,  
Тун. Қайдадир, нимадир чархланаётир.

Кўёлингни тутиб тур, эй бемор дунё,  
Эй мўътадил дунё, асов, шор дунё.  
Бахти яккамахов, ғами ҳашар дунё,  
Тун. Қайдадир, нимадир чархланаётир.

\*Азиз САЙД сатри

Наргиза ОДИНАЕВА – 1988 йилда тугилган. Термиз давлат университетини тамомлаган. Унинг "Йўлдаги мактублар", "Тўрт томон", "Муаллақ лаҳза" номли шеърий тўпламлари нашир этилган.

Бўғзида сўз куйган, кўзида йифи,  
Баҳодир, умрингда исённинг тифи,  
Бу тақрор оҳанглар ишқнинг қобиги,  
Тун. Қайдадир, нимадир чархланаётир.

Дунё, шартларингдан уни озод эт,  
Йўллари, дорлари кунига етсин!  
Қайси алфоздадир дарёдан у бет –  
Осмони оғриган ерларга кетсин.

Тун. Қайдадир, нимадир чархланаётир...

\* \* \*

Менинг умрим ҳали бошлангани йўқ,  
Кутган рангига оч ҳали кўзларим.  
Лабим қуригани билан қорним тўқ,  
Тақдирнинг муҳридай ботиқ изларим.

Тухум босаяпти какку инида,  
Ўтиб кетаяпти дунё хувуллаб.  
Оғриқлар уйғонган қадр тунида  
Ўзингта етолсанг Ўзига йиглаб.

Бир зум тингани йўқ томирда пойга,  
Кулдим пойимдаги ерни аллараб.  
Доги тўлган сайин шайдоман ойга,  
Бўри “ув”идаги баҳтни чамалаб.

Дўмбиралининг тори бўзлаб ўқиган  
Достондаги “оҳ”дай кўнгил жазодир.  
Чақмок, шамол, ёмғир, шомдан тўкилган  
Бари вазнисизлик ичимда содир.

Баҳор осилади олча шохига,  
Пастларга обқочар дарё сувини.  
Яшагиси келар одам гоҳида  
Эшитмоқлик учун руҳнинг “ув”ини.

\* \* \*

Кетаверсанг бир йўл ахтариб,  
Бисмилло гулласа сўнгакларингда.  
Дунёни қўрмасанг киприк кўтариб,  
Бир У айланса бош чаноқларингда.

Дардан ортиқ бўлса кўйкайингдаги,  
Этнингдаги фақат тақдир бўлмаса.  
Кўлни қаритмаса ташвиш кундаги,  
Ичингдаги бирор азоб ўлмаса.

Кунлар тортқиласа "салом" билмаган,  
Бир "оҳ"ча ҳам сиринг чиқмаса тандан.  
Қор, ёмғир, шувот деб ном қўйилмаган  
Ҳодисалар ёғса осмон томондан.

Шундай тенгсиз борсанг бораринггача,  
Нигоҳидан бошқа ҳеч не сезмасанг.  
Жонинг Азроилни топар онгача  
Заминдаги бирор ҳолга сифмасанг.

\* \* \*

Шамол тебратади августни,  
Кўйлагини ечар саратон.  
Рангпар бўлиб қолди ер усти,  
Этагини тўлдир, куз, уйгон.

Тўлгоқ тутган шомни оралаб  
Шошилади қушлар инига.  
Кимдир шунда шамсни авайлаб  
Солиб кўяр кўк хуржунига.

Минг йилларки дунё пойлоқчи,  
Кувиб борар юлдуз юлдузни.  
Қачонлардир етти қароқчи  
Ўғирлаган пари бир қизни.

Этак тутар янги бугунлар,  
“Алиф”, “бे” дан бошлар илмни.  
Уйғонмаган ҳали бу тунлар  
Танимайди менинг кўнглимни.

На баҳору, кузга киради,  
Ҳатлаб кўрдим – умр бир қадам.  
Юрагимни тошлаб юради,  
Кунларига сифмаган одам.

Августдаги тонгни ёқалаб,  
Йўлга чиқдим пою-пиёда.  
Бораяпман кузни орқалаб  
Қаршимдаги сўнгсиз дунёга.

\* \* \*

Мен ўзим томонга қараёлмайман,  
Юрак бетламайди сен ёқларга ҳам.  
Туя бўйнидаги қўнгироқдайман,  
Йўлларга тўкилиб боряпман кам-кам.

Кушлар осмонидан такрор ўтолди,  
Сочларим райхонга айланолмади.  
Бир улкан исмлар кафтимда толди,  
Замин изларимни ёдлаёлмади.

Оғриқлар – мўъжиза, сукут – катта сир,  
Ҳар заррам юракка айланаб турдим.  
Фасллар рангларда такрор келгандир,  
Мен эса бир тушни бир марта кўрдим.

Ёмғир, шамолларда ўйнайвераман,  
Туя саҳроларга манзил солади.  
Муаллақ лаҳзаман, номсиз эраман,  
Куёш томоғимда қотиб қолади.

\* \* \*

Кетсам, товонимдан тишлиб олган ер,  
Бошимда кўз узмай турибди осмон.  
Ўзимга етишга имконият бер –  
Эй бешинчи томон, олтинчи томон.

Кўнглимга экканман нечта юлдузни,  
Етаклашиб юрдим қанча ой билан.  
Елкамда яшинлар қолдирган изни  
Ёпиб келаяпман синиқ най билан.

Кўзимда бир тартиб айланар тасма,  
Мен юрган томони оғади замин.  
Эй хутнинг шамоли, тескари эсма,  
Кишлар олиб қолган умримнинг ярмин.

Кулгимни шафақдан қайтаради тонг,  
Йигимни уфқдан ўтказмайди шом.  
Тақдир, менда қилган энг катта хатонг:  
Шундай йўлларимга қўймагансан ном.

\* \* \*

Қайтариб бўлмайди оғиздагини,  
Мен ширин деб айтган сувлар шўр эди.  
Бир жунун ўзини қайдан топади,  
Суяқ ичидаги илик қуриди.

Умр қаерларда беради нишон,  
Кимни соғинамиз уфққа қараб биз.  
Кетиб бораяпмиз бўшлиқлар томон  
Ёнган гугуртчўпдай тугаб-тугаб биз.

Момом дуо қилди какликдек сайраб,  
Қолган айтимини шамолга илди.  
Тўрт фасли куз бўлган боғларга қараб  
Менинг ҳам елкамдан тутлар тўкилди.

Тарози ўлчайди нима билан у,  
Кўринмай савдолар кўринмас бозор.  
Кўллари қорайиб кетган бойлар-у,  
Яна тиши бутун тиланчилар бор.

Нега ҳамма таъмга қоришади туз,  
Нега ўйин тусмол, рақам алдамчи?  
Келолмадим битта қарорга ҳануз,  
Баҳор деёлмайман баҳорнинг ичи.

Гарчи олисларда қолди болалик,  
Гарчи кўзларимга боқмади дунё.  
Гарчи кўксимдаги фуссам минг йиллик,  
Мудом мусичаман, гўдакман аммо.

### **Бободехқоним**

Сенга бокар тунлар безаб ой ёқни,  
Ўркач-ўркач турган қирлар, отажон.  
Рўз бўлади гуллаб-гуллаб тупроқни  
Манглайнингдан оқкан терлар, отажон.

Ўғил-қизинг мурод кутган эртакдай  
Тинолмайсан, кўхна кетмон елкангда.  
Даланг чорлар меҳри илҳақ юракдай,  
Кўрилмаган тушлар қолар кўрпангда.

Кунларингга сингиб оққан онангнинг  
Ариқдаги сувлар елкадоши-да.  
Бўйларига ўхшаб кетса отангнинг  
Неларни ўйлайсан хирмон бошида.

Асли бир кафтинг ҳам осмондан кенгроқ,  
Куёшни опичлаб ерда юрган жон.  
Ечолмайди сендан олдин кўйлагин  
Юзларингда изи қолган саратон.

Дунёнинг бўйига кўкламлар илган  
Қалдиргоч ин қурсин айвонларингга.  
Тиловати уфқдан шом кечиб келган  
Йўлман, – кесак ботган товоnlарингга.

Нони бутун элдан дуолар олиб,  
Тотингани она сутдай ҳалолсан.  
Даштда фаслларга беланчак солиб,  
Заҳматидан баҳт яратган кулолсан.

Номингга нима бор дунёда арзир,  
Сочган меҳринг қолар ернинг ёдида.  
Тупроқни оралаб юрган, эй Хизр,  
Юзинг ёруғ бўлсин кузлар олдида.

## Сафар

Ҳикоя



Шодмон  
СУЛАЙМОН

"Айрилиқ они яқиндур, кема йўл бонгин чолур..."  
**Эркин ВОХИДОВ**

1

Ҳаётимиз эртакка ўхшар эдими ёхуд ҳаётнинг ўзи эртак экану, биз буни кейинроқ англаганмизми, хуллас, ҳаммаси эртакдаги каби жуда гаройиб ва андак хавотирли эди.

Кечмишларимизни эртакка дахлдор қилган бирламчи омил, шубҳасиз, оиласда уч ўғил вояга етганимиз эди. Ўйинжўраларнинг уч оға-ини ботирлар дея алқашлари бизга жуда ёқар, бола кўнглимизда уйғонган эзгу ҳислар бу ифтихор туйғуси илиа жамулжам бўлиб, ўзимизни ҳақиқий баҳодирларга хос, зоҳиру ботинимизни аллақандай масъуллик юки остида тутишга уринардик. Аммо ҳар қанча истаганимиз билан эртакдаги ботирлар бўла олмас, зотан, подшоҳзода ёхуд чўпонзода ҳам эмас, умрида от минмаган, қилич тутмаган, қишлоқ қўчаларини чангитиб ўсган, совуқда қалтирагувчи, иссиқда сарғайгувчи анчайин заиф болакайлар эдик.

Етти синф маълумотига эга, чегарасиз мاشаққат ила ризқ териб, фарзандларига улашувчи отамизга кийимларимиз уриниб қолганидан уялишимизни, тушликда мактаб ошхонасида овқатланадиган ўртоқларимизга ҳавасимиз келишини айтиб ташвиш орттирмаслигимиз ҳам бизни эртакдаги оға-инилардан фарқлаб турарди. Бироқ буларнинг бирортаси бизни эртакларнинг гаройиб оламидан уза олмас, аксинча, рух ва тафаккурнинг чексиз миқёслари аро тобора кенгроқ қулоч ёзар эканмиз, ишончимиз ортар, баҳодирларнидан анча фарқли жуссамиз идрок қувватидан баҳра олиб, руҳимиз улканлашаётганини ҳис этардик.

Узун қиши кечалари қадрдон танча кодагига тиқилиб, ёши тўқсонга тўқнашган, дунёнинг иссиқ-совугини кўравериб, сабр паймонаси тўлавериб, иродаси

**Шодмон СУЛАЙМОН** – 1975 йилда тугилган. Бухоро давлат университети филология факультетини тамомлаган. “Хосиятли кун”, “Куз хаёли”, “Тугилган кун”, “Мен баҳти яралдим”, “Отамнинг айвони”, “Одамнинг сояси” сингари шеърий ва насрый китоблар муаллифи.

## Шодмон СУЛАЙМОН

заранг қотган бобом ва бувимнинг ҳикмат тўла нақл ва эртакларини тинглаш биз – болаларнинг чин байрамимиз эди. Бунақа пайтларда туннинг чўзилгандан чўзилишини, танча оташдонидаги чўгнинг ўчиб қолмаслигини мурғак тасаввуримиздаги илохий қудратдан илтижо қилиб сўпар, фира-шира уйқуга кетарканмиз, бобомнинг хикояларида тулпори эгариға қапишиб, елиб бораётган чавандозлар тушимизга кўчар, элас-элас хаёлот пучмоқларида чавандозларнинг уч оға-ини ботирлар эканига гувоҳ бўлар, ниҳоят, бу учовлоннинг биз – ака-укалар эканимиз аёнлашиб, ўнгу тушимиз бирлашиб кетар эди.

Эҳтимол, бобом ва бувим эртактўйлик оқшомларини бизни олдинда кутиб турган сафар ва унинг хатарларидан огоҳ этиш мақсадида атайлаб уюштиришгандир. Аммо на улар, на ота-онамиз ва на бошқа қариндош-уруғлар бу ҳақда ошкор гапиришмас, эҳтимолки, бизни аяшар, дунёнинг ҳоким, одамзоднинг муте; дунёнинг бешафқат, одамзоднинг мўрт; дунёнинг бетоқат, одамзоднинг муваққат эканини вақти келиб ўзимиз англаб олишимизга умид боғлашарди. Шунга қарамай, биз қон билан кўчган аллақандай сезги кўмагидами, бир кун келиб албатта сафарга чиқишимизни, дунёга келган зотки бор, сафарга чикмай қўймаслигини англар, бола тасаввуримиз ва тириклик оташгоҳида тобланиб улгурмаган танамизда муқаррар сафарга тайёргарлик аллақачон бошланиб кетганини хис қиласадик...

### 2

Мен, эҳтимол, ўзим шуни истаганим учундир, жуда тез улгайдим. Ақл тишим чиқиб улгурмай, салмоқлаб гапирадиган, даҳри дуннинг ўнқир-чўнқирлари ҳақида бош қотириб, адоксиз ва фойдасиз ўйлар гирдобида жон талашадиган бўлиб қолдим. Акаларимни жуда яхши кўрар, шу боис улардан илгарироқ манзилга етиб боришни хоҳлар эдим.

Болалигимда, “Тунлар бунча қисқа, кунлар бунча узун”, дея инжиқланган бўлсам, бунинг акси ўларок, “Тунлар бунча узун, кунлар бунча қисқа”, деган хулосага келмагунимча шошавердим. Бу – катта сафарга тайёrlигимдан дарак эди.

Отам, аввалига, акаларимдан илгарироқ йўлга отланаётганимни кўриб, ҳайрон бўлди. У ҳар сафар бўйимдан баланд мулоҳазаларимни эшишиб, аллақандай ҳайронлик ва мунг аралаш бош чайқар, бунақа пайтда отамнинг мен мурғак полапонини жонидан ортиқ кўришини, аммо мулоҳазаларимга бефарқ ҳам эмаслигини сезиб, ўзимни катталардек тутиш ҳаракатига тушиб қолардим.

Бу гал отам қарорим қатъий эканлигини сезди, шекилли, кўзларимга оғир тикилди. Унинг нигоҳида замонлар етказган чексиз заҳматлар боис, беҳол шалвираб тушган қанотлари остида – болу пари чиқиб улгурмай, даврон синовларига рўбарў бўлган полапонларини авайлаб, асрлар оша ҳаёт чироғини ўчирмай келаётган қадим боболар кўзидағи ташвиш кўланкаси зоҳир эди. Кўзимни олиб қочдим. Муқаррар айрилиқ боис, кўнглимизга оралаган совуқ хисдан жунжикиб, беихтиёр бағирлашдик. Чексиз мунг буқчайтирган, алам ва хўрлиқдан қалт-қалт титраётган қадрдон вужуд анча кичрайиб, бағримга сингиб кетгандек бўлди. Начора, йўл серхатар, сафар эса муқаррар эди...

### 3

Отамнинг сафаримизга биздан-да илгарироқ тадорик кўра бошлаганини бостирмага кетма-кет уч тулпор қантарганидан сезиб қолган эдим. Сезгим алдамади: сафар бурғуси чалинган куни отам отлардан бирини етаклаб келди-да,

жиловини қўлимга тутқазди. Отамнинг бундан ўзга кўмакка иложсиз эканлигини ҳис қилдим. Зил-замбил сафархалтамни эгарга ташлаб, отни етакладим. Отамнинг елкасига суяниб, дув-дув ёш тўкаётган онамнинг фарёди сафар арқонимни узмасин дея, шитоб билан жадалладим. Олис сафарнинг йўли-да олис эди...

Олис сафарнинг йўли-да олис бўлди.

Болалик чоғимдан кўнгил кўйганим саёҳат йўллари тошдан бўлди. Унинг мен ўйлаган ғаройиб саргузаштлар олами эмаслиги аён бўлгани сари ўтим сўнар, юрагим торайгандан-тораярди. Зотан, ҳар қанча шошганим, ўртанганим, риёзат чекканим билан оддий бир банда; уринишларим вақтни тезлаштириб, масофани кутилганидан кўпроқ қисқартиришга кифоя қилмас, кун ва туннинг бир-бирига ўрин бериши-да одатдагидек эди. Болаликнинг шаддод тезлиги тобора сўниб бораётганини ҳис қилар, хаёл қанотида олис эртаклар оламига саёҳат қилганим онларни соғинар, умидсизлик гирдобига ғарқ бўлган эдим. Умр дунё ила жангдан иборатлигини теран тушунсан-да, бу жангнинг ҳеч қачон осон бўлмаганини ва бундан кейин ҳам асло осон кечмаслигини яхши билмас эканман. Йўлим унмади, толеим кулмади. Кўзим очиқлиги учун кўрар, юрагим уриб тургани учун нафас олар эдим гўё. Буларнинг барчаси сафаримнинг бир бўллаги эканлигини тан олгим келмас, ёхуд тан олишга кучим етмас эди.

Яйдоқ отимни эргаштирганча тириклик сўқмоқлари аро адоқсиз йўл босар эканман, мангу сафар кўнғирогининг овозигина оғриқларимга малҳам бўлиши мумкинлигини такрор-такрор эътироф этишга мажбур бўлардим. Сафардошларим бот-бот сийратини унутган, суратини кўтариб юрган телбага дуч келишар ва бу, шубҳасиз, мен эдим.

Тўғри таёқ бўлдим: турмушнинг илонизи йўлларида юриш азобга айланди. Бошимни gox у, gox бу деворга уриб, олдинлар эканман, майдонга чиқиб олиш умидидан кўнгил узмас, аммо тағин-да илонизи йўллар бошланар, тағин-да бош ёришга тўғри келар эди.

Бундай пайтларда бепарво кўл силтардим. Буларнинг барчаси менга кераклигини, буларнинг барчаси юрагимнинг овозига ҳамоҳанг, мақсадларимга ўйғун эканлигини ўйлаб, ўзимни тинчлантиришга уринардим.

Сафарга чиққанимдан, манзилга шошаётганимдан бехабар одамларга раҳмим келарди...

Отамнинг дуоларини елкалаб олган от менга чин ҳамроҳ бўлди. Менга қўшилиб тақдир тўғонларига кўқсими тутгани етмагандай, сафар хоритиб, дунё кўзимга тор бўлганида, ҳаммасига шу жонивор айбдордек сағрисига қамчи солиб қолар, шу тариқа дунёда мендан баҳтсизроқ одам йўқлигини исботламоқчи бўлардим гўё. Бундай пайтларда шўрлик тулпорим менга андуҳ тўла кўзларини қадаб, алланелар демоқчи бўлар, сўзларини англаган каби қамчини ташлаб, ночор бош эгсан, қўлимга тумшуғини суртиб, эркаланар эди. Шунда ҳаммасини англар, бу тоштуёқ жониворнинг-да менга қисматдошлигини, хатарли сафарга чиқмоғи мукаррарлигини, инон-ихтиёри Оламлар Эгаси қўлида бўлган оддий йўловчилардан бири эканлигини эътироф этмоққа мажбур бўлардим. Бинобарин, у менга ҳамроҳ бўлмаганда, бошка бир йўловчига насиб этмоғи мукаррар, бусиз унинг-да ҳаёти мазмунсиз, англардимки, у менга ҳамроҳ бўлганидан афсусда эмас эди.

## Шодмон СУЛАЙМОН

Ўжарлик билан илгарилийвердим. Аввал жисмим, кейин рухим қаридими ёхуд аввал рухим, кейин жисмим эскирдими, хуллас, йўлнинг ярмига етар-етмас кексаяётганимни хис қила бошладим. Ҳаракат – фароғатга, фаолиятсизлик – азобга айланди; изтироб чекиб роҳатланадиган, кулиб туриб йифлайдиган бўлдим. Чексиз саҳро барханларини титиб, топганим – қорачикка заҳарли найза янглиғ ботгувчи тўзон бўлди. Бироқ йўл машаққатлари ортган сари ўжар ҳиссиётларим жунбушга келар, телбалик гирдобига тобора теранроқ гарқ бўлаётганимни англаб, роҳатланар эдим. Зотан, бундан ўзга йўл йўқ, мен гардини ютаётган йўл, сўзиз, ўз суворийсини телбалик сари олиб борар, бу қисматнинг безавол тантанасини нишонламоқ учун барча чораларни кўрган эди...

Бунинг устига, отим саҳро мушукларидан хуркадиган одат чиқариб, анча-мунча ҳалак қилди. Ҳар гал уларнинг хунук овози эшитилганда, тулпорим бир сапчиб тушар, ногаҳон тирноқларини найза қилиб, нақ кўзингни нишонга олиб сапчигувчи саҳро маҳлуклари, дарҳақиқат, анча хатарли эди. Шу боис отимни мушуклар учрамайдиган сайҳон ерлардан етаклар, бироқ бу бадбаҳт маҳлуклар менгами, отимгами қасдма-қасд – биз қай йўлдан юрсақ, ўша йўлда пайдо эди.

Бора-бора барчаси – саҳро йиртқичларига сафархалтам кераклиги, улар бизни на тунда, на кундузда, на саҳро, на денгизда тинч кўймаслиги аён бўлди. Йўқ-йўқ, уларга сафархалтамдаги егуликлар эмас, унинг ичидаги қутида сақланаётган битиклар – охири кўринмайдиган сафарнинг серҳатар саргузаштлари ҳақидаги қораламаларим керак эди. Олис сафар анча-мунча тоблаган, сергак ва мушоҳадакор қилиб кўйган бўлса-да, болалик йилларидан бери ҳайвон зотининг қофозга меҳр кўйганини кўрмаган ёхуд эшиитмаганим учунми, мушукларга қофозларимнинг не сабаб зарур бўлиб қолганини тушунолмас эдим...

Тулпоримнинг хушёrlиги эвазига менга ҳам, қофозларимга ҳам ҳеч бир зиён етмас, аммо беомон олишувлар тулпоримни ҳолдан тойдираётганини, жуссаси кичрайиб, кўзларидан чакноқ нур ўрнини ҳорғинлик ва хўрлик кўланкаси қоплаётганини сезиб турардим. Саҳро йиртқичлари кўзларидан ўт чақнатиб, бизни ўраб олганида, отим тинимсиз ер тепиб, улар томон кум зарраларини сочар, мушуклар ожиз миёвлаб, ҳар томонга тарқаб кетмагунча, ер тепишдан тўхтамас эди. Унга қийинлигини тушунар, аммо уни бу йўлдан қайтаришга, бирор кўмак бермоққа-да ожиз эдим.

Мушукларнинг ногаҳоний ҳужумлари саҳро тугаб, такир сўқмоққа чиқиб олгунимизга қадар бизни қадам-бақадам таъкиб этди. Алам юкидан қадди буқчайган тулпорим тишини-тишига босиб, саҳро барханлари ортда қолишини кутиб келаётган эканми, такир сайҳонга чиқишимиз билан, аянчли алпозда кишинаб юборди. Илкис ортга ўгирилдим. Мен сари чексиз азоб ила одим ташлаб келаётган тулпоримнинг мунчоқ кўзларидан дув-дув ёш тўкилар эди. Юмшоқ кумда юраверганидан мўрт бўлиб кетган туёқлари такир йўлда чатнаб, бўлаклари ҳар томон учайтганини кўриб, даҳшат ва хавотир ила унга томон югурдим. Сафарнинг дастлабки кунларидан бери мушфик кўмакчим бўлиб келаётган чин ҳамроҳимнинг эгик бошини бағримга босиб, ўксик кўнглига мадор солмоққа уриндим. Жонивор шуни қутиб тургандек чуқур "оҳ" тортди-да, гурсиллаб қулади. Шунда... кўзим у юриб келган такир сўқмоқ аро чўзилган қонли изларга тушди...

Қадрдон ҳимоячимнинг боши узра бехол чўйкаладим. Унинг оғриқларига малҳам бўлишимга, ҳеч бўлмаса, ширин сўз айтиб, жонига мадор солишимга илҳақ ётганини сезиб, кўнглим бузилди. Совуқ тунда нигоҳбоним, иссиқ кунда соябоним бўлган титроқ вужудни кучганча, беармон ёш тўқдим. Саҳро тўзонлари бешафқат

тирган кўзларимдан томган ёш тулпоримнинг қип-қизил гўштга айланган туёкларидан оқкан қон билан қоришиб, тупроқни қора қилди... Фарёдким, бундан ўзгасига чорасиз эдим. Ярадор отини елкалаб, йўлида давом этган алларнинг қуввати, ўткир нафаси билан ўликка жон бағишлаган валийларнинг қудрати менда йўқ эди.

Сафар бурғуси чалинган куни муштипар онам елкамга ёпган, йиллар давомида тўзиб, қирқямоқ бўлиб кетган тўнимни парча-парча қилиб, тулпоримнинг қон силқиб турган оёқларига ўрадим. Жонивор жони ором олган каби кўзларини юмиб, тиззамга бош қўйди. Тулпорим менинг бағримда, мен унинг тафти тобора сўниб бораётган нафасида исиниб, кунларни тунларга, тунларни тонгларга уладик.

Уни бағримга босиб, жисмим бироз ором топгани билан, руҳимнинг аллақайси пучмоқларини ваҳимали қора кўланка аёвсиз эзаётганини ҳис қилдим. Шунда англадим: отим фақат оёқлари қақшаб оғриётгани учун эмас, тобора кичрайиб, тупроққа сингиб бораётгани учун ҳам безовталанаётган эди. Шунда англадим: руҳимни ўргаган қора кўланканинг исми кулфат эди.

Тулпорим қайта ўнгланмади...

## 6

Ёлғизлик ёмон эди... Шундоқ ҳам бутун сафар давомида ўзимни ёлғиз ҳис этганим етмагандай, бугун отимдан айрилиб, батамом ёлғизланиб қолгандим. Тағин тулпоримнинг бардоши манзилга атиги бир неча одим қолганда нихоя топиши мени умидсизлик гирдобига тортаётган эди. Зотан, боражак манзилимда мени нималар кутаётгани ноаён, оғир дамларда тулпоримнинг мададига суюнавериб, иродам заифлашиб қолган, ўзимга бўлган ишончимни йўқотаёзган эдим. Бироқ иродали бўлишга ҳар қанча уринмай, гувоҳ бўлаётгандаримнинг барчаси аллақандай қонуният асосида рўй бергаётганини эътироф этишга мажбур эдим: тулпорим йўлнинг айни шу ерига келганда мени ёлғиз қолдириши, даричаси ёқимсиз ғичирлаб, бетиним имлаётган дарвозадан фақат ўзим киришим керак эди.

Шу он қадим подшоҳлардан бирининг ўзи билибми-билмайми, Оламлар Эгасининг амри биланми, дарвозадан оту анжоми билан киргани-ю, шўрлик отнинг зулмат шивирига дош бера олмай, жон таслим қилгани ҳақидаги кўхна ривоятни хотирлаб, қисматимдан қониқиши ҳис этгандек бўлдим. Бу – Улуғ Китобга ихлосу эътиқодим бесамар кетмаганидан далолат эди гўё... Бу ишора мени ҳимоячисиз қолган сафархалтамнинг тақдирига нисбатан таваккал қилишга ундаи. Сахро тўзонида сарғайган қўлёзмаларимни яна бир бор назардан ўтказар эканман, кўнглим хуфтон бўлиб, кўзимга ёш келди. Сафархалтам бурчагида ожиз мунғайиб турган бу дафтарлар оқу қора ранглар йўғрилиб битилган таржимаи ҳолимнинг, кечмишларимнинг бетартиб сочишган парчалари эди.

Ўзга тадбирга иложим ҳам, ҳақим ҳам йўқ эди: сафархалтамни дараҳт айрисига солиб, тулпоримни кузак салқинида титраган япроқлар ихтиёрига бериб, илгариладим. Масофани қисқартириш учун ошиққанларим беҳуда кетмаган, манзилга акаларимдан олдинроқ етиб келган эдим. Қаршимдаги – анча қуюқ туман аро қад ростлаган уч дарвозага бир-бир назар солдим.

Биринчи дарвоза пештоқига “Борса – келар” дея ёзилган эди. Дафъатан, тўнгич акамнинг фарзандлари кўплигини, уларни тинчитгунча анча-мунча сарсон бўлишини эсладим. Унинг ташвиш юки эзган эгик қомати кўз олдимга келиб, дарвозадан узоклашдим. Биринчи йўлдан тўнгич акам кетгани маъқул кўринди...

Иккинчи дарвоза олдида ҳам узок турмадим. Пештоқига “Борса – хатар” дея

## Шодмон СУЛАЙМОН

битилган бу дарвозани меҳнат қиласериб, машақат чекавериб, иродаси анча-мунча тобланган ўртанса акамга муносиб кўрдим. Дарвоза етаклаган йўлдан борган акамнинг ҳаётини фаровон этишга етгулик неъмат топишига умид боғладим...

Пештоқига “Борса – келмас” дея ёзилган дарвоза, шубҳасиз, мени сафарга отлантирган, йўл мешақатларига рўбарў қилган, акаларимдан ва ҳатто ота-онамдан қизғанганим учинчи дарвоза эди. Олис сафарнинг дастлабки кунларидан бери интилганим манзилга етиб келган эдим.

Ҳаяжондан кўксим қалқиб кетди. Мени дарвозадан ташқаридаги оламга боғлаб турган ришталарни узиш оғир кечиши муқаррар, бутун жисмимга титроқ солган ҳам айни шу теран андух эди. Тулпорим куз япроқлари каби аллақачон ерга сингиб ултурганини ўйлаб, ортга йўл йўқлигини тан олишга мажбур бўлдим.

Тобора олисда қолаётган, жабру жафоси, қувончу ташвиши билан умрим йўлларини гоҳ ғам, гоҳ зиёга тўлдирган чексиз саҳрога, дараҳт айрисида менга гўё аллақандай мунг ила боқиб турган қўлёзмаларимга сўнгги бор, армон билан тикилдим. Йиллар давомида мени кутавериб, анча-мунча уринган дарича дастагига аста қўл узатдим. Мухташам дарвозанинг ҳар бир узви, уни бутун залвори билан кўтариб турган ер ҳам титради гўё. Кўксимни аёвсиз чўкиётган ҳасрат зарбига қулоқ тутиб, секин ичкариладим. Қоронги йўлак тубсиз фор каби кўнгилга ваҳм соларди. Хавотирим беиз кетмади. Йўлакка қадам кўяр-кўймас, бошимга тушган кучли зарбдан жисму жоним ларзага келиб, бехуш қуладим...

### 7

– Оёғингизни ичкарига тортиб олмагунингизча бу манзилда ҳаловат тополмайсиз...

Рухимни қақшатган мислсиз оғриқдан ҳушимга келиб, биринчи эшиятган гапим шу бўлди. Овоз эгаси нимани назарда тутаётганини англаб-англамай, ётган кўйи ён-веримга аллангладим. Оёғимни қисиб қолган дарича тирқишидан тушиб турган бир қатимгина нур қоронги йўлакни ғира-шира ёритар, йўлак тўридаги қора шарпа, афтидан, менга сўз қотган овоз эгаси эди. Рухимни чексиз азоб исканжага олаётганига қарамай, оёғимни тортиб олишни истамас эдим...

– Шу тариқа яна юз йил ётишингиз мумкин. Аммо билиб кўйинг: оёғингизни тортиб олмагунингизча, сиз учун бу йўлак зулмат уяси каби ваҳимали туюлаверади. Ўзингизни азобдан халос этинг, ахир...

Қайсарланиб ётавердим. Дарвозадан кириб олгач, ҳафсалам пир бўлган, тагин илгарилашга ҳушим келмаётганди. Қолаверса, ўзим билмаган, танимаган аллақандай қора шарпага эргашиб, қоронги йўлак бўйлаб ичкарилашга юрагим бетламаётган эди.

– Мен ҳам ҳақиқатни англаб етмагунимча анча муддат ётганман, бу дарвоза остида, – тагин сўз қотди нотаниш кимса бир лаҳзалик сукутдан сўнг ўйимни ўқиган каби оҳиста бош чайқаб. – Биламан, тулпорингизни ўз қаърига торғтан, сафархалтандизга шафқатсизларча эга чиққан бўлса-да, саҳродан кўнгил узолмаяпсиз. Афсуски, мен сиздан кўра кўпроқ асир бўлганман бу туйгуга. Ҳақиқатни англаб етгунимча, эҳ-хе, қанча замонлар ўтиб кетмади?!... Эҳтимол, пешонамга айни шундай қисмат битилгандир: йўлак тупроғи бўғзимга қадар кўтарилимагунча, саҳродан кўнгил узолмай ётаверганман. Бугун оёқларим мени дарвоза томон судраганида, тагин ўша зимистон тунларни эсладим. Аслида менинг эмас, сизнинг қисматингиз рўбарў қиляпти бизни...

Овоз эгасининг бу узундан-узоқ мулоҳазасидан кўп нарса англамадим. Зотан,

ҳали келган жойимнинг на баланду пастини, на узогу яқинини, на яхшию ёмонини тасаввур қила олмас эдим. Шу боис ўзим билмаган томонга юриш, мавҳум сўзлагувчи нотаниш кимсага эргашишдан кўра, умримнинг ўнқир-чўнқир дамлари кечган сахро нафасини хис қилиб ётавериш маъқул кўринди. Аммо овоз эгасининг кетиб қолишини ҳам истамаётган эдим.

– Ихтиёргиз... – узоқ сукутдан сўнг ортига қайрилиб кета бошлади шарпа.

Устимга ёлғизлик ва зимистон ваҳимаси залворли юк бўлиб босиб кела бошлади. Ортиқ чидолмадим. Ўжар хиссиётимга бўйсунмаган овозим бўғзимдан аянчли фарёд бўлиб отилди:

– Оёғимни тортиб олиш учун нима қилай, ахир?!

Шарпа ўз ҳақиқатига икрор бўлишимни кутиб турган каби зум ўтмай қаршимда пайдо бўлди.

– Сизга кўмак бериш қўлимдан келмайди. Бироқ ўз кечмишимда синовдан ўтган бир ҳақиқатни айтишим мумкин. Оёғингизни тортиб олишни чин дилдан истаётганингизга тўла ишонч ҳосил қилмагунингизча, ташқари билан боғлиқ ўй-хаёлингиз ичкаридаги олам учун ўз ўрнини бўшатиб бермагунча, дарвоза сизни кўйиб юбормайди... Бу ёги ўзингизга ҳавола.

Шарпа шундай дея, сассиз қадам ташлаганча мендан узоқлашди.

Чексиз саҳрода – издиҳом орасида ўзимни ёлғиз ҳис этиб яшаш қисматимга айлангандек кўрингани билан, шу пайтга қадар ёлғизликнинг чинакам фожия эканлигини тушуниб етмаган эканман. Бунинг устига, зах ва қоронги йўлакда, қоп-қора шифтга термилганча йиллар каби адоқсиз кунларни кузатиш, асрлар каби чўзилган тунларни ўтказиш чинакам даҳшат эди.

Зулмат йўлак иродамни синаган каби рўпарамда хунук ёнбошлиганча бор ваҳимасини намойиш этишни қасд қилган, вақтдан адашиб, замону макон чегараларини фарқлай олмай қолганим – унинг шафқатсиз ғалабасидан далолат эди.

Совуқ суюк-суягимдан ўтди, заранг қотган тупроқ пажмурда танамга ботди. Қайдан келганиму қайга шошганим, ғамга тўлганиму сахро ошганим ҳеч бир аҳамият қасб этмай қўйди. Музлаб бораётган кўзимни йўлак бурчагига қадаб, фарёд чекдим. Бардошим тугаган, зулмат йўлак васвасасига ортиқ тоқат қила олмас эдим...

Ногоҳ руҳим оғриқ ва ваҳимадан холос бўлди. Йўлак бирдан ёришиб, оёғимни банддан озод этган дарича гийқиллаб ёпилди. Йўлак деворларидан тараалаётган ажиб нур кўзимни қамаштираётганига, қадамим қовушмаётганига парво ҳам қилмай, ҳовлиқиб югурдим. Шу пайтга қадар ҳис қилмаганим ажиб енгиллик ичида руҳим яйраб, тобора қуюқлашаётган сирли ёғду тўлқинига сингиб кетдим...



## **Аямажуз – айём кампир видоси**

**Вафо  
ФАЙЗУЛЛОХ**

1. Балки у жаложинхон аёз ботир онаси,  
Айгоқчига демасман, аниқ хабар бермаган.  
Эрта кўклам дабдуруст сезилади даъвоси,  
Фитна кўзғар, ёпирай, падарлаънат мегажин...  
Ўрик оқ кўйлагида мисоли энди келин,  
Гўшангода субҳидам хаёллар сурганида.  
Яйловда диркиллаган кишинаб яна ўх қулун,  
Жужуқдай бош тебратиб майсалар кулганида.

2. Кўлингдан келмаса бер ҳукуматни дегандай,  
Борки оқ, яшил қавм этмоқчи бўлиб сургун.  
Ўрикни шамол билан гуноҳини билгандай,  
Қадахин музлатади, бу қандай қасди жунун.  
Кечакар ҳаромида таштага лойик баҳодир,  
Куёшнинг байроғида ўлкага кирган эди.  
Гул сочиб йўлларига ял-ял ёнган қир-адир,  
Булутнинг ўқларидан бугун қон қусар бўлди.

3. Қаттол қиши кўшинлари ваҳм солиб томларни,  
Дўмбира қилиб чалди, зулмнинг қўли баланд,

---

**Вафо ФАЙЗУЛЛОХ** – 1963 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини ҳамда Москвадаги Адабиёт институтининг Олий адабиёт курсини тамомлаган. Унинг “Хут”, “Хабарсиз севинч”, “Мангу лаҳза”, “Жон йўли”, “Чақмоқ ёргуғи”, “Азалий гусса”, “Оқ лайлак” – “Бельй аист”, “Коядаги дафтар”, “Навоий назми рангин”, “Куртакда дараҳтни кўрмок”, “Ҳақ ва ҳақиқат хаёли” каби шеърий ва насрый китоблари чоп этилган. Шунингдек, Ф. Кафканинг “Жараён”, “Қалъа” романлари, “Отамга хат” биографик асари, Г. Маркеснинг “Полковникка ҳеч ким хат ёзмайди” қиссаси, М. Метерлинкнинг “Сўқирлар” драмаси, Х. Борхес, Р. Акутагава, К. Ҳамсун, Ч. Айтматовнинг қатор ҳикоялари, дунё шеъриятининг ўттиздан ортиқ забардаст вакиллари шеърларини тилимизга ўгирган.

Туманларга буркади гул искаған шомларни,  
Тарновларда сағ тортди сумалаклар хўрозқанд.  
Ёруғ из солған бека лойга ботди қўқ сўқмоқ,  
Шафаққа олиб борар кўринмай қолди манзил.  
Хато қилдимми дәя кўксига урган чақмоқ  
Беҳилар сой рошида тапталган синик кўнгил.

4. Кун бўйи чопти ваҳший Аямажуз чериги,  
Осмонда турналарнинг қолдирилди парвози.  
Одамлар уйга тутқун, Айём кампир, хей жўги,  
Кўзин боғлаб фаслнинг вақтдан урап тарози.  
Дарз кетди ишончига хандон-хушон ғунчанинг,  
Жувонмарг кетган умид, гул-мевалар хисобсиз.  
Юз йил хукм сургандай амал-тақал шунчалик,  
Айём кампир қиши момо куни битган инсофсиз...

5. Эрта яна сахарлаб тупроқ кўтарди ҳовур,  
Дунёда бўлмагандай қор-қиров эриб битди.  
Шамолларнинг рақсида ўзгача ғала-ғовур,  
Қиши эртак эди асли, эртақдек келиб-кетди.  
Аямажуз холажон, навбат билан чўмич ҳам,  
Афв этсин Ўзи сизни, асалдек тотли заҳри.  
Адолат тикланганча, оқланар, оҳ, зулм ҳам,  
Куёшнинг қиличидаги охир чопилган қаҳри...

### Шоирнинг сўнгги йили

Хотирасин йўқотган осмон,  
Жаҳли билан саргайган дараҳт.  
Қарга қўрасида бермай жон,  
Хаёллари озурда, караҳт,  
Бўғзини чирмаган саратон  
Булбулжон дарёга кетяпти...  
Иродаси синган Чин чинни,  
Тупроқ мисол қорайган сўзи.  
Эсидамас ҳақиқат – дини,  
Чоҳдан чиқармикин бир ўзи,  
Бўлмай дәя ханжарнинг қини,  
Дарёга кетяпти булбулжон...

Алвон кўприклари нураган,  
Ортида баҳор бор, етолмас.  
Баҳорга талпиниб қулаган,  
Қаттол қиши таъмирга йўл бермас.  
Юк эзган юраги қанотсиз,  
Булбулжон кетяпти дарёга...

Сув етмас саҳродир довоти,  
Бекинмачоқ ўйнап қалами.

## **Вафо ФАЙЗУЛЛОХ**

Тўхтаган жонсарак соати,  
Сирлашар нотавон куз билан.  
Пўлатдан бўлса ҳам бошмоғи,  
Булбулжон дарёга кетяпти...  
Керакдир тоглардан ошмоғи!..

\* \* \*

Ғурбатларга дўст бўларсан, итлардан паст бўларсан,  
Ниманики қасд қиласан, ёлғон, майхўр дўстим.

Боланг ғамни этар ошно, яйрамайди онанг асло,  
Ниманики топсанг аммо, армон, майхўр дўстим.

Йўлларингни чимлар босар, неъматингни ари босар,  
Дараҳтларинг ўзинг осар, арқон, майхўр дўстим.

Кўзларингдир хира фонус, болалигинг боқар маъюс,  
Баҳор кетмай бошингда куз, ишон, майхўр дўстим.

Ким ошинингга қўшди заҳар, мусибатга бошлаб сахар,  
Улфатингми, ё алҳазар, қобон, майхўр дўстим...

Ёнингдан хун, йиглаб ўтдим, Худойимдан умид этдим,  
Демасман мен олис кетдим, карвон, майхўр дўстим...

## **Йўл**

Йўловчимиз, йўл овчимиз, хазонларга гоҳ совчимиз,  
Тўлгунича ҳовучимиз, мангуликка кетар бу йўл!

Торайтирсанг дил торидан, қишини ғамлаб баҳоридан,  
Фофилдирсан ахоридан, мангуликни битар бу йўл!

Ўстир шўра, ғамла ғўра, мол боғла-ю молдан сўра,  
Ўткинчимиз, ахир, жўра, ном-нишонсиз йитар бу йўл!

Тонгга етсанг чопиб юргин, ҳикматларни топиб юргин,  
Кўлдан келса созла, кургин, мангуликда кутар бу йўл!

Тобутимиз кўтарса эл, елка тутар тошлар, билгил,  
Юртдошига берган кўнгил, йиғлаб ёқа йиртар бу йўл!..

## **Сентябрь**

*Сентябрь тушиби пилдираб...*  
**Одил ХОТАМОВ**

Янтоқлар гуллади яна бир карра,  
Арилар учади визиллаб тонгдан.  
Мозор деворига ўтирган қарға,

Огох этмоқчидек яна бир бонгдан  
 Йўлимга қарайди, итлар ҳамроҳи,  
 Каллакланган тутлар яна ям-яшил.  
 Курашдир борлиқнинг ёлғиз гуноҳи,  
 Жар солмоқ истайди ҳар бир кесик тил...  
 Тераклар япроғи шовуллаб ҳазин,  
 Лоқайд йўловчига сўйлар ривоят.  
 Ҳеч ким тингламайди уларнинг арзин,  
 Тупроққа қорилиб борар хақиқат.  
 Гуллаган юлғунлар барибир гўзал,  
 Қиё боқмаса ҳам баҳорги омад.  
 Хазонрезгиларда жонланар азал,  
 Кечиккан майсалар тиклайди комат.

\* \* \*

Чумчук чирқ-чирқи  
 Хаёлимни олди,  
 Олди хаёлимни тамоман.  
 Майсаларнинг йўқдир оқ-қора ирқи,  
 Бўлмасайдим юраги сомон  
 Тоғларга ошна  
 Кетардим,  
 Базмда бинафшалар олия  
 Кўлга олиб тош ойна,  
 Яйратиб тунларни, кунларни,  
 Кўк қарғаларга уя  
 Тепа ўнгирларида  
 Созлар эдим чодирим елдан.  
 Кетган-келган мени билмасди,  
 Ошиқ-маъшуқ фано-ю бақо,  
 Излаганча шувоқ исидан.  
 Дунёга ҳеч қайтиб келмасдим,  
 Шоирлиги унут бир вафо,  
 Қайтмаганча асл сўзидан...

\* \* \*

Ҳаммага ўхшашни истаган маймун –  
 Йўқ бу Доминикнинг ўтмиши эмас,  
 Ўлик шоирларни итқит нарига,  
 Навоийни уйғот,  
 Мажнунни силкит,  
 Турнанинг қаерда йитди овози...  
 Ҳаммага ўхшашни истаган Маймун –  
 Шамол тушларингни шудгорлаб қўйди,  
 Шамол юрагингда ўчирган олов,  
 Шамол эрта кузда кўзингни ўйди,  
 Ўзингни танимассан, ўзингни ҳеч ҳам...

## **Вафо ФАЙЗУЛЛОХ**

Ўттиз йилдан олдин куз совуқ урган,  
Токларнинг новдалари остида хотир,  
Сен чиябўрига тикилишдан уялган,  
Бир кундасан,  
Кунмас, исми ҳам сариқ,  
Ниманидир қайтарасан бетиним,  
сочмасдан тарик,  
Далаларинг бўшдир, фарқи бор тулдан...  
Бахорнинг сўқмоғида товони ёриқ...  
Ҳаммага ўхашни истаган маймун –  
Токка етолмаган, Бухорийнинг изи бор,  
Кўлда ўтломаган қўзичоқ,  
Синони дашт бикинида танима,  
Йироқ уммон ортида тўзиган  
Пўла пўртахолнинг изидан  
Юурган...  
Ҳаммага ўхашни истаган маймун –  
Фақат тушларингда даҳосан,  
Истаган шаклдан ясарсан сиймо,  
Сийратингни дарё бўйида ташлаб.  
Кўзингни ёшлаганнинг ортида гадо  
Дилини хушлаб,  
Лайлда Лайлини қарғаган,  
Нон-ош емас мусаллас,  
Хаёлини дорга чулғаган,  
Балчиқдаги гўё  
Офтоб тоқидаги рўё,  
Ўзининг устидан умрида бир бор кулмаган,  
Тонгнинг бўғзига изғин туйғу сирмаган  
Ернинг остидаги қилични  
Истаган илло...  
Ҳаммага ўхашни истаган маймун...

\* \* \*

Бир кун олга боссам,  
Ўн куни ортга  
Кетаман...  
Мени жин урганми?  
Тавбамас тавба.  
Пайдар-пай шайтонларга мактуб битаман,  
Топширганча борар манзилим ёвга...

Куш инидир кўнгил –  
Хас-хазон боссан,  
Ёмғирлар савалаган  
Эрта-кеч тинмай...  
Гоҳо тушларимда сайрап бир булбул,  
Кўк тоқида битик.

Рұхим күр мисол,  
Ёргуликка ташна қушнинг инидай...

Хис этганим ханжар,  
Занглаган ханжар  
Юракка урмоқликка бормидир кучим,  
Ичимда моликини маҳв этар аждар,  
Мени жарга отган,  
Тирик-ку ўним!..

Етар!  
Ҳали омон  
Солиҳ идроким.  
Тоғларни қўпоргудек,  
Елни жиловлар.  
Занжир узиб-узиб  
Қисмат яшамок,  
Қилдай ориқ ҳаёт  
Қордан қалови,  
Faфлатдан уйгонингиз оловлар!  
Эски дафтаримни титаман,  
Малак ёзган хатлар йиртилган.  
Юрак нишонида қоида –  
Ўн кун ортга кетсам,  
Қонлар ютаман.  
Инсонман, кечир Тангрим,  
Фитратим замзам,  
Йиқилаётган чоги бўлса ҳам,  
Босмоғлигим керакдир олдга!!!

### **Хотирамни тикла...**

Ҳар кун муҳим недир чиқар эсимдан,  
Баҳор чўнтағимдан тушгандай қолиб.  
Шоир учун фоже тонмоқ қасдидан,  
Хотирамни тикла, дейман ёлвориб.  
Онамни унутмоқлик қандай жиноят,  
Отамдаги карзим елларда учса.  
Юртимнинг туз-нонига будир хиёнат,  
Ўғил ғофил қолиб, карвонлар кўчса...  
...Уйғониб кетдим саҳар, маконим мубҳам,  
Асл хиссиётлар қайдандир дориб.  
Қайси фаслдаман, билмасман ҳеч ҳам,  
Хотирамни тикла! – дейман ёлвориб...

\* \* \*

Бир күчадан ўтдим кирқ йил эрта-кеч  
Қайтганимда шомда итлар ҳам танир.  
Бошмоғимнинг таги ейлангани ҳеч,  
Одамлар тушунмайди мени барибир.  
Дараҳтларда ғунча ҳайрон йўлимда,  
Гул бўлиб очилганда отади ханда.  
Севинч-ғуссасини солдим кўнглимга,  
Тўзимас устимдаги азалий жанда.  
Такрор-такрор тошлар тилин ўқидим,  
Такрор-такрор тупроқ хаёли бошда.  
Бужур чехрасида ҳикматдир тилим,  
Савдолари эса ҳамон талошда.  
Кушлар ҳамроҳимдир қўнмай елкамга,  
Тилларин билмасимдан этишмас гина.  
Қадрдон кўрадилар фарид кўлкамни,  
Дарвиш соchlаримдан ривоят тинглаб.  
Бир қавм деб билар дайди булутлар,  
Қора-оқлари ҳам аиришмас ирқ.  
Ёмғир ёғдиргандা тутгандай сутлар,  
Юрагимни тўқлаб, йиглайман пиқ-пиқ.  
Куёш бобом каби дакки берди goх,  
Ойнинг шуъласидан йифдим бисотим.  
Бир довулда кеттан укамдай ногоҳ,  
Билмайман қандай тугар менинг ҳаётим.  
Тилидаги ҳар сўз, минг бир каломлар,  
Қай фикрга борар, маънолари мўл,  
Бегона санар мени факат одамлар,  
Шундан қанотим йўқ, тилимдадир ғул...

### **Илтижо**

Эртага дунёдан кетсан узилиб,  
Мендан нима қолар бир сўздан ўзга.  
Кўкда турналардай борар тизилиб,  
Ваъдаларим, куни қолганча кузга.  
Навқирон фурсатларга этдим хиёнат,  
Қари бир гумроҳдай ҳаётим аянч.  
Шаффоф кўнглим қани, билмаган миннат,  
Йўлга чиқкан эдим ул бўлиб суюнч.  
Ҳеч нарса ёқмайди, нафсу манфаат  
Бўлиб кўринади теграмдагилар.  
Адолат излар эдим, енгдими иллат,  
Нимани истайди йўлимдагилар?  
Дўистлар десам, бари асл, киройи,  
Аслига боқиб goҳо босади даҳшат.  
Юраги кибр жойи, сўзи ер мойи,  
Ботинидан сургун этилган шафқат.

Ютум ҳавога зор қилар олам бу,  
Судраламан фақат тиланиб имкон.  
Сўзга айлантиргин ҳар бир жоламни,  
Бўғзимдан отилиб чиқкунича қон!..

**Сув ва нон**

Нолисам ношукурлик бўлиши тайин,  
Камимни ҳар лаҳзада тўлдириди иймон.  
Ўн саккиз минг олам соҳиби – Ғаний,  
Туганмас хазиналар айлади эҳсон!  
Солмаса бас энди нафсим ларзага,  
Тоабад неъматидан ёруғдир юзим!  
Сувга зор қилмаса сўнгги лаҳзада,  
Нонини дор килмаса оримга, Дўстим.

\* \* \*

Хиёнатга мойил кундузлар кечар,  
Кудук тубларидан тортиб қонингни.  
Нигоҳ арқонида ютоқиб ичар.  
Кимларга курбон қилдинг тоза онингни?  
Эй дил, эй йўловчи, талангтан карвон!  
Саробдан умидингни узолмассан ҳеч,  
Асал каби оғу тушларинг титар,  
Куёш заррасидек уйғотар ҳар кеч,  
Сенга ҳеч вақт вафо қилмас сукутлар...  
Эй дил, эй йўловчи, бесамар армон!

Боқмассан, юрагингнинг куясин артиб,  
Тегрангда чирпанади иймон жонсарак.  
Тоққа чирмашасан гуноҳлар ортиб,  
Қазоси аник, қадри ҳамон бедарак.  
Эй дил, эй йўловчи, бежон палахмон!

Узсанг-чи узук дорни, сайр этиб горни!  
Ҳақнинг ризоси деб қалдирғоч учар.  
Нафснинг қозиси бўл, ишқ-ла беморни  
Давола! Давола! Сароблар кўчар!  
Эй дил, эй йўловчи, нияти талқон!..

Доирага тушган қуёшлар, ойлар,  
Доирадан чиқ деб огулар ичар.  
Сени нишон олиб тортилган ёйлар,  
Хиёнатга дохил кечалар кечар...  
Эй дил, эй йўловчи, бўғзида арқон!..



## Бошқача тикланар шеърда ҳар бино...

**Илҳом  
АХРОП**

\* \* \*

Атай ерга боқар, күттармайди бош,  
Негаки күзлари сўзиникидир.  
Сен кимдандир олган бўлишинг мумкин,  
Аммо унинг кўзи ўзиникидир.

Тилингдан аrimас саробий мақом,  
Унинг эса йўли тузиникидир.  
Сен қўя оласан шаънин савдога,  
Лек сотилмас дили ўзиникидир.

Сенга уни билиш этмагай насиб,  
Сендан асролгани юзиникидир.  
Юз топта, у юртин ўйлар барибир,  
Ахир, Ватани ҳам ўзиникидир.

\* \* \*

Эшитилди ногоҳ қарға овози,  
Тинмай қағиллади, англай олмадим.  
Ҳисларим қамради кўримсиз олов,  
Ҳатто кўз ёшим-ла ўчиролмадим.

Айтмадим: қолмади дараҳтда мевам,  
Юрмадим ҳеч қачон миннатли йўлдан.  
Зада бўлавергач зулмидан, айтдим:  
“Қўнгироқ кутяпман, кечир, булбулдан?!”

---

**Илҳом АХРОП** – филология фанлари номзоди. 1960 йили тугилган. Тошкент давлат маданият институтини (ҳозирги ЎзДСМИ) тамомлаган. Унинг “Тадорик”, “Гулчин чиройлар”, “Тонгни қўриқлайман”, “Ўйқуга кўниккан төглар” каби шеърий, болаларга бағишланган “Бозорга юзланган бола” ҳикоялар тўплами, “Қалбни яшириб бўлмайди”, “Ўз кўнглининг мусаввири” илмий-бадиий рисолалари нашир этилган.

\* \* \*

Чинқираб йиглайди болалар,  
Изтироб нелигин билмайин.  
Нима у малолу нолалар,  
Камситиш нелигин сезмайин.

Ёнида гиргиттон ғамхўри,  
Онаси – жонининг гадоси.  
Бу йифи – ишора, башорат:  
Аламнинг асосий нидоси.

### **Қарашлар**

1

Шарафланган инсон азал-азалдан,  
Куръон ҳам бахшида бўлгач одамга.  
Сен-чи, сен... бўшамай эски ғазалдан,  
Борни такрорлайсан ҳар бир қадамда.

Ибодатга хосдир ҳамду санолар,  
Қалбнинг мўъжизаси тавба, шукрлар.  
Бошқача тикланар шеърда ҳар бино,  
Ўзгача оҳангда бўлар зикрлар...

2

Бори ҳикмат Куръонда, дўстим,  
Бир таъсири йўқ сенда, дўстим.  
Яна ўша гап: нени ёzsам,  
Кўрсатади шуни ҳаётим...

3

Ўйлаб етолмайман ўйимга асло,  
Инсон изми доим бир сирда экан.  
Чорловлар хуш олар, ҳар кўйга солар:  
Жаннатнинг эшиги қаерда экан?

О, Қодир Аллоҳим, бу тану жоним,  
Ўйларим тавбангга доим бандадир.  
То қусру фазилат ҳамроҳдир бизга,  
Ул эшик тутқичи шу дунёдадир.

\* \* \*

Фақат эртаклардан юрмангиз излаб:  
Сўзлайдиган қарға ҳаётда ҳам бор.

Бетайин кўнгиллар кири олдида.  
Жисмдаги қусур эмасдир ғубор.  
Чанг ва нам соғлиққа эмасдир заар,  
Ғамнинг оқ сочиға тил эрур тилмоч.  
Тик хода қувватин осилган билар,  
Тўқнинг найрангини билиб турар оч.

\* \* \*

Турмушнинг тоши оғир,  
Хаёт чигаллиги кўп.  
Ўртаниб кетар бағир,  
Сув оласан сув тўкиб.  
Бор савдолар кўздандир,  
Қалбга бошлар у ғамни.  
Кейинги дард сўздандир,  
Ёвлаштирап одамни.  
Мушуклар йўлбарс бўлар,  
Ташланади кўққисдан.  
Шерлар сичқонга дўнар,  
Ночорсан шу боисдан.  
Ёшлигингда ўйлатган,  
Кемирар иchlарингни.  
Сочларини силатган,  
Юлади соchlарингни.  
Аёлни аёл демай,  
Ит кунига соларлар.  
Шу ахволда ажралмай,  
Қаригайлар, ўларлар.  
Яшаш деган битта сўз,  
Йўқ рўзгор лугатида.  
Кўз кўрар, афсус, эсиз  
Танлар кул ўз ўтида?!  
Ўртаниб кетар бағир,  
Сув оласан сув тўкиб.  
Турмушнинг тоши оғир,  
Хаёт чигаллиги кўп.

\* \* \*

*Гиждувонлик гулчи Пўлат Йўлдоиша*

Гуллар орасида қаршилар тонгни,  
Рухан сухбатдадир кетар чоги ҳам.  
Кўпга аралашар чиқиб гулзордан,  
Ажиб ишқ ўрнини эгаллайди ғам.  
Лоқайдлар қўшини қаршилар шодон,  
Рўзғор ҳам ҳисобга олмас кўнглини.  
Кўрган каби бўлар оралиқда у,  
Одамларнинг гуллар билан жангини.

\* \* \*

Тоза дерлар навбаҳорнинг нафасин,  
Ҳатто севинч ёши – шабнам, дилники.  
Нафис дерлар боғда еллар ҳавасин,  
Гўё кўклам дер: бу олам меники.

Биз ҳам чиқдик шу баҳорни кутгани,  
Майса, гуллар чиқди биздан кейинроқ.  
Ечиб отдинг тандан неки – қишини,  
Сочинг кўрдим Наврӯздан ҳам олдинроқ.

\* \* \*

Жанозада ўйнаб юрар болалар,  
Гирён қаравшларга бокишар кулиб.  
Изтироб нелигин билмайди улар,  
Билишмас, бир инсон ётибди ўлиб.

Катталар ўлтирас, чехралар сўлғин,  
Йифи юракларни олгандай юлиб.  
Кимдир болаларни тергайди тағин,  
Ўлим нелигини билгандай бўлиб?!

### **Қизилқум**

Узокдан саксовул гулга ўхшайди,  
Униб қолган ялпиз кулга ўхшайди.  
Кўз етмаган жойга кўнгил талпинар,  
Янтоқ ўсмаган ер йўлга ўхшайди.

\* \* \*

Аён, тунлар юлдуз, ойсиз ёришмас,  
Шабнам кўз ёшидай дил ғамин емас.  
Баргларни сарин ел севмасин қанча,  
Улар барибир сенинг юрагинг эмас.

\* \* \*

Ҳаёт йўлимизни нур-ла безатди,  
Дилларимиз меҳри ила ясатди.  
Юзим ардоғида порласин мудом,  
Ахир, шу кўзларим сени кўрсатди.



## **Сувратдан сийраторни излаган нигоҳ**

Эссе-ҳикоя



**Хуршид  
ДҮСТМУҲАММАД**

**Кимлар ўтмаган бу йўллардан!..**

Азиз китобхон! Ижозат беринг, қўлингиздаги эссе қаҳрамонига бағишлиланган ҳикоямизни узоқдан бошлайлик.

Киндик қони тўкилган, шўх-шодон болалиги ўтган маскану манзилларни бу қадар ҳаяжон, бу қадар батафсил, бу қадар шоирона меҳр-мухаббатга тўлибтошиб тасвирлаган одамни кўп учратмагансиз десам, ишонасизми?.. Қодир табиат юртимизга мана шундай ажойиб ва бетакрор гўшаларни инъом этганига қаҳрамонимизга жўровозлиқда шукроналар айтишингизга эса биз ишонамиз.

Номлар-чи, жой номлари-атамаларни айтмайсизми?! Халқимиз табиатан шоирлигини билиш, хис этиш учун олис кишлоқларимизни пойи-пиёда кезайлик, бобожон-моможонларимиз билан сухбатлар қурайлик, ёдимиздан кўтарилиб бораётган тарихий номлар унут бўлмаслиги учун ёзиб қўяйлик уларни, ўчмайдиган, унутилмайдиган қилиб ёзайлик! Бирга-бирга баҳра олайлик у ўлмас ва ўчмас номлар, атамалар жарангидан, суруридан!..

### **Қаҳрамонимиз хотирларидан**

Хатирчи билан ҳозирги Навбаҳор туманларининг чегарасида Зарафшон совхўзига қарашли жой бўлган. “Туркистон” деб аталмиш худуд этагида Зарафшон дарёсидан кечув жойини “Кама” деб аташган. Унинг нариги қирғоғи бўйида Буркут қишлоғи бор, онам ўша ерли. Қишлоқнинг тепасидан чўзилиб кетган Тошкент-Самарқанд-Бухоро йўлидан тинимсиз ўтадиган мошинлар карвони изидан адоксиз орзу-ниятларга тўйинган шамоллар, бўронлар, тўфонлар

---

**Хуршид ДҮСТМУҲАММАД** – 1951 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. Унинг “Ховли этагидаги уй”, “Паноҳ”, “Оромкурси”, “Сўроқ”, “Соф ўзбекча қотиллик”, “Маҳзуна”, “Ибн Муғанний”, “Ёлғизим – Сиз”, “Кўз қорачигидаги уй”, “Жажман” асарлари, шунингдек, “Ҳижроним мингдир менинг” қисса ва ҳикоялар тўплами, “Бозор” романи нашр этилган. “Ҳамид Аъламовнинг айттолмаган гаплари” хотира-эссеси ва “Журналист бўймоқчимисиз?” рисоласи, “Чаёнгул” киносценарийси муаллифи. А. Рюносекенинг “Расёмон дарвозаси” ҳикоясини, Т. Пўлатовнинг “Етти ҳузур-ҳаловат ва қирқ қайгу-алам” романини ўзбек тилига таржима қилган.

тиним билмайди. Ўтган асрнинг 60-йиллар охирлари бурқутликлар кўч-кўронни ортмоқлаб жануб томонга – Кизбуви тоғи томон, даштга қўчишган. Тўрт ёшимда “Кама”дан ўтганим ҳануз ёдимда, у ҳозир ҳам бормикан?.. Бор бўлса, ҳамон бу ёруғ оламга изма-из келиб кетаётган авлодлар узогини яқин қилаётганмикан?..

Дарёнинг ўнг қирғоги тўқайзор, юлғун тигиз ўсади у ерларда. Юлғун чаппар уриб гуллаганини кўрмабсиз, дунёга келмабсиз! Лов-лов ёнади денг! Кўз узолмайсиз!

Ўсмириз, таътил кунлари “Туркистон”дан дарё томон энадиган йўл орқали кирғоқка яқин олиб боришади. Йигирма-ўттиз ҷоғли йигитчалар шу ерда қўниб, ҳафталаб чорва учун ем-хашак ўрамиз. Ёзда дарё суви лойқа, шитоб ила оқади, биригадир-назоратчиларнинг кўзини шамгалат қилиб, чўмилиб ҳам оламиз.

“Туркистон”дан тепароқдаги Чалли деган жойдан бош олган катта ва қадими Қалқонота канали тоғ этаги бўйлаб икки йўлда “Қахрамон”, “Олчин”, “Учтут”, “Кавоби”, “Ҳаловатепа”, “Шайхлар” каби кўхна қишлоқлар аҳолисини сув билан таъминлай-таъминлай йирик чорраҳа-манзилгоҳга лиммо-лим обиҳаёт билан етиб келади. Қизиқ, йўл-йўлакай қанча-канча дала-тузу тирик жонни обиҳаёт билан таъмин эта-эта келган каналнинг суви сира озаймайди, сувнинг сатҳи пасаймайди, чунки у ўзандан сув эмас, барака оқади, барака!

Билиб қўйинг, Қалқонота тарихий манбаларда “Ҳарақон” (“Ҳарқона”) деб тилга олинган...

Сувнинг борлиги, баракаси-тириклиги унинг тиним билмай оқишида! Бинобарин, Қалқонота-Ҳарақон йўлдан тўхтамайди, балки йўл-йўлакай яна Фужбоқ, Ковракбий, Бурқуб, Эшонтўп, Кескантерак, Бешработ каби ўнлаб қишлоқларни обод қилади. Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарида “Ҳарқонат ул Улвие” деб тасвирланган, бизнинг тилимиздаги мазкур канал суғдийчада “катта ариқ” маъносини англатади. Дарҳакиқат, бу ерлар қадими Миёнқол худуди, суғдийлар ватани хисобланади. Жўғрофий жиҳатдан Нурота тоғ тизмасига киравчи Коратовнинг этаги, “Зарафшон” воҳасининг бир бўлраги бўлган, каминанинг киндик қони тўкилган, тенгқурларимиз болалигида бағрига олиб, эркалаган-сийган бебаҳо юртимдир. Тарихий Ҳарқона (Ҳарақон) Қалқонота манзилгоҳига доир айрим маълумотларни айтмасак, кўнгил таскин топмайди.

Қалқонота қишлоқ, шаҳар ёки қалья деб тилга олинмайди. Ёшлигимизда “Сарбозор” ҳам дейиларди. Бундан хуоса килиш мумкинки, йирик чорраҳа хисобланган Қалқонота мозийда савдо йўлидаги йирик марказ бўлган. Карманадан шимол томон икки фарсаҳ йўл юрилса, Қалқонотага етамиз, шу жойда йўл иккига айрилади. Чап шохи Нуротага, ўнгга қайрилган йўл Хатирчига олиб боради. Қадим-қадимда савдо карвонлари тўхтаган манзилларда бозор авж олган, шундан Қалқонота (Сарбозор)да сесланба куни, Хатирчида чоршанба куни, Пайшанба қальясида пайшанба, Жумабозорда (Тойлоқ тумани) жума кунлари бозор йигини тартибга солинган. Эътироф этилишича, ўтган асрларда бу минтақада Шахрисабз, Фиждувон, Хатирчи, Жумабозор бозорлари энг қизғин савдо манзиллари сифатида доңг тараттган.

Болалигимизда Қалқонотадан бошланадиган тоғ йўли Нуротага олиб боражагини, нуроталиклар Қалқонотани, бизниклиар Нуротани қутлуғ қадамжо деб тавоф қилишларини кўрардик. Ўқитувчиларимиз баъзан бу ҳақдаги саволларга “Икки ака-ука ботирлар бўлган, улар ўз куч-кудрати билан ёв йўлига қалқон бўлиб, халқни ҳимоя қилишган”, қабилидаги афсоналарни ҳикоя қилишарди.

Бешинчи синфдамиидим, Худо, дин ҳақида эшитганларимни айтганимда, отам кулогимга шипшигандилар: “Худо бўлмаса бу дунё яралмас эди, Ундан ҳеч нимани, ҳатто хаёлингдан кечганини ҳам яширолмайсан. У ҳамма нарсани кўриб, билиб туради”.

## **Хуршид дўстмуҳаммад**

Юқорида келтирилган муайян жўғрофий маълумотлардан, шунингдек, қатор тарихий манбалардан равшан бўлишича, она юртим тупроғига, фаҳр ва ғурур билан айтайки, не-не улуғларнинг ҳам киндик суви томган экан! Ахоли “Қалқонота” деб эъзозлаб келган бу улуғ зот Нақшбандий тариқати силсиласида ўз ўрнига эга Шайх Боязид Бастомий (883 йилда вафот этган)дан таълим олган ориф ва шайх Абул Ҳасан Ҳарақоний эканлар. Табаррук Нурота азизи авлиё ҳам Валий Шайх Абул Ҳусан Нурий (вафоти 907 йил) пиру муршид эканлар. Кўриниб турибдики, ҳар икки мақомати улуғ аллома бир замонда яшаганлар. Тарихий асарларда келтирилишича, ҳар икки зот босқинчиларга қарши бор қудрати ва кучини сарфлаб ҳалқ ҳимояси тарафида бўлганлар. 1220 йилда Чингизхон Бухорони босиб олгач, номи тилга олинган жамики қишлоқларни хонавайрон қилган. Соҳибқирон Амир Темур даврига келиб унинг эътибори билан (она томонидан бобоси Карманада истиқомат қилган) бу томонларда ҳаёт қайта тикланган, бундай тарихий маълумотлар кейинги ўттиз йиллар ҳалқ орасида оммалашаётган бўлса-да, бизнинг болалигимизда оддий одамлар орасида ҳалқ тилида “Ҳазрати Баҳовуддин балогардон”, “авлиёи Қарахоната”, “пирни Нурота”, “Худойдоди азиз” номлари тилга олинарди. Ҳазрати Шайх Худойдод Валий (1461–1532) ватани Кармана, демак, номи анча машҳур Султон Абдуллахоннинг пири Қосимшайх Азизондан (1578 йилда вафот этган) аввал етишган Шайх ва мутасаввиф шоир бўлган. Унинг ҳозирда эълон қилинган ўзбек ҳамда форс тилидаги назмий асарларида Бобораҳим Машраб, Султон Аҳмад Яссавий ҳикматлари билан муштараклик борлигини ҳис қилгандай бўламан. Унинг шеърларини ҳам жуда ёшлиқ чоғларимда эшитгандайман:

*Худойдод найласин пирлик ҳолинда  
Жаҳон ичра жаҳон сенсиз керакмас!*

Яна:

*Сенинг ишқинг мени девона қилди,  
Ўзимдан уздию бегона қилди.*

Ёки:

*Худойдод найласун мулки вужудда  
Ўзини дард ила ҳамхона қилди.*

Шайх Абул Ҳасан Ҳарақонийнинг қабри Ҳарқонру аригининг ўнг ғарбий томонида бўлиб, оралиқ чамаси 90–100 одимлик масофа. Манбаларда Абдуллахон Шайбоний қабр устига мақбара қурдирган. Аммо мақбара бизнинг ёшлиқ давримизда ҳам йўқ эди. Бир неча йил бурун бу кўхна манзилда шу ерлик савобгир бир йигит Нурота йўлининг шундок ўнг томонида, кирликда муҳташам мачит қурилишига бош-қош бўлди. Тадқиқотчилар маълумотларига қараганда, эрамиздан аввалги 329–324 йилларда Ўрга Осиёга бостириб кирган Александр Македонский Спитаменни қўлга тушириш мақсадида бутун Зарафшон воҳасини яксон қилиб, 120 минг кишининг ёстигини қуритган. Ҳарқона ва унинг атрофида яшовчи барча манзилгоҳлардаги сўғдийларни ҳам хароб этган. Чунки Спитамен босқинчидан паноҳ излаб Қизилқум сари йўнала туриб Ҳарақонга қўниб ўтган. Менимча, у бугунги Қалқонота арифи бўйлаб ҳозирги Конимех орқали кетган, бунда масофа йигирма чақиримга

етмайди. Нурота қалъаси эса олтмиш километр узоқликда, тоғда. Босқинчи Александр Нуротани ҳам ишғол қылганига муқаддас чашма тепасида ҳозиргача сақланиб қолган истеъхом қолдиқлари шоҳид. Ҳар қалай афсоналар бежиз сақланмаган.

Қадим йўллар, манзиллар, дашту далалар, шамоллар... Хотирага муҳрланган азиз манзарапар. Ҳамма-ҳаммаси суюкли, арзанда, бетакрор. Қучоғингга олгинг, бағрингга босгинг келади барини!

Халқимизда бир лутф бор, эшигансиз, биласиз: “Кимлар ўтмаган дейсиз, бу йўллардан?!”

### **Бобом Жумабой ҳофиз**

Элас-элас эслайман. Отам, онам, уч фарзанд Хатирчидан отамиз юрти бўлмиш Гужбоқ қишлоғига кўчдик. Аввалбошда “кора уй” – ертўлада яшадик. Кўклам келиб, кунлар илиганда отамнинг Сапоқул исмли амакисиникига вақтинча кўчиб ўтганмиз. Уй бекаси Тиникчечча (биз момо дердик) жуда меҳрибон аёл эди. Ўсмир Абдуназар ва Сойибназар исмли ўғиллари биз уч болани ҳар хил ўйинлар билан овутишарди. Бу орада отам томорқа олиб, янги уй тиклашга киришдилар. Ўша кезлар отам ғайратли, кучга тўлган, ўттизни қоралаган, ишнинг кўзини, тадбирини биладиган йигит эди. Нима иш бўлса, қўл-билак кучи билан ўхшатиб битирган.

Колхоз “хукумати” яккам-дуккам сочилиб яшаган оилаларни янги йўл бўйига кўчирган. Ўша кўчманчилик бизнинг оиласа ҳам “тегиб” ўтган. 1956 йилнинг адоғи, оиласизни янги қурилган икки даҳлиз-бир хонали уйга кўчириб келган.

Уч фарзандмиз, камина – ўртанча. Эшигимиз икки табақали, қалин ва оғир гужумдан ишланган ироқи ўймали – томоша қиласиз. Занжир билан танбалаймиз. Даҳлиздан икки деразали катта хонага кириларди. Кираверишда ўнг томонда “буржуй” печка, ёнида сандал. Қишининг узок тунлари сандални бозиллатиб, лампачироқ ёруғида отамдан масалу достонлар тинглаймиз. Қачон уйкуга кетганимизни ҳам билмаймиз. Тонг отгач кўзимни очаману, деразадан тушган ёруғда товланиб кўринган – етти боловрлик (тўсинлик) каттагина хонанинг вассажуфт шифтига термилганча қоламан. Зич қадалган тоқиларни гоҳ у-гоҳ бу томондан санайман, шу саноқлар замирида қандайдир маънолар яширинганга ўхшайверади. Отам: “Бобонгнинг уйи бузилганда колхўздан бизга теккани шу” деганини эслайман. Тўрт ёшга тўлмаган болакай пайтларим...

1957 йилнинг февралида оиласа тўртингчи фарзанд туғилгач, барчамизга “метрка” – туғилганлик ҳақидаги далолатнома олинган. Шунга кўра биз Бухоро вилояти, Навоий тумани “Қизил октябрь” қишлоқ совети ҳудудида, боболаримиз юритида “туғилган” бўлиб расмийлаштирилганмиз.

Алқисса, тупроғи-замини табаррук Ҳорақон-Қалқонотага ёндаш Гужбоқ қишлоғида яшаб ўтган катта бобом (отамнинг отаси) Элибой кирғиз уруғига мансуб, ўзига тўқ қиши бўлган. Унинг Қиличбой, Жумабой, Рўзимбой исмли ўғиллари ва қизи бўлган. Бобом Жумабой эл-юрга “Жумабой ҳофиз” деган ном билан танилган. Тахмин қилиш мумкинки, Элибой бобом маърифатли қиши, камидা, достончи бўлган.

Катта-ю кичик боболаримизнинг ҳаёти большевиклар даврида фожиеса билан тугаган, назаримда. Шулардан бири – Рўзимбой қайтмас ва қўрқмас, бир сўзли йигит. Шўро раҳбарларидан бирига суикасад қилиб, ўч олгану тоқقا жўнаворган. Ўша ёқларда юравермай, қишининг аёзли, қорли кунларининг бирида тунда уйда

## **Хуршид ДҮСТМУҲАММАД**

ёлғиз қолган синглисини күргани келган. Неча туну кун томда пойлоқчилик қилиб, пусиб ётган НКВД ходими бешотар милтиқдан тиккасига отиб ташлаган.

Бобом Жумабой ҳофиз эса, отамнинг айтишича, 1937 йилда қирчиллама ўттиз тўрт ёшида бир кечада дом-дараксиз кетган.

### **Отам, онам...**

Ақлимни таний бошлаганимдан отамнинг кўнглида қанчалар армону дардандухлар пинҳонлигини ўзимча тасаввур қиласдим. Бор-йўғи тўрт синф маълумот кўрган инсон авлиё донишмандлар янглиғ дарди ичиди, бутун аламини меҳнатдан, турмуш мashaққатларидан олган. Умрини, куч-кудратини биз фарзандларнинг келажагини тикилаш йўлига сафарбар қилди. Туриш-турмуши темир ироди, ҳалол ва тўғрисўзликдан ташкил топганди, очиқкўнгил эди. Диридаги тилига кўчган маҳаллар, “Ўқиганимда яхши муаллим бўлардим, – деб қўяр, – ўқинглар, элнинг олди бўлинглар!” деганча олис-олисларга умидвор кўз тикар эдилар.

Яхши ният ярим мол экан, дурустроқ мактаб кўрмаган, оддий колхўзчи отанинг ўн нафар фарзандининг барчаси (!) олий маълумотли мутахассислар бўлиб элга, юртга нафи тегаётганинг ўзи заҳматкаш падари бузрукворимиз ва муштипар онамиз (“Қаҳрамон она”) орзу армонларининг ушалишидир.

Болалигимда, ўсмирилигимда кўрган-кечирган, эшитган воқеа-ҳодисаларимнинг бирортаси изсиз кетмаганига аминман, зеро, уларнинг барчаси таассуроту хотираларим тахларида муҳрланиб қолган, яна шунга аминманки, улардан ҳосил бўлган руҳий кечинмаларим кейинги бир умрлик шахсим, сийрату суратим, фаолиятим, ва мукаррар, мени ўраб турган оламга бўлган муносабатимни шакллантирган. Хаёлпарастлик, янгиликка учлик, болаларча беғуборлик, самимият – бари-бари хў-ў-ў ўша оли-и-и-с-с болаликдан қолган ўчмас ва ўлмас, қолаверса, мен тиллоларга алмашмайдиган жавоҳир-бисот!

...Тўрт-беш ёшдаман. Қишлоғи, совуқ. Кунлардан тунлар узоқ. Янги ўнинчи лампа чироғимиз сандалнинг тепасига, шифтга осилган. Даладан қайтган отамнинг овқатланиб бўлишини сандал атрофиға тизилганча илҳақ кутамиз. Уй совуқ, сандалга суқилган оёқларимиз қизигандан-қизийди. Отам эртак-маталлар айта бошлайди. Уйнинг тўрида, сандиклар устига йигилган кўрпа-тўшак олдига осилган палак менинг тасаввуримда кинотеатр экранига ўхшаб кетади. Бамисоли матал ёки эртакдаги воқеалар палакда аксланаётгандек туюлади...

Кунлардан бир куни кеч оқшом уйимизга меҳмон келди. Уни эски танишлардай илиқ кутиб олишди. Елкасидаги ҳар икки кўзига иккита ёғоч кути солинган хуржинини даҳлиздаги тахта устига кўйди-да, юз-қўлини ювгач, ичкарига, сандалга таклиф қилинди. Чойдан сўнг кимларнидир сўраб-суриштириди. Акам, синглим ухлаб қолиши. Кенжамиз бешикда.

Эсимда, меҳмонни бошдан-оёқ кузатдим, кийим-бошлари бошқача, чамаси эллик беш ёшларда, жуссаси кичик, калта қора соқолли, тим қора қошига довур бостириб кийиб олган телпагининг тепаси думалоқ гумбаз гардиши ости бурама, айланаси қорақўл тери билан қопланган. Тишлари майда, текис, ўзи эса босик-вазмин, қўлларини ҳаракатлантириб, сухбатни бир маромда олиб бораради.

Меҳмон секин-аста шеър ўқишига киришди. Эсимда, аввал ўзбекча, кейин бошқа тилда (форсча) ўқий бошлади. Бир меъёрда, гўё аллаловчи оҳангда деярли узмасдан ёд айтарди. Мени ҳам уйку элита бошлади, ухлаб қолсан, шеър эшитолмайман. Меҳмоннинг шеър ўқиши Куръон ўқиётгандек эшитиларди менга. Кўз ўнгимда: меҳмон чиндан ҳам тиловат қилаётгандек бош тебратар, гоҳ-гоҳи тишлари ялтираб кетарди.

Уйқу кутқусига бас келолмай, мудраяпману, меҳмоннинг аллақандай сирли бир оҳангда тинимсиз “мано, мано” деган такрори қулоқларимга, қулоқларимдан мургак қалбимга сингиб қолаётганини хис этардим…

Эрта тонгда биз уйкудан уйғонгунимизча, меҳмон нонушта қилиб, ўз йўлида равона бўлган экан. Маълум бўлишича, бу киши бухоролик мисгар, у манзилдан бошқасига кўчиб, бирор-бир белгили хонадонда тўхтаб, тирикчилик кўйида ахолининг мис идиш-асбобларини (у пайтларда шундай идиш-асбоблар кўп ишлатиларди) таъмирлаш билан шуғулланар экан.

Орадан ўттиз йиллар ўтди чоғи, нима сабаб, ёдимда йўқ, Чимкент шахрига бордим, шунда бир неча дафтар варагига ёзилган шеърлар қўлимга тушиб қолди. Ўқидиму, юрагим ҳаприкиб кетди! Ҳар тўртликнинг охири “айтдим мано”, “бердим мано”, “солдим мано” каби сўзлар билан якунланарди. Такрор-такрор ўқияпману, қулоқларим остида ўша олис болаликда қулоғимга қўйилган меҳмон кишининг овози жаранглаб садо бераётгандек эди. Бу ўша даврларда халқдан яширилган, ҳатто зарарли адабиёт деб ман қилинган Султон Аҳмад Яссавий ҳикматлари экан!

Мен шу вилоят газетаси редакциясидан дўстларим ҳамроҳлигida улуғ мутасаввиф бобомизнинг биринчи марта газетада эълон қилинган ҳикматларини ўзим ишлабтган “Ёшлик” журналига олиб келдим. Шеърлар шоирнинг Туркистон шахридаги кутлуг қадамжосининг рангли суратлари билан босилди.

Сўнгра қизиқдим, ўргандим, халқимиз орасида аввалдан маснавийхонлик йиғинлари бўлган, йиғинларда Яссавий, Румий ва бошқалар ёддан ўқилган. Ўзимча фараз қилдим: ўша шеърхонлик давраларида Накшбанд тариқати силсиласида ўз ўрнига эга карманалик шайх Худойдод Вали Азизон (1532 йилда вафот этган) нинг ҳам шеърлари (ўзбек ва форс тилида ижод қилган) ҳам ўқилган бўлиши муқаррар. Ҳамқишлоғимиз, одамлар орасида хурматли Кудрат бувадан эшитганларим ёдимда: “Қишининг узун кечаларида биз йигитлар (20–30 йиллар асноси) бобонгнинг уйида йиғилардик. Тўққиз болорли меҳмонхонанинг тўрида ёши катталар, бўсаға томонда биз йигитлар, юқоридагиларнинг хурматини жойига қўйиб жойлашардик. Баъзида йигирма соатлаб одоб сақлаб, тинглаб ўтирадик”.

Қаранг, тасаввур қилинг, бобом Жумабой ҳофиз уйида достонлар айтилган, маснавийхонлик бўлган! Бухоролик мисгар амакининг уйимизда қўноқ бўлиб колиши тасодиф эмасдир. Алқисса, отамнинг отаси Элибой бобом зиёли, маърифатли, элнинг олди инсонларидан бўлган дейишга асосларим бор.

1962 йилда янги кўп хонали “типовой” уй қуриб, кўчиб ўтдик. Бир йилдан сўнг электр-чироқ ҳам келди. Янги уйдан бир хона ажратилиб, алоҳида дарсхона бўлди. Тўрда китоб жавони, унинг тепасига Алишер Навоийнинг портретини илиб кўйдик (Таникли рассом Кайдалов ишлаган машҳур портрет, ок-кора рангда чоп этилган).

Дарс тайёрлаб ўтиргандим, отам ёнимга кириб бирпаст суратга термилиб жим колдилар, сўнг: “Буванг Навоийга ўхшар эди”, – дедилар.

Шу бир оғиз жумла дунёга, одамларга, ўзимиздан ўтган ота-боболаримга бўлган меҳрим-эҳтиромимни шу қадар ошириб юбордики!..

Отам тун кечалари эртак, матал, ҳикматли воқеалар айтиб берганини кўп-кўп, бот-бот эслайман. Ҳаммадан кўп “Алпомиш” достонини тинглашни яхши кўтардим. Отамнинг айтиш тарзи жуда мароқли эди. Достон тугагач, яна қайта бошдан давом эттиради…

Олти ёшимда достонни бошдан-оёқ ёд олгандим. Кейин-кейин ўйласам, отамнинг тунги ҳикоянависликларининг ҳаммаси мазмунан тўғри, ҳалол, ботир бўлишга, оқилу доно, ориф бўлишга, юртсевар бўлишга даъватлар экан. Тарбия, истак, орзу экан!

## **Хуршид ДҮСТМУҲАММАД**

Үйимиздан икки чақирим чиқар-чиқмас дайровот томондан Конимек (асли Кони Мир) канали ёз ойларида түлиб-тошиб оқарди. Биз уни қисқа қилиб “Кон” дердик. Кон йўлда ўнга яқин қишлоқдан ўтиб ҳозирги Конимек тумани марказигача Зарафшон дарёси сувини олиб борган. Оралиқда, табиий ботиқликда эса қадимдан Ойдинкўл бўлган. Айтишларича, бу кўл бир замонлар Зарафшон дарёси тошқинидан ҳосил бўлган. Нурота шахрига отланган йўловчилар ой тўлган маҳал тоғдан туриб қараганда кўл сатхиди бир бутун кумуш оймўма ярқираб кўринган, Ойдинкўл номи шундан ҳосил бўлган. Яна айтишларича, Ойкўлнинг (шундай атама ҳам бор) ўртасидан уч отлиқ ёнма-ён юрадиган кенглиқда йўл бўлган. Кўлда турфа балиқлар, товуслар бўлиб, Бухоро амирлари бу ерда истироҳат қилишган, шу йўлдан ўтиб ўз тасарруфидаги Қалқонота орқали Нуротани зиёрат қилиб қайтишган.

### **Ойкўл, Ойдинкўл!**

Бизнинг болалик давримиздан кўл пахта далаларининг “сиқуви” ортидан йил сайин кичрая бориб, сувқамиш-тўқайзорга айланана бошлади. Ёзда лайлаклар издиҳомига айланарди. Ҳамқишлоқ болалар бу ерда қўй, эчки, сигир-бузоқ боқар эдик. Кўлнинг атроф қирғоқлари тақир чимзор бўлгани учун, сигир-бузоқларнинг арқонини шоҳларига ўраб “озодлик” бериб юборилса бас, болалар эмин-эркин ўйинга берилиб кетардик. Баъзан биздан хиёл ёши катталаримиз менга “Алпомиш” достонини айттиришарди. Болалар гоҳ кўксини тақир чимга бериб, гоҳ ҷалқанчасига айланана бўлиб ётиб олишарди. Менинг отамга таассуб қилиб достон айтишимни йифилганлар чурқ этмай соатлаб тинглашар, мен эса бор-йўғи олти-етти ёш эдим ўшандা.

Суви кўзёшидек тиниқ Ойдинкўл, пахтадай оппоқ, парча-парча булутлар сузиб юрган Ойдинкўл осмони, лайлаклар ошёнига айланган Ойдинкўл соҳиллари, қувалашиб толикмаган, достон тинглаб зерикмаган биз Ойдинкўл шумтакалари! Қани, ўша қайтмас дамлар, қани ўша давру давронлар, онажоним, Ойкўл, Ойдинкўл?!

### **Танишайлик: ҳикоямиз Қаҳрамони!**

Азиз китобхон! Сўзимиз даромади чўзилгани бежиз эмас. Гапнинг узоқдан бошлангани ҳам, очиги, бесабаб-бехикмат эмас.

Кўлимиздаги эссе-портретимиз, яъни ҳикоямиз қаҳрамони ким? Ким ҳақда бормоқда сўз? Ўйлаб кўрдингизми? Тахмин қилдингизми?

- Шоирга ўхшайди...
- Тўғри.
- Адибмикан?
- Бу ҳам тўғри?
- Мусиқачими?
- Чакки эмас.
- Рассомми?
- Жудаям яқинлашдингиз?
- Айтилмаган қайси касб қолди?
- Ҳатто ушбу тахминингизда ҳам жон бор.
- Яъни?
- Яъни, туғилиб ўсган азиз гўшаларини, табиат инъом этган ажиб манзараларни

унутмаган, нафакат унудиши, балки уларнинг ҳар бир нафаси, кўрки, нафосатини умр бўйи қалбиди, тийнатида авайлаб-ардоқлаб келаётган, дунёни, теварак-атрофидаги одамларни, борлиқ воқеа-ходисаларни ўша хотиралар призмаси юксаклигидан кўрадиган, баҳолайдиган, ўша маърифатли оила мұхити назар-нигоҳи билан ёндашадиган инсонни шоир, адаб десак ҳам, мусиқачи-ю мусаввир десак ҳам адашмаймиз. Қолаверса, фото суратга тушириш санъатини чинакам бадиий ижод даражасига қўттарган инсонни бокира болалик туйгуларисиз зинхор тасаввур қилиб бўлмаслиги яна бир ҳақиқат.

Мамлакатимиздаги кўп йиллик адабий-маънавий-маърифий жамоатчилик орасида ҳикоямиз қаҳрамонини танимаган, билмаганлар кўп эмас, бу инсон – Абдуғани Жума! Ҳа, адашмадингиз, ўша – ҳаммамизга таниш фотосанъат фидойиси, устаси, бирсўзли, оқибатли, садоқатли, жўмард, тиниб-тинчимас Инсон – Абдуғани Жума!

### **Арастудан бошланган мўъжиза**

XXI асрда давру даврон суриб яшаётган ўзбек фотосанъати устаси Абдуғани Жума билан милоддан қариб тўрт юз йил муқаддам яшаб ўтган машхур юнон донишманди Аристотель-Арасту орасида қандай яқинлик, муштараклик бўлиши мумкин?

Буни қарангки, бор экан!

Жуда кўплаб илмлар отаси ҳисобланган файласуф кунларнинг бирида кичик дарча туйнугидан қоронги хонага тушаётган нурдан хонанинг қарама-карши деворида ташқаридаги нарсаларнинг ёруғлик тасвири ҳосил бўлишини кўриб қолган. “Ия, – деган, – бу қизиқ-ку, мўъжиза-ку!” деб юборган. Ана шу фавқулодда қашфиётни орадан ўн саккиз аср ўтгач, машхур итальян рассоми ва ҳайкалтароши Леонардо да Винчи амалиётда қўллаган, яъни айни шу услубда нарсаларнинг тасвирини қофозга туширган. Орада яна икки аср ортда қолган. Немис олимни Киплер икки линзадан иборат телескоп асбоб ихтиро қилган. 1840 йилда австриялик олим И. Пецвал бир нечта линзадан иборат оптик қурилмани ҳисоблаб чиқкан. Ўша асрда фарнцуз Жиро катта кассетали ёғоч камерани, XX аср бўсағасида эса америкалик ихтирочи Истмен роликка ўралган фотоплёнка ўрнатилган фотоаппаратни яратган!

Фотография ўзлаштирма қўшимча сўзларнинг бирикуви ҳосиласи бўлиб, “фото” – юнонча нур, ёруғлик деган маънени, “графия” эса чизиш, расм солишини билдиради.

Фотография ихтиро қилинган вақт 1826 йил январь ҳисобланади. Шу куни Дагер деган француз рассоми фотографиянинг ilk намунасини яратган. Янгилик 1839 йилда Ньюи томонидан тақдим этилган хужжатлар асосида Париж Фанлар академияси илмий кенгаши томонидан қашфиёт сифатида эътироф этилган.

(Ушбу маълумотлар таникли адаб Абдусаид Кўчимовнинг Абдуғани Жума ижодига багишлиланган гоятда ўқиши “Фотограф” эссеидан олинди. “Эл сув ичган дарёлар”. Т.: 2009.)

Шундай қилиб, алазамонлар қадим юнонистонлик Арасту томонидан воқеликка айланган ноёб ихтиро XX асрнинг иккинчи ярмига келиб ўзбекистонлик Абдуғани Жума томонидан давом эттирилди, яъни у бири-биридан ажойиб фото санъати усталарининг энг гўзал анъаналарини давом эттирган ҳолда дунё кезиб, шунча йўл босиб келган ихтиро-ю қашфиётлар самарааси бўлмиш фотоаппарат воситаси-ла суратга олишини том маънодаги бадиий санъат даражасига қўтаришга бутун умрини, маҳоратини, саъй-харакатини сафарбар қилди.

### **Қаҳрамонимиз ҳикояси:**

– Талаба эдим. “ФЕД-3” фотоаппаратини сотиб олдим. Ўша кезлар дўкондан фотолентага йўриқнома қўшиб берилар эди. Ижикилаб ўқидим. Ўргандим. Фотографиянинг туб моҳиятини тушуниш қаерда?! Ҳаваскорлик-да!

Фотоаппаратни қўлига тутган ҳаваскор борки, яқинларини, атрофидагиларни суратга туширади. Камина ҳам қўп қатори, деганларидек... 1976 йили ёзда ишхонамиздан (Ахборат ҳисоблаш маркази) биз ходимларни Паркент туманининг Намданак қишлоғига пичан ўришга жўнатиши. Мен фотоаппаратни олволдим. Бемалолчилик, уни беармон чиқиллатдим. Омад кулиб, десангиз, трестимиз профессионал фотографи Серафим Стефанович (кўриниши ўша вақтларда “Кавказ асираси” фильмида машҳур бўлган “Шурик”нинг ўзгинаси!) кутилмаганда, “Плёнкаларингни менга бер, кўрай-чи”, деб қолди.

Икки кун ўтди. “Шурик” бир халта фотосурат кўтариб келиб, барчага тарқата бошлади. Ва менга қараб, “Сен бошқача туширас экансан, ўзига хос нигоҳинг борлиги сезиляпти, қара, ҳаммасини чиқариб келдим!”

“Шурик”нинг шу бир оғиз мақтови, эътирофи менга қанот бўлди. Ўзим туширган суратларни қўриб, завқим келар, ўзимга хослик нимада эканини билгим келаверди. У пайтларда фотографиянинг техник ва назарий жиҳатларидан бехабар эдим.

“Шурик” устоз сифатида қўлимдан етаклаб Тошкентда, “Панорама” фотоклубига бошлаб олиб борди. Бири-биридан ажойиб фото санъати усталари билан ўша ерда танишдим, тажриба алмашдим. Бошим осмонга етди.

### **Умрнинг ҳар лаҳзаси ғанимат!**

Бадий ижод ҳақида сўз борса, одатда шоир ва адаблик, мусиқа ва рассомлик назарда тутилади. Ваҳоланки, юрак-юрагини бадий тафаккур ташкил этадиган ижод тури, йўналишлари ниҳоятда хилма-хил. Кино ё театр актёри, ҳайкалтарош ё наққош қалбида, шуурида ҳам дунёни бадий идрок этиш майли мужассам. Журналистика эса адабиётга бамисоли ука, бинобарин, журналист учун ҳам бирламчи курол – сўз! Шундай экан, журналист ижодини бадий тафаккурсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Абдуғани Жума бутун дунёқарashi, ижодий фаолияти, изланишлари билан фотожурналистикани бадий ижоднинг бошқа барча турлари қаторида, сафида тенгма-тенг туришга ҳақли санъат эканини кўрсатишга интилди. Бу ажиб туйгунинг замираida нима ётибди?

Касбга адоксиз муҳаббат, садоқат ва... болалиқдан мерос табиатга чексиз ошуфталик ҳислари, дунёни, инсонларни гўзал ва нафис лаҳзалар орқали қашф этиш истаги, керак бўлса, ҳаётий-ижодий концепция ётибди! Абдуғани учун фотосурат фақат қизиқиши, ҳаваскорлик эмас, балки тақдир, бадий ижоднинг бошқа ҳеч бир ижод йўналишидан кам бўлмаган ўзига хос ва мустакил йўналиши! Фотода ҳам маъно-мазмун кўлами бор, фалсафа бор, ҳаётнинг англаш, “тутиб” олиш кийин бўлган жилва-ю мавжлари бор.

...Болалигидан фотоаппаратни кўлдан қўймаган Алфред Эйзенштадт Иккинчи жаҳон уруши йиллари Берлинда нацистлар чангалига илинди. Минг-минглаб миллатдошлари қатори тутқунлик азобида ўлимга юз тутиш онларини бошдан кечирди. Ажали етмаган экан, иттифоқо қочишга муваффақ бўлди, жони омон қолди. АҚШдан паноҳ топди. Ўша-ўша шундай фалсафий хulosага келди: “Инсон умрнинг ҳар лаҳзаси ғанимат, мен ҳаётимни мана шундай лаҳзаларни сақлаб қолиш учун багишлайман!”

АҚШда чоп этиладиган газеталардан бирида шу сўзларни ўқидиму, адаб дўйстимиз Абдусаид Кўчимовнинг Абдуғанига бағишланган эссесидаги “Фоторассом лаҳзалар ичида лаҳзаларни тасвирга олади. ...Фотограф – лаҳзанинг тарихчиси” деган таъбирини эсладим. Тўғри гап қаерда – улкан уммоннинг нариги соҳилида айтиладими, биз томонимиздами, қатъий назар, ҳикматли нақл каби дилга муҳрланади, ёдда қолади.

### **“Январь” шеърига ҳамнафас манзара**

Ҳар бир вилоятда маҳаллий адабий-маданий муҳитнинг ўзига хос даргалари бўлади. Улар янгидан-янги истеъдодларнинг кашф этилишида, ёшларни катта ижод майдонига йўллаш ишларида бош-қош бўладилар. Навоий вилоятида кўзга кўринган, эътироф этилган камтар-камсукум, дилбар шоир Одил Хотамов Абдуғани билан мактабдош бўлишган. “Ўқувчилик кезларим “шоир” эдим” деб эслайди Абдуғани (Ваҳоланки, дўстларимиз орасида Абуғанини хозир ҳам “шоир” дея улуғлайдиганлар кўпчилик!).

Мактабдошлиқ, ижодий қисматдошлиқ ришталари Тошкентда давом этди. Нисбатан ёши улуғроқ бўлган Одилжон гурух “оқсоқоли” – “староста”си эди. Талабалар шаҳарчасидаги иккинчи ётоқхонанинг иккичи қаватидаги Одил “оқсоқол”нинг мўъжаз хонаси ёш ижодкор талабалар йифиладиган гўшага айланганди. Шеърхонлик, мушоира, янги асарлар муҳокамаларида Абдуғани давранинг гулига айланар, буни кўргани сайин “оқсоқол” уни яна ва яна шеър ёзишга ундар, Абдуғани Жума эса бўлажак адibu шоирлар диққатини фотографияга қаратар, фотографиянинг бошқа ижод турларидан кам эмаслигини уқдиришга уринарди. Кимсан Йўлдош Эшбек, Назар Шукурдек шоирлар фотографияга кизиқиб қолишганини айтмайсизми!..

Нурота тоғ тизмасига “қарашли” Қоратоғ этакларида ястанган ялов қўйчивонлари хузуридан қайтган Абдуғани келтирган фотосуратлардан кўз узолмай ўтирган устоз Одил Хотамов шоирлик дастори ўрнига сураткашлиқ борасида “тиши” чиқиб қолган шогирдини кўярда-қўймай “Тошкент оқшоми” газетаси таҳририятига олиб борди.

Пойтахт газетаси у пайтлар нафақат вилоятларда, ҳатто қўшни давлатларга ҳам етиб борар, қўлма-қўл ўқилар эди.

Бўйлим мудири Ўткир Ҳошимовнинг янги романи оғизга тушган кунлар. Одил ака далласида ийманибина кириб келган Абдуғани столга дастурхон қилган суратлардан бир қанчасини танлаб олган Ўткир Ҳошимов билан таниқли журналист Тўлқин Расулов уни таҳририятга тез-тез келиб туришини айтишади. Эътибор бўлса шунчалар бўлар-да! Кейинги келишида унинг суратлари бош муҳаррир Саъдулла Караматовга ҳам маъкул келганини айтишди.

Бадий ижод соҳасида энг нозик ҳолат – ижодкор меҳнатига эътибор! Тирноқча эътибор, тирноқча тасалли тоғдек мاشаққатларни енгишга унрайди, чоғлантиради одамни! Зоро, ижодкорлик туйғуси, яъни “Менда ижод чўғи бор экан!” деган туйғу ҳар қандай ёшнинг бошини осмонлар қадар кўтаради.

“Тошкент оқшоми” саҳифаларида бот-бот кўзга ташланаётган янги ном соҳибига қўшни таҳририятлардан ҳам харидор чиқа бошлайди. “Гулистан”, “Саодат” журналларида саҳифа-саҳифа фотосуратлари чоп этила бошлаши замонавий ўзбек матбуотида янги ном пайдо бўлаётганидан далолат эди.

Ижодий муҳитда Абдуғани Жума сингари ёшларни катта йўлларга бошлайдиган хайриҳоchlар бор эди. Бундай хайриҳоchlарнинг борлиги эса Абдуғани Жумага ўхшаш интилувчан, йўқдан бор қиласидан ёшларнинг бахти эди!

## **Хуршид ДҮСТМУҲАММАД**

...“Саодат” журналининг масъул котиби Эркин Малик билан бош рассоми Лайло Салимжонова уни ўртага олиб, ҳаммаёқни қор қоплаган манзара сурати зарурлигини айтиб қолишиди. “Жуда зарур!” лигини таъкидлашди. (1976 йил, декабрь) Абдуғанининг пайтавасига чўғ тушди! Бундай ишончни оқламаслик? Асло! Қандай бўлмасин!.. Бисотини титкилади. Табиатга чиқди. Кўча, хиёбон айланди. Ва ниҳоят, “Саодат” журналининг январь ойи сонида Абдулла Ориповнинг “Январь” шеъри Абдуғани Жуманинг қорга бурканган ёлғиз арча сурати “жўрлиги-ҳамнафаслиги”да чоп этилди! Тўла бир сахифа!

Ана, сизга ижод, ана сизга шон-шараф, ана ёш ижодкор бошига хумо қуши қўнгани! Тахририятлар жойлашган бинодан чиқиб келаётган Абдуғани рўпарасидан “Гулистон” журнали масъул котиби, шоир Сулаймон Раҳмон чиқиб қолди. “Шеър ёзаркансиз, обкелинг, журналда берамиз”, деди хурмат билан. “Мен шоир эмасман, суратга тушираман, суратга!” деди Абдуғани фахр ва ғурур билан. Кўп ўтмай “Гулистон” журналида бир сахифали фотосурат-лавҳаси босилди (битта суратга ўн рубль қалам ҳақи олганини айтмайсизми!). Ў-ў-ў, кимсан Асқад Мухтор, Ваҳоб Рўзиматов, Маҳмуд Саъдий, Мурод Хидир, Абдулла Шер, Аҳмад Аъзамдек забардаст қалам аҳли ишлайдиган журналда-я! Тасаввур қиласиз, ўша кезларда Абдуғанининг қадамлари илдамлашган, нигоҳи ўткирлашган, диди нозиклашган, топқирлиги ўн-юз ҳисса ошгандан-ошган эди.

Газета ва журнал сахифаларини безаш, яъни дизайннига эътибор бериш одат тусига кириб бораётганди. “Фишт” сахифаларни кўз узмай ўқиши муштариylарга малол кела бошлиди. Сарлавҳалар рассомлар томонидан қўлда чизишга ўтилди, ҳажмдор матнлар безаксиз босилмади. Матбуотдаги бундай эврилишлар палласида, табиий, айниқса изланувчан, чертиб-чертуб суратга туширадиган диди баланд фотосуратчиларнинг куни туғди. Барча босма нашрларда фотосуратчига бўлган эҳтиёж ҳар қачонгидан ошди. Ҳатто ҳар бир тахририятда ўз фотомухбири бўлишидан қатъи назар, “чет” фотосуратчига буюртма бериш одатий ҳолга айланди.

Фотосуратчиларда ҳам ихтисослашув жараёни кечди. Қишлоқ ҳаёти дейсизми, илм-фан ёки тибиёт дейсизми, кундалик ишлаб чиқаришми?.. Бир қатор фотоусталари адабиёт, маданият, санъат соҳасини ўз маҳорат майдонларига айлантиришди. Бу борада улок Содик Маҳкамовда эди. Абдуғани Содик Маҳкам устанинг йўлини тутди. Бамисоли миллий адабиёт ва маънавият дунёси лаҳзаларини, барадла айтишга бурчлимиз, бетакрор ва тиллоларга топилмас лаҳзаларини тарихимиз мулкига айлантириш борасида ҳормай-толмай изланди, ижод килди, бу йўлда хизматини дариг тутмади. Одил Ёқубов, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов, Шукур Холмирзаев, Ҳалима Худойбердиева ва бошқа юзлаб адибу шоирларимиз ижоди ва шахсиятига хурмат бажо келтириди. Кам бўлмади.

Абдуғани Жуманинг хонадонидаги ижодхона, тахлам-тахлам суратлар адабиётимиз, маданиятимиз тарихига етаклайди сизни. Кимларнинг суратлари ўйқ, дейсиз у ерда! Суратлардан нигоҳингизни узмай, азиз сиймолар билан сұхбатлар қуласиз. Адоқсиз хотираларга бериласиз.

Биттагина хикоя ё биттагина шеър ёзиш учун қаламкаш қанча вақт сарфлайди? Қисса ё роман ёзиш учун-чи? Ижод машаққати неча фурсат уни ўз “тегирмони”да айлантиради?..

Фотосанъат устаси ҳам ижодкор сифатида улардан кам меҳнат сарфламайди. Улардан кўра оз машаққат чекмайди. Буни фото санъати сирларини билган, англаган ва албатта қадрлаган одамгина эътироф этади. Битта мисол келтирайлик.

Қаҳрамонимиз ҳикояси:

– Ўтган асрнинг 70-йиллари адогида Ёзувчилар уюшмасининг Ҳамид Олимжон номидаги адабиётчилар уйига тез-тез бориб турардим. Бу ерда забардаст ва атокли ёш шоирлар иштирокидаги мушоиралар жуда қизгин, ранг-баранг овозларда шеърият мусоҳабаларига айланиб кетарди. Мен олдинги қаторга ўтиб олиб, фотоаппаратимни ишга солардим. Эҳ-хе, ўша “негатив”лар энди менинг бебаҳо хазинам!

Ёзувчилар орасида Одил Ёқубов, Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимовнинг шахси мени кўпроқ қизиқтираётганини ҳис қиласадим. Ёши улуг Одил ака ўта жиддий қараши билан вазмин ва салобатли қўринарди. Ҳар бир харакатидан қандайдир маъно уқиши мумкин бўларди. Ёзувчининг ўша пайтгача чоп этилган ҳикоя, қиссаларини ўқигандим. Аммо “Диёнат” романни менга бошқача таъсир килганди. Назаримда асар орқали айнан ўша йиллар кечётган жамият руҳий ҳолатини очиқласига фош этаётгандай, гўёки, “бундай яшаб бўлмайди” деяётгандек бўларди, менга. Одил ака ўзига муносиб вазминлик ва ички “сокин жасорат” билан тузумга қарши исён эълон қилган эди асарида. Шу асосда ёзувчи Одил Ёқубов образини – портретини тасаввур қила бошладим: йирик пландаги кескин нигоҳ, “отилажак” сўзлар арафасидаги қимтиниш ва руҳий қудрат таъсирида қовоқларнинг титраши! Мен бу ҳолатни минбарда кузатганман.

Адиб Одил Ёқубов образи тайёр. Аммо ўзим узок тайёргарлик кўрдим. Нимадан бошлашни, қандай қилиб бошлашни билмасдим. Чунки, қаҳрамоним билан ҳали бирор марта гаплашмаганман. Анча вақт ўтиб кетди. Бу орада мен ҳам “жасоратландим”. Бу ҳақда Одил акага қандай етказганимни, қандай рухсат олганимни ҳозир аниқ эслолмайман. Аммо, улуг ёзувчининг эшигидан киргач, содир бўлган воқеликнинг барча майда-чўйда деталлари аниқ-тиниқ ёдимда. У киши ўз оиласи билан Дархондаги кўп қаватли уйлардан бирида яшарди.

Ўйга кирганимда Одил ака бир меҳмон (танимадим) билан бақамти ўтириб ширин сұхбат қуришарди. Улар кенгроқ столнинг нариги томонида ўтиришиб, бир-бирига қараб олишган, фонда эса стол тусидаги сирланган жигарранг сервант яқингина. Хона ҳам унчалик кенг эмас. Саломлашдик. Одил ака бу йигитни танийманми-йўқми ўзи, дегандай бир қараш қилди ва аввалги ҳолатда сұхбатни давом эттириди. Апил-тапил иккита катта чироқни икки жойга ўрнатдим. Одил ака оқ, билин-билинмас нақшинкор матодан тикилган кўйлакда бўлгани учун фонда жиҳознинг таҳта қисми туришини маъқул топдим ва икки сұхбатдошнинг жойлашувиға таъсир ўтказмаслик учун чироқларни ёқиб, керакли йўналишда созлаб қўйдим-да, мен тайёрман, дегандай бўйнимга фотоаппаратни осиб эшик томонда шай туриб олдим.

Одил ака бир қараш қилди. “Туришингдан ўргилдим, ўзи қўлингдан бир нима келадими?” дегандай туюлди. Мен ҳам “ҳозир, кўрасиз” дегандай турган жойимдан бир ярим кулоч чамасида нари-бери харакатлана бошладим. Одил ака кейинги қараши билан қўлини енгилгина силтаб қўйгандай туюлди менга. Ҳолатда эса ўзгариш йўқ. Вазминлик, бамайлихотир сұхбат.

Мен ўша-ўша ҳаракатдаман. Ҳали бирорта кадр олмадим. Кейинги қарашда Одил аканинг нигоҳи менинг тик кузатиб туришимга тўғри келди. “Ўзи оласанми-йўқми?!” деган маънода авзойи бузилди. Ўрнидан туриб кетмасайди, деган хавотирдаман. Мен учун шу ўтиришда гавдаси билан мен томон бурилиб қараши керак, холос. Ахир чироқлар йўналиши шунга созланган эди-да!.. Бунинг устига мебель юқори бурчагига ўрнатилган чироқ таҳтасига тегиб уни қиздира бошлаган,

## **Хуршид ДҮСТМУҲАММАД**

“ифор” ҳам шунга яраша. Мен тиним билмаяпману, лекин “чиқ-чиқ”дан дарак йўқ. Энди Одил аканинг асаби жунбишга келди. Мен томон туйқус қайрилди. Ўқ қараш баробарида қовоқлари титраб кетди.

Шу онда чақмоқ чақнади – тутгама босилди! Биринчи, битта кадр – тамом-вассалом!

Аппарат бўйнимда осилган, икки қўлимни баралла қўтариб, “Есть!” деб юборганимни ўзим ҳам билмай қолибман. Ҳаяжоннинг зўридан, “Одил ака, марҳамат, энди истаган суратингизни олавераман” дедим дадиллик билан. Бағри кенг одам-да, менинг амримга бўйсунган ҳолда оиласвий суратга тушиб бердилар. Тезда хайр-хўш қилдим, уйга учиб жўнадим. Энди тез тонг отса-ю, фотоплёнкани ювиб, томоша қилиб қаноатлансан!..

Фотосурат журналда босилди. Кейинроқ Одил ака, “Сурат ўзимга жуда ўхшабди!” деганларини айтишди.

Эсимда, ўша даврда жасоратли ёзувчимиз Москвадаги марказий нашрларда бир неча бор кескин руҳдаги публицистик мақолалар билан чиқишлар қилган эдилар. Бир сафар шу суратни мендан сўраб олиб, Москвага жўнатдилар. Аммо мақола суратсиз босилди. Одил ака, “Суратим йўқолиб қолганмиш, атайин қилишган”, дедилар. Аслида, эса улар суратни бергиси келмагани аён эди. Ўзбек адабининг қарашига, чақмоқдек нигоҳига дош беришолмаган. Буниси аниқ!..

Шу-шу улуғ ёзувчимиз билан ота-ўғилдек апоқ-чапоқ бўлиб кетдик. Йиллар ўтиб устоз адабининг яна бир рангли фотосуратини ишладим. Устознинг қувонганини кўрсангиз!..

Атоқли рус адабиётшуноси Виктор Шкловскийнинг “Лев Толстойнинг ноёб фотосурати” номли мақоласи ёдга тушади. Абдуғани Жуманинг ҳозиргина ўқиганимиз хотираси билан атоқли рус адабиётшуносининг хотираси қарийб ўхшаш. “Мен Толстой билан кўришмаганман, – деб ёзади олим, – лекин мана шу суратдаги тасвир орқали биз у билан истаганча сухбат куришимиз мумкин”.

Абдуғани Жуманинг Одил Ёқубовнинг суратга туширилиши ҳакидаги хотира-мақоласи ҳам худди шу вазифани адо этмоқда, яъни биз ўзбек адабиёти муҳлислари ҳам суратдаги Одил Ёқубов чехрасига термилиб у инсон билан истаганча сухбат қуришимиз, унинг қаламидан бунёд бўлган асарлар ҳақида истаганча мулоҳазалар юритишимиз мумкин. Фотосанъаткорнинг ижодий жасорати ҳам айни шу каби “дийдорлашувлар” учун беминнат хизмат қиласди.

### **“Бўлдими?.. Охиргисими?.. Ёки...”**

Фотографлик Абдуғани Жума учун отамерос касб эмас. Боз устига, у вояга етган оиласда ҳам ҳеч ким фотография билан шуғулланмаган. Ундан, “Бу соҳага қандай кириб келгансиз?” деб сўралса, у шундай дейди: “Биласизми, фотограф бўлиш хаёлимга келмаган. Фотоаппаратни биринчи марта қўлимга олганману суратга тушириб кетаверганман. Худди янги туғилган чақалоқни сувга қўйиб юборгандা сузиб кетганидай...”

Бу гапдан қўшиқнинг яралиши ҳақидаги бир ривоят ёдга тушади. Кенг далада бораётган бўз йигит ўзи ҳам сезмаган ҳолда туйқусдан бор овози билан “Яллама ёrim” дея қўшиқ айтиб юборган экан. Бу тасодифий туюлар, бироқ бўз йигитни сайратган баҳона-ю сабаблар, умуман, қўшиқнинг яралиши-ю, унга бўлган эҳтиёжни мулоҳаза қиласангиз, санъатнинг сиру асрорларидан воқиф бўласиз, албатта. Абдуғани Жума фотографияни қўшиқ, рассомлик ёки мусиқа каби санъат турлари билан бир қаторга

кўяди ва бу соҳанинг ўзига муносиб қадр топишига ишонади. Қадр топиш учун эса...

Эътибор берайлик, қатор шеър, мақола ва суҳбатларда Абдуғани Жуманинг суратга тушириш усули ҳакида сўз борар экан, “бошқача ёндашув”, “кутилмаган ҳолат”, “ғалати”, “суратдаги қаҳрамон сийрати” сингари таъриф-тавсифлар учрайди. Тасодиф эмас булар. Зеро, шунга ўхшаш талқинлар ҳам Абдуғанининг фотосуратга тушириш ходисасини бадиий санъат даражасига кўтариш йўлидаги ижодкор эканлигидан далолат беради. Кўплаб марта гувоҳи бўлганмиз: Абдуғани обьектга рўпара келади-ю, “чиқ” этиб тугмани босадиганлар тоифасидан эмас. Фотоаппарат тугмасини босиш борингки, бир лаҳзалик иш. Лекин сурат устаси тугмани босгунига қадар қанча вақт ҳозирлик кўради? Изланади, мушоҳада юритади, қиёслайди, кутади, одатда бир марта тугмани босади, баъзан эса такрор ва такрор, қайта ва қайта тугмани “чиқ”иллатади. “Чиқ”иллатиши асносида худди ёзувчи ва шоир сингари... олаётган суратини ичидаги таҳрир қиласи. “Бўлдими?.. Охиргисими?.. Ёки... Ёки...” давом этади. Нечанчи сафарги “чиқ”иллашдан қониқиши ҳосил қиласи – буни ўзи ҳам билмайди – ижодий изланиш давом этади...

**“Ҳаётим мазмуни...”  
Қаҳрамонимиз ҳикояси:**

¬ Мен кўпинча манзаралар суратини олишни ёқтираман. Ватанимиз табиати бу борада битмас-туганмас мавзулар бериши тайин. Шу билан бирга портретлар яратишда ҳам кўп ийлардан бери изланиб келаман. Раҳим Аҳмедов, Рўзи Чориев, Исфандиёр каби таниқли рассомларнинг ҳам бой ички дунёси мен ишлаган фотопортретларда баҳоли қудрат акс этган. Ёзувчилар орасида Шукур Холмирзаев портретининг бир неча вариантларини ишлаганман. Очиги, ишлаган портретларим орасида машҳур театр режиссёри Баҳодир Йўлдошевнинг портрети ўзимга кўпроқ ёқади. Бу санъаткорнинг билими, интеллекти, дунёқарашининг ниҳоятда кенглиги, фантазиясининг бойлиги мени ҳайратга солади.

Мен шогирдларимга фотография санъати ҳакида гапирганда, бир иборани – “суратнинг ички чизиқлари”, деган иборани кўп ишлатаман. Фотограф ўзи суратга тушираётган одамнинг ботинини кўра билиши, тасаввур қилиши кони фойда. Шундагина ўша одамнинг образини бера олиши мумкин. Ўзим сурат олганда, бир томондан, фотография талабларига бўйсунсан, иккинчи томондан, рангтасвир-рассомчилик анъаналарига суюнаман. Албатта, яхши портрет яратиш учун суратини олмоқчи бўлган кишининг ички дунёсини, ижодини, фаолиятини, шахсини, фель-авторини чуқур билиш керак. Ва, албатта, бу инсонга нисбатан қалбингизда меҳр-муҳаббат, хурмат ва эҳтиром бўлиши лозим. Устозимиз Одил Ёқубов портретини яратишимида менга ана шу туйғулар ёрдам берган, деб ўйлайман.

Умуман, олаётган суратингиз портрет бўладими ёки оддий информация характеристида бўладими – бир нарсани ҳисобга олиш лозим, яъни тинч турган обьектнинг тириклигини, ҳаракатини илғай билиш керак. Шартли равишда, буни тинч ҳолатдаги динамика ҳам дейиш мумкин. Объектнинг ана шу ҳолатдаги ҳаракатини пайқамасангиз, олган суратингиз унинг оддий акси бўлиб қолади, холос. Ҳақиқатда ҳам қор остида ернинг нафас олишини, баҳорда дарахтларнинг шивирлашини, ўйга чўмган одамнинг юрак уришини сезмасангиз сураткашлик санъатига тутинмаган маъқул.

Мен ўз ишларимдан қониқмаётганимни ҳис этиб тураман, чунки юрагимдаги, ўй-фикрларимдаги жуда кўп ижодий режаларни ҳали юзага чиқара олмаганман.

## Хуршид ДҮСТМУҲАММАД

Албатта, бизнинг ишимиз кўп жиҳатдан мукаммал техник воситалар, энг замонавий фотоаппарат ва бошқаларга ҳам боғлиқ. Демак, моддий томонини ҳам ҳисобга олмай илож йўқ. Қолаверса, бизда ҳали фотография санъати бошқа санъат турлари орасида кенг маънода ўз қадрини ва қадрловчиларини топмаган. Ваҳоланки, фотография бугунги кунни тарихга олиб кирадиган энг афзал ва ишончли санъат тури. Бугунги кун манзаралари, шаҳар ва қишлоклар эртага бошқача бўлади, уларни бугун фотокадрларга муҳрлаб қолиш керак.

Тошкентда Франциянинг машҳур “Магнумшарқи” номли фотография ташкилоти дурдона фотоасарлар кўргазмасини ташкил этди. Уни кўриб, фотографиянинг имконияти нақадар чексизлигини англагандай бўлдим. Кўргазмадаги ҳар бир фотоасарнинг ўзи бир воқеа! Ҳар бири ҳақида алоҳида мунозара қилиш мумкин. Масалан, машҳур фотограф Брессон битта сурат орқали Иккинчи жаҳон урушининг бутун моҳияти-фожиасини очиб бера олган: балконда аскар ўлиб ётибди, қон оққан... Уни кўриш керак, айтган билан тасаввур қилиш қийин. Ваҳоланки, уруш ҳақида қанча китоблар ёзилмади, қанча кинолар суратга олинмади. Фотограф эса ҳаммасини битта суратга жо эта олган. Демоқчиманки, фотографияга эътиборни кучайтирасак, бу соҳа санъатимиз, маданиятимиз тараққиётига катта улуш қўшиши шубҳасиз.

Чехияда учта институтда фотография алоҳида ўргатилади. Уч юздан ортиқ ўрта мактабда фотография фани ўқитилади. Ёки буюк мусаввир Марк Шагалнинг ноёб фотопортрети яратилиши билан боғлиқ воқеани олайлик.

Машҳур фотограф Ларциг бир неча марта мусаввирни суратга олишга ҳаракат қиласи. Бироқ бу ҳаракатлари кекса мусаввирнинг инжиқликлари боис кутилгандек самара бермайди. Охири марта Марк Шагал фотографни Луврга таклиф қиласи. Бу ерда фотограф ўз қаҳрамонини Франция президенти Жискар де Эстен қабулида ўнлаб фотографлар ва вазирлар куршовида кўради. Ларцигнинг санъатини алоҳида қадрлаган президент барчага жавоб бериб, Марк Шагал билан ёлғиз қолади ва машҳур рассомнинг ноёб фотопортретини бемалол суратга туширишига имконият яратиб беради. Демоқчиманки, санъатнинг бир соҳаси сифатида юксак қадрланадиган фотография шу тариқа Ғарб маданиятининг таркибий қисмига айланган. Бугун бу маданиятни фотографиясиз тасаввур этиб бўлмайди.

Очиини айтсам, менда шеър ёзишга ҳавас бўлган, фақат кимгадир тақлид қилиб ёзганман. Қизиги, талабалик пайтимда мени “Гулистан” журналига чақиришиб, яхши шеърлар ёзаркансиз, машқларингизни олиб келинг, дейишганда, мен: “Сурат ҳам оламан”, деганман. Ундан бўлса, суратларингизни ҳам олиб келинг, дейишган.

Шеърга, ижодга ҳавас болаликда пайдо бўлади. Беш-олти ёшимда “Алломиш” достонини отам айтадиган вариантда ёдан ўқирдим. Санъатга, у шеърият бўладими, фотография бўладими, кейинчалик унинг соҳалари ўзгарадими – барибир болаликда кўнгилга тушган сеҳрли нур деймизми, бир кун келиб кишини ижод кўчасига бошлар экан, ҳаётининг мазмуни, яшашнинг моҳиятига айланиб қоларкан. Йигирма бир ёшимдан фотография билан шуғалланаман, ҳаётда ўрнимни шу санъат йўлидан бориб топганимга қувонаман.

Айтдим-ку, фотограф бўлиш хаёлимга келмаган, бироқ биринчи марта фотоаппаратни шундай кўлимга олганману ишлаб кетаверганман, худди сувга кўйиб юборилган чақалоқ сузиб кетганидай...

(“Ўзбекистон матбуоти” журнали. 2003 йил, 6-сон.)

**Шунақаси ҳам бўлади...  
Қаҳрамонимиз ҳикояси:**

– 1998 йил. “Туркистон” саройида Ўрта Осиё ҳалқлари маданияти Ассамблеяси таъсис мажлиси. Мажлиснинг биринчи қисмида бўлиб ўтган йигинда буюк адаб Чингиз Айтматов Ассамблея президентлигига сайланди. Танаффусдан сўнг йиғилиш ўз ишини давом эттириди. Залнинг чеккасида бамайлихотир кузатиб тургандим. Сахна чеккасида тугун кўтарган йигит пайдо бўлди. Залнинг асосий кириш эшиги билан сахна ораси анчагина. Бунинг устига зудлик билан фотокамерага янги фотоплёнка жойлаштиришим керак. Барча ишни йўл-йўлакай бажариб, икки кўзимни саҳнадан узмай тўғри саҳнанинг ўртасидаги энсиз зинага оёқ қўйдим. Бояги йигитнинг қўлидаги тугундан Одил Ёқубов тўн олди-да, Чингиз оға ёнига борди. Фотоаппаратни кўзимга қўйиб, мўлжал кадрдан узилиб қолишидан хавотирда оёқ остига қарамабман, сахна чети бўйлаб маҳсус чироқлар учун мўлжалланган ариқчага оёғим тушиб, чўккалаб қолдим. Ҳамманинг кўз ўнгидаги шарманда бўлмайин, деган хаёлни ҳам унутиб, беихтиёр иккинчи оёғимни ҳам атайин букиб, худди атайин тиззалаф суратга олаётгандек, ишни давом эттиридим. Тойиб кетганим унутилар, аммо-лекин, муҳими – ноёб сурат кадрга тушди. У китоб-альбомларда чоп этилди...

**Устозларга таъзим**

Жаҳон фотография тарихи алоҳида бир дунё. Ўзаро сұхбатларда бу мавзудан сўз очилса, Абдуғани бамисоли сувга қўйиб юборилган балиқдек сузади! Фотография кашфиётчилари француздар Нисефор Непс (1765–1833) ва Луи Жак Манда Дагер (1787–1851) номлари борми, уларнинг кашфиёти 1839 йилнинг 7 январида Париж академиясига тақдим этилиб, кашфиёт янги мўъжизавий тасвир санъати сифатида рўйхатга киритилгани, унинг довруғи шиддат билан ёйила бошлаганини катта ҳаяжон билан ҳикоя қилишга киришади. Англиялик Уильям Генри Фокс Талбот (1800–1877) ўз ихтиросини илмий журналда эълон қилгани, Европа давлатларининг барчасида, жумладан, Германияда, АҚШда ҳам бу янгиликнинг кўплаб издошлари пайдо бўла бошлагани билан жаҳон фотография санъати ҳам назарий, ҳам амалий суръатларда тараққиёт йўлига тушганини тилга олади.

Бошлангич давр ҳақида гап кетганда, юзлаб фотографлар орасида француз Гаспар Феликс Турнашон-Надарнинг (1820–1910) номи тилга олинади. Унинг 1870 йилда Ўрта Осиё заминига сафари, шунингдек, Самарқандда бўлиб кўплаб бебаҳо кадрлар яратгани ўзбек фотосанъати ихлосмандларига маълум. Фотографиянинг техник ва технологик ривожига АҚШлик фидоийларнинг кўшган катта хиссаси ҳам тарихда алоҳида эътироф этилади. XX аср бўсағасида бу соҳани эгаллашга киришган ва ўз номи билан бутун бир даврни ифодалаган Алfred Стиглиц эришган натижалар АҚШ фотоусталарининг дурдона асарлари хазинасига киради. “Не баҳтки, – дея мароқли сұхбатини давом эттиради Абдуғани Жума, – айни шу давр Кўхна Хоразмда туғилиб, маърифатли оиласа тарбия топган Худойберган Девонов (1878–1938)нинг ҳам фотография билан машғул бўла бошлаган вақтига тўғри келади”.

Дарҳақиқат, тарихдан маълумки, ёш Худойберган Волга бўйидан бутун уруғи билан Хоразмга кўчишга мажбур бўлган Вильгельм Паннер (“Фаннор бобо”) оиласи билан танишади, у киши қўлидаги мўъжизавий аппаратга қизиқиб қолади

## **Хуршид ДЎСТМУҲАММАД**

ва тезда бу ишга берилиб кетади. Биринчи ишлариданоқ ўз иқтидорини намойиш эта бошлаган шогирд учун Фаннор бобонинг самимий ёрдами, бегараз қўллаб-кувватлаши унинг нафакат биринчи ўзбек фотографи, балки биринчи ўзбек киноматографисти сифатида ҳам шаклланишида жуда муҳим пойдевор вазифасини ўтайди. Бугунги кунда минглаб негативларда бекиёс образлар орқали ўша давр ҳаёти ва воқеликлари ҳақидаги кадрларда, неча юз метрлаб суратга олинган кинотасмаларда муҳрланган халқимиз тарихи миллий олтин фондимиздир. Ўша даврнинг мураккаб ҳаётидан келиб чиқиб қаралса, Худойберган Девоновнинг энг янги санъат соҳасидаги фаолиятини нафакат ўзни фидо қилиш, масъулият ва Худо юқтирган укув ҳамда иқтидор туфайлигина эмас, балки том маънодаги жасорати туфайли амалга оширган. Шу ўринда заҳматкаш тадқиқотчи олим, академик Наим Каримовнинг “Худойберди Девонов” номли салмоқли альбом-китобининг 2019 йилда нашр этилиши ул улуғ зотнинг хотираси, ўзбек фотографияси ва кинематографияси тарихи бобида жуда катта иш бўлди. Халқ душмани (!) сифатида 1938 йилда Тошкентда, Юнусободда отиб ташланган ана шу қутлуг ном шарафли баҳосини олди. Ҳолбуки, Худойберди Девоновнинг номи Париждаги машҳур Лувр музейининг фотокино залида ўз ўрнини аллақачон эгаллаганди, кўргазма залида унинг портрети асосчилар қаторида ардоқланган.

Абдуғани Жума ўз соҳаси тараққиёти кошонасига бир ғишт бўлса-да, қўйган аждодлар номини ҳурмат ила ёдга олади. Жумладан, Тошкентда туғилиб ўсган, халқаро фотография санъати анжуманларида юқори мартабага эга, олий малакали фотожурналист, бетакрор фоторепортёр, фоторассом Георгий Зельма (1906–1984) ана шундай унутилмас сиймолардан бири.

Таниқли устанинг 1976 йилда “Планета” нашрётида босилган “Танланган фотосуратлар” (“Избранные фотографии”) фотоальбоми Ўзбекистондан бошланиб Ўзбекистон билан якунланади. Мазкур нашрнинг ҳатто муқоваларида ҳам – Ўзбекистон!

Бир сўз билан айтганда, Георгий Зельма ўзбекистонлик энг донгдор ва номдор фотоижодкорлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Содик Маҳкамовнинг номи Абдуғани Жуманинг тилидан тушмайди. 1965 йилда “Ўзбекистон маданияти” (ҳозирги “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”) газетаси таҳририятига ишга келиб, қирқ йил мобайнида ушбу даргоҳда хизмат қилган Содик Маҳкамов ижодий фаолияти ҳар қандай ижодкор ҳавас қиласа арзийдиган олтин фондга лиммо-лим тўлган!

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими фаҳрий унвонига сазовор бўлган миллий фотожурналистикамиз фидойиси Равиль Албековнинг номи ҳам ҳурмат-эҳтиром билан тилга олиннишга муносиб.

Индаллосини айтганда, ўзидан бурун яшаб ўтган ва ҳаётини, ижодини шу соҳага бағищлаган ҳар бир ижодкорга бундайин эҳтиром кўрсатиш Абдуғани Жуманинг қалби дарёлигидан, танти-жўмардлигидан далолат дейиш мумкин.

Жанр – дунёни кўриш, англаш шакли.

Бадиий ижоднинг барча турида жанр тушунчаси мавжуд. Жанр – шакл, мавзуу ўйналиши демакдир. Фотография санъатида бу ҳолат яққол кўзга ташланади. Абдуғани Жуманинг фикрича, натюmort (жанр) фотографиянинг “алифбо”сини ўрганиш сабоғи-дарсидир. Фотография санъатининг жанрлари, каşf қилинганидан бўён техника ва технологик жараёнларининг такомиллашуви билан кенгайиб борган ва бормоқда. Фотография ибтидосида асосан натюmort, пейзаж, портрет жанрлари (дастгоҳли ранг-тасвир жанрлари каби) оммабоп бўлган. Секинаста репортаж жанри пайдо бўлган. Бу фотокамерадаги конструктив ўзгаришлар негатив материалларнинг сезувчанлигини оширилиши билан боғлиқ.

Фоторепортаж жанрининг пайдо бўлиши билан портрет, пейзаж жанрларининг янги услугб қонуниятлари асосидаги хос кўринишлари пайдо бўлган. Кейин спорт, фотоов, тоф туризми, экспериментал фотография, сувости фотографияси, реклама каби давр тақозо қилган йўналишдаги янги жанрлар пайдо бўлди.

“Мен ўзимни фоторепортер деб хисоблайман”, дейди Абдуғани. Ҳақиқатда ҳам, фоторепортерлик ижтимоий ҳаёт учун энг долзарб ва муҳим хисобланади. Зоро, фоторепортер воқеа-ходиса, жараён ҳақида тўлақонли, давомли ва тасвирил ахборот беради. У томошабин эътиборини тортувчи, жалб этувчи сехрга, жозигана эга. Жаҳоннинг энг етакчи фоторепортерлари ўз тўлақонли сюжетлари орқали шон-шуҳрат топғанлар. Турли миқёсдаги конкурсларда бир неча суратдан иборат репортаж ва туркум фотосуратлар намойиши жамоатчилик эътиборини жалб этганини кўриш мумкин.

Фотопортрет – Абдуғани ижодида алоҳида ўрин тутади. Атоқли ижодкорлар, меҳнат фахрийлари, таниқли спорт усталари ва оддий фуқаролар портретлари – уларнинг ҳар бири қаҳрамоннинг ички дунёсига ургу бериш, шоир Одил Хотам топиб таърифлаганидек, сувратдан сийратни излашга уриниш демакдир.

Ҳақиқатда фотографнинг аксарияти яратиш фаолиятида репортаж усуллари кўлланади. Яъни, динамик ҳаракатдаги обьект “мерганлик” ва “стоп-кадрлар” қоришиғида муҳрланади. Бунда албатта ижодкорнинг билими, тажрибаси, чунончи, фазовий кўламда зарур нуқтани топиш, айни аҳамиятли лаҳзани “тубиб” олиш маҳорати иш беради.

Мисол учун юртимизда жадал давом этаётган ислоҳотлар жараёнида қурилиш-бунёдкорлик яққол кўзга ташланмоқда. Бу – бунёдкорлик тарихи айни чоғда бурунги манзараларнинг унудилиши ҳам демакдир. Хусусан, кўхна шаҳар-қишлоқлардаги кўзга яқин обьектларни ёдимизда, хотирамизда олиб қолишининг бирдан-бир йўли, чораси – фото эмасми?! Ишонинг, қадимги маҳалла-югузарлар, торва боши берккўчалар, лолақизғалдоқтуркираб очилган лой томлар тасвири келажакда ўзгача меҳр ва согинч билан ардоқланади. Бошқача айтганда, кечаги кунимиздан ҳикоя қилувчи фоторепортажлар яқин ва олис келажакда нодир ва азиз маънавий меросимизга айланишига шакшубҳа йўқ.

Абдуғани Жуманинг бу борадаги қарашлари, касбий ва инсоний концепцияси аниқ: “Худди ана шу мавзуда ижодий изланиш олиб бориш ҳақиқий фотограф-фоторепортер учун ватанпарварликдир, деб хисоблайман!” дейди у.

Пейзаж, яъни табиатга гўзаллик ва ҳаёт фалсафаси назар-нигоҳи билан қараш, уни англашга уриниш шакли. Абдуғани кўплаб фотосанъат аҳли сингари юртимизда пиёда кезмаган шаҳар-қишлоқлари қолмаган ҳисоб. Қаерда қандай дарё оқади, тоф кўкка бўй чўзган ё сўлим боғ бунёд этилган, ё кир, дала ястангани қолиб, қайси қишлоқда қуёш қай пайт қайси томондан жамолини сочиб чиқишигача, оқшом қандай чироклардан чароғон бўлишигача, кўкка юлдузлар сочилигтан тунлари қандай шабадалар эсишигача ҳаяжон-ла айтиб, мароқ-ла ҳикоя қилишларини тинглаш ҳар қандай суҳбатдошни ром этмай қолмайди.

### Фото санъати: кеча, бугун, эртага

Ҳозирги замонимизнинг энг тушуниш мушкул бўлган муаммоларидан бири шундаки, инсоният ўз қўли билан яратаетган, бунёдга келтираётган тараққиёт изидан етолмай қолмоқда. Хусусан, ахборот технологиялари, чунончи, компьютер,

## **Хуршид ДҮСТМУҲАММАД**

уяли телефон ва интернет тақдим этаётган мўъжизалар оммавий ахборот воситалари, журналистика, кинематография ва албатта, анъанавий фото санъати дунёсини тубдан ўзгартириб юбормоқда. Инсоният ахборотсиз бирор кун, бирор дақиқа яшолмайдиган замонларга келдик. Тинглаш, мутолаага кўшимча ўлароқ КЎРИШ орқали ахборот олишга бўлган ташналик олдинги ўринларга чиқиб улгурмоқда. Яъни, ҳар қандай ахборот матни тасвир билан бойитилмоқда. Ахборот истеъмолчиси сўзни ўқигунига қадар тасвирни кўришни истамоқда. Бунинг оқибатида энг ёш замонавий ахборот воситалари анъанавий фото санъатини ўзига дўст, ҳамкорликка даъват этмоқда. Жўн қилиб айтганда, дунё кезиб юрган муҳбирлар қўлидан залворли фото аппарати тушмаяпти, балки, такомиллашган фотоаппарат БУГУНГИ ахборотга бўлган эҳтиёжни таъмин этишда жуда-жуда аскатмоқда. Бу билан ҳикоямиз қаҳрамони Абдуғани Жуманинг фотография санъати қисматига бўлган ишончи, қатъияти оқланмоқда.

Фотоаппарат “Чик” этган лаҳзада қанча вақт ўтади? Ўтадими? Фотосуратчининг назарида эса бу “Чик” фурсати оламга татийди, умрга татийди! Зеро, фотокамерани кўз олдига қадаб турган фотограф файришуурӣ тарзда кўз, фикр ва қалбини, умр бўйи тийнатида шакллантирган бадиий дидини бир чизикқа, бир нуқтага жамлайди. Йўқ, созлайди. Йўқ, инсон ҳаётининг бутун мазмун-мундарижасини, таровоти, зарофати-ю аянчи, кулфати... разолатини ана шу сонияни қулоққа чалинган “Чик” ичиди кўради. “Чик” – фотограф учун яратиш лаҳзаси. Бунда унинг бир умрлик тажрибаси, ҳаёт тарзи, бадиий тафаккури, маданияти, эҳтироси, тасаввури, тасодифлар ва яна биз билган-билмаган аллақандай сир-синоатлар мужассам топади!

Таниқли ўзбек фотожурналисти, фотожурналисткамиз даргаларидан бири Абдуғани Жуманинг рамзий “Танланган асарлари”га чертиб-чертиб киритиладиган асарлари беҳисоб: “Чўпон портрети” (1976), “Куз оҳанглари” (1968)... Хоразмда экспозицияга кўйилган (1989) фотопортретлар... “Қалбим меҳваримдан ўтаётган дунё” (2006), “Бунёдкорлик эпопеяси”, яна... эҳ-хе-е, бир-икки жилдга сигмайди сара асарлар! Фото санъатидан, маҳоратидан сабоқ беришда кўлланма бўлишга арзирли асарлар!..

Қани эди, мамлакатимизда ўзбек фотосанъати фидойиларининг бошини қовуштирадиган, миллий фото санъатимизни дунёга кўз-кўз қилиш ишларини юқори даражаларда ташкил эта биладиган, маҳорат дарсларини йўлга қўядиган, шунингдек, соҳага илк одим ташлаш истаги-орзусидаги ёшларга етакчиликни зиммасига оладиган ташкилот-бирлашма бўлса, орзулар, эзгу ниятлар рўёбга чиқса...

Ҳаёт олдимизга қўяётган ҳар қандай синовлардан тап тортмай, ҳайиқмай, қаддимизни ғоз тутган ҳолда, очиқ ният ва некбинлик саодатини қўлдан қўймай озод ва мағрур яшамоқлик барча-барча ижодкорларимизга туганмас парвозлар ато этишини истаб қоламиз!..

## Иэчиллик ҳосиласи



Ҳамиджон  
ҲОМИДИЙ

Талабалик ва аспирантик йилларимдаёқ Ўрта Осиё халқлари адабиёти донишмандларининг пешқадамларидан бири, Тожикистондаги ўзбек адабиётшунослари ҳамда бадиий ижод соҳибларининг саркори, филология фанлари доктори, профессор Эргашали Шодиевнинг мақолаларини ўқиб, ижодларига ҳавас қилиб юрардим. 1973 йилнинг бошларида Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти иттифоқи менга олимнинг “Ўзбек-тожик адабий алоқалари тарихидан” деб номланган монографияларини тақризга беришди. Китобни синчилаб ўқиб чиқсан:

*“Куйласа чолгуси бир,  
Йигласа қайғуси бир”,*

бўлган бу икки халқ адабий ҳамкорлиги илдизлари кенг қамровли тарзда, дастхат манбаларга таянган ҳолда, мутлақо тоза далиллар асосида тадқиқ этилиб, жиддий илмий хулосаларга олиб келинган эди. Ижобий тақриз ёзиб нашриётга топширдим. Шу-шу бу ижодкор фаолиятига маҳлиё бўлиб қолдим ва муттасил ундан маърифат олиб юрдим.

Адабиётшунослигимизнинг бўлғуси донишманди Эргашали Шодиев 1932 йили Конибодомда хизматчи хонадонида дунёга келди. Ўрта мактаб хатмидан сўнг у Конибодом эрлар педагогика билим юритида ўқиди ва 1951 йили Хўжанд педагогика институтининг “Ўзбек тили ва адабиёти” факультетига дохил бўлди. Э.Шодиев институтдаги ўқишининг дастлабки йиллариданоқ барча фанларни аъло дараҷада ўзлаштиришга интилди, жамоат ишларида, илмий тўгараклар машғулотларида фаол қатнаша бошлади. Талабадаги фавқулодда иқтидорни сезган факультет раҳбарияти уни “Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси лаборантлигига жалб этишди. Шу кундан эътиборан Э.Шодиевнинг фикру хаёли илмий кузатиш,

**Ҳамиджон ҲОМИДИЙ** – “Дўстлик” ордени билан мукофотланган. Филология фанлари доктори, профессор. 1935 йилда тугилган. Тошкент давлат педагогика институтининг (ҳозирги ТДПУ) тарих-филология факультетини тамомлаган. Унинг “Тасаввух алломалари”, “Авесто” файзлари”, “Фирдавсий ва ўзбек адабиёти” каби ўттиздан зиёд китоблари чоп этилган.

## **Ҳамиджон ҲОМИДИЙ**

изланишда бўлди. Хусусан, буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ижодини ўрганишга шўнгиги кетди. Олий даргоҳ хатмидан сўнг шу институтда ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири вазифаларини бажарган.

Илмий фаолиятининг дастлабки йилларидан бошлаб замонамиз алломаси, атоқли навоийшунос Абдуқодир Ҳайитметов раҳнамолигида навоийшунослик ҳамда ўзбек-тожик адабий алоқалари тарихини тадқиқ этиб, аввал “Алишер Навоийнинг форс-тожик адабиётига муносабати масаласига доир” мавзусида номзодлик, орадан кўп ўтмай “XIX аср Хўжанд шоирлари ижодида зуллисонайнлик анъаналари” мавзусида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилди. Кейинчалик унга профессорлик унвони берилди. Умр бўйи тиним билмай илмий изланиш билан машғул бўлган заҳматкаш олимнинг бисотига назар солсангиз, кирқдан зиёд китоблар, кўплаб илмий мақолаларга кўзингиз тушади. Улар мавзу доираси жиҳатидан ҳам, ҳар бир мақола ёки китобда муайян янгилик борлиги нуқтаи назаридан ҳам кенг қамровлидир. Шунинг учун биз профессор Эргашали Шодиев ижодини тўрут ўйналишда тасниф этишни лозим кўрдик.

Биринчидан, Тожикистондаги ўзбек навоийшунослигининг асосчиси Эргашали Шодиев турли йилларда Навоий ижоди ҳақида ўзбек ва тожик тилларида факат қаламий манбалардаги далиллар асосида бир қанча мақолалар ёзди: “Алишер Навоийнинг тожик адабиётига муносабати масаласига доир” (1964), “Тожикистонда навоийшунослик” (1960), “Алишер Навоий ва унинг салафлари” (1967), “Алишер Навоий ва тожик адиблари” (1969), “Алишер Навоий ва форс-тожик адиблари” (1989), “Ҳазрати Навоий фазилатлари” (1994) сингари китобларини нашр эттириди. Бу тадқиқотлар бир томондан, Навоий ҳаёти ва ижодий меросини Тожикистон халқларига бутунлигича етказишда катта илмий-маърифий вазифани бажарган. Иккинчи томондан, муаллиф ўтган асрнинг 60-йилларида ёк Навоий тахаллуслари, шоирнинг тожикча шеърларининг мавзу кўлами, хусусан, қитаъларидағи ижтимоий, ахлоқий-таълимиy рух, Фонийнинг санъаткорлик маҳорати ҳақида мутлақо янги мулоҳазаларини изҳор этиб, илмий йамоатчилик эътирофига мүяссар бўлган эди.

Маълумки, профессор Эргашали Шодиев ижодининг ilk палласида ёк ўзбек ва тожик халқлари адабиётларининг ўзаро таъсири, бадиий ижодда икки тилда бирдай бадиият неъматларини яратиш анъанасини тадқиқ этишга маҳсус эътибор бериб, ўзбек ва тожик тилларида бесаноқ мақолалар эълон қилдилар. Пировард натижада эса “Ўзбек-тожик адабий алоқалари тарихидан”, “Адабиётда зуллисонайнлик анъанаси”, “Адабий алоқалар саҳифалари” каби салмоқдор, янги далилларга бой асарлар нашр юзини кўрди. Илмий моҳияти ўта юксак бу китобларда муаллиф адабий ўзаро ҳамкорликлар, ижодий таъсир масалалари хусусида теран фикрлар изҳор этиш билан бирга Юсуф Сарёмий, Фахрий Рўмоний, Тошхўжа Асирий, Зуфархон Жавҳарий, Фаёз, Хокий, Тўғрал, Нозил, Носих, Кошиф, Ҳотиф, Қамбархон, Бибиширифа сингари номлари илм-адаб аҳлига номаълум зуллисонайн шоирлар ижоди ва меросини анча батафсил таҳлил қилган, тугал илмий биографиясини яратишга интилган. Уларнинг айримлари ilk бора илмий истеъмолга жалб қилинган эди.

Хўжанд қадим туронзаминнинг кўхна манзилгоҳларидан бўлиб, барча замонларда илм-фан, маданият, адабий ҳаёт марказларидан бири бўлган. Буюк бобомиз Беруний томонидан “замонасининг ягонаси” деб эътироф этилган фалакиёт донишманди Абу Маҳмуд ҳам Хўжандий бўлган. Профессор Эргашали Шодиев умрларининг охирларигача (2005) Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Тожикистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти

ҳамда Кўқон адабиёт музейлари қўлёзма захираларида сақланаётган тазкиралар, тарих асарлари, баёзлар, девонларни бир неча йиллар давомида зукколик билан ўрганиб чиқиб, матншунослик салиқаси билан кузатиб, ўттиздан ортиқ Хўжанд адабий муҳити вакиллари ҳаёти ҳамда ижодий меросини аниқлаб, уларнинг ўзбек ва тожик тилларида асарларини кенг ўқувчилар оммасига етказдилар, кўплаб мақолалар иншо этдилар. Натижада бир неча йиллик игна билан қудук қазигандай ижодий меҳнат ҳосиласи ўлароқ ўзбек ва тожик тилларида “Тазкираи шоирони Хўжанд” (1966), “Хўжанд шоирлари тазкираси” (2001), “Фазлий Наманганий ва Хўжанд шоирлари” (1993), “Нозил Хўжандий ва ўзбек адабиёти” (1993), “Бибишарифа Ожиз Хўжандий” китоблари нашр қилинди. Устоз тадқиқоти туфайли “Хўжанд адабий муҳити” ибораси илмий истеъмолга олиб кирилди.

Бу тадқиқотлар асл манбалар-дастхат далиллар асосида ёзилганлиги учун мутлақо янги маълумотларга бойлиги билан алохида ажралиб туради. Улар тожик ва ўзбек адабиётларининг муайян тоза сахифаларини ташкил қиласи. Мазкур рисолаларнинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, зуллисонайн муаллиф тожик шоирлари асарларини таҳлилга жалб қиласи, худди устоз Ш.Шомуҳамедов сингари назм намуналарининг ўзбекча таржималарини ҳам ўзлари бажарган. Улар ўқувчига оламжаҳон адабий-эстетик завқ багишлиайди. Шунинг учун ҳам ана шу “Тазкираи шоирони Хўжанд” китоблари учун Камол Хўжандий мукофотини (1999) олишга мусаввир бўлдилар. Устоз илмий ва бадиий ижодни доим бақамти олиб боришга интилган кенг қамровли мусанниф эдилар. Табиатан нозим бўлғанлари учун тожик тилидангина эмас, рус тилидан ҳам бир неча асарларни ўзбек тилига ўгиргандар. Александр Каваленко, Степан Шчилаев, Сергей Смирнов, Алексей Сурковларнинг бир қанча шеърлари ҳам Эргашали Шодиев таржимаси орқали ўзбек китобхонларининг маънавий мулкига айланган.

Бутун умрини таълим-тарбия билан вобаста билган Эргашали Шодиев турли йилларда ҳозирги академик Бобоҷон Faуфуров номидаги Хўжанд университетида кафедра мудири, партия ташкилотининг котиби, катта илмий ходим вазифаларида ишлаб, республика илм-фани, ҳалқ маорифи ҳамда Олий таълими равнақи йўлида жонғидолик билан заҳмат чекди. У турли йилларда Тожикистондаги ўзбекзабон талабалар учун дастурлар тузди, адабиёт фанидан мажмуалар яратди. Муҳаммад Солиҳ, Захириддин Муҳаммад Бобур хақиқидаги ўкув қўлланмалари шулар жумласидандир.

Юксак салоҳият соҳиби, Тожикистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби Эргашали Шодиев иқтидорли ёшларнинг бетамаъ раҳнамоси эди. У кишининг бевоста раҳбарлиги остида ўзбекистонлик ва тожикистонлик бир неча илм лабташналари адабиётшуносликнинг турли йўналишлари бўйича фан чўққиларини забт этишган. Улар орасида элга машҳур олимлардан филология фанлари докторлари, профессорлар Раҳим Воҳидов, Шариф Юсупов, Раҳмонқул Орзивеков ҳамда Бегали Қосимовлар ҳам бор.

Атоқли олимнинг республика ҳалқ маорифи, Олий таълими, илм-фани равнақи йўлидаги кўп йиллик меҳнати қадрланиб, у 1994 йили Марказий Осиё ҳалқлари академияси академиклигига, 2001 йилда эса Россия ҳалқаро педагогика фанлари академиясининг ҳақиқий аъзолигига сайланган.

Эргашали Шодиевнинг асрлар қаъридан инжуулар териб, яратган фундаментал моҳиятдаги тадқиқотлари, бадиий пухта таржималари ҳамон китобхонлар қалбига шуур ва нур баҳш этиб келмоқда.



## Адабий қаҳрамонлар характери әволюцияси

**Шахло  
МУСАЕВА**

Носир Фозилов Исмоил Оллоберганов билан сұхбатида “Саратон” қиссасининг ёзилиш тарихи ҳақида түтхалар экан, мұхбирнинг “Лев Толстой: “Анна Каренина – менинг үзим” деган экан. “Саратон”даги воқеалар сизнинг ҳаётингизга нечоғлик яқин?” деган саволига жавобан: “Саратон”даги бола үзимман... Мен уруш фарзандиман, айни Иккінчи жағон уруши бошланғанда ўн икки ёшда зедим. Ўша уруш йилларидағы күрган-кечирганларим характеримга обдон сингиб кеттан. Шу ёшда гүза оралаб, сув тараганман, культивация қылғанман, хирмон совурғанман. Шунинг учун тенгқұрларимдан уч йил кейин дорилғаннанға ўқишиң кирғанман. Ёзувчилик фаолиятим бошланғанда, нимани ёзиш керак, нимадан бошлаш керак, деган савол туғилди. Шунда бошимдан ўтган воқеаларни асарларимга сингдириб ёздим. Деярли барча қиссаларимда уруш давридаги фронторти воқеалари акс этган” деге эътироф этади.

Дарҳақиқат, унинг күплаб асарларида уруш вақти машаққатлари бошқа халқлар сингари қозоқ ва ўзбек халқини ҳам четлаб ўтмагани, фронт ортида ўзбек ва қозоқлар ёнма-ён туриб фидокорона мәҳнат қылғанлари тасвирланған. Носир Фозиловнинг бошқа хикоя ва қиссаларидаги сингари, “Саратон” қиссасида ҳам асосан Иккінчи жағон урушининг фронторти воқеалари ёритилған бўлса-да, аммо асарда уруш даври ўспиринлари ҳаётидаги ўзгаришлар, ўсмир ёшидаги йигит-қизларнинг нозик ҳис-туйғулари, балоғатга етаётган ёшларнинг бошидан кечирған ҳолатлари тасвирлари алоҳида ўрин тутади.

Маълумки, муайян асар ҳақида гап кетганда, биринчи навбатда унинг қаҳрамонлари кўз олдингизда гавдаланади. Масалан, “Ўткан кунлар” деганда Кумуш ва Отабек, “Мехробдан чайн” деганда Анвар ва Раъно, “Юлдузли тунлар” деганда Бобур кўз олдимизга келишини адабиётшунослар кўп бора таъкидлайдилар. “Саратон” қиссасини ўқиганингизда ёки қисса номини тилга олганингиздаёқ Тўра ва Камола кўз олдингизга келиши ҳам худди шундай.

---

**Шахло МУСАЕВА** – 1984 йилди түгилған. Навоий давлат педагогика институтини таомомлаган. Мақолалари ва услубий құлланмалари чоп этилған.

Қисса, юқорида қайд этилганидек, бош қаҳрамон 15–16 ёшли ўспирин Тўракул ва муаллиф тилидан ҳикоя қилинади. Асарнинг аламзадалигини кимдан олишини билмай юрган яна бир қаҳрамони Зулайҳо холанинг (эридан корахат келгани боис шу ҳолатда эди) ноўрин, ўйламай айтган фикри билан қаҳрамонларимиз Тўра ва Камоланинг тақдиди ўзгариб кетади ва улар аллақандай ҳисларни туюшларига туртки бўлади. Юзага чиқиши қийин бўлган туйғуларни кўрсатиш учун ёзувчи жуда қулай ва табиий, китобхонни ҳеч шубҳага уйғотмайдиган воситалар топади.

“...Тўранинг орқасига Зулайҳо холанинг таёғи шақ этиб тегди. Қаёқдан пайдо бўлиб қолганини ким билсин Камола кўндаланг туриб қолди.

– Келиной!.. – унинг товуши аччиқ чиқди.

– Қоч нари, юзсиз!

– Келиной!...

– Сен ҳали уни ҳимоя қиладиган бўлиб қолдингмиа? Ҳа, яшшамагур, битта боланинг онаси бўлай деб қолганингда... нимага бирга пода боқишиб юрибди, десам....

– Келинойи... – Камола шундай деди-ю кўзларига ёш олганча чопиб кетди.

Атрофдагилар бу гапни эшитиб ҳайратдан қотиб қолишиди”.

Ёзувчи Зулайҳо хола образидан персонажлардаги руҳий коллизияни юзага чиқарувчи восита сифатида фойдаланади. Шу қисқа вақтда инсонийлик туйғулари қалбларини қамраб олган қаҳрамонлар болаликни ортда қолдириб балогатга етганликларини ўйлаб қоладилар. Чунки шу вақтгача Тўракул Камолани “Камол” деб атар, ҳаттоқи унинг қиз бола эканлигини ҳам ҳис қилмаган эди.

Раис келиб бош чўпон Ғиёс акани қишлоққа айтиб кетган вақтда Тўра биринчи бор Камолани сувдан чикаётганда кўриб, ўзининг музлаган ҳолатининг давомини Зулайҳо хола сўзлари билан поёнига етказади. Шу кундан бошлаб Камола пода боқишига чиқмайди ва қиз болаларга хос қийиниб, ўзини бошқача ҳис қила бошлайди. Хуллас, қаҳрамонларнинг одатдаги ҳаёт тарзи ўзгариши, улар характерида сезиларли ўзгариш (эволюция) бошланади. Бу ўзгариш фақат ташки томондан намоён бўлмай, айни пайтда, улар маънавий оламида ҳам содир бўлади. Шу тариқа қисса ўспиринларнинг ёқимли ҳислар сари ҳам етаклаши билан ўқувчини ўз оламига олиб киради. Адиб маҳорати эса китобхонни қаҳрамонларнинг гап-сўзлари, хатти-харакатларига тўла ишонтиришда кўзга ташланади.

“...Кимлардан хат келибди? – сўради раис.

– Ўрмондан, кейин... – Бойғози хатларни қўлига олиб кўра бошлади. – Салимжондан... Ҳой, Тўра тўхта, Камолнинг отасидан хат бор, олиб шигиб бер...

Тўранинг қаеридир жиз этиб, орқасига кайрилди.....

...Идоранинг чироғи ўчди. Ҳамма ўй-ўйига тарқалди. Тўра қўлидаги хатни авайлаб ушлаб келарди: “Ҳозир ўзим олиб кириб берсаммикан ё ойимдан бериб чиқарсаммикан? Бемаҳалда кирганим қандоқ бўларкан? Ойимдан бериб чиқарганим маъқул”.

...Камола Раҳбар опанинг уйидан анча енгил тортиб чиқди. Ҳали болалар чиқиб ўйнайдиган маҳал бўлмаганидан кўча бўм-бўш, коронғи эди. Ёлғиз ўзи кўча ўртасида хаёл билан келар экан, кимдир бирор орқасидан мой тупроқни поп-поп босиб келаётганини эшилди. Ким экан у?

– Камол?!

## Шаҳло МУСАЕВА

Бу таниш овозни эшитиб Камоланинг аъзойи баданига титроқ кирди...

– Камол?! – деди у ҳайрон бўлиб.

Ҳалиги одам индамади-ю лекин қадамини секинлатди. Тўра унга бараварлашди: “Бу маҳалда нима қилиб юрибди”.

Камола ҳам тахминан шундай ўйда эди. Улар бири йўлнинг бериги чеккасида, иккинчиси нариги чеккасида секин юриб келишар, нимадан гап бошлишни билмас эдилар. Қизифи, яқиндагина бирга мол боқишиб, кечкурунлари бирга ўйнаб юрадиган бу икки самимий дўстнинг оралари нега бунчалик узоклашиб кетди? Нега бир-бири билан гаплашишга юраклари дов бермайди? Нега?

Буни ўzlари ҳам тузукроқ тушунмас, бу туйғудан уларнинг ўzlари ҳам хижолатда, шу чоғда шу туйғудан уларнинг ўzlари ҳам миннатдор, шуниси маъқулдек эди...” (“Саратон”, 89–90; 99–100).

Асарга танланган эпиграфнинг ўзиёқ ўқувчига ёқимли ҳис бағишлайди. Қиссага қозоқ адабиётининг буюк вакили Абай изходидан қуидаги эпиграф келтирилган:

*Севги тили Сўзсиз тил,  
Кўз билан кўр, дилдан бил.  
Бир қараши ё бир имо  
Билан боғланар кўнгил* (“Саратон”, 3).

Қиссада фақатгина бош қаҳрамонлар ҳаётида эмас, балки эпизодик образларнинг ҳам характеристи ва маънавий оламида ҳам ўзгаришлар бўлади. Украинадан кўчириб келинган поляклардан Раис, Буйгози ва Тўра бориб Дворжек чолдан хабар олганда, Раис ишга таклиф қиласди, аммо чол уларнинг тилини тушунмайди ёки ишонмайди ва жавоб қайтармайди. Буйгози ва Тўра йигилган ошиҳалолдан элтиб бергач, чол болаларни колхоз ишига ёрдамлашишга олиб чиқиб, ерлик халқнинг илтифоти ва ғамхўрлигидан миннатдорлигини билдиради ва шу кундан бошлаб қозоқ, ўзбек, рус, украин, поляк каби миллатлар бир тану-бир жон бўлиб ишлай бошлайдилар.

Қисса ўсмир ёшидаги ҳар бир йигит қизни синаб ўтадиган гўзал туйгуларнинг ёрқин ифодаси или ниҳоясига етади. Бу ҳолатни тасвирлаш орқали ёзувчи эзгулик, албатта, ғалаба қозонишини уқтиради ва уруш тугаётгани, ёруғ кунлар якинлигини китобхонга ҳис қилдиришга ҳаракат қиласди. Асар қаҳрамонлари – Тўра билан Камола шу аснода ўсмирикнинг сеҳрли сарҳадидан балоғат остонасига қадам кўйганларини, анчадан бери ўzlарини таҳлиқага солиб юрган мужмал туйгулари ойдинлашиб, тотли ҳисга, ширин орзуга айланганини сезмай қолишган эди.

“Саратон” қиссасининг яна бир ўзига хос услуби шундаки, ушбу асарида ёзувчи умуман салбий образдан фойдаланмайди, балки ҳар бир қаҳрамон ўз характеристи ва иши билан китобхонга ўrnak бўладиган ҳолатларни юзага чиқаради.

Мухбирнинг: “Ушбу қиссангизда ўқувчи нафратланадиган бирор бир салбий образ яратмагансиз...” деган саволига ёзувчи шундай жавоб беради:

“Биласизми, уруш азобини гарданига олган фидойи инсонлардан сунъий равишда салбий қаҳрамонлар яратишни ўзимга эп кўрмадим. Бадий асар ҳаётнинг энг характеристли жиҳатларини акс эттириши керак”.

Ёзувчининг тасвир услуби, лексик қатлами болалар учун катта хазина. Бундай

## **Адабий қаҳрамонлар харәктери эволюцияси**

ифодалар асарнинг бир неча ўрнида тақорланиб келади. Масалан, “Саратон” қиссаси шундай тасвир билан бошланади: “Арпа бошоқлари сарғайиб, буғдой бошоқларига ранг кира бошлаган, қовун палаклари таноб ёзиб, туйнаклар этик бошидай бўлиб қолган палла. Дехқонларнинг тили билан айтганда: йўғон чўзилиб, ингичка узиладиган пайт...” (“Саратон”, 5). Шундан кейин асар қаҳрамонлари Камола ва Тўра, уларнинг подачилик касблари ҳақида сўз боради. Подачилик ўзбеку қозок, туркману тожик, кирғиз халқларининг қадимий ва азалий касбларидан бири хисобланади. Ватан уруши йилларида ҳам бу касб асосий тириклик ҳамда меҳр-оқибат манбаи бўлиб хизмат қилган. Шу маънода, унинг ўзига хос машаққатлари, ўсмирларнинг бу касбга муносабати бадиий талқин этилган. Жумладан, қуидаги сатрларда баайни яйлов манзараси жонланади: “Пода ҳар куни офтоб тиккага келганида белариқ бўйига – сувотга (мол суғориладиган жой) олиб келинади. Ҳозир ҳам Камола билан Тўра пода кетида чангга ботиб келишяпти. Кун иссиқ, дим бўлишига қарамай, улар устиларига қалин фуфайка, пахтали шим, кирза этик кийиб олишган, бошларига қулоч боғичлари қайтарилган кулоқчин. Эгниларига кийимларининг ранги қанақалигини билиш у ёқда турсин, чанг-тўзон орасида уларнинг қайси бири Камола-ю, қайси бири Тўралигини ҳам ажратиш қийин эди... Ғиёс ака поданинг олдида, эшакка миниб олган, устида пахталик сирма чопон, бошида кўхна тулки тумоқ... Сувот подачиларнинг, қолаверса, молларнинг бироз ором оладиган жойи... ариқ бўйида худди кампирнинг тишидек сийрак ўн-ўн беш туп тол бор, соя-салқин... тагидан фир-ғир шабада эсиб туради” (“Саратон”, Б.93). Ха, бу тасвир, манзаралар XXI аср боласига ғайритабии туюлиши мумкин. Аммо бу ҳақиқатан XX асрнинг уруш кетаётган даврида яшаган халқнинг турмуш тарзи эди.

Умуман уруш даври, фронторти воқеалари яратилган асарларга разм соладиган бўлсак, мотив бир хил, масалан, буюк кирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг “Жамила” қиссасини олинг “...фронт ортидаги кирғиз халқининг чекка бир овулида бўлиб ўтади. Ҳамма урушга кетади. Қишлоқда аёллар, кекса эркак ва болалар қолади. Оғир меҳнатни “бир гала ўспирин болалар” далада экиб, суғориб, ўт ўриб ҳамма юмушларни ўз зиммасига олади.

“Саратон” қиссасида ҳам воқеалар худди шу тасвир воситалари билан ёритилган, аммо асар ниҳоясига етар экан, инсон ҳар қандай шароитда ҳам ўз туйғуларини ва ўзлигини унутмаслиги билан инсон эканлиги намоён бўлади. Ёзувчи маҳорат билан китобхонга қийинчиликлар, албатта, бирдамлик билан енгилишини таъкидлайди.



АНАР

## Мен, сен, у ва телефон

Ҳикоя



Мен бу масофанинг бешдан тўртини кечиб ўта оламан, яъни тўрт рақамни тўплашим мумкин, аммо ҳеч қачон сўнгги рақамни – бешинчисини боса оламайман. Сенинг рақаминг қулфланган эшикдир – мен эса калитни йўқотганман.

Сени кўрмасам ҳам қўнгироқ қилардим, масъум овозингни эшитар ва шундай дердим: “Азизим, кўлларинг нега бунчалар совуқ?”

Сени кўрмасам ҳам, олисдан бўлса-да барчасини ҳис қилардим. Сахродаги кишлоқликлар денгизни кўрмасалар ҳам уни ҳис килишгани каби.

Энди эса дengiz гойиб бўлди. Йўққа чиқди, йўққа.

Минг мартараб такрорланаётган нарса мен, сен, шунингдек, у. Бироқ телефон ҳам бор.

Барчаси Расимнинг тўйидан бошланди.

Феруз унда қадаҳсўз айтарди:

“Биз беш оғайни эдик. Худди ўша филмъдагидек, эсингиздами, улар ҳам беш нафар эди. Мен, Камол, Мурод, Расим ва Сеймур. Бизни бирма-бир ишғол қилишди, бирма-бир ушлаб, кишанлашди. Ким қилди бу ишни дейсизми, албатта, мана бу хонимлар. Уйдаги кулфатни айтмаса ҳам бўлади – болаларни. Ҳа, шундай, бизни кулфат босди, босгандаям ёмон босди”.

Ҳамма кулди. У сўзида давом этди:

“Мана бугун Расимни ҳам йўқотдик. Борган жойингда тошдай қот, оғайни. Албатта, булар бир ҳазил. Бахтли бўлинг Фарида, Расим. Мен сизга узоқ умр, саодат, саломатлик тилайман. Фарзандларингиз мўл бўлсин. Сизнинг соғлигингиз учун ичдик, яна ичамиз ҳам. Бироқ қўлимдаги ушбу қадаҳни жон жигаримиз Сеймурнинг соғлиги учун кўтаришни таклиф қилмоқчиман. Сеймур ўз-ўзига хон, ўз-ўзига сulton. Соғ бўл дўстим, булбул бўл, қафасда бўлма”.

Ҳамма менга термилар, идишлар орасидан таниш юзларни кўряпман – дўйстларимнинг юзларини. Уларнинг юзида севинч билан бир қаторда ҳайрат ифодаси ҳам бор.

Меҳмонлар бир-бир тарқалишни бошлаганда биз ҳам – Феруз, Камол, Мурод аёллари ва мен кўчага чиқдик. Тун кўйнида мудраётган шаҳарнинг сокин кўчасидан юриб бораракмиз, Ферузнинг аёли биқинимдан туртди:

– Сеймур, сенинг тўйингни қачон қиласиз?

– Олис келажакда.

– Нега ахир? Ё сен мана бу бекорчи ошнангнинг сўзларига ишонасанми? – у кулимсираб эрининг кўйнига суқилди, – у айтгандир, оилам жаҳаннам, деб.

Феруз:

– Ўзига лойиқ қиз тополмаяпти, – деди.

– Ростанми? Эшитдингизми болалар? Келинглар, Сеймурга бир қиз топайлик. Сеймур, сен учун Бокунинг энг гўзал қизини топсанак, уйланасанми?

– Албатта, – дедим қатъият билан, – фақат бир шарти бор. Шундай экан, ҳозир, айни дақиқада топсангиз розиман. Йўқса фикримни ўзгартираман.

Камол:

– Вой, қўнгилларингдан-эй, – деди, – ярим тунда сенга қаердан қиз топамиз? Кўчадан топмасак керак... Ёки сен туннинг бундай палласида юрган қизга уйланаверасанми?

– Албатта, – дедим, – нима десангиз шу. Бу сухбатдан уям боҳабар бўлсин факат.

– Менинг бир таклифим бор, келинглар Сеймурга телефон орқали қиз топамиз. Ана, анави ерда автомат ҳам бор экан.

– Жуда яхши фикр, – дедим, – бироқ тангам йўқ.

Ҳар тарафдан менга танга узатишиди. Буткага кирдим.

## АНАР

– Қани, рақамни айтинглар, – дедим.

Феруз:

– Жўра, ақлингга келган рақамни тер, – деди. – Масалан...

У сўзини ярим қолдириди.

– Йўқ, дўстим, бўш кема сувга кетмасин. Ёмон қайнона чиқиб қолса менинг ёқамдан оласан, – деди бироз хаёл сургач.

– Кўркоқ, – дедим, – муаммо ҳам шунда. Уйланмоқ жиддий иш, ҳазилмас. Ҳеч ким масъулиятни бўйнига олишни истамайди. Камол, эҳтимол сен айтарсан-а?

– Менинг бир таклифим бор, – деди Ферузнинг хотини сухбатга кўшилиб, унинг ўзи ҳамиша бир фикри бўлади, – ҳеч ким бўйнига бундай оғир масъулият олишни истамайди. Келинг, яхшиси масъулиятни ҳаммага тенг бўлайлик. Ҳар ким бир рақам айтсин.

Феруз:

– Маъқул, – деди. Тўғрисини айтсам, у ҳамиша аёлининг сўзини маъқуллайди. – Икки, – деди Феруз менга истехзоли қараб.

Ферузнинг аёли:

– Тўққиз, – деди.

Камол:

– Рақамми... – дея ўйланиб хотинига боқди, – сен айтақол, хотинжон.

– Мен? Мен нима дей, билмайман... Майли, тўрт.

Мурод чаққонлик билан:

– Беш, – деди.

Мен айтилган рақамларни тердим, Муроднинг аёли сон айтишга улгурмади, чунки телефондан қисқа сигналлар кела бошлаганди.

– Жуфти ҳалолим уйқуга кетган, шекили, – дедим.

Ҳамма кулди. Гўшакни жойига қайтардим.

Сўнгра йўлимизда давом этдик, бир-бир уй-уйга тарқалдик. Мен негадир ўзимни ёлгиз хис қиласдим...

Секин-аста юриб денгиз тарафга қайтдим, узоқ вақт кимсасиз булварда сайр қилдим, қоронгилик кўрпасини ёпиб олган денгиз ва олисдаги ранг-баранг чироқларга термилдим, тўсатдан ўша рақамлар эсимга тушди. Тунги соат икки эди.

Сўнгра яқиндаги автомат буткасига кирдим, танга ташладим ва рақамларни шараклатиб тердим.

Гўшакдан аёл овози эшитилди. Овоз ухлаётган эмас, бироз хорғин ва ҳайратланган одамнинг овози эди:

– Лаббай.

– Салом.

– Салом. Ким бу?

– Менман. Келинг, танишамиз.

Бу гапдан кейин юзимга урилган тарсакидек қаттиқ жавоб кутардим. Ёки ҳайдаб чиқарилган одам эшиги каби телефонни ғазаб билан ўчирилиши ҳақида ўйлардим. Бироқ у на қаттиқ жавоб қайтарди, на газабланди. Овози аввалги сокинлик билан янгради:

– Менимча, танишиш учун вақт алламаҳал бўлди.

– Алламаҳал? Йўқ, асло. Айни вақти ҳозир. Мен бироз аввал бир яқин дўстимнинг тўйидан чиқдим. У менинг энг охирги бўйдоқ оғайним эди. Фикримча, бугун унинг тўйи эмас, азаси бўлди.

– Вай, вай, вай. Нималар деяпсиз? Ўзингиз уйланмаганмисиз?

– Албаттa, йўқ. Сиз-чи, сиз турмушга чиққанмисиз?

У кулди.

– Танишувнинг илк дақиқасиданоқ ҳамма нарсани билишни истайсизми?

– Маъзур тутинг. Мени телефон безорилардан, деб ўйламанг тагин. Мен, шунчаки, ёлғизлиқдан кўкси ўт олган бир одамман, холос. Балки шунинг учунам рақамларни тердим, бирор билан танишай дедим.

– Шундайми, рақамимни қаердан олдингиз?

– Тасодифан. Хаёлимга келган рақамларни тердим, вассалом.

– Ажабланарли жуда.

– Сезганингиздек, бироз сархушман, эҳтимол шу туфайли ўзимни жуда ёлғиз сезаётгандирман.

– Майли, ҳечқиси йўқ.

– Сиз билан учраша оламиزمи?

– Йўқ, бу тўғри иш эмас. Келинг, яххиси бундай қиласиз. Ҳозир кеч бўлди, уйингизга бориб дам олинг, тонгда, мен айтди дерсиз, барчаси унутилади.

– Ахир сиз билан кўришишни хоҳлайман, ҳечқурса танишишни...

– Рақамимни биласиз, эртага ўзингизга келгандан кейин, танишишни истасангиз телефон қилинг, қаршилигим йўқ.

– Ростанми?

– Рост. Яхши дам олинг.

– Бахтга қарши эрталаб, албатта, қўнгироқ қиласан.

Жуда кулгили кўринса ҳам, гўшакни жойига илиб, одамсиз кўчада юриб борарканман, ўйлардимки, энди мен ёлғиз эмасман. Гўёки энди кимимдир бор.

Эртаси кун телефон қилмадим. Кун давомида кундалик ишларга қоришиб, ҳаммасини унутдим. Бир неча кундан сўнгра мажлисдан чиқиб лаборатория мудиришимиз билан жанжаллашиб қолдим. У менинг илмий раҳбарим ҳам эди.

Музокарадан кейин Феруз мени уйига олиб кетди. Биз у билан бир олий ўкув юртида ишлардик. Йўлда у менга маслаҳатлар берди, ғазабланмаслигимни, ўзимни босиб гапиришим кераклиги ҳақида маъруза қилди. Айтди-ки, ҳаётда агар ҳақ бўлсанг, ўз ҳақиқатингни ҳимоя қилишни минглаган усули бор. Ҳаммани ўзингга душман қилган билан бирорни ишонтира олмайсан. Бироз келишган маъқул, бироз енгилган ҳам. Тасаввур қил, бирор тўғри гапирмаяпти. Айтайлик, унга ҳар тарафдан назар солсанг, менга шундай туюлади, бу масалага бир тарафлама боқсанг, ҳар ким билан ҳам келиша оласан. Йўқса, ўзинг каби ҳеч нарсанинг тарафини ололмайсан, нодонсан, жоҳилсан. Шунинг учун ҳам...

– Шунинг учун ҳам... – дедим. – Сенинг бу сиёсатинг жонимдан тўйдириб юборди.

– Тушундим, дўстим, тушундим, сенай одам билан келишиб бўлмайди. Кетдик, яххиси чой-пой ичайлик.

Ферузнинг аёли:

– Биласанки, – деди, – ҳеч биримиз бу сўзларни унга ўргатмаганмиз. Билмайман, бу сўзларни қаердан билади, ўзи топган, дейдик: “О-о-йи, да-ада”.

Ферузнинг аёли ҳали бир ёшга ҳам кирмаган ўғли ҳақида гапиравди. Шу маҳал Феруз кийимларини алиштириб ёнимизга келди.

– Ҳақиқатдан галати, – деди. – Биласан, мен яқинда янги бир назарияни кашф килдим. Назариямга асосан, тилни болалар яратишган. Катталар эмас, йўқ, айнан болалар. Биз, катталар улар яратган сўзлардан фойдаланамиз. Сеймур амакиси, айт қани, қаерда шундай ширин болани кўргансан, кимнинг шундай ўғли бор, тўғрими гапим?

## АНАР

Қанча уринсам ҳам ўша рақамни эслай олмасдим. Деярли ярми эсимда, бошидаги икки сонни аниқ биламан, учинчи рақами ноль эди, қолганини минг уринсам ҳам ёдимга туширолмадим.

– Менга қара, Самоя, ўша кечаси сен қайси рақамни айтгандинг?

– Қайси кеча? Қанақа рақам?

Унга эслатдим: “Ўшанда, тўйдан чиқиб менга маслаҳат бердинглар уйланиш ҳақида, кейин телефон орқали таништирмоқчи бўлдинглар бўлажак аёлим билан, бирма-бир рақам айтдинглар, эслаяпсанми, сен ўшанда қайси рақамни айтган эдинг?”

Эшикдан чиқарканман у ортимдан бақирди:

– Ха, эсладим, тўққиз эди, троллейбусимнинг рақами.

Уйдан чиқишим билан яқиндаги буткадан рақамларни тердим. Гўшак кўтарилиди.

– Алло. Салом. Менман.

– Салом. Ким бу?

– Нега дарров унудингиз. Эсингизда бўлса, мен сизга бир оқшом телефон қилгандим, бундан уч кун аввал, айнан ҳозиргидай вақт эди ўшанда...

– Унда овозингиз бошқача эди, – деди ва истехзо билан қўшиб қўйди, – ёки бу гапираётган одам бошқа бирор. Ўтган сафар ёлғизликдан қийналган, бир телефон можаросига қўшилиб қолгандингиз.

У қатъий оҳангда гапирарди.

– Онт ичаман, бу менман. Ўшанда овозим маст одамники эди, шунинг учун ҳам танимаяпсиз ҳозир. Энди-чи, энди танияпсизми, эши廷г.

– Ха, энди танидим. Мен бошқа одам деб ўйлабман, маъзур тутинг, – у бемалол кулди, – демак, бугун ўзингиздасиз.

– Юз фоиз. Маст эмас вақтимда қўнгироқ қилишимнинг сабаби мен ҳақда фақат ёмон тасаввурга эга бўлиб қолмант, дедим. Сиз ўйламанг тағин, бу ғирт ичкиликбоз, деб. Ўзи ойда-йилда бир марта ичаман.

– Яхшиям қўнгироқ қилдингиз, бўлмаса бу оқшом зерикиб ўлардим. Радиом бузилиб қолди.

– Сиз ҳар доим шундай кеч ухлайсизми?

– Ха, шундай, тун ярмигача радио тинглайман. Бироқ бугун радионинг аҳволи чатоқ, тентакка ўхшаб қолдим усиз.

Гўшакдан ажойиб бир куй, пианинонинг овози эшитиларди, бироқ жуда узокдан.

– Сиз саволларга жавоб беришни хуш кўрмайсиз, биламан, аммо мумкин бўлса айтсангиз, ким у тун ярмида пианино чалаётган?

– Ха, – у секингина кулди. – Овоз бизнинг уйдан эмас, қўшниларникидан келяпти. Шундай санъатсевар қизки, эрталабдан кечгача пианино чалиш билан машгул. Деворлар қалин эмас, овоз тўғридан-тўғри ўтиб туради, худди икки уй ўртасида ҳеч нарса йўқдек. Ҳечкурса радио ишлаганида унинг овозини эшиитмасдим.

– Хўш, нега радио тинглайсиз?

– Радио худди уйимга менгзайди. Масалан, мана бу тўлқинда тунгти эшиittiриш бўлади, мана бу тўлқинда эса энг сара қўшиқлар кўйилади... – Мен унинг радио тугмалари узра қезаётган бармоқларини ҳис қилдим, у каналларни бир-бир ўтказарди.

– Бу тўлқинда ҳамиша бўрон гувиллайди, бу тўлқинда ҳар доим мен англомас тилда гапиришади, бу тўлқинда эса ҳамиша хурсандчилик, бу ерда сухбатлар уюштирилади, ҳалқ кулади, олқишлияди, мен сўзларни тушунолмайман, бироқ мендан бошқа ҳамма кулади, яна қарсак чалади, мен ҳам қўшиламан. Бу ерда тунгти сухбат, бошловчилар бир-бiri билан пичирлаб гаплашишади, микрофондан ҳатто уларнинг нафас олиши ҳам эшитилиб туради... Радио дейиш ҳам ғалати, гўёёги бутун дунё менинг хонамга қамалиб олган. Барча тунларим шундай кечмоқда. Осмон, ашулашар, одамлар, тайёralар...

– Тайёralар?

– Кулок тутинг, – деди у. Сўнгра орага жимлик чўқди. Мен ҳам қулок солдим ва бирордан сўнг тайёра шовқинини эшилдим. Демак, хозиргина қўнган учоқ бизнинг уй устидан ҳам учиб ўтади. Унинг уйи қаерда экан-а, шаҳарнинг қайси бурчагида экан?

– Радио ва тайёralар бир-бирига қўшни, шундайми? – дея тўсатдан сўради у.

– Қанақасига қўшни бўлишади, ахир?

– Самодан, – деди ва яна сукутга чўмди. Энди гўшакдан учоқ овози эмас, пианино саси эшиларди. – Менга кўйиб берсангиз, гапириб ўтиравараман, сиз ҳам нимадир дэнг ахир?

Ўзим ўзимга ҳайрон қолдим, билмадим, негадир мен бу бегона одамга ҳеч бирорвга айтмаганларимни гапира бошладим. Ишдаги муаммо-ю ташвишлар, эски дўстим Феруз билан кундан-кунга узоқлашиб бораётганимиз, илмий раҳбаримни нега ёқтираслигим, диплом химоясида ҳар нарса деганим ва бошқа шундай кўплаб нарсалар ҳақида оқизмай-томизмай айтиб бердим. Зоро, буларнинг бирортасини унга дахли йўқ эди. Бироқ, тушунмасдим, нега айнан унга булар ҳақида гапирдим? Ўзимни нега тўхтатолмадим?

Тўсатдан тўхтаб, дарров у билан хайр-маъзур қилдим, гўшакни шиддат ила жойига қайтардим.

Уй тарафга одимлаб борар эканман, “Буни кимга айтиб беришимдан қатъий назар аниқ ишонмайди”, деб ўйладим. Ҳақиқатдан ҳам, танимаган, ҳатто юзини кўрмаган одамга қандай қилиб қўнглингни очиш мумкин?

Мен у ҳақида нима билардим? Ҳеч нарса.

Ягона билган нарсам, у кечалар радио тинглашни хуш кўради, санъатсевар қўшниси эса тун бўйи пианино чалади.

Бу ҳикоянинг яна бир иштирокчиси – телефондир. Телефон ҳақида бир-икки жумла айтишни истардим. Айниқса, сўнгги пайтларда телефонлар менга жуда гаройиб ва бегона туюларди. Лаборатория мудиримизнинг хонасида, столи устидаги бир кора телефон бор. Ҳамиша унга боққанимда, у хонага қўйилган минадек кўринади кўзимга. Мудирнинг доимо маҳзун, ўйнаб турувчи, кўркув ичидаги бокувчи кўзларига қараганимда, бу телефон унинг учун вақтли бомбадек туюлишини ўйлардим. Чунки у ҳар қўнғироқдан, ҳар ҳаракатдан сакраб тушарди. Гўёки бу телефон ҳар дақиқада нохуш хабар сабабли ҳаракатга келиши мумкин. Гўёки бир кун унга қўнғироқ қилиб “Сени ишдан бўшатиши ёки хотининг бошқаси билан қочиб кетди” дейишади.

Канселариямизда ҳам телефон бор эди. Бироқ дискидаги ракамлар тушиб қолган, кора бир доира эди. Менинг тасаввуримча, у чамбараксиз машина, манзисиз мактуб каби мададга зор ва ожиз эди. У гўёки мутеликнинг, эрксизликнинг, пассивлик ва баҳтсизликнинг рамзи эди, яъниким, сенга қўнғироқ қила олишади, сен эса йўқ.

Бундай телефонлар қаторида телефон автоматлар ҳам бор. Телефон автоматлар дискиз телефонларнинг бутунлай акси. Сен қўнғироқ қила оласан, улар эса йўқ. Кимгadir телефон қилиб оғзингга келганини айт, қарга, ким ҳам сени топа оларди? Телефон автоматлари – жазосизликнинг, масъулиятсизликнинг, ўзбошимчаликнинг рамзи. Уларнинг устун тарафи бомбардимончи учоқларнинг қуролсиз кема устидаги болиб келганига ўхшайди.

Кўрмагансида, уйимизга телефон келмагунча қанчалик хасис эдим. Қўлимга тушган тангаларни Ҳожи Қора каби хасисларча йигар, яшириб қўярдим. Танишибилишдардан, дўстлардан танга олар ва бир жойга тўплар, имкон бўлиши биланоқ куппораларни ҳам тангага алмаштирадим.

## АНАР

Хар кече унга телефон қиласадим, фақатгина кечалар, бу худди бир одатта айланганди.

Бу сұхбатларни яхши күрадим – унинг бироз хорғин, бироз истекхоли, бироз ғамгин овозига, девор ортидан әшитилиб турувчи пианинога, радиога, тайёра шовқининг, бары-барига шайдо әдим.

Әндилікда у ҳақда баъзи нарсаларни ҳам билиб олғандим, бирок жуда кам маълумот. Билишимча, унинг исми Мадина, бир ўзи яшайди, кўзлари қўнгирранг, уйининг рақами 35. Шулардан бошқа ҳеч нарсани билмайман.

Бир сафар ундан:

– Неччи ёшдасиз? – деда сўрадим.

– Эҳ, ёшим ўтиб қолган, набираларим, эвараларим бор, – деди у кулимсираб.

Сездимки ҳазил қиляпти.

У на ҳаётидан, на ишидан, на оилавий аҳволидан сўз очарди.

Мен ҳам ундан булар борасида сўрамасдим. Унинг ўзи ҳам бундай нарсаларни сўрамасди мендан. Бирок, ёшим, йигирма тўққиздалиги, бўйдоқлигим ҳамда илмий ташкилотда ишлашимни биларди. Фақатгина исмимни билмасди. Чунки танишганимизда унга ўз исмимни эмас, бошқа бир исмни айтгандим: Рустам. Нега ундей деганман? Билмайман. Эҳтимол унинг ҳам асл исми Мадина эмас, бошқадир.

– Ахир биз қачон қўришамиз, – дедим узоқ жимлиқдан сўнг.

– Нима қиласиз қўришиб? – деди у жавобан. – Яхши фикр эмас бу. Сизни билмайману менга телефондаги сұхбатлар маъқулроқ. Ҳаётимга янги насимлар олиб киради унда кечган сұхбатлар, устига-устак маълум вактлардагина телефонда гаплашаман, ўша вақтни кутиб яшайман. Кўнғироқ қилган одамни танимайман, юзини ҳам кўрмаганман, шу туфайли у билан бемалол гаплаша оламан, у ҳам кўркмай-нетмай менга кўнглини очади. Дейлик, мени ҳеч қачон кўрмаган, қандайлигимни тасаввур ҳам қилмаган. Бу ёмонми? Асло. Мабодо қўришсак, бир-бирилизни ёқтиримаймиз, кейин барчаси бузилади. Агар бир-бирилизни ёқтирган тақдиримизда ҳам ҳамма нарса ўзгаради, соддалашади, ўз асл маъносини йўқотади. Келинг, муносабатларимиз яхиси шундай қолсин. Ишонинг, энг тўғри йўл шу. Бу гапларни қўяйлик, яхиси ишингиздан гапириңг. Ўша масала қандай бўлди? Аризангиз? Ҳал бўлдими?

– Йўқ. Ариза берганман, кетаман яқин орада у ёрдан.

– Қаерга?

– Очиғи, қаергалигини билмайман. Сиз нима маслаҳат берасиз?

У бу саволга жавоб қайтармади, гўшакдан фақатгина учоқ шовқини әшитилди.

Янги йилни Ферузларникода кутиб олаётган эдик. Янги келин-куёв – Расим ва Фарида ҳам келганди. Ўн иккига ўн дақиқа қолганида байрам столи ёнига тизилишдик. Бу столни Ферузнинг аёли ва бошқа хотинлар шундай чиройли безашган эди.

Бу ерга энг охирда келган мен әдим, ташқари жуда совук бўлгани учун ичкаридаги қайноқ тафт одамга хуш ёқарди, албатта.

Соат ўн иккига бонг урди, бир-бирилизни қучоклаб, оғиз-бурун ўпишдик, бир-бировга баҳт ва омад тилаб қадаҳ қўттардик. Феруз ўз сўзида бу йил тарихий йиллигини, бу йилда менинг тўйим бўлишини ҳам сўзига қистириб ўтди. Бир қадаҳ шаробдан кейин Феруз мени бир чеккага олиб чиқди.

У кечадан бери ичаётгани учун маст эди, қўлидаги қадаҳ билан бир мен учун қадаҳ сўзи айтарди. Буни мендан бошқа бирор эшитмасди.

– Сенинг соғлигинг учун ичаман. Сен доим худди ҳозиргидек бўлгансан, мард, қатъиятли, шунингдек, бироз шўх, тутқиб бермас ва бешафқат. Ҳаётга ҳамиша очиқ кўз билан қарайсан. Биламан, биламан, бу сўзларимга ичингдан куляпсан ҳозир,

эҳтимол нафратланаётгандирсан ҳам. Яхши биласан, мен ҳам, қара, буларнинг барчасидан, – у ялтираб турган янги мебелини кўрсатди, – ёки Самоянинг шубасидан аввал ўзимни сотганман. Йўқ-йўқ, мен ҳеч қачон виждонимга хилоф иш қилмаганман, ҳеч қачон ваъда бермаганманки, виждоним уни қабул қиласин. Бунга ишонишинг мумкин. Аммо... – у бироз тўхтади, – Одамнинг ақли жойида бўлсин экан. Хўroz каби отилавермасин экан ҳар доим ўртага. Шундай ерлар бўладики, таслим бўлиш лозим, яна шундай ерлар борки, сўзингда қатъиян тура олиш шарт. Баъзи ишларда келишган ҳам маъкул аммо.

– Эҳтимол, ҳақлисан. Лекин шахсан мен учун ҳақ-хисоб қийин масаладир, бу ерида ортга қайт, у ерида олға юр, мен бундай эрксизликда яшай олмайман.

У кўлини ирғитди:

– Ай-ҳай, кел, яххиси ичамиз, янги йилдан қаерда иш бошлайсан?

– Газетада, – дедим дадил овозда. – Ўтган куни буйруғим чиқди.

– Ўзинг тушунадиган, яхши иш, бироқ мендан сўрасанг, бекор кетдинг...

У роялнинг орқасига ўтди, чалишни бошлади, аёли эса қўшиқ куйлади. Улар айтиётган қўшиқ радиомизнинг сўнгти қўшиқларидан бири эди. Тўсатдан пианино, сўнг эса радио ёдимга тушди.

– Қадаҳ сўз айтмоқчиман, – дедим, овозим баттар дўриллаб кетди.

Ҳамма таажжуб-ла менга қаради, чунки, шу пайтгача қадаҳ сўз айтган одам эмасдим.

– Қаранг, биз ҳаммамиз шу ердамиз, бир жойда, ҳаммаси жойида, кайфимиз ҳам чоғ. Бироқ келинг, бир бора ўйлаб кўрайлик, бу оқшом ёлғиз қолганлар нима қилишмоқда экан? Дейлик, навбатчилар, йўл кузатувчилари.

– Ким, ким? – дея ҳар тарафдан савол келди.

– Йўл кузатувчилар деяпман. Шундай, улар поездлар жадвалини ёддан билишади, ёп-ёлғиз хонасидан чиқиб айни тун ярмида қору аёзда поездларни кутишади.

Расим:

– Тегманлар, бугун оғайнимиз маст, дунё уники, – деди. Ҳамма кулди. Феруз дарров менга қараб ўрнидан турди:

– Тўхтанглар, бир зумга тўхтанглар, – деди. – Айтайлик, гапинг рост. Илтимос, дўстлар, кулмайлик, масала жиддий. Демак, бугун йўл кузатувчиларининг соғлиги учун ичамизми, Сеймур?

Қадаҳлар кўтарилди.

– Йўқ, – дедим, – йўл кузатувчиларининг соғлиги учун дейишни истамасдим. Гапимни оғзимдан олдингиз. Мен тамоман бошқа бир одамнинг соғлиги учун ичишни истар эдим ва қаранг, агар тушунмасангиз...

– Хўш-хўш, майли, айт-чи...

– Мен факат бир инсоннинг, танҳо қалбнинг, ёлғиз кўнгилнинг соғлиги учун ичишни истайман бугун. Ҳозир у ўз хонасида радио тингламоқда. У барча радиоларнинг кунлик жадвалини ёддан билади. Йўл кузатувчилари поездлар олдига чикқанидек у ҳам эфирга кетган ҳар бир эшиттиришнинг олдига чиқади. Бутун дунё унинг хонасида, бутун олам у билан бўлишига қарамай у жуда ёлғиз...

Қадаҳдан бир қултум хўплаб, бошим узра кўтардим. Колганлар ҳам индамайгина ичишли, сўзларимга ҳайратланишли, лекин бирорта савол беришмади. Бироздан кейин эса умуман бошқа нарсалар ҳақида сухбатга киришишди.

Секингина даҳлизга чиқдим, рақамларни териб, жимгина қулоқ солдим. Телефон кўтарилмади. “Бу ҳам сенинг йўл кўзловчинг”, дея ўйладим. Бекорга унинг ғамини япсан. У ҳам ҳаммага ўхшаб қаердадир янги йил кутаётган бўлса керак, эҳтимол, шоддир. Нега қувонмасин, нега байрам қиласин, ахир?

Хаёлдан ўзимни тортиб яна қўнғироқ қилдим. Москва вақти билан янги йилни

кутлашни истадим. Барибир телефон күтарилемди. Бир соат ўтар-ўтмай яна күнгироқ қилдим, бу сафар Прага вақти билан табриклашни ўйладим, яна жавоб йўқ. Бир соатдан кўпроқ вақт ўтди, яна унинг рақамларини тердим, бу сафар қаернинг вақти билан янги йил эди, билмайман, эҳтимол Гринвич вақти биландир.

Нихоят, саҳарга яқин кўчадаги автоматдан кўнгироқ қилганимда у телефонни кўтарди.

– Сизни Атлантик вақтидаги янги йил билан кутлайман, – дедим. У нима демокчилигимни тушунмади, мен ҳам изоҳламадим.

– Яхшимисиз? Ҳозиргина киргандим ўзи эшиқдан.

– Ўзим ҳам ҳали келмаган бўлса керак деб ўйладим. Тун бўйи сизга телефон қилиб чиқдим.

– Дугонамларницида эдим.

– Ҳечқиси йўқ, – дедим, – янги йил совғаси ўлароқ ажойиб бир сўзни айтмоқчиман сизга... Мен сизни севаман. Телбаларча севаман, ҳа-ҳа, жуда яхши қўраман сизни.

– Ия, шундайми? – у оҳиста кулди. – Қандай ажойиб хушхабар. Янги йил ёмон бошланмаяпти.

– Ишонинг, сиз менинг азизим, кўзларимнинг нурисиз, қандай айтсан экан-а, мен ҳеч кимни бунчалик севмаганман. Эҳтимол сизга кулгили туюлар, бирбировимизни ҳеч қўрмаганмиз. Бироқ нима ҳам қиласардик, қисмат экан, учрашдик. Мен энди сизсиз яшолмайман.

– Янаям тўғрироғи, менинг телефонимсиз, – дея сўзимни тўғирлади у. – Биламан, бу сўзлар ҳаммаси ҳавои гаплар, аммо уларни эшитиш одамга жуда хуш ёқади.

Биринчи марта сухбатимизни пианино овози бузмас, олисдан қуёш кўринаётганди. Қачонлардир мусиқа мактабида ўқиганим сабаб, шекилли, хаёлимга шундай ташбеҳлар келди – ҳаётнинг хромотик овозлари – оқ ва қора пардаларнинг – кундуз ва кечаларнинг, яхши, порлок кунларнинг ҳамда ёмон, зулматли тунларнинг кураши....

– Мен қачон сизни қўраман, ахир? Ҳамиша бир гапни қайтарасиз: “Кўришмаганимиз яхши”. Сизнинг фикрингизча, бу муҳаббатнинг энг гўзал кўринишидир, биз бир-биrimизга телефон орқали боғланганмиз. Гўзал алоқа бу.

– Фақат бир тарафли алоқа, – деди у, – яъни, сиз менга кўнгироқ қила оласиз, мен эса йўқ.

– Шундай, шунинг учун ҳам сизни қўришни истаяпман. Манзилни айтинг, оёғимни қўлимга олиб ҳозироқ етиб бораман.

– Илтимос қиласан... – деди у қандайдир ғамгин оҳангда. – Ўтинаман, бу севинчни мендан тортиб олманг. Кўпчилик менга бундай таклифни берган. Сиз хам уларга ўхшаб буни сўрайверсангиз, салом-алигимиз узилади.

Бироз жим қолди, сўнгра яна сўзида давом этди:

– Аммо сизга жуда суюнаман, турмуш ўртоғим ўлганидан кейинги энг яқин одам сизсиз менга...

Январь бошида янги жойда иш бошладим. Куни билан бир материални таҳрир қилдим, ишни якунлаб кўчириш учун машинкачига бердим. “Тонгда тайёр бўлиши шарт”, дедим жиддий оҳангда. Ишга кираверишдаги деворга қора плакат осилган, унда газета ходимларининг исм-фамилияси ҳамда телефон ракамлари ёзил кўйилганди.

Билдирмайгина уни кўздан кўчирдим, сўнгра бирдан совуқ тер босди бутун баданимни. Чунки нотаниш одамлар орасида таниш бир одамнинг исмига кўзим тушганди.

– Вализода ким? – дея сўрадим ходимларнинг биридан.

– Бизнинг машинкачимиз. Ҳозиргина унга материал бердингиз. Тинчликми?

Секингина деразадан қарадим. Қўнғир кўзли машинкачи зиналардан пастга тушарди. Баланд пошналарининг овози шундай эшитилиб турарди: тақ-туқ, тақ-туқ...

Бу худди эртакка менгзарди. Қисмат бизни бир ишхонада учраштирганди, лекин у бу ҳақида умуман билмасди. У ёзув машинкасида мен берган материални кўчириркан, буни мен берганимни ақлига ҳам келтирмасди. У биладики, буни мен берганман, бироқ билмайдики, мен – ўшаман, йўқ, янайам тўғрироқ айтсак, мен – менман.

Хеч чидай олмасдим, бу янгиликни етказиши истардим, унга автоматдан қўнғироқ қилдим. Бу биринчи марта унга доимга вақтдан олдин телефон қилишим эди, телефон кўтарилмади. “Ҳечқиси йўқ, ҳар доимги вақтда телефон қиласман, сурприз бўлақолсин, майли”, деган хаёл кечди ичимдан.

Кечқурун унга қўнғироқ қилдим ва:

– Яхшимисиз? Икки соат аввал телефон қилгандим, кўтарилмади.  
– Бугун анча эрта телефон килибсизми? Рафиқамгилда эдим. Бошим ишдан чиқмади, шунга бугун кеч чиқдим.

Кулгимни зўрға тўхтатиб:

– Нима иш экан ўша? – дея сўрадим.  
– Тутатолмадим, қолганини уйда қиласман деб олиб келдим, янги бўлим бошлиғимизнинг топшириғи.

– Янги бўлим бошлиқ?  
– Шундай, бугун ишхонамизга янги бўлим бошлиғи тайинланди.  
– Йўғ-е, ажойиб-ку, – дея яна ўзимни зўрға тутиб турдим кулишдан. – Яхши яхши, қандай экан, у янги бўлим бошлиғи?  
– Нима десам экан, ўзи кўпам гаплашмадик, жудаям манман қўринди, аммо илк таассурот билан нимадир дейиш мушкул, ҳар ҳолда...

Нима дейишимни билмай қолдим. Унинг бундай дейиши хаёлимга ҳам келмаганди.

– Нега, сизга манзур келмадими? – дедим.  
– Хуллас-да, одатда илк таассурот хато бўлади. Эҳтимол, яхши одамдир, ўзини жуда ёмон тутгани йўқ ҳар қалай. Узун бўйли, бақувват йигит, ҳам келишган. Аммо озрок қаттиқўл. Одамга тепадан қарайди. Гапирганида ҳам қандайдир жаҳл билан гариради, “Тонггача тайёр бўлсин”, деб.

Бу унинг биринчи марта касби ҳақида сўз очиши эди. Бироқ бу сафар унинг касби билан қизикмадим, ахир шусиз ҳам яхши билардим-да чунки.

– Хўш, ўзингизнинг ишингиз нима бўлди? – дея сўради. – Янги ишга ўтдингизми?  
Ҳар ҳолда олдиндан режалаштириб қўйганим йўқ эди ўйин бошлашни, бироқ қандайдир куч мени мажбур қилди-ю шундай дедим:

– Йўқ, фикримни ўзгартирдим. Эски жойимда қолдим.  
Эртасига эрталаб Мадинани, менинг Мадинамни кўрдим. Тўғри, ўтган кун ҳам кўргандим уни. Аммо ўша кун у бошқача кўринишида эди, аслида, унинг ҳар бир кўриниши ўзига хос ва гўзал. Оддий бир кўриниши... Эҳтимол унинг гўзаллиги ҳам шунда эди, лекин қандайдир паришон ва хомуш гўзаллик эди у. Булар ўтган куннинг фикрлари. Бугун эса ҳар нарса тамоман бошқача. У кўчирган қоғозларни кўриш билан бирга ўзига ҳам кўз остидан назар солардим. Унинг менга буткул ёт бўлган зоҳирий кўриниши билан бу қадар яқин, таниш овози орасида, бу ердаги Мадина билан телефондаги Мадина орасида бир оҳанг, уйғунлик ахтарардим.

Ишхонада у билан меҳрибон, секин овозда гаплаша бошладим ва қизиқардимки, кани кўрай, у бу ўзгаришни сезибдими? Буни билиш учун эса оқшомни кутардим. Қўнғироқ соатини.

## АНАР

– Айтгандима сизга, илк таассурот хато бўлади деб, – деди у бугунги суҳбатда. – Бугун сездим, у жуда хушкўнгил, меҳрли инсон экан...

– Иккинчи таассурот ҳам алдаши мумкин, ахир, – дедим жиддий оҳангда. – Кўпам ишонманг.

– Йўқ-йўқ, биринчи учрашувда унинг кўзларига қарай олмагандим. Бугун яхшилаб қарадим, кўзларида поклик бор, ҳам доно...

Ичимдан қачон, қайси маҳал боқди экан, дея ўйладим.

– Кизғанаман-а сизни, – дедим.

Хуллас қалом, бу ўйин шундай бошланди. Мен энди бу ўйиннинг қоидаларини яхши билардим. У эса ҳаммасидан бехабар эди. Энди кўлимдан бошқа нарса келмасди, почта кутисига отилган мактуб каби воқеалар менинг назоратимдан чиққанди. Фақат олдга юриш керак эди.

Бу ўйиннинг ўзига хос қийинчилиги ҳам бор бўлиб, барча сўзларни, сўзлаш оҳангини, фикрлашни ўзгартириш даркор эди. Яъни телефонда бошқа, ишхонада бошқа одам бўлиш керак. Ҳар бирининг ўз олами, ўз хатти-ҳаракати, ўз психологияси бор эди.

Ишхонада тамомила бошқа одам эдим. Хайриҳоҳ, бироқ ўргатда масофа сақлаган, бирмунча уялчанг. Ҳар кечга телефонда у менга ўзим ҳақда гапириб берар, ҳар бир ҳаракатимни, ҳар бир қадамимни, юзимнинг ҳар бир ифодасиги таҳлил қиласди.

Кўп вақтларда ўзим ҳақда сухбатни ўзим очардим, лекин сўнгги пайтлар сездимки, энди бундай қилишга эҳтиёж йўқ. У ўзи ҳаяжон билан Сеймур муаллим ҳақида сўзлар, бу Рустам билан кечган узундан-узун сухбатларда юз берарди.

Бироқ Сеймур билан ҳеч қачон Рустам ҳақида гаплашмасди. Умуман айтганда, унинг телефон ҳаёти ҳақида ҳеч кимнинг тасаввuri йўқ эди. Мен билмасдим, бунга севинишм керакми ёки кадарланишим. Баъзан менга унинг бу борада ҳеч ким билан гаплашмаслигига сабаб бутун лоқайдлиги, бегоналиги, деган фикр келарди. Баъзida эса аксинча тушунардим.

У буни худди энг ҳаяжонли, энг азиз, энг сирли туйғу каби яширас, ҳеч кимга очишни истамасди. Менинг ҳисларим эса бир-бирига қарама-қарши эди.

Тасаввур қилинг, Сеймур сифатида мен уни кечкурунги телефондаги ўзимдан қизганардим. Телефондаги сухбатларда эса Рустамни унинг Сеймур ҳақидаги узундан-узун сухбатлари асабийлаштиради.

Бу сафар унга:

– Келинг, – дедим, – бир-биrimизга “сен” деб мурожаат қилайлик. Ахир кўпдан бери танишмиз.

– Майли, кел, – деган жавоб келди гўшакдан.

– Раҳмат, хайрли кечалар тилайман, – дедим ва ёш боладай севиндим, энди Мадина мен билан “сен” деб, у билан эса “сиз” дея гаплашади.

Тўсатдан хаёлимга биринчи марта ўзим ҳақда, ўзимнинг иккинчи “Мен”им борасида худди бегона одам каби тушунаётганим келди.

– Менимча, сенинг ёшинг кичик ундан, – дедим.

– Қаердан биласан? – ўзига ярашган ноз билан жавоб қайтарди, – эҳтимол, у мендан кичкинадир.

Ғазабим кўзиб гўшакни қўйдим. Уч кун давомида бирор марта унга телефон қилмадим.

Ишхонада эса ҳар кун у билан кўз уриштирадик. Ишхонанинг эски ишчиларидан бири менга яқинлашди:

– Қўй, ўзингни қийнама, – деди ва кулимсиради, – ҳали бирор одам бу ёш хонимнинг қалбини фатҳ этолмаган.

Учаламиз ҳам кулдик. Мадина кетганидан кейин мусаххихим деди:

– Худди роҳибага ўхшайди. Бирорта инсон унинг юрагига йўл тополмади. Садоқатли рафиқа экан. Эри кўп йиллар аввал вафот этган...

Унинг айтишига қараганда, турмуш ўртоги учувчи бўлган эмиш, осмонда ҳалок бўлғанмиш.

Бир кун ишдан кеч чиқдим. Эшикдан чиқаётib Мадинанинг машинкасида ниманидир ёзаётганини эшидим. Унинг нозик бармоқлари машинка тутмалари узра ҳаракат қиласар экан, бу четдан худди пианино чалаётганга ўхшарди.

Кечкурун, вакт бўлганида унга қўнғироқ қилдим.

– Салом.

– Салом. Демак, сенинг жаҳлинг тез. Тунов кун нега телефонни қўйиб қўйдинг? Сенинг шарофатинг билан бугун Сеймур мени уйга кузатиб қўйди.

– Нима? – дея таажжуб-ла сўрадим, ҳайратим жуда ишонарли чиқди.

– Ишим жуда кўпайиб кетди. Шу туфайли кеч чиқдим. У мени кузатиб қўйди. Чунки жуда илтифотли, яхши одам.

“Янаям тўғрироғи, ақлсиз, аҳмоқ одам у, – дея ўйладим. – Каллам курсин, ростанам кеч эди, ахир, ҳайрлашиб кетиб қолдим, хаёлимга келмабди, кузатиб қўйсан ўлармидим”.

Унинг сўзларидан англадимки, демак, мен уни кузатиб қўймоқчи бўлсам, албатта, йўқ демайди, қайтанга унга ёқиб тушади. Эҳтимол аччиғ билан айтиётгандир, мени – Рустамни жаҳлини чиқариш учун айтиётгандир. Демак, у менга – Рустамга ҳам бепарво, ёт деб билмайди ўзини. Бироқ бунинг қайбири ҳақиқат? Қачон бунинг тагига етаман?

Гумону фаразлар ичida гаранг қолдим. Бироқ бир нарсани аниқ ва тиник билиб олдим, келаси сафар ишдан кеч чиқса нима қилишни яъни. Биз борди-келдиси озайган шаҳарнинг сокин кўчаларидан ўтиб борарадик, мен ундан сўрадим:

– Иш йўқ пайлтлари, айнан кечалар нима билан машғул бўласиз?

– Уйда ўтираман, – деди.

– Ёлгиз, бир ўзингиз ўтирасизми уйда?

– Шундай, тинчликми? Китоб ўқийман, радио тинглайман.

Қани кўрамиз, радио ҳакида Рустамга айтиғанларини Сеймурга ҳам айтиб берармикан. Аммо у умуман бошқа нарса ҳакида сўз очди, бундан ўзимда шод эдим.

– Анави менинг деразам, – учинчи қаватни кўрсатди.

– Эҳтимол падезд қоронгидир, келинг, ўзим эшиккача чиқариб қўяман.

– Йўқ, – деди.

Бироқ ортга қайтишни истамадим.

– Балки мени уйингизга таклиф этарсиз? – дедим.

– Албатта, – деди у. – Лекин ҳозир вакт алламаҳал бўлди, – у соатига қаради, сездимки, асабийлашяпти.

– Алламаҳал дейсизми? Шунчалик эрта ухлашга ётасизми?

– Йўқ, аммо... – у жуда безовта эди, тили калимага келмасди.

– Майли, менга бир стакан чой беришни истамас экансиз, келинг, унда яхшиси бироз кўчада сайр қиласиз, ҳавони қаранг, қандай баҳаво.

У рози бўлмади. Сайр қилдик. Бир неча марта унинг уйи ёнидан ўтдик. Мен унинг уйини жуда қўришни истардим. Фақатгина телефон орқали таниш бўлган уйни, радиони, юмшоқ ўриндиқни қўриш якка истагим эди.

Эҳтимол ўша кун мени уйига таклиф қиласайди, ҳаммасини унга айтиб берардим.

Падезд эшиги олдида хайралашар эканмиз, у менга шошилганча қўлини узатди.

– Бўлти, яхши боринг, Сеймур муаллим. Жуда миннатдорман сиздан. Оқшомингиз хайрли бўлсин.

Шундай деди ва майнингина жилмайди, сўнгра ортга қарамай кириб кетди. Унинг қадам товушларини эшитар эканман, тўсатдан ҳаммасини англадим. Тушундимки, у нега бунчалик шошилди, асабийлашди, тез-тез соатига қаради. У телефонни кўтаришга кечикишдан қўрқарди. Менинг телефонимни.

Бир неча кундан сўнг масъул котибимиз мажлисда бўлмағур нутқ сўзлади.

Унинг сўзларини кесдим ва аёвсиз танқид қилдим. У менга қаршилик ҳам билдирамди, жавоб ҳам бермади. Унга раҳмим келди. Қанча йиллардан бери газетада ишлайди, шу пайтгача бирор одам у билан бу оҳангда гаплашмаган экан. Камига шунча одам орасида.

Мажлис тугагандан кейин ўзимни жуда ўнгайсиз ҳис қилдим, биринчи сабаби мен тамоман ҳақ эмасдим, иккинчи, Ферузнинг маслаҳатлари ёдимга тушганди, учинчиси эса, ишхонадан бўшатишидан қўрқардим. Аслида, қўрқадиган одам эмасман. Бироқ Мадина бу ерда ишлайди, ундан айрилгим йўқ. Нима бўлса бўлар, деб масъул котибнинг хонасига бордим, узр сўрадим.

Кечқурун Мадинага телефон қилар эканман, нима ҳақида сўзлашини билардим.

У сўз бошлади:

– Рустам, яхши биласан, – унинг овозида жонланиш, ҳаяжон бор эди, – бизнинг Сеймур қанчалик мард инсон. Ўз кўзим билан кўрганим йўқ, лекин бошқаларнинг сўзига қараганда, бугун у мажлисда масъул котибимизни уялтирибди. Сувсиз олиб бориб, сувсиз олиб қайтибди. Оғзига келганни айтибди. Хуллас, ҳамманинг оғзида шу гап. Ахир котибимизнинг гапини шу пайтгача бирор одам икки қилмаганди. Устига-устак, шунча одамнинг ичидা, тасаввур қиляпсанми.

– Биламан, – дедим, – бундай кишиларни жуда яхши биламан. Улар мажлисларда оловли нутқлар сўзлашади, одамлар ичиде ўзини кўрсатишади, бироқ кейин бориб узр сўрашади. Эҳтимол Сеймур ҳам мажлисдан чиқиб унинг ёнига борган, оёқларига йиқилиб ёлворган, узр сўрагандир.

У ғамгин овозда:

– Нега бунақа дейсан-а? – деди. – Нега сен уни бунчалик ёқтирмайсан.  
– Бунинг сабаби битта, чунки сен уни ёқтирасан. Мен эса сени.  
– Қандай яхши, зўр. Ҳаммамиз бир-бирилизни ёқтирамиз, яхши кўрамиз.  
– Албатта, сен эътибор берма. Энг ёмони, сен у билан ҳар кун кўришасан, юзма-юз суҳбатлашасан, киногаям борасан ҳаттоқи.

– Кинога? Сен қаердан биласан, нега у билан кинога кетармишман?

– Нега кетмаслигинг керак экан?

У кулди. Демак, бу фикр унга ёқиб тушди.

– Мен билан эса фақатгина телефонда гаплашасан.

– Ахир бу ҳақида сен билан гаплашгандик-ку.

– Айт-чи, мен ҳақда унга бирор нарса айтганмисан?

– Нималар деяпсан? Мен бу ҳақида нафақат у, балки ҳеч кимга, ҳеч қаочон бирор сўз ҳам айтмайман. Менинг учун бу худди, нима десам экан, – у бироз жим қолди, чамамда, сўз ахтарди, – муқаддас нарсадир.

Эртаси кун биз у билан кинога бордик. Фильм фидокор учувчилар борасида эди, бундан Мадининг жаҳли чиққанди. Эҳтимол шунинг учун ҳам қўнглини бўшати олишни истади, ҳалок бўлган умр йўлдоши ҳақида сўз очди:

“Бизнинг бутун умримиз осмонда ўтди. Осмонда танишдик. У учувчи эди, мен эса оддий бир узоқ хизматкори. Кейинчалик мени стюардессаликка қўйишиди, ўшанда менда ҳамиша у билан бўлиш имкони пайдо бўлди. Биз турмуш қурдик. Бокудан –

Москвага, Москвадан – Бокуга учардик, тинч ва кўздан пана жой топишимиз билан ўшишардик. Кейин ҳомиладор бўлдим, таътилга чиқдим. Охирги марта уни тайёрагоҳга кузатиб кўйдим...”

Дарҳақиқат, айрилишганида уларнинг лаблари орасида масофа йўқ эди, бироқ билишмасди-ки, бу масофа ҳаёт ва ўлим орасидаги масофа, абадий кўқ, у ҳеч қачон қайтиб келмайдиган само ва ер, Мадинанинг уни ҳамиша кутгувчи ер ўртасидаги масофа эди у. Учоқ жойидан қўзғалганида Мадина унинг орқасидан сув сепган. Яқин ўтмиш тарихида биринчи марта, замонавий ҳаво қушининг ортидан, худди бундан минг йил илгариги одат бўйича сув сепишарди. Кейин учоқ фалакка кўтарилди. Кейин эса ёмғир ёғди...

Мадина бир жойида қотиб ниманидир тинглашни бошлади. Бироздан сўнг бу шовқинни мен ҳам эшитдим ва тушундимки, у бу овозни ҳаммадан аввал эшитади. Осмондаги ҳаракатланаётган ранг-баранг нурларга бокар эканмиз, Мадина:

– Унинг қабри хув ўша ёқда, – деди. – Қолган бевалар эрини ёд айлаб қабристонга боришади, мен эса осмонга қарайман.

Сўнгра Мадина баъзида кечалари тайёрагоҳга келиши, бир бурчакда ўтириб учиб-кўнаётган учоқларни кузатиши ҳақида сўзлаб берди. “Фарзандимиз ҳам ўлиқ туғилди...” деди у баттар маъюс овозда.

Бармоқларим билан оҳиста ёноқларига оқиб тушаётган қўзёшларини артдим, кейин жиннидек ўпишни бошладим.

У:

– Йўқ, йўқ, йўқ, керакмас, – дерди, англардимки, бу сўзларни жуда катта дард билан, ҳасрат билан айтарди.

Уни кузатиб кўйдим, уйга тез бордиму қўнғироқ қилдим. Овози бир қадар ҳаяжонли ва ғамгин эди, менинг бутун романтикларга – ҳавода, ерда, денгизда ҳалок бўлган барча бечораларга раҳмим келди.

– Биласан, – дедим, эндиликда ишда ҳам у билан сенсирашни бошлагандик, – ўтган кун ажралганимиздан кейин сенга телефон қилдим, телефонинг банд деди. Тунда ким билан гаплашаётгандинг?

Кутилмаган бу гапдан унинг ранги оқарди, қошлари чимирилди. Бироқ ўзини дархол қўлга олиб:

– Адашиб бошқа жойга тушгандирсан, – деди. – Мен уйга киришим билан ётдим.

– Тунов кун сени тушимда кўрдим, – дедим бу кеч ҳам телефонда гаплашар эканмиз.

– Фалати, – деди у қулимсираб, – ҳаётда бирор марта кўрмаган одамингни қандай килиб тушда кўриш мумкин?

– Овозингни кўрдим тушимда, шунингдек, “Неринга” радиони ҳам.

– Радио-ку майли, аммо овозимни қандай кўрдинг, ҳеч ақлимга сиғдиролмаяпман. Сенинг-ча, мен қандайман? Тасаввур қила оласанми?

Унга умуман тескари сифатларни айтдим:

– Албатта. Узун бўйли, узун сочли, озғин, кора кўзли.

– Офарин сенга-ей, – деди у. – Қойил. Тўппа-тўғри тасаввур қиляпсан. Энди ҳар тун тушларингга кираман.

– Эҳтимол бир менинг тушларимга кирмассан...

– Яна бошладингми?

– Билсанг керак, айтишларича Маҳин Бону ҳар оқшом юз кишининг тушига киравмиш. Сенинг қамровинг қанча?

– Мен ягона нусхаман ва фақатгина сенинг тушингга кираман, ишонавер, – деди у шан овозда. – Сен кўзларимнинг нурисан.

## АНАР

– Ў-ў-ў, раҳмат, раҳмат, – дедим.  
– Менга қара, қўзимнинг нури, бир масала ҳақида сен билан маслаҳатлашишни истайман. Бирок, ўзингни бос, дарров дарғазаб бўлма, телефонни отиб юборма.

Мен бу суҳбатни уч кундан бери кутаётгандим. Нега бу борада гап очмаяпти деб таажжуға туша бошлагандим.

– Кулоқ сол. Тўхта, яхшиси аввал ёнингга валидол келтириб қўй.  
– Хўп, хўп, айт, юрагимни сиқаверма.  
– Хўп, бундан уч кун олдин Сеймур унга турмушга чиқишимни сўради. Эшитяпсанми, яхшимисан?

– Йўқ, – дедим. – Нима жавоб бердинг унга?  
– Ҳали ҳеч қандай жавоб айтмадим, аввал сен билан маслаҳатлашишни истадим. Ахир сен менинг энг азиз, энг яхши дўстимсан, энг яқин одамимсан.

“Аёл психологиясини тушуниш мушкул. Бошқасига ошиқ бўлиши биланоқ сен унинг энг яқин инсонига айланасан”.

– Керакмас, – дедим, энг қизиқ тарафи бу сўзни жуда самимий айтардим. – Ҳеч кимга кетма ёки менда қол. Сени севаман ахир. Оҳ, Худойим, қанийди телефон билан турмуш қуриб бўлса.

У қаҳқаҳа отди. Қаҳқаҳаси бирмунча ясама ва асабий эди.  
– Ақлли бола бўл. Сен ахир ҳали жуда ёшсан, боласан.  
– Менми? Қаердан биласан, ахир мени кўрмагансан-ку.  
– Кўрмасам-да хис қиламан. Ҳамма нарсадан хис қиламан, овозингдан, феълингдан, менга бўлган муносабатингдан. Илтимос сендан, ҳамиша шундай қол, ҳеч қачон ўзгарма, ҳеч қачон улгайма.  
– Қаердан биласан, эҳтимол мен сенинг Сеймурингдан каттадирман.  
– Йўқ-йўқ, азизим. Аёл хислари ҳеч қачон алдамайди...

Бу худди латифага ўҳшарди, бироқ менинг қулишга ҳеч ҳавасим йўқ, негадир ичимда фалати бир ичикиш, оғриқ ва ҳасратни турядим.

– Ҳечам керакмас, Мадина, – дедим. – Сенсиз мен нима қиламан? Ахир эринг гаплашишимизга рухсат бермайди-ку. Кечалари доимидек ҳасратлашолмаймиз...  
– Бир иложини қиламиз, сиқилма. Телефонда гаплашиш хиёнат эмас, гуноҳ эмаску, ахир. У пайт сенинг уйингда ҳам телефон бўлади, ўзим сенга телефон қиламан.

Унга қандай тушунтиришни билмасдим, ахир бунинг умуман имкони йўқ.  
– Мени тушун, – деди у, овози жиддий ва ғамгин эди. – Қара, сиз эркаклар ҳамиша ёлғизлиқдан, танҳоликдан шикоят қиласиз. Менинг қулгум қистайди, чунки сизлар асл ёлғизликнинг нималигини ҳеч қачон билолмайсиз. Шундай ёлғизлиқки, уни фақатгина ёлғиз аёл англий олиши мумкин. Тунлари тўсатдан уйғониб кетасан, деворлар устингга йиқилаётгандай туюлади... Кел, яхшиси, бундай нарсалар ҳақида гаплашмайлик. Сен нима десанг, шуни қиламан, истасанг “йўқ” дейман.

Мен нима дейишим ҳам мумкин эди? У сукутга чўқди, сўнгра мен тайёра шовқинини эшитдим ва англадим-ки, шунинг ўзи аниқ жавобдир. Ҳеч қачон бизнинг ҳеч биримиз – на мен Рустам, нада мен Сеймур унинг бевақт вафот этган эрининг ўрнини босолмаймиз.

Ўша оқшом ишдан кейин биринчи марта у мени уйига таклиф қилди. Мен дахлиз ва қаватини билардим, бироқ айнан унинг уйи эшигини билмасдим. Коронгида бошқа биронинг эшигини тақиллатдим, шекилли, ҳеч ким очмади.

Гугурт ёқдим ва эшик пешонасига ёпиширилган “Калит қўшнида” деган ёзувли қофозни кўрдим. Бу ёзувни ўқишим билан пианино эсимга тушди, демак, бу ўша санъатсеварнинг уйи. Ўгирилиб орқадаги эшикни чертдим.

“Неринга” радиоси, юмшоқ ўриндиқ, елпигиң – ҳамма нарса худди мен тасаввур қилгандай эди.

– Ҳозир сенга, Сеймур, антиқа бир қўшиқни эшиттираман, – деди у хонадан чиқар экан. – Сен тинглаб тур, мен чой қўйиб келаман.

У қайтгач секин-аста қўлларидан ушладим, қучоғимга олдим, соchlаридан силадим. Бу онда унга аёллиги хуш ва мушкул оғриқ билан қайтаётганини ҳис килиб турардим.

Шундоқ қулоқларим остида пианино чалишни бошлашди, бирдан у менинг қўлларим орасидан чиқди ва нимагадир қулоқ сола бошлади.

Мен ҳам қулоқ тутгандим. Бир неча дақиқадан кейин шовқинни, учоқ шовқинини эшитсам керак, деб ўйладим. Лекин на тайёра, на шовқиндан дарак бор эди. Тўсатдан Мадина нимани эшитишга бунчалик муштоқ эканини англадим, у телефон кутарди. Бундай вақтда у қўнғироқ қиласарди. “У” – яъни мен.

Билардимки, у энди ҳеч қачон телефон қилмайди, ха-ха, ҳеч қачон, аммо мен ҳам шубҳаландим, мен ҳам кутдим, мен ҳам мўъжиза юз беришини истадим, истадимки, телефон жирингласин.

Телефон эса жим эди.

### Озарчадан Раҳмат БОБОЖОН таржимаси



**Раҳмат БОБОЖОН** – 1998 йилда туғилган. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети талабаси.

“Изтироб шивири”, “Рўбарў” каби шеър, “Мовий қўшиқ”, “Хаёлимни чақирдим”, “Исли Лала эди у қизнинг”, “Хўжали қиргини”, “44 кун”, “Айрилиқлар элчиси, салом!”, “Ёрг ҳаёллар”, “Олтин аср”, “Мен доимо ҳаётда...”, “Релслар узра ётган одам”, “Таҳминанинг сўнгги сири” каби таржисима китоблари нашр қилинган.

## *Адабиёттимиз жонкуярлари*



### **Навоийшунос ОЛИМ**

**Файзулло  
ЯХЁЕВ**

Ўзбек адабиётшунослигининг таркибий қисми бўлган навоийшунослик XX асрда шунчалик кенг тараққий этиб, чуқур илдиз отдики, унинг илмий йўналишлари ва сарҳадларини ўрганмай туриб, бу соҳадаги тадқиқотларни давом эттириш мушкул иш. Айниқса, бизнинг адабиётшунослигимизда алоҳида олимлар фаолиятини ўрганишга жиддий аҳамият қаратилиб келинган. Ўзбек навоийшунослиги ривожига ўз ҳиссасини кўшган Абдурауф Фитрат, Абдураҳмон Саъдий, Олим Шарафиддинов, Порсо Шамсиев, Ҳамид Сулаймон, Воҳид Зоҳидов, Мақсад Шайхзода, Азиз Қаюмов, Алибек Рустамов, Абдуқодир Ҳайитметов, Сўйма Фаниева каби устоз навоийшунос олимлар фаолиятини ўрганиш борасида анчагина ишлар қилинди. Аммо улар қаторида ўзбек навоийшунослиги тараққиётида илмий мероси етарли даражада ўрганилмаган, XX асрнинг 30-йиллари охирида тузилган “Навоий комитети”да фаол иштирок этган забардаст олимлар фаолияти ҳали тўлиқ тадқиқ этилмади. Ана шу маънода ўзбек мумтоз адабиётининг йирик тадқиқотчиси, навоийшунос олим Тўхтасин Жалоловнинг илмий мероси, олимнинг навоийшунослик, ўзбекхамсашунослигига оид тадқиқотлари илм аҳлига, кенг жамоатчиликка тўлиқ маълум эмас. Ҳолбуки, адабиётшунос олим Тўхтасин Жалоловнинг Ҳазрат Навоий “Хамса”си устида олиб борган сермаҳсул тадқиқотлари, “Хамса” талқинлари” рисоласи ҳамда олимнинг 1938–1968 йилларда “Ёш куч”, “Гулистон” журналлари, “Қизил Ўзбекистон” газеталарида эълон қилинган навоийшуносликка оид илмий мақолалари соҳа ривожига улкан ҳисса кўшган.

XX асрнинг 30-йилларида Тўхтасин Жалолов пойтахтга келиб, атоқли адабиётшунос Олим Шарафиддинов эътиборига тушади.

Ёш тадқиқотчи Тўхтасин Жалолов устози Олим Шарафиддинов мадади ва кўмагига таяниб ҳамда маслаҳатларидан илҳом олиб, улуг шоирнинг шоҳ асари – “Хамса” бўйича тадқиқот ишлари олиб борди. Бу изланишларнинг маҳсули

---

**Файзулло ЯХЁЕВ** – “Халқ таълими аълочиси” кўкрак нишони соҳиби. 1995 йилда тутгилган. Андижон давлат университетининг филология факультетини тамомлаган. Республика матбуотида мақолалари чоп этилган.

ўлароқ юзага келган “Хамса” талқинлари” илмий асари адабиётшунослик майдонига ўзига хос истеъдод кириб келганидан дарак берди.

“Хамса” талқинлари” ёш олимнинг дастлабки жиддий тадқиқоти ҳамда эътиборга лойик салмоқли асарларидан бири бўлди. Кўпчилик онгида Навоийнинг “Хамса”си тўғрисидаги тасаввур ҳали у қадар равshan бўлмаган вақтда юзага келган талқинлар туркуми илм аҳли орасида, китобхонларда катта кизиқиши ўйғотди.

“Хамса” талқинлари” рисоласи муқаддима ва “Хамса”нинг беш достони таҳлилларидан иборат. Муқаддима қисмида муаллиф Ҳазрат Навоий шахсиятига, чет эл ижодкорларининг Навоий ҳақидаги фикрларига тўхталиб ўтади ва ишончли далиллар келтиради. Илмий асар муқаддимасида муаллиф “Хамса” ҳақида маълумот берар экан, Навоий “Хамса”сининг ёзилиш сабаблари, аввал ёзилган шу турдаги Хамсалардан фарқи ва унинг қимматли жиҳатларини изоҳлайди. Кейинги қисмларда “Хамса” таркибига кирувчи достонларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида таҳлил қилиш йўлини танлайди. Беш достонни батафсил таҳлил қилгач, “Хамса”нинг тили ва бадиий хусусиятларини изоҳлашга ўтади, ғоявий-бадиий хусусиятларига эътибор қаратади ҳамда достонлар яратишида Навоий олдида турган мақсад ва вазифаларни ойдинлаштиришга интилади.

Тўхтасин Жалолов ўз рисоласининг муқаддима қисмида Навоий шахсиятига ҳам тўхталиб ўтиб, Ҳазрат Навоий ўз даврида фан ва санъатни ўз ҳимоясига олиб, уларни имкон борича юқори босқичга кўтарганини алоҳида таъкидлайди. Шунинг учун ҳам маданият дунёси, илм-фан аҳли орадан қанча асрлар ўтган бўлса-да, Навоийга миннатдорлик изҳор этиб келмоқда. Нафақат замондошлари, балки Европанинг илғор олимлари, ижодкорлари ҳам Навоийни хурмат билан эслаб, унга ғоят юксак баҳо бериб келганлар. Бунинг исботи ўлароқ Тўхтасин Жалолов XIX аср бошида Австрия шарқшуноси Хаммернинг қуидаги фикрларини келтириб ўтади: “Шарқшунос Хаммер ўзининг “Форс бадиий адабиётининг тарихи” номли асарида келтирган “Ўзининг саховати, заковати ва санъаткорона ижоди билан адабиётда абадийлашган буюк вазир ва буюк шоир Алишер Навоий форс ва турк тилларида абадий яшамоқда”, деган фикрлари орқали ҳам Ҳазратга бўлган хурмат-эътиборини кўришимиз мумкин.

Барчамизга маълумки, “Хамса”нинг сюжетларини Навоийга қадар улуғ Низомий ва Хисрав Деҳлавийлар жаҳон адабиётига олиб кирган. Шунинг учун ҳам улуғ хамсанавислар достонлари таркибидаги қаҳрамон ва сюжетларни Навоий “Хамса”сида ҳам учратишимиш мумкин. Бу табиий ҳол, албатта. Хамса ёзиш анъана ҳисобланиб, уни ёзишда маълум бир қонун-қоидаларга бўйсунилади. Буни тўлиқ англаб етмаган, достонлар таркибидаги қаҳрамонлар ва сюжетларнинг такрорий келиш хусусиятини ўзларига байроқ қилиб олиб, Навоийни кўчирмакашликда айبلاغан чет эл олимларининг анчагина зиддиятли мулоҳазаларини ҳам учратамиз. Тўхтасин Жалолов ҳам ўз рисоласида европалик олимлардан бир қанчалари Навоийни форс-тоҷик шоирларининг тақлидчиси даражасига тушириб қўйганлигини, улар “Хамса” ва “Лисон ут-тайр”ни оригинал асар эмас, балки форсчадан таржима, деб кўр-кўронга ҳукм чиқарганини келтириб ўтади.

## Файзулло ЯҲЁЕВ

Навоийнинг ҳеч кимга тақлид қилмаган оригинал санъаткор эканини исботлаш учун Тўхтасин Жалолов “Хамса” устида сермаҳсул изланишлар олиб бориб, 1928–1968 йилларда даврий нашрларда навоийшуносликка оид бир қанча мақолалар эълон қилди. Бу изланишларнинг самараси ўлароқ “Ёш куч”, “Гулистон” журналларида, “Қизил Ўзбекистон” газеталарида соҳага оид бир қанча мақолалар эълон қилди. Шулардан бири “Гулистон” журналида эълон қилинган “Хамса”нинг тили тўғрисида” сарлавҳали мақоласидир.

Олим ушбу мақоласида “Хамса”нинг тили ҳақида қимматли фикрларни айтади. Бир халқнинг тили учун курашиш – у халқнинг мавжудияти, шоншарафи учун курашишдан иборат. Бизга маълумки, Навоий “Хамса” яратган вақтда ижод оламида турли тиллар ўргасида ўзаро “кураш” авж олган эди. Форстожик тилида ижод қилиш туркӣ тилдан кўра обрўлироқ, фаҳрлироқ эди. Айни шундай зиддиятли даврда Алишер Навоий ўз “Хамса”сини туркӣ тилда яратди. Бу беш достонни ўз ичига олган муҳташам асар тез орада дунё юзини кўрди ва шуҳрат топди.

Маълумки, Навоий “Хамса”си ёзилаётган вақтда қалам аҳли орасида туркӣ тил “қўпол”, бу тилда нозик фикр ва туйғуларни ифода қилиб бўлмайди, деган куруқ даъво илгари сурилар эди. Бу нотўғри фикр шу қадар ижодкорлар орасида авж олиб кетдики, ҳатто ўзбек шоирлари ҳам шу фикрга қўшилиб, ўз асарларини форс тилида ёза бошладилар. Ижодга кириб келаётган янги шоирлар эмас, балки элга танилган сўз усталари ҳам бу фикр ортидан эргашишаётган эди. Адабиётшунос Тўхтасин Жалолов ушбу мақоласида Ҳазрат Навоийни ўз даврининг етук ижодкори сифатида бу қарашларга жим кўз юмолмаслигини далиллар билан исботлайди.

Навоий ўз она тилида шеър ёзишни – халқ иши, давлат иши деб билар, ўзи халқ ишининг ташаббускори бўлгани учун фаҳранар эди. Бу ҳақда Навоий “Садди Искандарий” достонида шундай ёзади:

*Бу тил бирла то назм эрур халқ иши,  
Яқин қилмамиши халқ сендек киши.*

Тўхтасин Жалолов ушбу мақолада Навоий турк тили нуфузини, кенг имкониятларини форс тилидан кам эмаслигини исботлаш учун ўзининг лирик асарларини ҳам турк тилида яратганини мисоллар ёрдамида келтиради. Масалан, Навоий ўзининг жўшқин, равон ва чукур маъноли лирик асарлари “Хазойин улмаоний” (“Чор девон”), илмий, тарихий асарлари, дўстларига ёзган “назм била рангин” мактублари (“Муншаот”) рақибларининг даъволари ўринсизлигини исботлай олган.

Тўхтасин Жалолов бадиий ва публицистик асарларида, илмий мақолаларида Навоийга ва унинг асарларига мурожаат қиласиди. Бу соҳада олиб борган изланишларини, янгиликларини ва ўз хulosаларини даврий нашрларда мунтазам эълон қилиб боради. Шундай мақолаларидан бири “Хамса”нинг бадиий хусусияти” деб номланади. Бу мақолада Ҳазрат Навоий ўз “Хамса”сини яратишдан мақсад, асар орқали ифодаланаётган мазмун ва асарнинг бадиий хусусиятларига кенг тўхталиб ўтади.

Атоқли олим ушбу мақоласида достонлар учун танланган вазнлар ҳақида сүз юритиб, бу вазнлар ҳам умумий рухни ифодалашини таъкидлайды. Бу асарларда адабий услуг билен вазн орасида мантиқий бир муносабат бор. Вазн билан услуг бирлашиб, тиник бир ойна вазифасини ўтайди. Бу ойнада Навоий тасаввур қилған идеал образлар яна ҳам аниқ ва теранроқ күрінади. Бу достонлардаги адабий услуг билен вазнлар баҳор гулларидек ранг-баранг, товус патларидек жилвакордир. Бу вазнлар воқеаларнинг ривожланишига, қаҳрамонларнинг тақдирiga қараб товланади. Тұхтасин Жалолов “Хамса”даги бу хусусиятларни тасодифий бир ҳодиса эмас, балки маълум мақсадда ўйлаб қилингандай ижодий мусобақа натижасидир. Бу жараён анъана бўлғанлиги боис Навоий ўтмишдаги устозларининг “Хамса” учун қабул қилған вазнларини қабул қила туриб, шу вазнда улар билан мусобақа олиб боради.

“Хамса”да сүз образлари саноқсиз дурлар, гавҳар, лаъл ва ёқут хазиналарига ўхшайды. Навоий бу ноёб инжуларни мисраларнинг олтин ипига тизиб, кўзларни қамаштиради. Шунинг учун ҳам, “Хамса”ни ташкил этган ҳамма мисралар – келинчаклар зар-зеварлар билан безанганидек сүз дурлари билан безангандар. Ўхшатиш, сифатлаш, киноя, истиора, такрор, билмасликка солиниш каби сүз образлари (тасвирлаш воситалари) Навоий қалами билан яна ҳам оригинал, реал, яна ҳам гўзал, нафис ва порлоқ намуналарини топди. Навоий ҳамиша ҳаётга буюк олим, улуғ санъаткор кўзи билан қараб, уни мушоҳада қиласди.

Тұхтасин Жалолов “Хамса” асарининг бадиий хусусиятлари, асардаги тасвир воситалари ҳақида кенг тұхталиб ўтади. Навоий истиоралари фоят нафис, шунинг билан бирга жуда реал ва рангдордир. “Ҳар бир истиора бир ҳикоядир”, дейдилар.

Тұхтасин Жалолов ушбу мақолада радиф ва қофия масалаларига ҳам тұхталиб ўтади. Қофия ва вазн поэзияга мусиқийлик бағишилайды. Агар қофия бўлмаса, тўлақонли поэзия ҳам бўлмайди, – дейди муаллиф. “Хамса”ни ташкил этган эллик мингдан ортиқ мисра қизларини қофиянинг заррин либоси билан безаш енгил иш эмас. Бироқ Навоий бу мушкул ишни зўр маҳорат билан бажарган. Қофиялар радифлар билан кетма-кет келгандан, мисралар кучли бир симфониядек янграшини таъкидлайды.

Адабиётшунос олим, адаб Тұхтасин Жалолов таҳликали бир вазиятда Навоий ижодини ўрганишдек машаққатли сафарга қўрқмасдан, дадил қадамлар билан отланди ва бу имтиҳондан ниятининг холислиги, мақсадининг аниқлиги, ўз матонати билан муваффақиятли ўта олди. У ўз асари орқали оғир бир даврда Навоий даҳоси шахсиятига ҳаққоний баҳо бера олгани, Навоий “Хамса”си шу турдаги асарларнинг гултожи эканлигини исботлаб бергани, ҳеч қандай қўрқувларсиз кенг оммага эълон қилғани ўша давр учун катта ҳодиса бўлди. “Хамса” талқинлари” асари Тұхтасин Жалолов исмини адабиёт ихлосмандлари орасида Навоий ижодининг синчков тадқиқотчиси даражасига кўтарди.



## Олов рақси

Хикоя

Мохира  
ЭШПҮЛАТОВА

Гулкелди ҳар куни тонг сахар уйғонади ва елкасига Бекасининг эски кўзасини кўйиб уч кўча наридаги ариққа сув келтириш учун боради. Аслида, бунчалик эрта туриб сув учун боришга зарурат йўқ. У уйқусизликдан қийналгани сабабли ўзига овунчоқ топишга уринарди. Тунда уйку йўқ, кундузи эса бир лоҳаслик босиб келаверади. Бунинг устига Бекаси ухлаши учун тўшак деб берган қамиш тўшамчига сира ҳам кўниколмасди, унинг устида ухломас, ундан кўра бир қадам яқиндаги денгиз соҳилида, қумлоқда ухлашни афзал биларди. Қўшниларнинг итлари энди унга хурмас, у ўтаётганда ётган жойидан бир бош кўтариб қараб кўйишарди ва “Энди ўзимизникисан” дегандек, яна ухлайверишарди. Ҳатто итлар тунда бу гўзал, тинч, соҳил бўйидаги қишлоқда ухлашарди. Гулкелди эса ҳеч қаерга сифмасди. У тунда бедор юришга ўрганган, ҳар кеч ичидан бир нима вулкон каби тошиб келар, унинг оташидан ўзини қаерга кўйишни билмай қоларди. Қишлоқ ёнидаги тепалик тошларига сакраб-сақраб чиккиси, ичидаги вулкон отилиб, тамом қотгунча бақиргиси келарди...

Хозир ҳам шу безовталик билан қўшинисининг каттагина, ерранг или ёнидан ўтиб бораради. У итга меҳр билан қараб турди ва ерга тиззалааб чўкиб унинг бошини, қулоқларини силади. Гулкелди бу нотаниш қишлоқ соҳилида кўз очганда, тепасида шу итни кўрганди. Ит тили билан унинг лой юзини, кўзига тўлган кумни ялаб артиб ташлади. Танаси музлай бошлаган қиз иссиқлигини сезиб ўзига келди. У шу соҳилда иккинчи бор дунёга келди ва кўз очиб шу итни кўрди. Ит унинг тириклигини билгач, вовуллаб одамларни чақирди. Шу яқин атрофда яшайдиган Бека эса дарров етиб келди.

Кунлардан бирида Соҳил қишлоқда бегона бир қиз шундай пайдо бўлганди.

У ўша кунгача бўлган ҳеч нимани эслолмас, ҳатто исмини ҳам билмасди. Бека унинг бошқалардан кўра гўзалроқ, окроқ, нозикроқлигини кўриб ўзига мос исм кўйди – Гулкелди. Ўшандан буён қиз шу исм билан Бекасининг уйида яшаб келар, уй ишларida ёрдам берар, қамишдан шолчалар тўқирди. Бекасининг эри балиқчи эди, у тутиб келган балиқларни тозалашда ҳам ёрдам берар, умуман, Гулкелдининг кўли бундай ишларга анча келишиб қолганди. Аммо у бўш қолди дегунча кунботар

**Мохира ЭШПҮЛАТОВА** – 1995 йилда тугилган. Навоий давлат педагогика институтини тамомлаган. Ёш ижодкорларнинг “Зомин” семинари қатнашчиси. Хикоялари хориж ҳамда республика газета ва журналларида эълон қилинган.

тарафга қараб, соҳил бўйида хомуш ўй суреб ўтираверарди-ўтираверарди. Чамаси сув оқизиб келган томонларга тикилиб ўтмишни, кимлигини эслашга уринарди. Аммо бари бефойда эди. У ҳеч нимани эслолмасди.

Гулкелди келтирадиган тонгги булоқ сувига янги узилган гулларнинг барглари солинар ва унинг устига катталиги одамнинг бошидек келадиган мевани қўйиб оиласавий ибодат қилишарди. Баъзан бу мева ўрнини бошқаси эгалларди. Қишлоқ одамлари ўзи хоҳлаган йўсунда ибодат қилишарди. Гулкелди бир қарияни ерга чўп сукби унга караб дуо ўқиганини, ибодат қилганини ҳам гувоҳи бўлганди. Улар учун Худо ва Одам ўртасидаги моддий воситалар, удумлар муҳим саналмас, аммо ўқийдиган дуолари бир хил эди. Бекасининг оиласида доимо Оилабоши – балиқчи овоз чиқариб дуо ўқир, қолганлар бош чайқаб уни тақрорлашарди. Ҳар тонг шундай қилинар, баъзан балиқчи денгизга узоқ муддатга кетадиган бўлса, худди шу тартибдаги ибодат куннинг исталган пайтида ўтказиларди.

Тонгги ибодатдан сўнг Бека Гулкелдига табассум билан “Бугун қишлоқда катта байрам бўлади. Бу йифин биз учун жуда муҳим, севимли. Илтимос, тайёргарлик кўр”, деди.

Бу байрам йилда бир марта ўтказиладиган “Ҳосил байрами” эди. Бека ўзининг факат байрамга кийиладиган, қолган вақт авайлаб саватга солиб унинг тепасига илиб қўйиладиган қўйлакларидан бирини Гулкелдига берди. Унинг соchlарини ўзи тараб, маҳсус ёғ сурди. Бошига гулчамбар тақди. Гулкелди жуда мафтункор эди, бошқалардан фарқ қилмайдиган кийимда, соч турмагида бўлса ҳам, у маҳаллий аёллардан ажралиб, кўзга ташланиб турарди. Ўша куни ҳамма факат байрамга тайёргарлик кўрди. Қишлоқ ўртасидаги маҳсус майдонга катта гулхан ёқиши. Унинг олови бутун оролни ёритиб турар, ҳаммани ўзига чорларди. Ҳақиқатдан ҳам бутун қишлоқ шу гулхан атрофига йигилишган эди. Қишлоқ Оқсоқолининг буйруғи билан, энг юкоридан жой олган бир гурух ранго-ранг кийинган, соchlарига турли рангдаги қуш патларини тақиб олган эрқаклар қўлидаги ғалати қўринишдаги катта-кичик асблолари билан қуй бошлашди. Аввал баланд овозда, ҳамманинг эътиборини торта олгач эса маълум бир ритмга солинган, шўх куйларни чалиши. Куйга мос одамлар бир доирага занжирдек тизилиб, рақс туша бошлашди. Буларнинг ҳаммасини ҳайрат билан кузатиб турган Гулкелди нималарнидир эслагандек бўлди. Бекасининг ёнидан туриб давра ўртасига кирди, гулхан атрофини бир айланиб чиқди ва секин қўлларини осмонга кўтарди. Буни у файриихтиёрий тарзда бажарар, ўзини қуй ихтиёрига топшириб қўйганди. Гулкелди гулхан ёнида жуда чиройли рақсга тушди, олов ёруғида унинг рақс тушаётган сояси илондек тўлғониб, эшилиб аксланаарди. Унинг ва гуриллаб ёнаётган оловнинг сояси ўзаро чирмашиб кетганди. Гўё Гулкелдининг рақси оловни ҳам мафтун этгандек, уни янада аниқроқ қўриниши учун гуриллаб ёнаётгандек.

Гулкелди ҳеч кимга маълум бўлмаган нафис рақси билан ҳаммани мафтун этганди. Ўша тунда то гулхан ўчгунига қадар рақс тушилди, қўшиқ айтилди, ейилди, ичилди, ўйин-кулги қилинди, аммо ҳаммасидан ҳам ёддан чиқмас бўлиб Гулкелдининг рақси байрамга кўрк берди.

– Сен келган жойларда шундай рақс тушишадими? – деди Бека у билан уйга қайтишаркан.

– Билмайман. Ҳеч нимани эслолмаямман, аммо куй мени биладигандек, танийдигандек.

– Нималар деяпсан, Гулкелди? Куй қандай қилиб сени танисин, ахир унинг жони йўқ, у одам эмас.

– Мен уни эшитдим. У мени чакирди, ўрнимдан туришга, унга бўйсунишга мажбур этди. Мен факат унга ўзимни топширидим, холос. Мен уни биламан, Бекам, у менга таниш. Рақс тушаётуб ҳис этдим, мен ўйнашим керак экан.

Бека унинг сўзларидан ҳайрон қолган бўлса ҳам, индамади, шу билан секин-аста хотираси қайтишидан умид қилди.

## Моҳира ЭШПҮЛАТОВА

Гулкелди ўша кундан бошлаб тунда, ҳамма ухлаганда, соҳил бўйидаги харсанг тош устига чиқиб, денгиз шовқинини куй деб тасаввур этиб, рақс тушадиган бўлди. Шундай кезларда бу гўзалликнинг томошибинлари осмондаги Ой ва ерранг ит бўларди. Гулкелди рақс тушаётуб ўзини жуда баҳтили ҳис этар, бу унга узук-юлуқ воқеаларни эсласига ёрдам берарди. У гўё олов осмонга ўрагани каби қўллари, танаси билан нафис рақс тушар, унда суяқдек ҳаракатларни чеклайдиган нарса йўқдек эди. У қалбан ҳис этардики, рақс унинг ягона нажоти эди.

Гулкелди нималарнидир эслай бошлади: мусиқачилар, ҳар хил куйлар, узоқ рақс тушгани, танаси чарчаб товонлари шилиниб кетгани, орқасини ўйнатолмагани учун кафти тахтадек қаттиқ бир аёлнинг қатор-қатор билакузук тақилган қўлларидан калтак егани, йиғлагани, йиғласа ҳам рақс тушишга мажбурлангани... У рақс тушишини ўргангандон баланд-баланд деворлар билан ўралган эди. Унга ўхшаган рақс ўрганаётган ёш қизчалар майдонда кўп эди. Қизчалар бир-бирининг тилини тушунмаслик даражасида бегона юртлардан йиғилган эдилар. Фира-шира ёдига тушгани: тун, тўкин дастурхонлар, ёқилган шамлар кўплигидан кундузгидек ёруг катта сарой зали.

Атроф эркаклар билан тўла, ҳаммаси чиройли кийинган, олтину дурларга тўла ялтироқ кийимлар кийишган – ҳаммадан тепада кимдир уларни томоша қилиб турарди. Ким эди у, қаер эди у жойлар? Аслида, кимсан Гулкелди? Сен Гулкелди бўлгунга қадар ким эдинг, Гулкелди? Шу каби саволлар билан худди кичик қошиқча билан ер ковлагандай миясини ағдар-тўнтар киларди қиз.

Шундай ўтаетган кунларнинг бирида Гулкелди Бекаси билан бирга тўқилган тўшамчиларини сотиш учун қайиқда бозорга борди. Унинг очиқ денгизга биринчи марта чиқиши эди, шунинг учунми ё бошқа сабабданми жуда ҳам кўрқди. Ўзини ёмон ҳис этди. Бозор одам билан тўла, у умрида бунчалик кўп одамни кўрмаган эди. Бир сотувчининг атрофини ўнлаб одамлар ўраб олишган, бақириб-чақириб савдолашишар, у оломон ичиди ўзини йўқотиб қўйди. Бир бурчакка бориб ўтириб ўзини қўлга олишга уринди. Шунда ўзидан сал нарида бир аёл одамларни чорлаб тақинчоқлар сотаётганини кўрди. Гулкелди унинг ёнига бориб нарсаларини томоша қилди.

– Кел, гўзal қиз, нима берай? Менда сенбоп туморлар, билакузуклар бор. Ё узук хоҳлайсанми? – деди шошиб-пишиб нарсасини сотиш илинжида.

Гулкелди ялтираётган тақинчоқларни бирма-бир томоша қилди. Қачонлардир унда бу каби нарсалар кўп бўлганини эслади. Тақинчоқлар орасидан аёллар оёқларига тақадиган, юрганда жаранглаб овоз чиқарадиган кўнғироқчали занжир унинг эътиборини тортди. Буни пайқаган кампир тақинчоқни мақтай кетди, қизнинг кулоги остига олиб келиб жаранглатди.

– Бунинг овозини қара, шўх қизларнинг кулгисига ўхшайди! Уни оёқчаларингга илиб кўчалардан ўтсанг, қарамаган ҳам қарайди.

– Ха, ҳақсиз. Жуда ажойиб тақинчоқ, аммо ундан менда бор, рахмат, – деди-ю, сотувчидан узоқлашиб кетди. Сотувчининг ҳафсаласи пир бўлиб, шунча гапи ҳавога учганига алам қилиб қолаверди.

Гулкелди бозор кўчаларида одамларни туртиб-суриб ўтиб борар, тезроқ очиқ жойга, кенгликларга чиқиб олишни истар эди. Гулкелдининг кулоғи остидан кўнғироқчалар жарангли кетмас, у шу жаранг-журунг товушлар билан бирга кимлигини эслаганди. У раққоса эди! Саройда, юзлаб канизаклар, саноги йўқ раққосалар ичиди энг суюкли хукмдорнинг раққосаси эди. Ҳар кеч зиёфатлар, тонггача ракслар, хукмдорнинг бир бор назари ўзига тушишини орзу қилувчи аёллар ичиди яшарди. Раққосаларнинг оёғида олтин кўнғироқчали занжир бўлар, бу уларнинг саройдаги бошқа аёллардан алоҳида ажратиб турувчи белги эди. Гулкелди эсини саройда таниб, ўлимини ҳам шу ерда кутиб, тақдирига анча олдин тан бериб қўйиб яшаб келаётган эди. Аммо бир куни ҳаммасини ўзгартириб юборадиган воқеа содир бўлди. Хукмдор саройдан ташқаридаги зиёфатларни севарди, шундай зиёфатлардан бирини овга улаб юборди. Ўзи билан энг севимли

хотинларини ва раққосалардан – уни танлаб олиб кетди. Ҳужмдорнинг ва оддий хизматчиларнинг кемаси олдинма-кетин йўлга чиқди. Тунда кутилмагандек бўрон қутуриб, кемаларни ўз измига солиб олиб кетди. Қолгани Гулкелдининг эсида йўқ. У факат тун қоронғилигидаги даҳшатли зарбни эсларди, холос.

\* \* \*

Гулкелди мавхум ўтмишини эслай олгач, безовталиги баттар ортди. Қани эди ҳаммасини қайтадан унута олса! Аммо бунинг иложи йўқ эди. Гулкелди хотираси тикланганини бирорвга айтмади, кунботар тарафга тикилиб ўй суришини энди бас қилди. Вақт ўтиб ҳаммаси ўз жойига тушаётгандек эди. У қишлоққа, кундалик ишларига ҳам кўнишиб қолганди. Гулкелди қишлоқнинг урф-одатларини яхшироқ ўрганиб бу ерга, одамларига меҳр кўйди. Болаларни йиғиб тилларда достон бўлган рақсини ўргата бошлади. У ўз хаётидан мамнун тарзда янгитдан хаёт бошлаган кунларининг бирида таниш байроқли кема соҳилга яқинлашиб келди. Гулкелдини кўркув босди, бир хаёлда қочиб кетиб яширинишни ҳам ўйлади. Чунки бу одамлардан унга яхшилик келиши даргумон эди. У хонасига яшириниб ташқарига чиқмай, кутилмаган меҳмонларни кетишини кутиб ўтириди. Лекин улар кетишимади. Тўпта-тўғри Беканинг уйига кириб келишди. Уларнинг бошлиғи Бека билан ташқарида узоқ гаплашишди, уни овозидан таниган Гулкелди, хавотири йўқолиб ўз хонасидан отилиб унинг қаршиисига чиққанини ҳам билмай қолди. У болалиқдан бирга ўсган дўсти, ҳукмдорнинг содик кўриқчиси, асли қул бўлган жангчи йигит эди. Ўша куни кемада у ҳам бор эди, демак, тўфондан тирик қолган ёлғиз ўзи эмас экан.

– Аида! Наҳот бу сен?!

– Жангчим...

– Сени тирик кўриб турганимдан шунчалар хурсандманки...

– Мен ҳам. Жуда ҳам... қаерда бўлсанг ҳам, тирик эканлигинг қандай яхши!

– Сени анча изладик, Сарой юлдузи! Энди ҳамма машаққатларинг, азобларинг тугади. Сени олиб кетаман.

– Қаерга?

– Саройга.

– Йўқ-йўқ, жангчи, сен билган рақкоса киз ўлган. Мен бир балиқчининг хизматкори – Гулкелди бўламан. Сенга не керак? Бизда сен учун зарур балиқ, тўр, қамиш гиламлар бор, – деди унга тикилган кўзларидан дув-дув ёш тўкиб киз.

– Менга сендан бўлак ҳеч нима керак эмас, Аида!

– Кечирасан, мард жангчи, энди мен қул эмасман. Қаерга хоҳласанг олиб кетолмайсан.

– Нималар деяпсан? Сен қандай қилиб қул бўларкансан? Ахир сен саройнинг кўрки, ҳукмдорнинг суюкли раққосасисан! Бутун дунё бойлиги оёғи остида бўлган гўзалсан!

– Мард жангчи, кўй, ёлғон эртак сўзлама. Мен энди у гўзалликка, маишатга қул эмасман. Ортга қайтишни ҳаммасини бошидан бошлашни истамайман. Шамолни қафасга қамаб бўлмайди-ку, қулликда-тириклик бўлар, аммо сен билан мен бир пайтлар орзу килган баҳт бўлмайди-ку!

– Аида!

– У ўлган мард жангчи, ҳамма учун. Агар шубҳант бўлса, қиличингни кўлга ол ва чала қолган ишни яқунига етказ. Аммо мендан у зинданга қайтишни сўрама, ёлвораман, ундан қилма!

Жангчининг қилич тутган қўли биринчи марта қалтиради, боши ерга эгилди, қалин лабларини қаттиқ тишилади.

Бироз ўтгач Гулкелди қиз уни соҳил бўйидаги харсангтош устига чиқиб ерранг ити билан бирга кузатиб қўйишиди. Рақкоса Аида жангчиси учун кўйлаклари шамолда учганча, сўнгти рақсини ижро этди. Ундан кўз узмасдан, бағри тилка-пора бўлиб кетаётган жангчи билан бир умрга у билан мана шундай тарзда хайрлашди.



## Қалдирғочлар хар ыйл шу ерда

Сарвара  
ЭШОНХОНОВА

Оналик масъулияти

Бўлди. Пичоқ суюкка етди. Бу хонадонда қолишига тоқати қолмади. У тенгилар ҳашаматли хонадонларда, зебу зийнатлар ичида, егани олдида, емагани кетида. Бу эса қўли қалта эр билан ёшлигини увол қилиши керакми? Тўйдан аввалги ваъдалар қаёкларда қолиб кетди. Кетишга қарор қилди. Зарур нарсаларни йиғди-да, каттагина сумкага жойлаб она уйига ошиқди. Жанжаллардан юрак олдириб қўйган болалар бурчакда бир-бирига тикилишиб мунгайиб онасининг ҳаракатини унсиз кузатишарди.

– Мени ўйламасанг ҳам болаларга ачин. Нима қиласай? Ҳозирча топганим шу. Бир кун бизнинг кўчада ҳам байрам бўлар, – эр сўзини тугата олмади.

– Биринчидан, болаларингизни онамнинг уйидан олиб келмаганман. Иккинчидан, сизнинг кўчангиздаги байрам аллақачон тутаб бўлган, – дея қатъий оҳангда айтилган жавоб сухбатга нуқта қўйди.

У дарвозага қараб борар экан, яқиндагина тухумдан чиққан жўжаларини эргаштириб юрган она товуқ қандайдир хатарни сезди, шекилли, жўжаларини қаноти остига йиғиб олди. Бу ҳолатни жимгина кузатиб дарвоздан чиқди. Кўчада кетар экан, кўшнининг ариқ бўйига боғланган сигири ҳовли ичидағи бузоги овозидан оёғи остидаги ўтларни топтаб, узундан-узоқ чўзиб мўъради...

У она уйига етиб келди. Ҳовлида ҳеч ким кўринмасди. Нимадир ёдидан кўтарилигандек ортига қаради. Негадир аввалги шашти пасайди. Айвондаги қалдирғоч инидаги полапонларини овқатлантириш билан овора эди. Эсини танибдики, бу қалдирғочлар хар ыйли шу ерда. Шу пайт нима бўлди-ю, полапонлардан шўхроги индан пастга тушиб кетди. Она қалдирғоч фарёд чека бошлади. Унинг кўз олдидан хонадонидаги она товуқ, кўшнининг яқинда болалаган сигири ва уйида бурчакда тикилишиб, маъюсгина термилиб турган фарзандлари бирма-бир ўтди. Мажолисиз айвон устунига суюниб қолди...

### Энг баҳтли лаҳзалар

Бир учрашувда ўқувчи қиз унга шундай савол берди:  
– Қачон ўзингизни энг баҳтиёр инсон деб биласиз?

Сарвара ЭШОНХОНОВА – 1981 йилда тугилган. Қарши давлат университети ўзбек филология факультетини тамомлаган. "Орзулар парвози", "Нурли йўл излаб" номли китоблари чоп этилган.

Бутун давра нигоҳи унга қадалди. Ўз хукмронлигини бошлаган жимлик тилларни гүнг этган факат қулокларгагина рухсат берган эди гүё. У йиғинларда иложи борича қисқа гапиришга ҳаракат қиласы. Чунки даврани зериктириб күйишни хоҳламасди. Лекин ҳозир бунга имкон тополмай қолди. Қайси бирини айтсін? Оиласи, фарзандлари, қасби, ижоди, әнг асосийси, ота-онаси унинг баҳти-ку. Ҳар бирини санаб сабабини изохлаш анчагина вақтни олади. Даврани күттириш яхши эмас. Шунда тилига бейхтиёр шу сўзлар келди:

– Оилам, фарзандларимни шодон кўрсам... Эришган ютуқларим билан ота-онамни табриклишган дақиқалар мен учун ҳаётимдаги әнг баҳтли лаҳзалардир.

Даврадаги ёши улуғ, таникли ижодкор қарсак чалиб юборди. Бутун давра давом эттириди.

Қайтишаётгандан устоз ижодкор шундай деди:

– Сиз қисқа жумлаларга катта мазмунни сингдира оладиганлардансиз. Жавобингизни ўқувчи ёшлар ҳозир тушуна олмас, лекин ҳаёт давомида фаҳмлай бошлайди. Инсон учун оиланинг муқаддаслиги фарзандлар камоли, қасб ва ижодни севиш, ота-она меҳри, уларнинг ҳаётлиги нақадар туганмас баҳт эканлигини тушуниб етишади. Сизнинг қисқа жавобингиз уларнинг ёдида бир умр муҳрланиб колади.

## Орзу

Бўлакчалардан ўзи ясаган ҳашаматли “иморати”га ҳавас билан тикилиб турган бола:

– Қани, эди ҳозир дадамдек катта бўлиб қолсан, – дерди компьютерда ишлаётган дадасига беғубор, ўткир кўзлари билан қараб қўяркан...

Эртанги йиғин учун ҳисобот тайёрлаётган ота:

– Қани эди, нафакага чиқиб отамдек ташвишу бошликлар танбехидан кутулсан, – дерди курсида ўтириб радио тинглаётган бобога уйқусизликдан қизарган кўзлари билан назар ташларкан...

– Қани эди, улардек ўзим кўра олсан, ўзим тик юра олсан, – дерди бобо қалтираган қўллари билан кўзойнагини тақиб, ҳассасини изларкан.

## Ҳаёт хақиқати

Инсон катта муваффақиятга эришдим деганда улкан нарсани йўқотганини билмайди.

– Ойижоон, мени яхши кўрасизми? – эркаланди болакай онасига сўйкалиб.

– Ҳа, албатта, – ҳафсаласизгина жавоб берди овқат тайёрлаётган она.

– Бугун ишга борманг, бирга ўйнайлик, – ялиниб деди бола.

– Ўғлим, ўйнашинг учун, ана беҳисоб ўйинчоқ. Сенинг хонангдек хона қайси болада бор? Вактим йўқ. Халақит бермай хонангга бор, – соатга қараб жавоб берди шошилаётган она.

Беғубор кўзчалардан оққан ёш силлиқ ҷехрадан ерга думади.

Йиллар ўтди. Бугун она ўша хонадонда ўғлини кутиб турар, у билан дилдан сухбат қилиб, меҳр улашишга бир талай вакти бор.

– Ўғлим, бир она-бода бўлиб сухбат қурайлик...

– Ойи, шунча шароит яратиб кўйибману. Яқинда дам олишга бордингиз. Барча шароити бор хонангиз бўлса. Маза қилиб серайларни кўриб ётавермайсизми, инжиқлик қилмай. Ҳисобот тайёрлашим керак, – деди ўтил кўл соатига қараб бир папка қоғоз билан хонасига йўл олар экан.

Онанинг кўзларидан сизган ёш ажинлардан ҳосил бўлган тўсиқлар орасига сингиб кетди.



## **Инсоният**

*Достондан парча*



**Мухтор  
ХУДОЙҚУЛОВ**

Донишманнан сўрадилар: “Айтгил, эй доно,  
Бор нарсами ёки йўқми бу ёруғ дунё?”  
“Ҳам бор, ҳам йўқ”, деган жавоб олинди алҳол,  
“Нега бундай?” деб қайтадан берилди савол.  
Доно деди: “Тирикларга бордир бу дунё,  
Ўлганларга мавхумоту, зулмату рўё”.  
Бор дунёда яшарканмиз борлар қатори,  
Билолсайдик недур унинг сиру асрори.  
Қайдан келиб қайга кетур бу ёруғ олам,  
Нима қилиб юрар бунда авлоди одам?  
Тириклиқда яшириндир қандайин маъно,  
Ўлгандан сўнг охирату, абадий фано?  
Жамиятдан мақсад недур, мақомат недур,  
Тартиб недур, қонун недур, адолат недур?  
Нега зулму залолатдан титрайди жаҳон,  
Нега ҳамон тўкилмоқда дарё-дарё қон?  
Ёритса ҳам инсон йўлини илм маёғи,  
Нега ҳамон қўлдан тушмас жоҳил таёғи?  
Бўлсин учун бу жумбоқлар бизларга аён,  
Кўз тикайлик Ибтидои Азалга томон.

### I

Қоп-қоронғи зулмат ичра бўлганди олам,  
Мавжуд эмас эди на сув, на қуруқлик ҳам,

---

**Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ** – филология фанлари доктори, профессор. “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими” фахрий унвони билан тақдирланган. 1937 йилда түгиглан. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. Унинг “Қоя ва палахса”, “Дарё ва пўқак”, “Зирапча”, “Қирқ масал”, “Ўйлаб топилмаган ҳикоялар”, “Габрово латифалари ва ҳангомалари”, “Отам ҳақида ҳикоялар”, “Киракашликнинг кироий ҳангомалари” ва қирқдан ортиқ бадиий ва таржисима китоблари нашр этилган.

Дейди Миср афсонаси ва Рухи Илох  
 Барпо қилди бир тухумни шунда баногох,  
 Тепасидан пайдо бўлиб Осмону Куёш,  
 Пастки қисми бўлган эмиш ер, сув, тоғу, тош..  
 Юононларнинг афсонаси дейдики, дастлаб,  
 Ётар эди қора зулмат оламни қоплаб.  
 Унинг номи Хаос эди, бетартиб, тарқоқ,  
 Аста-аста тартиб бўлди вактлар ўтароқ,  
 Пайдо бўлмиш Осмону Ер – Илоҳий Жуфтлик,  
 Ою Куёш ва бепоён Суву, Қуруқлик...  
 “Оlam қачон пайдо бўлди, буни ким билар?”  
 Деган савол жавобини излаб хиндилар,  
 Дедилар-ки, йўқу бордан яралмиш очун,  
 Зулмат ичра пайдо бўлди Истак – шунинг-чун –  
 Хур харакат ва Қувватдан яралди дунё,  
 Илоҳлар ҳам ундан кейин бўлдилар пайдо...  
 Ҳиндиларнинг “Веда” (“Билим”) китоби ёзмиш:  
 Илк яралган одам бўлмиш исмидир – Пуруш,  
 Қурбонликка бўғизлабди уни илоҳлар,  
 Ва танасин нимта-нимта қилиб бўлаклар,  
 Авлиё-ю, брахманлар чиқмиш оғзидан,  
 Қўлларидан аскар зоти вужудга келган,  
 Бел қисмидан пайдо бўлмиш меҳнаткаш деҳқон,  
 Оёғидан паст табақа туғилмиш шу он.  
 Ақли эса Осмонга чиқмиш ой бўлиб,  
 Нафасидан еру фазо ҳавога тўлиб,  
 Кўзларидан порлаганмиш кўқдаги қуёш,  
 Осмонга асос бўлмиш чаноқли у бош.  
 Суягидан Еру замин бўлиди пайдо,  
 Афсонадан не хаёллар олаверар жо...  
 Яна дейди ҳинднинг қадим китоб-ҳикмати  
 Илоҳлар ва ёвуз руҳлар душман бўлади.  
 Илоҳлар гар чин севгини муқаддас билур,  
 Ёвуз руҳлар мухаббатни тамом рад қилур.  
 Муқаддас деб инсон нутқни билса илоҳлар,  
 Ёвуз руҳлар ёмонликни унга изоҳлар.  
 Гар илоҳлар тушунчани кўз деб билдилар,  
 Ёвуз руҳлар ёмонликни кўргин дедилар.  
 Илоҳлар дер: – Эзгуликка қулоқ тут, одам,  
 Ёвуз руҳлар дер: – Иғвога бўл доим ҳамдам.  
 Илоҳлар дер, инсон онги эзгулик учун,  
 Ёвуз руҳлар ёмонликни куткилар бутун.  
 Эзгуликка Ёвузлик зид эрур мутлақо,  
 Орадаги кураш ва жанг тўхтамас асло!  
 “Чекил ортга, эй қабоҳат, зулму залолат,

## Мұхтор ХУДОЙҚУЛОВ

Ёвузликнинг ўрнин олсин адлу адолат,” –  
Дер қадимги ҳинд китоби “Ахтарваведа”,  
Эзгуликнинг дил хитоби “Ахтарваведа”  
Худди Еру замин мисол ва худди осмон  
Ҳеч нарсадан асло кўрқма, дадил бўл, эй жон!  
Худди Куёш ва Ой каби туравер танҳо,  
Чўчимагил ёвузликтан, эй инсон, асло!  
Япон халқин афсонаси дейди-ки аввал,  
Эркаклик ва аёллик бўлмиш мукаммал,  
Пайдо бўлмиш иккисидан бу зоти одам,  
Табиату, қуёш ва сув ва юлдузлар ҳам.  
Беш унсурдан иборатдир олам асоси,  
Тупроқ ва сув, олов, ёғоч, осмон ҳавоси,  
Инсонда ҳам бешта аъзо бўлур муштарак,  
Бош, икки қўл, икки оёқ жуда ҳам керак,  
“Олти кунда яратилди Олам”, дер Таврот,  
Еттинчи кун дам олганмиш Илоҳ чарчаб бот...  
Бу оламни бор этмишdir Оллоҳи кабир,  
Деб мусулмон Яратганга ўқийди такбир,  
Афсоналар – Ҳақиқатга ёпилмиш парда,  
Аммо тахмин, изланишлар мавжуд уларда...  
Афсоналар, афсоналар, сиз, афсоналар,  
Онг-тафаккур чўққисига илк поғоналар...  
Гўёки сиз ҳақиқатнинг қўзгусидирсиз,  
Фақат аксни кўрсатади ойина эсиз...  
Содда одам чин кўнгилдан ишонди сизга,  
Кеча-кундуз сифинди у чўкканча тизга.  
Бергин дея менга мадад, илоҳу осмон  
Хоҳ буддачи, хоҳ насроний, хоҳи мусулмон.  
Аммо афсус, осмон узок, илоҳлар-чи – гунг,  
Одам зотин дили тўла изтиробу, мунг.  
Коҳинлару, барахманлар, попу, муллалар,  
Кўкрагига хоч осганлар, бошда саллалар,  
“Сифин”, деди илоҳларга, “Сифин ва сифин!”  
Шу зайлда шилиб олар унинг бор-йўғин.  
Ҳақиқатни билмоқ эса мушкул нақадар,  
Қанча сир бор заррадан то Қуёшга қадар.  
Барисини билмоқ бўлиб интилар Инсон,  
Ҳукмдорлар, динлар унга бермасдан имкон,  
Тўссалар ҳам, урсалар ҳам, ўтда ёқсалар,  
Инсон ақлу тафаккури ҳамон юксалар!  
Шунча меҳнат-машаққату, сабрингга балли,  
Аммо не-не мавҳумотлар турибди ҳали,  
Гар бошингни кессалар ҳам осмонга тикил,  
Бил, яна бил, тағин билгин, яна кўпроқ бил!

Бу бепоён бўшлиқ не-ю, унда не мавжуд,  
 Ниҳояси борми унинг, волидми, мавлуд?  
 Замон не-ю, макон недур, недур Ибтидо,  
 Қачон келур даҳшатли у охир – Интиҳо?  
 Мазкур оғир саволларга топай деб жавоб,  
 Олам сирин билмоқ бўлиб титдим қўп китоб,  
 Хизматингга шайдек бўлиб турувчи ҳар дам –  
 Кўкимтил нур қутичадан сўрадим ёрдам,  
 Кўп сирларни билар ушбу тилсими зиё,  
 Ҳар чорбоғдан чимдим мева йиққандек гўё –  
 Одам ақл-у, тафаккурин омбори мисол,  
 Нима керак бўлса сенга, ана, танлаб ол.  
 Минг калладан чиқиб келган минг турли фикр,  
 Бирин ўқиб тавба де-ю, бирга қил зикр.  
 Бу оламнинг ибтидоси бошланмиш недан,  
 Не маънилар зоҳир бўлмиш илк алифбедан?  
 Нима дерлар бу борада заки донолар,  
 Қадим-қадим битикларда қандай маънолар?  
 Олимларнинг фикрин ўқиб тушдим ҳайратга,  
 Ҳайрат эмас, адоги йўқ қўрқинч-даҳшатга.  
 Олам боши Big Bang деган Катта Портлашмиш,  
 Инфижори Кабир эмиш, Нурли Оташмиш,  
 Игна учи мисолидай тифиз бир модда,  
 Бу Оламнинг асосимиш – шунчалар содда,  
 У ўзича кичрайиб ва зичлашиб беҳад,  
 Қизигандан қизиб бориб яна қатма-қат,  
 Бирдан портлаб тарқаларкан у борлиқ аро,  
 Пусқирганча олов билан захри нур, зиё.  
 Кейин аста-секин совиб, бирикиб кам-кам,  
 Пайдо бўлмиш минг-миллиард, юлдузли олам.  
 Бу хирмондан тўкилгани Сомон йўлими?  
 Бу оламнинг таваллуди ёки ўлими?  
 Ё Қиёмат деганими балки боякбор,  
 Балки бу ҳол юз берадур такрор ва такрор?  
 Бу ҳодислар ўз-ўзидан бўлганми ёки,  
 Бошқарувчи бўлганмикин аслида, токи –  
 Ҳеч бир нарса юз бермагай ўзи-ўзидан,  
 Зарурият етиб келар Сабаб изидан...  
 Эй, инсоннинг тафаккури, бу ёнғоқни чақ,  
 Ўз ўрнини бўшатмасин ёлғонларга Ҳақ.  
 Фан айтади, моддалардан иборат олам,  
 Энг кичкина заррадан то Қуёшгача ҳам.  
 Минг юлдузлар орасида энг ёруғ юлдуз,  
 Ич-ичидан нур сочувчи кеча-ю кундуз –  
 Қуёш деган мўъжизавий олов доира,

Атрофика гир айланар неча сайёра,  
Бизнинг она Куррамиздир улардан бири,  
Қайси олам китобида ёзилмиш сири?  
Аста-секин ҳоврдан тушиб, чангу, тош қотиб,  
Миллион йиллар музликларга бош қўйиб ётиб,  
Айланаркан ўз ўқида тинмасдан бир зум,  
Бир улкан тош урилибди, бўпти талотум.  
Шунда унинг бир парчаси отилиб чунон,  
Айланганча айни гўё пириллоқсимон –  
Пайдо бўлмиш ундан улкан думалоқ жисм,  
Одамизод унга Ой деб берибди исм.  
Ер тарихи худди шундай – узундан узок,  
У тинмасдан айланади ҳамда юмалоқ.  
Ана шундан кундузу, тун, фасл алмашар,  
Буни бугун ҳатто кичик бола ҳам билар.  
Аммо жуда оғир бўлди уни тан олмоқ,  
“Ер текисдир, уни шундай яратган илоҳ!” –  
Деганича туриб олди масжиду черков,  
Ҳар иккиси ҳур фикрга доимий гўрков,  
Ким бошқача фикр айтса аталди “кофир”,  
Бошлигига ёғдирилди кулфату тахқир.  
Инсон зоти ҳақиқат-чун жон тикар мудом,  
Шундай бўлган ва абадий бўлғай бардавом!  
Ер курраси одамларга бермайди ҳисоб,  
Ўз йўлида, ўз ўқида айланар шитоб,  
У Қуёшни ўзи учун аъло деб билар,  
Сабабкори – ўзин туккан она деб билар.  
Шунинг учун атрофика доим парвона,  
Она ахир онадир бу, онажон, она!  
Қуёш эса ўзи билан ўзи овора,  
Ич-ичидан қизиб куйиб, ёниб минг бора –  
Ҳароратин таратади коинот сари,  
Пускирганча ўт-оловли нафас сар-сари.  
О, сен Қуёш, Ўтли юлдуз, Тенги йўқ Оташ,  
Бағринг мунча синоатли сирларга туташ?  
Бунча ўтни, қайнашларни қайдан оласан,  
На бирор зум тинай дейсан, на бир толасан,  
Биқир-биқир қозонингни қайнатади ким?  
Ёки шундай буюрганми бирорта ҳоким?  
Боғдоддан келган меҳмон язид сингари,  
Юқинсамми дедим сенга, мен ҳам, азали –  
Бори-йўқнинг сабабкори ахир, ўзингсан,  
Ҳаёт-мамот ижодкори – ахир, ўзингсан.  
Сен борсанки, баҳраманддир нурингдан дунё,  
Сен борсанки, зулмат қочар, яшнайди зиё.

Сен борсанки, Ер юзида мавжуддир ҳаёт,  
 Сен борсанки кун кўради жамики жонзод,  
 Сен борсанки, табиатнинг очилар гули,  
 Сен борсанки, боғлар аро сайрап булбули.  
 Заррадан то ўзинггача сабабчи ўзинг!  
 Порлаб турсин абад-абад порлаган юзинг!  
 Сайёralар ўраб олмиш тегрангни сенинг,  
 Болажонли оиладай тўққиз оғайни,  
 Баъзилари узокроқда, баъзиси яқин,  
 Тирғалмайди сенинг жаҳлинг чиқариб тагин –  
 Ёниб кетмай дея ўзин қилиб эҳтиёт,  
 Узокроқдан салом-алик қилишар бот-бот.  
 Ер курраси ўртанчаси, тўртинчи фарзанд,  
 Жонидан ҳам яхши кўрар сени у харчанд,  
 Сен томонга термилганча айланар тегранг,  
 Бошқалардай ғирт тош эмас, юзи ранг-баранг,  
 Бағридаги қуруқлиг-у, сувидир мўл-кўл,  
 Ана шулар эҳтиётин қиласи нукул.  
 Ўзинг эса “Қалайсан?” деб ҳолин сўрайсан,  
 Эркалайсан, яхши кўриб нурга белайсан.  
 Босса ҳамки Ер куррасин қаҳратон музлар,  
 Гоҳи қайнаб ичкаридан оловлар гизлар,  
 Куруқлиги қасир-қусур – талашар макон,  
 Сувлари-чи, тўлиб-тошиб кўтарар тўфон,  
 Гоҳ қийшайиб ўқи, гоҳи кутб-томонлар,  
 Шу зайлда ўтди қанча-қанча замонлар,  
 Аммо Курра барчасига чидади маҳкам,  
 Ютиб чиқар эътиқоди кимнинг мустаҳкам,  
 Эвазига унга ажр улуғ мукофот,  
 Ер юзида содир бўлди мўъжиза – Ҳаёт!  
 Оlam ичра оламисан, нур-зиё Ҳаёт,  
 Сен – Офтоб, Сен – Она Ер, Сув, Ҳаво Ҳаёт.  
 Сен тириклиқ, сен биландир бу маъво Ҳаёт,  
 Сен – ҳарорат, сен – муҳаббат, ишқ-вафо Ҳаёт.  
 Сен – туғулмок, сен – камолот, гул-зебо Ҳаёт,  
 Сен азизсан, кўзимизга тўтиё Ҳаёт.  
 Одамизод яхши билгил – бебаҳо Ҳаёт,  
 Ёшу кекса – барчамизга муддао Ҳаёт!  
 Ибтидосан, аммо бир кун Интиҳо Ҳаёт.  
 Эй, ҳаётнинг бошланғичи, ўша баҳтли он,  
 Нуру тупроқ қўшилмаси, кимёи ниҳон –  
 Таркибida тўқсон икки унсур жамулжам,  
 Бир-бирига киришимда бошланмиш маҳкам,  
 Шу йўл билан вужуд бўлган оддий ҳужайра,  
 Хуш келибсан бу очунга, қувна ва яйра!

Сен аждодсан ер юзида жами жонзотга,  
Шу жумладан онгли махлук – одамизотга!  
Ҳаётнинг ҳам турли-турли кўриниши бор,  
Табиатда ўсимлигу дараҳт ҳам яқбор –  
Ҳар йил баҳор, ёз келганда яшнайди ял-ял,  
Ўзин яшаш қонунига қилганча амал.  
Аммо жонли ҳаёт бошқа, тириклик бошқа,  
Ҳаракату сезмоқ бошқа, етуклик бошқа.  
Бу оламнинг сирларини билмоқ бошқадур,  
Онг бошқадур, рух бошқадур, енгмоқ бошқадур.  
Гарчи сенинг на шаклингү шамойилинг бор,  
Бошлаб бердинг барчасини оддий, беғубор!  
Аммо ҳаёт ҳаракатдир, тўхтамоқлик йўқ,  
Ўчмасунчун вужуддаги жон – бир лахта чўғ –  
Уни пуфлаб турмоқ керак, қувват керакдир,  
Оддий қилиб айтганида – овқат керакдир.  
Шундай экан, тўхтама сен, излан ва қидир,  
Емиш топгил, тирикликнинг қонуни шудир!  
Ҳозирда ҳам аждодларинг, жонзот, одамзот –  
Тун-кун емиш ташвишида чопарлар, ҳайҳот!  
Жониворлар бир-бирини тутиб ейишар,  
Ким кучлироқ, у заифни бемалол ошар.  
Одамларнинг зотида ҳам худди ушбу ҳол,  
“Тик турмайди бўш қоп” деган бордир-ку мақол,  
Шу боисдан қорин ғамин ейди кекса-ёш,  
Нону чою, қуруқ суюқ, шўрва билан ош,  
Бунинг учун керак бўлар турли масаллик,  
Гўшт тушмаса бирор овқат бўлмас мазалик.  
Шунинг учун оғалари – жонворни пойлаб,  
Қуруқлигу сув, ҳавода қувалаб овлаб  
Гўштин ейди, уйда боқиб қўю мол, чорва,  
Унга қўшиб ўсимлигу сабзовот, мева,  
Қўйишмайди ҳатто ари йиққан болни ҳам,  
Унинг учун булар гўё етишмайди, кам.  
Баъзи халқлар ҳашаротни ейди бемалол,  
Қорин ғами – барча ғамдан зарурдир алҳол.  
Ер юзида барча одам яшамайди тўқ,  
Кўплар учун қоринидан бошқа ташвиш йўқ.  
Не ҳам дердик, ҳар нарсадан олдин иқтисод,  
Иқтисодга бўйсунади сиёsat, ижод.  
Иқтисод-чун бошланади тортишув, жанжал,  
Баъзан уруш масалани этиб берар ҳал.  
Еру бойлик илинжида не хону султон,  
Оқиздилар ер юзида дарё-дарё қон!  
Аммо ҳамон талончилик давом этмоқда,

Бойлик учун, ёқилғи деб уруш кетмоқда!  
 Аммо, эй сен, хужайражон, ўзингта қара,  
 Бу ҳаётнинг жуда инжиқ корига яра!  
 Ҳаракат қил, ўсу улғай, бўш келма асло,  
 Кўп хужайра бўлиб олдинг, айни муддао!  
 Энди турли шаклларга кира оласан,  
 Балиқ бўлиб сувда сузиб юра оласан.  
 Энди эса қўпайишни, наслни ўйла,  
 Моҳиятни, чин ҳаётни, аслни ўйла!  
 Модомики қўпайишни ҳоҳлайди олам,  
 Жонворлару ҳатто дарахт, ўсимликлар ҳам  
 Мендан насл қолсин ёруғ оламда дейди,  
 Жону дилим, бутун борим – болам-да, дейди.  
 Лосос деган бир ажойиб балиқлар ҳатто –  
 Ўз наслини қолдириш-чун қилар жон фидо.  
 Миллионлаб қўпаяди микробу чивин,  
 Аммо-лекин сал йирикроқ жонворга қийин –  
 Ахир гўдак боласини бокмоғи лозим,  
 Унга етар суту емиш топмоғи лозим,  
 Шу боисдан ҳисоб билан қўпаяди у,  
 Инсонга ҳам айни одат бўлди-ку ушбу.  
 Шу зайлда қолдиришар ўзларидан зот,  
 Шу қонунга бўйсунади бу азиз ҳаёт!  
 Минг йиллар-ки, ечилмасдан келар бир жумбоқ:  
 Товуқми ё тухум пайдо бўлган олдинроқ?  
 Мен албатта товуқ дейман, насл қолсин-чун  
 Ўз бағридан пайдо қилиб туғади тухум.  
 Ўтганида тўққиз ою тўққиз кун тугал,  
 Одам зоти дунё юзин кўришга маҳтал.  
 Ҳа, қўпайиш, насл эрур дунё тираги,  
 У бўлмаса бу ҳаётнинг недур кераги?  
 Тириклиқ-чун излаб емиш сувдаги жонвор  
 Қуруқлика ўрмалашга қасд қилди якбор.  
 Сузгичлари оёқ бўлди, ойқулоқ – қулоқ,  
 Ер юзида не бор экан, қани кўриб боқ.  
 Қарасаки, ўх-хў, бунда емиш деган мўл,  
 Хоҳ ўтхўр бўл, гар эпласанг, ана, этхўр бўл,  
 Оз емишга кўнсанг агар, жонвор, бўл майда,  
 Аммо кимки зўр-баҳайбат – пичноғи мойда,  
 Чумолидан то филгача ризқини топар,  
 Динозавр-аждаҳолар ҳам учар, чопар.  
 Катта бир тош урилганда Ерга баногох,  
 Зарбасидан не йиртқичлар қирилди шу чоғ.  
 Шоҳдан шоҳга сакраб юрган маймун ўлмади,  
 Эгик-букик ҳаётидан кўнгли тўлмади,

Ерга тушиб сакранаркан түртта оёқда,  
Кўриш учун не борлигин узоқ-узоқда –  
Секин-аста қаддин тиклаб оёққа турди,  
Бир-бир босиб шу зайлда яшади-юрди.  
Кимсан ўзинг, маймунмисан, одаммисан айт,  
Эмаклаган вужуд қаддинг тиклаганинг пайт –  
Яна битта юксакликка эришдинг, ахир,  
Олд оёқлар бошқа ишга ўрганиб бир-бир –  
Охир қўлга айландилар, о, қандайин баҳт,  
Энди улар кўп нарсани қила олар тахт!  
Одамизод, ушбу ондан олгил сен ўрнак,  
Тик бўлдингми, энди шундай яшамоқ керак!  
Нафс учун, эҳтиёж деб икки букилма,  
Бўлма асло лаганбардор, хушомад қилма!  
Эзгуликка майли эгил, ёвузга боқ тик,  
Ҳатто қилич қилар ҳазар гар бўйин эгик!  
Ҳар бир ишда тўғри бўлгил, доим тўғри бўл,  
Эгриликнинг боши беркдир, тўғри – тўғри йўл!  
Беш бармоқли, зўр билакли бу азиз қўллар  
Яратишу меҳнат сари одамни йўллар,  
Ов қилишчун тош учини дастлаб йўнган чоғ –  
Одам учун йўл очилди узоқ ва порлоқ!  
Бунинг учун, эй, биринчи аждоди азим,  
Одам зоти сифатида қиласман таъзим!  
Шу зайлда ов қуроли бўлди мукаммал,  
Ўса борди тажрибаю омилу амал,  
Синчков кўзу ақл бўлди бунга вобаста,  
Онгу шуур ривожланиб аста ва аста –  
Инсон зоти пайдо бўлди ёруғ оламда,  
Табиатнинг гултоҗиси, ахир, одам-да!  
Хуш келибсан, одамизод, ёруғ оламга,  
Бу олам ҳам интиқ эди зоти одамга,  
Ахир кичик бир заррадан қуёшгача то,  
Оддийликдан – мукаммаллик эди муддао,  
Бир ҳужайра минг шаклу тус олганлиги рост,  
Етишмасди аммо битта босқичи бироз –  
Бу – онг эди, моддионнинг олий маҳсули,  
Ёруғ бўлар онги билан одамзод йўли.  
Бу оламни англамоқлик бўлсин муборак,  
Онгу меҳнат бўлса агар энди муштарак,  
Очилажак одам учун порлоқ келажак,  
Онгли маҳлук – табиатнинг шохи бўлажак!  
Аммо лекин бу йўл асло бўлмади осон,  
Ҳар қадамда қанча тўсик – қийналарди жон,  
Бир томонда музликларнинг совуқ ҳавоси,

Бир томонда йиртқичларнинг бўқрик-nidоси,  
 Туну куни даҳшат солар турли хил бало,  
 Тирик қолиш, емиш топиш – зарур муддао!  
 Қоринни-ку, бир амаллаб тўқламоқ мумкин,  
 Аммо ётоқ масаласи қандай бўларкин?  
 Дам олмаса, ухламаса қурийди тинка,  
 Фақат дараҳт, ўсимликлар ухлайди тикка,  
 Одам бироз чўзилиши, ётиши керак,  
 Бемалолроқ ухлаб, хуррак отиши керак.  
 Ухласангу тортиб кетса бирорта махлук,  
 Йиртқичларга ем бўлишлик – бўлмайди, йўқ, йўқ!  
 Яхиси ху, баландроққа чиққани маъқул,  
 Анов форга хасу ҳашак йиққани маъқул.  
 Аммо мунча bemаза-я, манов парча эт,  
 Анов куни ўрмонзорга кетганида ўт –  
 Куйган гўштни еган эди, мунчаям ширин,  
 Кошки энди еса этни фақат пишириб,  
 Бунинг учун қайдан топса экан оловни,  
 Қор ҳам ҳатто ёнар эмиш топса қаловни,  
 Тошни тошга уриб кўрса чиқармикин ўт,  
 Қани, бошла, одамизод, чақмоқ тошни тут,  
 Бир уриб кўр, икки ургин, яна ва яна,  
 Қара учқун чиқаяпти, ана у, мана!  
 Оловланди уйиб кўйган қуруқ ҳас-ҳашак,  
 Энди олов ёқишини ҳам ўргандинг демак!  
 Яна битта юксакликка эришдинг, одам,  
 Яна битта кашфиётга қўйдинг сен қадам.  
 Энди сенга ҳамдам бўлгай ўт-олов доим,  
 Емишинг иссиқ уйинг барқарор, қоим.  
 Аммо унда билмас эдинг ўтнинг хавфини,  
 Ўқ-дорилар, замбараклар олов-ёлқини –  
 Инсоннинг шум топилмаси – атом бомбаси,  
 Жаҳаннамдай куйдиргувчи ўлим шарпаси  
 Бало бўлар одамзодга бир куни охир,  
 Дунёларга ўт кетганда қанчалар оғир –  
 Бўлишини билганингда, эй қадим одам,  
 Оловингга сув сепардинг балки ўша дам.  
 Майли, олов иссиқ берсин, қайнатсин қозон,  
 Аммо унинг гирдобига тушмасин инсон!



## Майдондаги Сизиф

Новелла



Теодор  
КАЛЛИФАТИДЕС

Илья Амбрам ўғли ўзининг “Волсваген” русумли эски уловидан тушди. Биринчи қилган иши Анна Линдҳс хотирасига ўрнатилган шиша ёдгорликнинг синдирилмаганига ишонч хосил қилиш эди. Хайрият, ҳаммаси жойида. “Бу ҳам бир севги бўлса керак”, деб ўйлади у. “Ватандошлар” майдонида ишловчи қариялар бу шиша ёдгорликнинг бир ҳафтага ҳам чидамаслиги ҳақида баҳс бойлашган эди. Ҳайкалнинг безорилардан омон қоладиган даражада мустаҳкам эканлигига ҳеч кимнинг ишончи йўқ эди. Фатбус зинасидаги гўзал хотира ойнаси бунга мисол. Кимdir уни синдириб кетса, қанчалик тезликда янгилаб қўйишмасин, орадан кўп вақт ўтмай яна шу ҳолат тақрорланарди. Анна Линдҳс ёдгорлиги эса ҳозиргача турибди. Шунга ҳам уч йил бўлди. Одамлар Анна Линдҳсни яхши кўришарди. Илья ҳам улар қаторида. У Аннанинг охирги нутқини эшитишга муяссар бўлган. Учрашув худди шу ерда – “Ватандошлар” майдонида уюштирилган эди. Аслида, Анна Линдҳс ўзи амалга оширган ишлардан ташқари у қадар кўп гапирмаган. Овози қатъиятли, кўзлари чақнаб турганди. Ӯшанда кичкина бир қизча қўлида атиргул билан унинг олдига югуриб келган. Бу ҳаракати билан у ҳам билвосита бўлсада Аннани шарафлаган, чунки, гулни қизчага Илья сотганди. Илья гул савдоси билан шуғулланади. Доимо бундай бўлмаган. У олдин Туркияда, кейин Россияда уочоқ муҳандислиги бўйича таълим олганди. Бироқ унинг бир муаммоси бор: у яхудий. У ерларда бирор ишга кириш умиди чиппакка чиқди. Шу боис Европадаги уочоқ ишлаб чиқариш заводлари бор мамлакатлардан тўртингчиси бўлган Швецияга йўл олганди. Келгани яхши бўлди. У Линдшопингдаги СААБ уочоқ ишлаб чиқариш заводига ишга жойлашди, ўзининг бўллим бошлиғи бўлган, қурувчи-муҳандис, эндиғина ўттизга тўлган, сариқ сочли, фарзанд кўриш ёшига етган Кристина га уйланди. Улар уч фарзандли бўлишди. Кристина ярим маошли ишга ўтди, Илья эса унинг ўрнига бўллим бошлиғи бўлди. Улар уй сотиб олишгач, Кристина ишдан бўшаб, болалар билан шуғулдана бошлади. Қачонки Кристина боқаркан, унинг узун, кўнгир тусдаги соchlари-ю хипча белига назар ташласа ёки унинг болалари билан ўйнаётганда, чўмилаётib хиргойи қилганида ёки телефонда дўстлари билан сўзлашаштгандаги майн овозини эшитса, ўзини баҳтиёр хис қилар, шунинг ўзи ўтаётган умридан мамнун бўлиши учун етарли эди. Баъзан хурсанд бўлганидан

Теодор КАЛЛИФАТИДЕС – 1938 йилда тугилган. Швед ёзувчиси. Стокголм университетининг фалсафа факультетини тамомлаган. Унинг “Ажнабий”, “Осон иши”, “Олтинчи ўйловчи”, “Совуқ нигоҳ”, “Жаннатда етти соат” номли китоблари чоп этилган.

тунлари ухлай олмасди. “Кристина – менинг Швециям. Туркия – менинг онам. Болаларим – менинг дүнём. Шундай бўлгани яхши”, дега Худойимга шукронга айтарди. Ҳаёт ҳамиша ҳам бир текис давом этмайди. Баҳор оқшомларидан бирида ҳаммаси тескари кетди. Улар болалари билан шаҳарда айланиб юришганди. Одам жуда кўп эди. Унинг эндингана бир ёшга тўлган кенжা ўғли учиб кетган коптоги ортидан югуриб кўчага чиқиб қолди. Шу пайт қаерданdir бир машина пайдо бўлиб, уни уриб юборди. “Тез ёрдам” етиб келгунича болача атиги олти дақиқа нафас олиб турди, холос.

Бу воқеадан кейин ишлари орқага кетди. Кристина чуқур кайгуга чўмди. СААБ ишчилар сонини қисқартира бошлади. Биринчилардан бўлиб Илья ишсиз қолди. Бошқа жойдан иш излаши самарасиз кетди. Улар уйини сотиб, Стокхолмга, Фитядаги уч хонали кўп қаватли уйга кўчиб келишди. Линдшопингдаги меҳнат биржаси ходими катта шаҳарда иш топиш осон, деган эди. Тўғри айтган экан. Доимий иш жойи бўлмаса ҳам вақтинчалик ишлар мўл эди. Фитядга муҳожирлар кўп, улар асосан Туркиядан келган. Кемал ҳам улардан бири бўлиб, ишсиз қолгани боис Содермалм майдонида гул сота бошлаганди. Икки йилдан сўнг у ўз номига дўкон очиб, яна бир ишчи олди. Кемал “Ватандошлар” майдонида бирор гул сотиши жойи йўқлигини айтиб, биргаликда ишлашни таклиф қилиб қолди. Айтганини қилди ҳам. Бу ҳам бир омад эди.

Бир йил ичida Илья ўзининг катта чодирини тикиб, икки кишини ишга олди. Унинг ҳаёти яна изига тушиб кетди. Кристина ҳам Ворбу мактабидан ўзига ўқитувчиликка иш топди. Мактабда болалар билан ишлашда кўплаб муаммолар пайдо бўлганди. Лекин у швед эмасми – муаммоларни ечишга уста эди. Икки ўғли ҳам ўзларига янги дўстлар топишиди. Қайғулари ҳам бора-бора бироз ҳориган, қари уй мушугидек оқсай бошлаганди. Гулчилик жуда қаттиқ меҳнатни талаб қиласарди. Илья ўзи гул сотиб оладиган Ортшадаги дўконга вақтида улгуриш учун ҳар куни эрталабки тўртда уйгонарди. Кейин у чодирини очиши, ўтиргичлар ва пештахталарни тиклаши, гуллар ва ўсимликлар тўла саватчаларни олдинга териб кўйиши керак. Харидорлар соат тўққиздан кела бошлайди. Илья ҳам кеч соат олтигача шу ерда бўлади. Кейин яна чодирини йигиши, саватчалар, гуллар ва ўсимликларни “Волсваген”ига қайта жойлаши шарт. Саккиз яримда кечки овқатини ейди. Тўққизда кечки янгиликларни кўради. Ўндан ўн беш дақиқа ўтганда эса уйкуга кетади. Ҳафтасига етти кун шундай. Иил бўйи. Танаффусиз. Унинг ҳам бошқалардек ўз ватанига боргиси келади, бироқ Кристина ва болалари қийналишини ўйлаб бу фикридан қайтади. Улар Худо унутган кишлоқда нима ҳам қилишарди? Ҳеч бўлмаса ҳатто бирор ойнаи жаҳон бўлмаса... Шу боис хотини ва болалари Долстандаги Кристинанинг ота-онаси олдига жўнаб кетишиди. Илья эса шаҳарда қоладиган бўлди ва ишларини давом эттириди. У ҳечам чарчамаганмиди? У ҳамиша ҳорғин эди. Майдондаги қўшнилари – “Грек овқатлари” ошхонасидагилар унга Сизиф деб ном кўйиб олишганди. Илья Сизиф ким эканлигини билмасди.

“Худолар охири йўқ меҳнат билан жазолаган бир қайсар. У улкан тошни юқоридаги қоягча думалатиб бориши керак бўлган. Қояга етай деганда, тош пастга кулади. Сизиф эса тошни келган жойидан яна қайта ва қайта тепага қараб думалатаверади”. Бу – охири йўқ машакқат унинг ҳаётига жуда ўхшаш эди. Ҳар куни шу аҳвол, у чодирини ёяди ва яна қайта йигади.

“Ватандошлар” майдонидаги кичик бозор тепасидаги катта соат олти яримда котиб қолган. Бир неча ой олдин тўхтаганига қарамай ҳеч ким соат милларини жойидан қўзғатмади. Ўриндиклардан қорлар ҳам худди болалар келиб конъки учини кутиб тургандек ҳали эримаган. Шарқ томондан фира-шира тонг ёришиб келмоқда эди. Эски пальтоларига ўраниб, текин газеталарни осларига тўшаб олган икки дайди ер ости ойнаванд автомашиналар турар жойининг киришида ётиб олишган. Бу ер у қадар иссиқ бўлмаса-да, аммо ташқаридан кўра анча яхши. Илья уларни икки йилдан бўён танийди. Эллик уч ёшга кирибди. Йшонгиси келмайди.

## Теодор КАЛЛИФАТИДЕС

Сиртдан қараганда анча қари күринади. Соchlары түкілган, бели әгилган, қадам ташлашлари оғир. Касал бўлмаса ҳам вужуди қақшаб оғрийди, юраги симиллади. Лекин Фруэнген шифохонасидаги шифокор ҳар гал текширганда, ундан бирор хасталик аломатини топа олмайди. “Ибодат қилишини камайтири”, деганди у тентак Ильяни мусулмон деб ўйлаб. Умуртқалари шу боис оғрیرмиш.

Негадир бугун ёрдамчилари кечикди. Бу қоидадан ташқари истисно ҳолат эди. Нарсаларни ёлғиз ўзи тушира бошлади. Бир неча дақақадан кейин ишчилардан бири Ганнадан келган, ховлиқмасдан, аммо тез ишлайдиган, ориқ ва узун бўйли ёш йигит кўриниш берди.

– Яссер қаерда? – сўради Илья.

– Билмадим. Эҳтимол буни ўзи ҳам билмаса керак. Яссерни бир муаммоси чиқиб қолибди.

– Кимнинг ташвиши йўқ экан?

Нихоят унинг ўзи ҳам пайдо бўлди. Кўзлари ости қорайган, соқоли олинмаган.

– Қаерда юрибсан? – сўради Илья.

Яссер жавоб бермади.

Катта чодирни тиклаш учун бир ярим соат вақт кетди. Нонушта вақти ҳам бўлиб қолганди.

Майдонда ҳаёт секин-аста жонланаётган вақт. Бояги икки дайди ҳам ташқарига чиқиб олишган. Атрофга қаҳва ҳиди тарқалди. Илья уларни ўтиришга таклиф қилди. Улар ҳеч нарса демасдан қаҳва ичишли. Чиқинди ташувчи машина ҳам ўз доираси бўйича айланиб ўтиб кетди. Кейин ит етаклаб, югуриб юрган ёш қизча кўринди. У Мондос зиналарига оёқларини букиб, чигилини ёзиб олди.

– Эрталаб метрони топа олмадим, – деди Яссен.

Бу янгилик эди.

– Унда қандай етиб келдинг? – қизиқди Илья.

– Кийин бўлмади. Мен қолган жойда метро йўқ эди, – деди Яссен.

Дайдилардан бири ичкарига кириб ўтириб олганди. У ўрнидан туриб, шошилиб қизчанинг олдига борди. Қизчага нима деганини эшитишмади, лекин қиз баланд овозда “қах-қах” уриб кула бошлади.

Кристина ҳам бир марта шундай кулганди. Анча йил олдин. Улар тунда бирга ётишар, эҳтирослари сўниб бўлганди.

– Савдога қараб туринглар, – деди Илья ишчиларига.

– Сен нима қиласан? – бир овоздан хайратланиб сўрашди улар. Ахир шу пайтгача “Нескаффе” дўконига ҳожатга чиқиб келишини айтмаса, Илья иш жойини сира ташлаб кетмасди.

– У нима қилмоқчи ўзи?

– Ҳеч нарса.

У бор-йўғи бироз ёлғиз қолмоқчи эди. Бугун ўша оғир тошни тепаликка қараб думалатмайди.

Қуёш буултлар ортидан бўй кўрсата бошлади. Бундан унинг вужуди эмас, рухи исиётгандек эди. У майдонни айланиб чиқди. “Грек таомлари” ишлаб турибди.

– Хайрли тонг, Гиорге, – деди Илья қувноқ оҳангда.

Гиорге кўзларига ишонмади. У Ильянинг атрофда айланиб юрганини ҳеч қаҷон кўрмаганди.

– Бугун туғилган кунингми?

– Йўқ!

– Нега унда дўконда эмассан?

– Бугун Сизиф дам олади.

Грек ниманидир тушунгандек унга имо қилди.

– Ҳаммаси жойидами? – қизиқди у ҳеч нарсага эътибор бермасдан, чунки узун хоризо оловда пишай деб турганди.

Илья жанубий бекат томонга қараб юра бошлади. Шиша ёдгорлик яна синиб ётганди. Зина поялар сирпанчик бўлгани учун у эҳтиёткорлик билан пастга туша бошлади. Энг пастда турган икки ҳайкалга кўзи тушди ва қизиқсиниб гуруч белгиларига тикилди.

Кейин боф ўртасидаги “Афродита қудуги” фаввораси олдидан чиқиб қолди. Бу жуда мос ном эди. Фаввора якинидан қаралганда, аёл кишининг оёқлари ўртасидаги аъзосига ўхшатиб курилган. Ёз фаслида худди шу ердан сув отилиб чиқади.

У ўз кашфиётидан мамнундек кулиб қўйди. Зина бўйлаб узун шиша ип ўтган, пастда эса бронза парчалари ялтираб турарди. Боғда узоқ вақт қолиш мавриди эмас. Атрофи ўралган бу майдон итлар учун маҳсус дам олиш жойи эди. Юзлаб итлар худди мактаб боғчасидаги каби бу жойда аянчли ҳаёт кечиришган. Унинг бу ердан тезроқ кетгиси келди.

Энди нима қилсин?

Бекор юриш ҳам осон эмас экан. У қаҳвасини ичганди. Яна нимадир қилиши керакмиди?

У ўз дўконини, ишчилари билан бўладиган майда жанжалларни, мижозларини софина бошлаганди.

Тасодифан, ҳаммасига тушуниб етди:

Сизиф тошни тепага қараб мажбуран думалатмаган. Бу ерда тош – ҳаёт рамзи...

Сизиф тошни ўз ихтиёри билан думалатган. Худолар, эҳтимол, буни жазо деб уйлашган. Аслида эса, бунинг тамоман акси. Ўз даврида, балки, унга нисбатан шундай фикрда бўлишгандир.

У шахдам қадамлар ташлаб, “Грек таомлари” ошхонасига кириб борар экан, кўриниши жуда ташвишли эди.

– Ҳали ҳам айланиб юрибсанми? – қизиқди Гиорге.

– Сени ҳам, Сизифингни ҳам жин урсин, – деди Илья.

– Сенга нима бўлди?

– Барча афсоналарингни жин урсин! Биз фақат уларни нотўғри тушунган эканмиз, – давом этди Илья ғазабнок оҳангда ўзини босолмай.

Кейин ўз дўконига қараб тез юриб кетди ва ичкарига киргач жуда ёқимли енгил нафас олди. Бу дўкон, бу гуллар, ҳар куни очиб-ёядиган ва йигиб қўядиган бу чодир унинг ҳаёти эди. Сизифми ёки бошқа, одамлар ўз ҳаётларини елкаларида кўтариб юришлари шарт.

– Бу кисқа танаффусми? – деди Яссен истехзо билан.

– Сен оғзингни очма, барибир буларни тушунмайсан, – деди унга жавобан Илья озгина тетиклантирувчи жанжал умидида ва енгил нафас олди.

### **Швед тилидан Юсуф РАСУЛ таржимаси**



**Юсуф РАСУЛ** – 1971 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини, Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият тузилиши Академиясини тамомлаган. “Кўнгилдаги масофа” китоби нашр этилган.



## **Инсон руҳиятиининг икки талқини**

**Олимжон  
ЖУМАБОЕВ**

Ўзбек насли мунтазам ривожланиб бориши асносида жаҳон ҳикоячилигининг маълум усул ва услубларини, тараққиёттенденцияларини бошдан ўтказди ва шу асосда уларни ўрганиб, ўзлаштириди. Хусусан, кейинги даврда Хуршид Дўстмуҳаммад, Назар Эшонқул ва Исажон Султон каби ёзувчиларнинг асарларида ўзига хос адабий, интеллектуал, фалсафий белгилар ишора – рамзлар учрамоқдаки, бу асар моҳиятини чуқурроқ таҳлил этишга ундейди.

Шу ўринда одам тимсолида Назар Эшонқулнинг “Маймун етаклаган одам” ва Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Қор одам” ҳикоясидаги одам қиёфасига тўхталиб ўтсак.

Назар Эшонқулнинг “Маймун етаклаган одам” ҳикояси бевосита одамнинг одам сифатида ўзини йўқотиши, унинг тубанлашиши, ҳаётнинг чиркин жиҳатларини очишга интилиш борлиги билан ҳам ўзига хос фалсафий маъно-мазмун касб этган. Хусусан, ёзувчи ҳикоя аввалида ровий тилидан қаҳрамон-чолнинг уйини тасвирларкан, унинг ўта ҳашамдорлигини, катта ва маҳобати, аммо тўзғиб ётгани-ю файзиз эканига ургу беради. Хўш, аслида ташқи кўринишидан маҳобатли кўринган уйнинг ичи нечун бунчалик чирик ва бадбўй? Ичи ва сирти гўё нимагадир ишора бермаяптими?

Айрим деталларда “тошлар тилган майдондай хувуллаган” ёки “устун ва ромлари чириган, чиркин ва бадбўй ҳид” моҳиятан ҳою ҳавасга бино қўйган ва ўзлигини бой берган чолнинг бутун ичу ташқи қиёфасини кўрсатаётгандек. Шу боис ёзувчи худди “қор остида қолиб, қаровсизликдан хазонликка юз тутган гулзордан, уйнинг ёғочларидан ва айвонда қалашиб ётган ҳар хил расмлар уюмидан келаётган эди: шалтоқ ҳид” орқали

---

**Олимжон ЖУМАБОЕВ** – 1987 йилда туғилган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг ҳалқаро журналистика факультетини тамомлаган. Унинг “Харсанѓтоши ноласи”, “Бир ўзбек ўйи” қисса ва ҳикоялар тўплами, шунингдек, “Янги журналистика (nonfikshn)” китоби чоп этилган.

ўз нафсининг қулига айланган чолнинг ўтмишига ургу беради. Ахлат солинадиган ундука эса ўтмишнинг бир деталидек кишига таассурот беради. “Хаёлимга бирдан бу ундуқадаги ахлатларни чол умр бўйи сақлаб келган бўлса керак, деган фикр келиб қолди. Хиддан кўнглим айнигудай бўлиб чол ўтирган айвонга йўл олдим”.

Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Қор одами” эса шаҳар шовқинидан безган, хотиржам ва сокин ҳаётни тусаган, ёлғизлик истаган ва қалбининг хукмдори бўлган одамдир.

Албатта, бу орқали ровий ҳикоя қаҳрамонининг қалби, ўй-кечинмалари, ички дунёси ва бу орқали ўтмишини гавдалантиришга уринган. Моҳиятан олиб қарасак, образнинг ичи ва таши (ботинан ва зоҳиран) бир хил бўлади, унинг ичи ҳам ровий тилидан салбий қиёфада тасвиrlанади. Эҳтимол, бу шарқона менталитет таъсиридир. Зоро, ҳалқимиз тилида “Рангини кўр, ҳолини сўр”, каби мақоллар учраши сабаби ҳам айнан инсоннинг юзи унинг қалбини акс эттиради, деган тушунчага ҳамоҳангдир.

“У қобоқлари солик, соқоли кирилмаган, бир пайтлар семиз бўлган, ажинлар тарам-тарам қилиб ташлаган, кўримсиз юзи баджаҳл маъбудларнинг ҳайкалига ўхшаб кетар, унга қараган одамнинг юраги ноxуш бир ҳисдан орқага тортар эди”.

“Маймун етаклаган одам” да маймун ва одам образи бир-бирига қарама-қарши зидланса, “Қор одам” да шовқин ва осойишталик, алғов-далғов ва сокинлик ўзаро контраст тарзда қўлланилади.

Ҳикояларда асосан қаҳрамонлар ёзувчининг ўзи бўлади. Ўзининг айни бир пайтдаги ҳолати ва характеристидан келиб ижод қиласди. Яшаган даври, муҳит ҳам ҳикоя қаҳрамонлари ҳолатини белгилайди. Ижодкор ўз қарашини асарига сингдиришга ҳаракат қиласди. Ундан композицион (образ, характер, сюжет – кульминация, тугун, экспозиция) маҳорат талаб этилади, холос: “Ҳар бир воқеа ва персонажга асарда факат зарурӣ жойни бериш, баёнда эзмаликка йўл қўймаслик, сюжетнинг етарли суръатда ривожланишига ва “туроқ” эпизодларининг бўлмаслигига ҳаракат этиш композицион маҳорат намуналаридандир”.

Адабиётшунос олим Умарали Норматовнинг “Умидбахш тамойиллар” китобида, адабнинг “Маймун етаклаган одам” ҳикояси ҳақида сўз юритаркан, “Назар Эшонқул кейинги олти-етти йил мобайнида ёзган талай ҳикояларида асосан ўша асардаги ғояни турли кўринишларда давом эттиреди, маънисиз ўтган умр манзаралари таҳлили билан банд бўлди”, дейди, шунинг баробарида, “ўзбек ҳикоячилигига янги даврни бошлади”, дея унга юксак баҳо беради.

Замонавий ўзбек насрода ушбу ҳикоядан кейин яратилган кўплаб асарлар ҳам бевосита ва билвосита воеани кўрсатиш баробарида инсон онгидаги ўзгариш ва янгиланишларни бор-борича таҳлилга тортади. Шу маънода айтиш мумкинки, “Қор одам” ҳикояси тўғрисида адабиётшунос олим Баҳодир Каримов алоҳида тўхталиб ўтаркан, унинг “шовқин ва сокинлик” ўртасидаги акслантириш эканини қайд этиб ўтади. Бизнингча, ушбу ҳикоя замирида инсоннинг якка ёлғиз яшай олмаслигига бир ишора бордек. Зоро, қаҳрамон бор эътиборини гарчи шаҳарнинг четидаги бир

## **Олимжон ЖУМАБОЕВ**

хилватда яшаса-да, қалбан одамлар олдига талпинаверади. Ўзининг қалбини ҳов наридаги одамлар орасида кўриб, уларга яқин яшашга тутинади.

Аслини олганда, Назар Эшонқул “Миллий тикланиш” газетасида чоп этилган сұхбат чоғида шундай деганди: “Менга: “Одам ўз умрининг рассоми, ҳар ким қандай яшаса, шундай сурат чизади, кунларни, умрни, умрнинг фаслларини чизади”. Эҳтимол, Назар Эшонқул қаҳрамони рассом қиёфасида ҳам умр картинасини чизгандир. Чунки айнан чолнинг бирор бир нуқтада исми, шаърифи келтирилмаган. Фақат унинг қиёфаси бор. Фақат қиёфа орқали ижтимоий муносабатлар, чиркин оқибат ва хulosалар кўрсатиб берилган.

“Қор одам” эса бирорвнинг сўзига кириб, ёлғизлик ва сокинлик истаган ёлғиз одам. Аммо у ҳам ҳеч шубҳасиз, одамлар билан яшашга ва якка эмас, улар билан биргаликда баҳтли бўлишига ичдан амин бўлган. Яъни, соқолли киши олис-олисдан энтикиб одамлар орасига қайтгиси келади. Уларнинг овозига кулоқ солади. Шунинг баробарида “олис-олисларга термилиб пичирлади, хўрсинади”.

Шу маънода ҳикоя қаҳрамонларининг ёлғизлиги ва биқиқ мухитда ҳаёт кечириши, ўзининг жамиятдан айрилиб, алоҳида яшашга маҳкум этилиши ҳам бевосита умрнинг бемақсад сарфлангани билан изоҳланса керак.

Рус тадқиқотчиси Константин Паустовский таъбирича, “Ёзувчилик хунар ва машғулот эмас”. Демак, суратдаги айрим унсурларга қараб, унда адиднинг қалби, дунёқараши ва ижтимоий жараёнларга нисбатан фикри ўз аксини топган, дейиш мумкин.

Умуман олганда, икки ҳикоя ҳам инсон руҳиятини очиш, ўтмишни бир қадар ёрқин ифодалаш ва келажакни ўтмиш билан боғлаш каби тушанчаларни ўзида ифодалагани билан ҳам бир-бирига яқиндир. Одам ҳикоя қаҳрамони эмас, балки ижтимоий ҳаётнинг мухим элементи сифатида бўй кўрсатиб, жамиятдаги турли қатламлар ва кишиларнинг табиатини очишга ҳам хизмат қилган.

# Биографик лавҳалар ва сайёр образлар



Абдунаби  
ТҮЙЧИЕВ

Ёзуви асарларини ўқир экансиз, воқеа-ходисалар, асар иштирокчилари таниш туолади. Олдинги асаридаги образни яна учратасиз, гёё бу қаҳрамонлар бир-бирини тўлдириб боради. Яхши асар марказида бор бўю-басти билан инсон ва унинг руҳий дунёси, ҳаётий фаолияти тасвири туради. Умуман олганда ҳам, бадий асарнинг яратилиш тарихи жуда мураккаб жараёндир. Аввало, ёзувчида асар ёзиш фикри туғилади, яъни асарнинг яратилишига ижодкор учун бирор воқеа туртки бўлади. Асар ёзиш гояси туғилгач, ёзувчи ўз асари учун материаллар тўплайди. Ҳаёлида асар воқеалари кечадиган жараённи ва қаҳрамонлари хатти-ҳаракатини пишитади, ўйланади. Ёзувчи ижоди ўрганилганда у яшаган давр, ўша давр билан боғлиқ бўлган ижтимоий-сиёсий зиддиятлар, ижодкор яшаган мухитдан келиб баҳо берилиши керак.

“Бадий асар – хоҳ у лирика, хоҳ наср, хоҳ драма бўлсин – ёзувчининг ижод маҳсулни. Фарзанд ота-онага ўҳшамаслиги мумкин эмас. Бадий асар талқин, таҳлил қилингандан, табиийки, ёзувчининг руҳий ҳолати, кайфияти ҳисобга олинади. Адабиётшуносликда бадий асарни талқин этишда ёзувчи руҳияти, кайфияти – ҳолатини ўрганувчи соҳа бор. Уни биографик метод ёхуд бадий асарга ёзувчи ҳолати нуқтаи назаридан ёндашиш дейилади”.

Албатта, ҳар қандай ёзувчи ижодида уни ўраб турган олам мухим ўрин тутади. Адаб ижоди ўрганилганда факат асарининг ўзигина эмас, балки у яшаган мухит, яшаш шароити, кундалик ҳаёти, ички дунёсига ҳам аҳамият бериш лозим. Ёзувчидаги ўзгарувчан хусусият қаҳрамонлари характеристида акс этади. “Ёзувчи психиобиографияси кайсиидир маънода унинг бадий асарларидаги воқеа-ходисалар баёни, яратган образлари тизимида ўз ифодасини топади. Бундай индивидуаллик санъат асарининг оригиналлигини, ўзига хос хусусиятларни намоён қиласди. Ёзувчи ҳаётидаги ўзгаришлар, бесаранжомлик, безовталиқ, руҳий-хиссий кечинмалар, тўлқинланиш ва оғрикли дардлар, муаллақ ёки сабит дунёкараш фонида унинг бадий асарларини талқин этиш ўзининг ижобий самараларини бериши табиий”.

Ёзувчи ижодини унинг ҳаётий тажрибалари ифодаси сифатида ўрганиш усули биографик метод ҳисобланади. “Биографик метод бадий асарни муаллифининг ҳаёт йўли контекстида ўрганишни назарда тутади. Зоро, бадий асарда ижодкор шахсияти аксланади, шундай экан, унинг кўп кирралари муаллиф биографияси контекстида англашилади. Бошқача айтганда, биографик метод асарга муаллиф юклаган мазмунни англашда етакчи аҳамият касб этади”.

Албатта, ўзбек адабиётида автобиографик характердаги асарлар талайгина.

**Абдунаби ТҮЙЧИЕВ** – филология фанлари бўйича фалсафа доктори (*PhD*). 1972 йилда тугилган. Гулистан давлат университети ўзбек тили адабиёти факультетини тамомлаган. Мақолалари республика ва хориж матбуотида чоп этилган.

## Абдунаби ТҮЙЧИЕВ

Садриддин Айнийнинг “Эски мактаб”,Faфур Гуломнинг “Шум бола”, Ойбекнинг “Болалик”, Назир Сафаровнинг “Кўрган кечиргандарим”, Абдулла Қаҳдорнинг “Ўтмишдан эртаклар”, Парда Турсуннинг “Ҳақ йўл”, “Ўқитувчининг йўли” ва бошқа қатор асарларда ҳам ёзувчи ҳаётига таалуқли факторлар кўплаб учрайди.

Атокли ўзбек адаби Нурали Қобулнинг ижодини кузатган, мунтазам ўқиб борган китобхон ўхшаш ва турфа тақдирларга дуч келади. Бу асарларнинг кўпি автобиографик хусусиятга эга бўлгани учун ёзувчи умри давомида учратган, билган ёки эшитган воқеа-ҳодисаларни ўрни билан ўз асарига киритади. Адаб асарлари биографик материал (ёзувчи ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ деталлар, хужжатлар, у яшаган мухит ва шу мухит кишилари билан ўзаро алоқалари ҳақидаги маълумотлар, хотиралар ва бошқаларга бойлиги билан ажралиб туради.

Ёзувчининг таржимаи ҳолидан маълумки, у “романтик туйғулар” таъсирида “Куй ва қўшиқлардаги гўзал Фарғонага” ўқишга боради: “1968 йили ўқишга кириш ниятида отам билан Фарғонага бордик. Рости гап, мени бу ерга романтик туйғулар ҳамда куй ва қўшиқлардаги гўзал Фарғонанинг мадҳи етаклаб келганди. Чойхонада нуроний бир отахон билан танишиб, сухбатлашиб қолдик. “Эҳ болам, – деди отахон дамсар уриб, ички бир дард билан. – Фарғона, билсаларинг – Фарғона, билмасаларинг – ғамхона...” Сўнгра отахоннинг кўзи жиққа ёшга тўлди”, дейди Нурали Қобул ўша дамларни эслаб.

Ёзувчи Фарғона билан боғлиқ хотирасида эслаган бу воқеани кейинчалик ёзган “Қулон кудукка куласа” номли қиссасида бош қаҳрамон Нурмалик томонидан кўйидагича тасвирлайди: “Бу галги сухбатдошим қорачадан келган, зуваласи пишиқ, бароқ қошли, арабкелбатли сўхлик Озодкул бобо эди.

– Мани Сўхда Озод Қоратожик ҳам дейдил, ўғлим, – гурунг берарди оқсоқол сўхликларга хос лаҗжада сўзларни чўзиброк.

– Бо Парғона билсангиз Парғона, билмасангиз ғамфона ўғлим... Бизди Сўхга боринг. Чўнгарани девзирасига ош қилиб бераман”.

Бўлажак ёзувчи Фарғона давлат педагогика институтининг (ҳозирги ФарДУ) тарих факультетида сиртдан таҳсил олади. Ижодкор ўша вактдаги қалб кечинмаларини, юқорида таъкидлаганимиздек, кейинчалик асарларида тасвирлайди. Адабнинг “Қулон кудукка куласа” қиссасида тасвирланишича, бош қаҳрамон Нурмалик педагогика институтининг тарих факультетига ўқишга киролмайди. Қабул комиссиясида қорачадан келган, бодомқовоқ, ёқимли Марғилон лаҗжасида сўзловчи Сабоҳат (Сабо) исмли қиз билан танишади. Улар кейинги йил сиртқи бўлимга бирга ўқишга киришади. Адабнинг “Яшаш учун кечикма” (китоб вариантида “Яшашга кечикма”) қиссасида ҳам шунга ўхшаш ҳолат тасвирланган. Асарнинг бош қаҳрамони Нурилла педагогика институтининг тарих факультетига ўқишга киролмайди. Лекин “қалбини нурлантариб турган ажойиб инсон” – Сабони учратади. “Унинг сал дардчил ва ҳазин овози сокин тараляётган кўйга ўхшайди. Ҳамма унга ҳавас, меҳр-муҳабbat ва умид билан боқади”. Улар кейинги йил сиртқи бўлимга бирга ўқишга киришади.

Биринчи йил ўқишга киролмаган бўлажак адаб мактабда ишлайди. “Қулон кудукка куласа” қиссасида тасвирланишича, бош қаҳрамон Нурмалик янги йилгача чўпонларга ёрдам беради. Биринчи январдан мактабга пионервожатий штати берилади ва шу лавозимда саксон етти сўм маош билан иш бошлайди. Биринчи маошини “районодагилар йўл ҳаражати учун” олиб қолишади. “Яшашга кечикма” қиссасида ҳам бош қаҳрамон Нурилла дастлаб пахта йигим-терим мавсумида ишчиларга ёрдам беради. Кейин қишлоғидаги саккиз йиллик мактабга пионервожатий штати берилгандан кейин мактабга ишга ўтади. Унинг ҳам дастлабки маошини “районодагилар йўл ҳаражати учун” олиб қолишгани учун ойлигини олмайди. (Шуни таъкидлаш керакки, ҳар икки асарда ҳам ҳалқ таълими бўлимидағи бу иллат қаҳрамонлар томонидан кескин қораланади.)

Нурали Қобул ижодида мухим ўрин тутган, адабнинг кўрган-кечиргандарни, эшитган-билганлари битилган “Унутилган соҳиллар” романида ҳам шунга яқин тафсилот Нурзод томонидан берилган: “Бир амаллаб сиртдан ўқишга кирганимда ҳам Раббим аканинг ёнида кўй боқардим... Кўп ўтмай қишлоғимиздаги саккиз йиллик мактабга пионервожатий бўлиб ишга ўтдим ва ўзимни бирдан улгайиб қолгандек ҳис эта

бошладим. Шаҳарда интернатда ўнинчини битирганим учун болаларнинг кўзига худди катта шаҳарларда институтни битириб келган ўқитувчикдек туулардим, шекилли, унчамунча муаллимнинг гапига қулоқ солмайдиган ўқувчилар мен билан ҳисоблашарди. Ундан ташқари шу пайтгача мактабга пионервожатий штати берилмаган бўлиб, бу ловозимдаги кишига болалар директор ва илмий бўлим мудири каби алоҳида хурмат билан қарашарди”.

Ёзувчининг ўзи бу ҳақида “Мен ҳам мактабда пионервожатий, ўқитувчи бўлиб ишлаганман”, дейди. “Дастлаб пионервожатий бўлғанман. Сиртдан ўқиганим учун иш фаолиятимни жуда эрта бошлашга тўғри келган. Катта синф ўқувчилари орасида мен билан ёши тенг болалар ҳам бор эди. Сўнгра бошланғич синфларга рус тилидан, ўрта синфларга тарих ва юқори синфларга анорганик ҳамда органик химиядан дарс берардим. Ёш бўлғаним туфайли болаларга мени катта ёшли ўқитувчилардек қабул килинг, дегандек харакат қилишни хаёлга ҳам келтирмас эдим”. Шунингдек, бу мавзу ёзувчининг “Суикасаддан сўнгти сукут...” роман-памфлетида ҳам ёритилган: “Фаргона давлат университети тарих факультетининг кундузги бўлимига кира олмай сиртдан ўқиганлигим учун мактабда пионервожатий, ўқитувчи, Бахмал район ва вилоят газеталарида ишлаб тузуккина тажрибага эга эдим”.

Умуман олганда, шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, Нурмалик, Нурилла, Нурзодларнинг хатти-харакатида ўсмир Нуралининг (таъкид бизники – А.Т.) фаолияти акс этган. “Нурали Қобул асл ўсмирлик йиллари ҳаётидан алоҳида асар яратмаган. Аммо унинг деярли кўпчилик китобларида ёшлик давридаги беғубор дамлари қандайдир даражада акс этганлигини пайқаш қийин эмас”, деб ёзди ёзувчи билан яқиндан таниш бўлган адабиётшунос Жовли Хушбоқ.

Биз юқорида “Кулон кuduққа қуласа” қиссасида бош қаҳрамон Нурмалик янги йилгача чўпонларга ёрдам бергани ҳақида ёзгандик. Аслида ҳам ёзувчи ҳаётида шундай бўлган: “Мен бироз муддат чўпонлик ҳам килганман. Бироқ ўша пайтда (сиртдан ўқирдим) курсдошларимдан чўпонлик қилаётганлигимни яширадим. Энди билсан, ҳаётимнинг энг покиза даври ўша пайтлар бўлган экан...”

Бу фикримизга “Тубсиз осмон” қиссасининг ёзилиш тарихи ҳақида муаллифнинг айтганлари ҳам асос бўла олади: “Тубсиз осмон” воқеалари қишлоғимиздаги саккиз йиллик мактабга пионервожатий штати берилишини кутиб, бир муддат чўпон бўлиб ишлаганимдаги даврdir. Бош чўпон, аммамнинг ўғли Раббим Отабеков тўқайни бирма-бир кезиб, ёввойилашиб кетган ўнтacha итни отиб чиққани ҳамон кўз олдимда”. Шунингдек, яна бир қанча асарларида Раббим чўпон образини (“Кулон кuduққа қуласа”, “Унутилган соҳиллар”, “Дала йўли”, “Тубсиз осмон”) учратиш мумкин.

Нурали Қобул ижодига хос бўлган яна бир муҳим хусусият шуки, ёзувчи асарларида сайёр образларни учратиш мумкин. Гарчи, ўзбек насирида бир ижодкорнинг турли жанрдаги асарларида тизимли равишда сайёр образларнинг қатнашиши кам учрасада, жаҳон адабиётида бу амалиётни кузатишимиz мумкин. Бир неча образларнинг асардан асарга ўтиши, ёзувчининг бошқа асарларида ҳам келиши дунё адабиётида ҳам учрайдиган ҳодисадир. Баъзи асарларда асардан асарга кўчиб юрадиган қаҳрамонлар – сайёр образлар бўлади. Хусусан, француз адаби Оноре де Бальзак ижодида Горио ота, Гобсек, Ростиняк, Нусинген каби образлар бир асарида бош қаҳрамон бўлса, кейинги асарларида персонаж сифатида қатнашади. Унинг ижодини тадқиқ қилган Андре Моруа бу ҳодисани кўйидагича шарҳлади: “Унинг асарларида иштирок этувчи шахслар врачлар, ҳуқуқшунослар, давлат арбоблари, савдогарлар, судхўрлар, зодагон аёлар, сатанглар бўлиб, улар жиллардан жилларга кўчиб юришади. Бу эса Бальзак яратган оламнинг қабариқроқ ва ишончлироқ бўлишини таъминлайди”. Ануре Моруа бу тизим ҳамда китобдан китобга кўчиб юрувчи персонажлар тўғрисидаги ният шу усулини қўллаган Фенимор Купер ижодининг таъсирида пайдо бўлганлигини тахмин қиласди. Растињяк, Вотрен, Пеър каби адабий қаҳрамонлар хатти-харакатида асар муаллифи Бальзакнинг ўзини кўради.

Катта ҳажмдаги насрый асарларда (дилогия, трилогия ва ҳоказо) сайёр образлар бўлиши табиий ҳол. Мазкур образлар романларнинг ўзаро ички узвийлигини

## Абдунаби ТҮЙЧИЕВ

татьминлайди. Лекин, сайёр образларнинг турли жанрдаги асарларда келиши тадқиқ қилишга арзирли ҳодисадир. Бундай ҳолатни кейинги авлод вакиллари, хусусан Луқмон Бўрихон ижодида ҳам кўришимиз мумкин. Адиб асарларида Самад Дўланов (“Жазирамадаги одамлар”, “Чўлдан келган ташвиш”); Мулла Мирза (“Жазирамадаги одамлар”, “Қуёш ҳали ботмаган”, “Хизр кўрган йигит”); Қалконов муаллим (“Сирли муаллим”, “Жазирамадаги одамлар”); Моҳигул (“Жазирамадаги одамлар”, “Сирли муаллим”); Қоржов (“Сирли муаллим”, “Хизр кўрган йигит”); Улаш аграном (“Жазирамадаги одамлар”, “Сирли муаллим”, “Чўлдан келган ташвиш”); Умрзоқов Ўрок (“Жазирамадаги одамлар”, “Сирли муаллим”); Ҳусан (“Жазирамадаги одамлар”, “Хизр кўрган йигит”); Тўлқин (“Жазирамадаги одамлар”, “Токчадаги тумор”); Шунқор Ҳобил, Сафармурод чавандоз сингари образларга яна дуч келамиз. Умуман олганда, адид ижодида ўндан ортиқ бундай миграцион образлар учрайди.

Юкорида таъкидлаганимиздек, Нурали Қобул ижодида ҳам асардан асарга ўтувчи сайёр образлар мавжуд. Муаллиф “Умр соҳиллари” ҳикоясида ўз қаҳрамонларини “Қалбимизга яқин одамлар” дейди. Ёзувчининг асарларини ўқиётган китобхон олдинги асарида учратган манзаралар, жойлар, воқеа-ҳодисалар ва таниш қиёфаларга яна дуч келади. “У қишлоқ одамлари ҳаётини, тоғлардаги гўзал манзараларни моҳирлик билан бера оладиган ёзувчилардан. Булар ҳақида у мароқ билан ёзишига бир неча марта гувоҳ бўлганмиз. Чунки адид тоғликларнинг ўй-фикрларини, умуман, руҳиятини яхши билади”, деб ёзиди адібнинг ижоди билан яхши таниш бўлган адабиётшунос Умрзоқ Ўлжабоев. Дарҳақиқат, муаллиф билан мuloқot жараённида санаб ўтилган ушбу воқеа-ҳодисалар, шахслар ҳаётда ҳақиқатдан бўлганлиги, улар ўрнига асарида бошқа тўқима қаҳрамонларни тасаввур этолмаслиги ва тасвирлай олмаслигини, бу ҳолат кейинчалик ёзган асарларида акс этганини таъкидлади. Адиб асарлари мутолааси жараённида Шодмонқул аравакаш (“Дўстмурод бобо”, “Озор”, “Унутилган соҳиллар”); Дўм Шодмон ўрис (“Кечиккан турналар”, “Сангзор”, “Унутилган соҳиллар”, “Суикасаддан сўнгги сукут ёхуд...”); Уста этикдўз Ҳамза бобо (“Умр соҳиллари”, “Кечиккан турналар”, “Сангзор”); Тоғвой чўпон (“Кечиккан турналар”, “Тантанадан кейинги кун”, “Бўри ови” (Тоғбеги)); Пардавой (“Сарик қизлар”, “Озор”, “Янги қор ёққан кун”); монтёр Абдурасул Раҳматуллаев (“Умр соҳиллари”, “Кечиккан турналар”); Узок чўпон (“Кечиккан турналар”, “Унутилган соҳиллар”); Дўстмурод бобо (“Дўстмурод бобо”, “Салом, тоғлар!”); Эргаш (“Оқ капитарлар”, “Дўстмурод бобо”); Ёмонқул бобо (“Сангзор”, “Салом, тоғлар!”, “Суикасаддан сўнгги сукут ёхуд...”); Ойбуви опа (“Мен ҳаммани севаман”, “Сангзор”); Исмоил бобо (“Оқ капитарлар”, “Умр соҳиллари”); Нозик момо (“Салом, тоғлар!”, “Озор”); Сайдмурод aka (“Бемор”, “Қайтиш”) сингари таниш бўлиб қолган, синашта ва қадрдон инсонларга – образларга яна дуч келамиз. “Кўрган ва доимо мулокотда бўладиган одамлар ҳакида ёзман”, дейди адид.

Адиб асарларида воқеалар тасвири ва баёнидан ташқари яна ёзувчининг ўз қаҳрамонлари ҳақидаги мулҳозазалари, воқеалар ҳақидаги кечинмаларини ҳам учратамиз. Ёзувчи ижодий лабораторияси билан таништанимизда, бу асарларни қиёсий ўрганиш орқали улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва мутаносибликни сезишимиз мумкин. Биз қиёслаган бу битиклар ҳар хил жанрларда ва ҳар хил вақтларда, турли манбаларда ёзилган. Бу манбалар асар генезиси (яратилишига туртки бўлган омиллар, образлар ва сюжет чизиқларининг реал илдизлари, унда ифодаланган ғоялар моҳияти)ни ўрганиш имконини беради. Адиб асарларининг мавзу кўлами ва образлар табиати ўзига хос ижодининг самарасидир.

Нурали Қобул асарларида Бахмал тоғлари, шу юртда униб-ўсган одамларнинг қиёфаси, уларнинг орзу-умидлари, дарду ҳасратлари, кувонч ва изтироблари тасвири бор. Ёзувчи ўзига хос феъл-атворли, ҳаётий образлар тизимини бунёд этди. У ўзи билган одамларни асарларида кўришни истайди.

Ёзувчининг адабиётда ўз мавзуси ва қаҳрамонлари бор. Ўз қаҳрамонлари қиёфаларини аниқ гавдалантира олган адид ўзига хос образлар галареясини яратган.

## Сатрларда Тошкент тафти



Тұлқин  
ЭШБЕК

Жумлаи жаҳонда ўхшаши йўқ кўхна ва ҳамиша навқирон Тошкент Абдулла Қодирий,Faфур Гулом, Ойбек ёзган сатрларда ўзгача меҳр билан тасвир этилди. “Ўткан қунлар”, “Шум бола”, “Қутлуғ қон”, “Болалик” асарлари ўзбек миллий адабиётига Тошкент нафасини олиб кирди, шаҳарнинг кўплар илгамайдиган тафтини, ўзгача иссиқ истарасини кўрсатиб берди.

Шаҳримизда мавзулар “қайнарбулоқ”дан зиёдроқ бўлса-да, кейинги йилларда Тошкент нафаси адабиётимизда анча камёб бўлиб қолган эди. Истеъдодли адаба Рисолат Ҳайдарова айнан биз соғинган Тошкент нафасини, таъбир жоиз бўлса, унинг руҳини ўзига хос маҳорат билан ўзбек замонавий насрига олиб кирди.

Адибанинг қатор асарларида она шаҳримиз атрофлича тасвирланган, энг эътиборли жиҳати, шу қунга қадар бу замин аёлларининг пинҳон бўлган портретларига ажиб чизгилар тортилгани ўқувчидаги катта қизиқиш уйғотади.

Пойтахт мақомига эга бўлганига яраша шаҳримизнинг адабий, илмий, маънавий-маърифий, ҳатто, бозор-ўчар мухити ўзига яраша. Бу шаҳарда умргузаронлик килаётган замондошларимизнинг феъли-атвори, маънавий олами ҳам ўзгача.

Рисолатхон илк қиссаси – “Мағрура”нинг бошиданоқ қаҳрамон қайфиятига уйғун тарзда Тошкент картинасини чиза боради. Қишининг қора совуғидан жунжиккан, қорни – оқлиқни кутиб қийналётган хиёбон ва қаҳрамон ҳаётидаги бир тусда ўтаётган қунлар, изтироб билан йиглаб бораётган бош қаҳрамон ва унга бепарво, чироқларини ёқаётган шаҳар тасвири ўқувчини қисса руҳига олиб кириб кетади.

Мағрура – бугунги кунимиз қаҳрамони, бизнинг атрофимизда биз билан бир ҳаводан нафас олиб яшаётган қизларнинг типик вакили. Одамнинг тасаввурлари

**Тұлқин ЭШБЕК** – “Дўстлик” ордени билан мукофотланган. 1963 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (хозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. Унинг “Таҳририят ишини ташкил этиши”, “ОАВда реклама санъати”, “Ахборот хизмати: ишилаш усуллари ва тамошлари”, “Мағкура майдонида ахборот-психологик хавфсизлик”, “Ахборот-психологик хавфсизлик: назария ва амалиёт” ўқув қўлланмалари, ҳаммуалифликда “Жаҳон журналистикаси тарихи”, “Очиқ ахборот тизимларида ахборот-психологик хавфсизлик” дарсларлари ва “Журналистика, маънавият, жсамият” рисоласи, “Жигарбандолар”, “Шабада эсган кун”, “Қишлоқлик бола қиссаси”, “Жайдари ҳангомалар”, “Адаиган қиз қисмати”, “Ҳаёт карвонлари”, “Икки аср одами”, “Коррупциясиз ҳаёт завқи” насрий тўпламлари чоп этилган.

билин ҳақиқий ҳаёт ўртасидаги тафовутларнинг улканлиги, орзуларнинг чил-чил синиши шунга олиб келадики, одам энди ҳаёт оқимига тушиб олиб, тинчгина оқиб кетаверади. Магрура ҳам ҳаёт оқимига тушган, кунлари бир хилда ўтиб бораётган, эртанги куни мавхум бўлиб қолаётган қиз эди. Бир-бирига ўхшаш хира, совуқ кунларнинг бирида баҳор дараги етиб келади. Бу – муҳаббат эди.

Мазкур қисса кўп жиҳатлари билан ўрнашиб қолган стереотипларга қарши чиқади. Булар асарнинг формасидан тортиб, концептгача, тугун, кульминациядан тортиб, ечимгача, ҳатто қаҳрамонларнинг потрети ва ҳарактерининг уйгунилтида ҳам стереотипларни бузишга бўлган уринишни кўрамиз.

Асарда воқеаларнинг параллел ривожлантириб борилиши, яъни Магрурани изтиробли қишига олиб келган ёз воқеалари билан қора совуқ ачитган қиши пайтларида кечәётган ҳодисалар ёнма-ён тасвиirlаб борилади.

Магрура – жуда чиройли қиз, лекин адабиётимизда шу кунларгача тасвиirlаб келинаётган гўзалларга умуман ўхшамайди. У йигитларда ҳам кам учрайдиган тарзда бир сўзли, тутган жойини кесадиган, сўзи билан иши бир бўлган, орияти баланд қиз. Қисқаси, у – исми жисмига мос қаҳрамон. Шунинг учун ҳам унинг тенги топилмаган. Ҳолбуки, унга ошиқ бўлғанлар кўп.

Нихоят, изғиринли кунларнинг бирида ҳаётига Хуршид Усмонов кириб келади. Лекин бу одам Мағруранинг тенги бўла оладими?

Тошкент шундай бир шаҳарки, ўз мақомига кўра, мамлакатнинг турли чеккаларидан илм, омад, баҳт, бойлик, нуфуз орзусида келган кишиларни ўз ниятлари ва мақсадларига элтадиган йўлни очиб беради. Шоирлик шуҳрати орзусида довон ошиб келган Музаффар Илҳом, билим олиш учун келиб, ўз муҳаббатини топган Назирахон ва Соҳибжон, илм йўлида университет тупрогини ялаб юрган ёш олим Баҳтиёр... Ўқувчи бу одамларни турли вазиятларда учратади, уларнинг гап-сўzlари, ишларига гувоҳ бўлади.

Қиссани баҳт ҳақидаги баҳс дейишмумкин. Аёлнинг баҳт ҳақидаги тасаввурлари асарда Лобар, Магрура ва Назира опа мисолида очиб берилади. Баҳтга интилган қиз – Магрура кеннойиси Лобар ва ҳамкаси Назира опанинг баҳтли турмушини кўриб, уларга ҳавас қиласди. “Кеннойимга ўзини ҳеч иккиланмай бирорвга фидо этиб юборишдек тақдир насиб қилганди. Назира опага эса ўз йўлдоши билан бир умр ҳамқадам яшашдек ҳаёт буорганди. Иккови ҳам шундай умрдан рози эди”, деб ўйлайди Магрура. Лекин тушунадики, уларнинг ҳеч бирига ўхшай олмайди. “Мен кеннойимга ҳавас қиласдим. Лекин унга ўхшай олмаслигимни билардим. Мен Назира опага ҳам ҳавас қиласдим. Бироқ (ажабо!) унга ҳам ўхшай олмаслигимни сезардим”, дейди кейин.

Дарҳақиқат, баҳт ўзи нима? Ҳайратланарлisisи шундаки, бу саволга аниқ жавоб йўқ. Лекин ҳамма унга интилади.

“Магрура” “Шарқ юлдузи” журналида босилган 2005 йилдан бери ўтган вақт мобайнида ўкувчилар Рисолатдан талайгина кутилмаган ҳикоялар, қисса ва роман қабул қилиб олишди.

Аёллар оламининг сирли, жумбоқли суратлари адабанинг “Жавзо” тарихий романида, “Карантин” қисссасида, “Фургуртепада саратон” ҳикоялар туркуми, “Себзор” эссеси, “Қурбон ҳайити”, “Дараҳт мева тукканда” ва бошқа қатор ҳикояларида акс этди, бу асарларда яна Тошкентнинг бетакрор нафаси ва руҳи кўринди.

“Жавзо” романида Тошкентнинг мана шундай таърифини учратамиз: “Жонибек Султон қайнотаси унга Тошкандни инъом этишидан умид қиласди. Чунки бу шаҳар унга аввалдан ёқар эди. У узоқ йили Султон Маҳмудхон олдига элчи қилиб жўнатилганда Тошкандни биринчи марта қўрган, шаҳар атрофидаги Бодомзор,

Оқтепа боғлари, айниқса, Кайковуснинг кўм-кўк сувлари, Лабзакнинг суви қорамтири анҳори, Кўштугдаги дараҳтзорларга мафтун бўлганди. “Дилбар шаҳар, – деб ўйлаганди Жонибек Султон, – Тошканд ҳакиқатан ҳам дилбар шаҳар”. Йўқ, Тошканд у аввал кўрган шаҳарларнинг биронтасига ўхшамайди. Самарқанднинг салобати, Бухоронинг маҳобати, Ҳиротнинг муаззамлиги, Кешнинг жозибаси, Андижоннинг сўлимлиги бир тараф, Тошканднинг латифлиги бир тараф”.

Рисолат ҳар бир асарида ўз ижодий концепциясига содик қолади. Унинг назарида ўзбек аёли – жаҳон адабиёти мезонлари даражасида таҳлил қилинишга муносиб образ. Ўзбек аёлини факатгина битта ўлчамда – майшийлик доирасида тасвирлаш, адабининг назаридаadolатсизликдир. Ўзбек аёли жамиятни ўзгартира оладиган кудратга эга, у ижтимоий масалаларда ҳамиша ўткир, шу жихатдан унинг даражаси майшийликдан ниҳоятда баландда туради.

2020 йилда эълон қилиниб, адабий доираларда, адабиёт муҳлисларида катта қизиқиш уйғотган кейинги қиссаси – “Карантин”да ҳам адiba мана шу концепциясига содик қолган. “Карантин” қиссаси бош қаҳрамони – Малика жамиятда муносиб ўрин эгаллаган, меҳнати, ақл-идроқи билан эътироф топган раҳбар аёл. У коронавирус сабаб бутун дунё бошига тушган катта ташвиш – карантин баҳона кунига йигирма тўрт соатлаб уйи, оиласи даврасида қолади. Карантин унга ўз ҳаётига янгидан назар ташлаб чиқишига, ўзининг мақсадларига, ниятларига ва интилишларига янгидан баҳо беришга имкон яратади. Ижтимоий ҳаёт ҳеч бир вакт инсон ҳаётини четлаб ўтмаган, инсон жамият аъзоси бўлгач, атрофда рўй берәётган сиёсий, ижтимоий ҳар бир воқеа ва ҳодиса унга таъсир этади, ўз хукмини ўтказади. Шу жихатдан карантин ҳам.

Гарчи коронавирус дунёнинг нариги чеккасида “туғилган” бўлса-да, унинг таъсири бутун ер юзига ёйилгач, тинч Тошкентда осойишта яшаётган оиласа кечеётган турмушни ҳам бошқа томонга буриб юборади. Карантин инсоннинг бор сийратини очиб ташлайди, у жамиятни синовдан ўтказади, саракни саракка, пучакни пучакка ажратади. Ҳамма ҳам яшаш учун курашади. Лекин бу кураш ниманинг ҳисобига кечади?

Ва яна албатта, қаҳрамоннинг кайфияти билан баравар нафас олаётган Тошкент қиёфаси чизилади.

Баҳорини карантинда ўтказаётган Тошкентнинг қиёфаси бу сафар энди деразалар орқали ташланган назарда кўринади. Тошкент аҳли атрофга факат деразалар орқали қарайди, шаҳар портрети дераза орқали чизилади. Бу – ўзига хос топилма бўлиб, қиссани оригинал шакл билан таъминлаган.

Карантин Тошкент қиёфасини ўзгартириб юборади, одамлар қайнаб тошган, автомобиллар турнақатор ғизиллаган кўчалар кимсасиз, унда-бунда “Тез ёрдам” ёки битта-иккита хизмат машиналари кўринади, йўлакларда кўринган одамларнинг оғзи-бурнида никоб, ҳамма асабий.

Адиба бу сафар ҳам шаҳарни қаҳрамонлар кайфиятига мос тарзда тасвирлаб боради, ўкувчиди худди асар қаҳрамони ва шаҳар ягона вужуддек тасаввур ўйготади.

Қиссада яна қатор-қатор аёллар образларини кўрамиз. Булар – ҳаётда ўз муносиб ўрнини топган Малика, омад излаб хорижда юрган, ўз орзулари йўлида боласини юқ билиб, опасига ташлаб кетишдан ҳам тортинмаган Манзура, пулга ҳамма нарсани тўғриласа бўлади, деб ишонадиган Нозик, маҳаллада бўлиб турган воқеа-ҳодисалардан ҳамиша боҳабар бўлиб юрадиган кўшни хотин...

Қиссадаги ҳамма бирон-бир иш билан банд бўлиб, карантинни ўтказиб олмоқчи. Маликанинг қайнонаси – яхши умид билан неварасига янги кўрпа қопляпти, аммаси – невара келинга талқон қовуришни ўргатяпти (ўлсам, талқон

## ТҮЛҚИН ЭШБЕК

қовуришни биладиган одам топилмаса, шу келин бажаради), овсинининг уйида болалар таътилга чиққанидан фойдаланиб, булғорини экиб олишяпти...

Аёл – жаҳонни саросимага солган карантин пайтида ҳам аёл бўлиб қолади. Буни қисса қаҳрамонларининг характеридан, турмушидан, тутумидан билиб олиш мумкин.

Рисолат Ҳайдарованинг асарларидағи ўзига хос жиҳат – ҳар бир қаҳрамоннинг ўзига яраша феъл-атворга, қиёфага, нутққа эга. Ҳар бир персонаж кутилмагандан жонли, унинг ўзига хос фазилатлари ва қусурлари бор. Шунинг учун ҳам унинг ҳикоялари, роман ва қиссалари ҳамиша ўқишли кўринади. Қаҳрамонларининг ҳатто портрети ҳам бетакрор, оригинал. Адабанинг “Ғурғуртепада саратон” туркуми, шунингдек, бугунги кун кишилари тасвирланган қатор ҳикоялари адабиётимиздаги Тошкент нафаси, муҳити, қиёфасини ажойиб чизгилар билан бойитди. Бу борада “Ғурғуртепада саратон” туркуми алоҳида эътиборлидир.

Адiba пойтахтимизнинг қадим маҳаллаларидан бири – Ғурғуртепада саратон кунларида кечган воқеаларни акс эттирган ҳикояларида яна азим кентнинг олижаноб, оққўнгил, дангалчи, ҳатто бироз афандинамо кишилари қиёфаларидан иборат бутун биргалереняни яратади. Унинг қаҳрамонлари бири иккинчисига умуман ўхшамаган, фактат ўзигагина хос феъл-атворлик одамлар, уларнинг қилаётган ҳар бир иши, гапираётган ҳар бир сўзи ўзбекона. Туркум халқимизнинг меҳридарё қалби шарафиға айтилган қасидадек таассурот қолдиради. Ҳикояларнинг ҳар бирини Ота образи бирлаштириб туради. Туркумдаги ҳикоялар тугагач, воқеаларнинг мантикий давоми ёки хуносаси Ота иштирокидаги кичкина эпизодда очилади. Бу ҳам адабанинг ўзига хос усули бўлиб, туркумга бетакрор қиёфа баҳш этган.

Яқинда унинг янги эссеси – “Себзор” эълон қилинди. Асарда пойтахтимизнинг кечаги ва бугунги куни жуда таъсирли чизгиларда чизиб берилган, уни ўқиган кишининг кўз олдида Тошкент Эски шаҳарининг ўзгача жозибаси очилади. Бу маҳаллаларнинг қиёфаси, тошкентча гўзал урф-одатлар ва удумлар, ниҳоят, пойтахтнинг бетакрор шевасидир. Бугунги шаҳарсозликнинг жадал ривожланиши катта кентларнинг азалий қиёфасини тубдан ўзгартириб юбормоқда. Бу ўзгаришлар шаҳарнинг нафакат қиёфаси, муҳити, балки турмушини, ҳатто одамлари маънавиятини бошқа изга солиб юборяпти. Адiba мана шулар ҳақида бонг уради. Унинг эссеси қаҳрамонлари – маҳалла дастурхончиси Зайнаппа, капитарбоз Аббос, маҳалла болалари кўрқадиган Азиз ака, овсинлар Шарифа ва Насиба кеннойилар ўзининг халқона қиёфаси билан ўқувчи юрагида илиқлик уйғотади. Битта оила – Усмон оқсоқол хонадони мисолида мамлакатимиз ҳаётида ўтган долғали йиллар фожиалари, турғунлик даврининг кўринишда сокин, ботинан ташвишли воқеалари ўз аксини топади. Эсседа тасвирланган қатор тарихий шахслар, тарихий воқеалар ҳам Себзор билан чамбарчас боғлиқликда тасвир этилади. Ва яна пойтахтимизнинг ноёб бағрикентлиги, тенгсиз жозибаси, иссиқ истараси кишини ўзига мафтун қиласи. Ўқувчи беихтиёр ўз пойтахтига муаллиф нигоҳи билан қарай бошлайди, Тошкентни ўзгача меҳр билан севади, ифтихор қиласи. Зотан, “Себзор” айнан шу ниятда ёзилган, назаримизда. “Себзор” эссеси бадиий публицистикадаги янгича асар сифатида ўқувчиларда катта қизиқиши уйғотди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Публицистика ва Наср кенгашлари йиллик ийилишиларида “Себзор” эссеси алоҳида тўхтаб ўтилгани ҳам бежиз эмас.

Рисолат Ҳайдарова бугунги кунда янги мавзулар, янгича талқинлар, янгича шакл билан бойиб бораётган замонавий ўзбек насли вакиласидир. Унинг дадил қадамлари бизнинг миллий насримиз одимлари билан баробар эканлиги адабиётимизнинг эртанги куни ёрқинлигига ишонч туғдиради.

## Тазод ва поэтик мазмун



Элнур  
НИЁЗМАТОВ

Шеъриятимиз тарихига назар солсак, тазод деб аталмиш – байтда маъно жиҳатидан бир-бирига қарама-қарши бўлган сўзларни кўллаш санъати кенг кўлланганига гувоҳ бўламиз. Тазодни мутобиқа (Халил ибн Аҳмад), мутазод (“Таржимон ул-балоға”), тибоқ, табоқ (“Арузи Хумоюн”) тадбиқ, такофу, иттизод деб ҳам аташган. Тазоднинг таърифи деярли барча манбаларда фарқ қилмайди. Шеър мисраларида фақат зид маъноли сўзлар (антонимлар)ни кўллаш орқали эмас, балки умумий мазмунда қарама-қаршиликнинг бўлиши ҳам тазод санъатини юзага келтираверади.

Ижтимоий ҳаётдаги ҳар бир воқеа, ҳодиса, ҳолат ва жараён ўз зиддига эга. Буни инкор этиб бўлмайди. Ҳаёт ана шу зиддиятларга эгалиги билан ҳам ҳаёт! Аллоҳ таоло ўз китобида ҳар қандай мусибатдан сўнг шодлик, ҳар қандай кувончнинг охиралиғи ғам, ёмонликдан кейин яхшилик келишини, қора зулматнинг сўнггида оппоқ тонг борлигини қайта-қайта эслатиб кўйган. Ҳудди шу зиддиятлар инсоннинг хислатларида, руҳиятида, дунёга келиши ва кетишида ҳам ўз аксини топган. Биз бу ҳолатни деярли барча соҳаларда, ҳаётий жараёнларда, шунингдек, адабиётшуносликда ҳам яққол кўрамиз. Адабиётшунослик атамаларидан пролог-эпилог, тугун-ечим, градация-диградация, салбий қаҳрамон-ижобий қаҳрамон, катта эпик жанрлар-кичик эпик жанрлар, лириканинг йирик ва кичик жанрлари, бир сюжетли ва бир неча сюжетли асарлар ва ҳоказо. Адабиётшуносликнинг лирик турида нафақат шу ва шу каби қарама-қаршиликлар, балки мазмунан зидликни юзага келтирилиш ҳолатлари ҳам шеърий, ҳам насрый асарларда тазод санъати атамаси билан юритилади.

Тазод муҳим бадиий усуллардан бири сифатида, адабиётимизнинг тараққиёти тарихида етакчи бадиий санъатлардан бири бўлиб келган.

---

Элнур НИЁЗМАТОВ – 1966 йилда тугилган. Самарқанд давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Унинг “Сукунат қўшиқлари”, “Хижрон гуллай бошлар...” шеърий тўпламлари чоп этилган. Публицистик ва илмий мақолалари хориж ва республика нациларида чоп этилган.

## Элнур НИЁЗМАТОВ

Туркий тилдаги бадиий асарлар ҳамда оғзаки ижодда ҳам унинг ёрқин намуналарини учратиш мумкин.

Халқ оғзаки ижодининг энг кичик жанри мақолдан тортиб, йирик жанри достонгача бўлган деярли барча жанрлари таркибида тазод санъатини учратамиз. Масалан:

*Йўғон чўзилади, ингичка узилади.  
Мард бир ўлади, номард минг.  
Яхшига ёндаш, ёмондан қоч.  
Бахил топса, босиб ер,  
Сахий топса, барча ер.  
Каттага хурматда бўл, кичикка иззатда.  
Борга бозор, йўққа – гузар.  
Борида – чора-чора, йўзида – банда бечора.  
Усти – ялтироқ, ичи – қалтироқ.  
Ёши келса – ишига, қари келса – ошга.*

“Келиной” деб аталган қуйидаги халқ қўшиғида ошиқ кўк каптарга ҳавас қиласи. Негаки у ёр уйига хоҳлаган пайтида кела олади. Йигит эса ҳар замонда бир келиши мумкин:

*Кўккина каптар эмасман,  
Кунда-кунда келгани.  
Ойда-йилда бир келарман,  
Ой юзингни кўргани.*

Шеърда қаршилантириш санъатидан маҳорат билан фойдаланилган: “кунда-кунда” жуфт сўзи ҳар куни, тез-тез ёки кўп келаман маъноларида, ҳар замон, аҳён-аҳён ёки оз маъноларини англатган “ойда-йилда” жуфтлигига зид келтирилган.

Бундан ташқари, халқ оғзаки ижодининг йирик жанри бўлмиш халқ достонларида ҳам тазод санъатидан унумли фойдаланишган:

*Майдонда кесилар душманнинг боши,  
Қиёматгача бўлар марднинг саваши.  
Бу майдондан қочмоқ номарднинг иши,  
Жургин, Авазжонни излаб борайлик .*

“Алпомиши” достонининг насрый ҳамда шеърий қисмларида ҳам тазод санъатидан намуналар учрайди: “Кунлардан бир кун Ҳакимбек китоб ўқиб ўтириб, баҳилдан, сахийдан гап чиқиб қолди. Бойбўрибий шунда ўғли Алпомищдан: – Киши нимадан баҳил бўлади, нимадан сахий бўлади? – деб сўради” .

“Тазод санъатининг олий даражасини Алишер Навоий ижодида кўрамиз. Бу усул буюк шоир шеъриятида ниҳоятда кенг кўламда қўлланилган бўлиб, хилма-хил мазмун ва ранг-баранг стилистик кўринишларга эга. Навоий

ғазалларида тазоднинг ишлатилиши характерида икки хил хусусият кўзга ташланади. Баъзи ўринларда шоир ғазалнинг бир ёки бир неча ўринларида гина тазод усулидан фойдаланса, айрим ғазалларни бошдан охиригача тазод асосига қурган. Бу ҳолат Навоийнинг ғазал тузилиши борасидаги назарий қарашлари ва амалий фаолияти билан чамбарчас боғланган бўлиб, унинг юксак санъаткорлигидан далолат беради. Ушбу байтга эътибор беринг:

*Эрур мазлуму золим қатли ишқ олдида осон,  
Агар Фарҳод ўлди, қатл топмай қолдиму Парвез?*

Навоий ишқ олдида шоху гадо тенг бўлгани учун ҳам ҳар икки тоифанинг ҳам қатл қилиниши ҳам одатий ҳол эканлигини таъкидлаб ўтган. Мазлум – жабр кўрган, қийналган маъноларида қўлланган бўлса, золим фақат ўзини ўйладиган, мақсади йўлида ҳеч нимадан қайтмайдиган рақиб маъносида тушунсак хато қилмаймиз. Биринчи мисрада лексик антонимлар тазод санъатини юзага келтирган бўлса, иккинчи мисрада антрапонимлар, яъни ўзаро зиддиятга дуч келган киши номлари тазодга туртки бўлган.

Ёкубжон Исҳоқов ўз асарида Навоийнинг бошдан охиригача тазод санъати асосида ёзилган ғазалларидан намуна сифатида қуйидаги ғазални келтиради:

*Менинг фироқиму онинг висоли эҳтимоли тун била тонг,  
Бу навъ даҳрда йўқ эҳтимоли тун била тонг .*

*Гариб зулфу юз эрмасмуким, жаҳон элига,  
Кўрунмамиш бу икининг мисоли тун била тонг.*

*Тонгим ёругу тунум тиірадурки, чирмашадур  
Кўнгил аро юзу зулфинг хаёли тун била тонг.*

*Не тунда айи насими, не тонгда меҳр, магар  
Ки бўлди зулфу юзунг поймоли тун била тонг.*

*Тунум хўёжиста, тонгинг қутлуғ ўлсун, эй маҳваш,  
Ки икки банда санга бўлди холи тун била тонг.*

*Биравки, тонгу тунин бода бирла ўткаргай,  
Яқинки, бўлмагай онинг малоли тун била тонг.*

*Навоий эттади зулфу юзунг висолин кашф,  
Валек эрур гамининг иттисоли тун била тонг.*

Бу ғазалда тазод, асосан, тун ва тонг сўzlари орқали яратилган. Шоир асосий эътиборни зид маънога эга бўлган шу сўzlарга қаратган ҳамда мазкур сўzlарни радиф сифатида қўллаб, ғазалда ўзига хос оҳангдорлик ва

## Элнур НИЁЗМАТОВ

поэтик рух яратган, поэтик фояни ҳам шу сўзлар воситасида илгари сурган.

Машраб ижодида ҳам тазод санъатининг гўзал намуналарини кўришимиз мумкин:

*“Зоҳид, менга бир шишида май, сенга намозинг,  
Минг тақвани бир косаи майга сота қолдим.*

Мазкур байтнинг биринчи мисрасидаги “май” ва “намоз” сўзлари бир-бирига зид кўйилиб, тазод санъатини юзага келтирган. Шу билан биргаликда яширин мен билан зоҳид ҳамда “менга” ва “сенга” орасида ҳам зидлик бор. Иккинчи мисрада “минг” ва “бир”, “тақви” (тақво, парҳезкорлик) ва “бир косаи май” сўзлари муносабатида кузатиш мумкин”.

Машраб тасаввуф шоири эканлигини унутмай, майнинг маъжозий маънода қўлланилаётганига эътибор қаратамиз. “Май” (шароб) тасаввуф илмида ишқ, аниқроғи, Аллоҳ ишқи, “қадаҳ”, “коса”, “жом” – ошиқ қалби тушунилади. Энди байтни таҳлил қиласиз: Зоҳид менга Аллоҳ ишқи етади, сенга намозинг. Минг парҳезкорликни бир ошиқ қалбидаги ишққа сота қолдим. Шоир Аллоҳга ошиқ бўлганлигини очиқ ошкор этяпти. Ана шу ҳолатни тазод орқали ифода этган.

Замонавий шеъриятимизда ҳам бошдан охир тазод санъати асосий восита сифатида ёзилган дилбар шеърлар ҳам талайгина. Улуг шоиримиз Чўлпоннинг машҳур шеърини эслайлик:

*Кулган бошқалардир, йиглаган менман,  
Ўйнаган бошқалар, инграган менман...  
Эрк эртакларини эшишган бошқа,  
Қуллик қўшигини тинглаган менман.*

Фоявий-бадиий ҳар қандай юксак шеър ҳаёт қарама-қаршилиги, турмуш зиддиятлари ва қисмат мураккабликларидан туғилади. Шоир шеър бошидаги фавқулодда зиддиятли моҳиятни сўзма-сўз, мисрама-мисра чуқурлаштиради. Агар шеър руҳият нуқтаи назаридан баҳоланадиган бўлса, уни тутқунлик ва эрксизлик азобини чуқур идрок этган руҳият нидоси дейиши мумкин. Лирик қаҳрамон ўзига, яъни мен олмошига зид кўйган бошқалар кимлигини зукко ўқирман тезда фаҳмлаб билиб олади.

Оташнафас шоиримиз Шавкат Раҳмон эса қуйидаги шеърида дараҳтлар билан инсонларни қаршилантирилади:

*Дараҳтлар –  
Мен итдай сездим ўзимни,  
Гўё тирик жонмас, кесилган дастман,  
Бошимни кўтариб сизга қарайман,  
Нақадар баландсиз,  
Нақадар пастман.*

Лирик қаҳрамон ўз руҳий ҳолатини, ахволини дараҳтларга сўзлаш

орқали баён қилган. Бу ўринда дараҳтлар шахслантирилиб, нидо санъати ҳам пайдо бўлган. Ижодкор дараҳтларни мағрур, ҳақиқат йўлида хеч кимга бўйин эгмайдиган жасур инсонларга менгзайди. Бу, албатта, шаклга киёсан рамзий маънода айтилган менгзаш. Ўзининг қайсиdir тўсиқлар, муаммолар олдида ожиз ҳолатига ишора сифатида итдай, кесилган кўлман, пастман дейди.

“Дараҳтлардаги баландлик шакл жиҳатидан эмас, балки дунё ташвишларидан юқори турғанлигидадир. Инсондаги пастлик айнан шу ғам-ташвишлар курсовида қолганлиги белгисидир. Шунингдек, “мен итдай сездим ўзимни” мисрасида “сиз баландсиз”, “сизга ҳавасим келади” демоқчи бўлади. Антитеза усулига асосланган бу мисралар сўнгтида хулоса тазод санъати орқали антонимик маънодаги сўзлар воситасида намоён бўлган”.

Иқтидорли шоир Вафо Файзуллоҳнинг “Уч жазо” шеърида ҳам тазод санъати орқали янгича ифодалар, янгича услугуб ҳамда ўзига хосликни кўрамиз.

*Беомон қииш мени сийлади  
Лолаларни чиқдим туши кўриб.  
Наҳот баҳор энди қийнайди,  
Дорга тортар исмим хуш кўриб...*

Одатда бизни баҳор эмас, қишининг изғиринли кунлари, совуғи қийнайди. Бу ерда аксинча қиши лирик қаҳрамонни сийлаб, баҳор қийнамоқда. Қишининг сийлови қорими, тушига лолаларни киритганими, нима? Қишининг сийлови лирик қаҳрамонни соғ-саломат баҳорга етказгани. Ижодкор ўз исмининг дорга осилиши маъносига эътибор қаратсак, дорга осмоқ бирикмаси исмни дорга илиб, ёзид қўймоқ маъноси орқали чиройли сўз ўйини қилганини кўрамиз. Баҳор хуш кўрган исм – вафо, шоирнинг исми ҳам Вафо. Бу ўринда фаслларнинг ўзгарувчанлиги бевафога қиёслангандай кўринади. Бундай нозик қочиримли ифодалар шеърнинг кейинги бандларида ҳам талайгина.

Тазод санъатининг лингопоэтик жиҳатлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари жуда кўп. Ижодкорлар ўз қарашларини қарама-қарши бошка қарашлар орқали таққослаб баён этади. Зиддият орқали фикр баён этиш бироз мураккаблик туғдириши аниқ. Лирик қаҳрамон ҳис-туйғуларини тазод воситасида ифодалаш шоир маҳоратининг не қадар мукаммал эканлигини кўрсатувчи мезонлардан биридир.



## Қаноатли қалбда қаролик бўлмас

Зулфия  
КОМИЛ

\* \* \*

Кучинга ишонма, бил, у соядир,  
Ақлингга суянгин, ақл қоядир.

\* \* \*

Инсон умри асли биргина нафас,  
Қачон кириб-чиқар измимиздамас.

\* \* \*

Ҳар яхши устознинг шогирди аввало ўзидир.

\* \* \*

Қаноатли қалбда қаролик бўлмас.

\* \* \*

Бу сершовқин дунёдаги энг хафсиз ва хотиржам лаҳза – шубҳасиз – сажда.

\* \* \*

Мактобга ўрганиш ўз эркини бой бериш билан баробардир. Чунки афюнлар ичра энг маккори мактобдир.

\* \* \*

Гоҳида аччиқни тотишнинг ўзи ҳаётинг нақадар ширинлигини ҳис эттира олади.

\* \* \*

Чин жиҳод фақат шайтону нафсга ва албатта, ўз қўрқув ва камчиликларингизга қарши бўлмоғи керак...

---

**Зулфия КОМИЛ** – 1998 йилда туғилган. Алмати шахмат академиясини тамомлаган. Ижод намуналари матбуотда чоп этилган.

\* \* \*

То эгасин топмас экан, қалб тана зинданда қолаверар банд.

\* \* \*

Хеч бўлмаса, шунчаки гулга қўйилган сув бўл ёки қозонни қизитган олов. Гулнинг униб, ифор таратиши-ю қозоннинг қандай таом пишириши – уларнинг вазифаси. Ортиқча эътибор бузғунчиликдир.

\* \* \*

Тишлар тилни девор ортида ушлайди.

\* \* \*

Бошқаларни кўришдан тўхтаган кўз фақат ўзинигина кўра бошлайди.

\* \* \*

Бахт аслида на ерда ва на кўкда бор. Шу сабабдан ҳам Қадарга розилик кўзингиздаги пардани олади ва сиз уни – излаган баҳтингизни кўра бошлайсиз!

\* \* \*

Ўтмишдаги оғриқларни эсдан чиқармоқчи бўлсангиз, олдинга қараб юринг, сиз ўтмишда эмас, ўтмиш ортда қолсин. Ўзингиз қайтмас экансиз, ўтмиш ҳам ортингиздан борломайди.

\* \* \*

Ғазабни ичга ютиш ҳам, ташқарига чиқариш ҳам шарт эмас. Уни бошқариш керак.

\* \* \*

Сукут – нодонликдан парда ҳамдир.

\* \* \*

Айтар сўзинг сукунатни бузишга арзирли бўлсин. Сукунат кўп сўздан устундир.

\* \* \*

Муҳаббат қанча мўл бўлмасин, меъдага тегмайди. Нафратнинг эса бир томчиси ҳам кўп.

\* \* \*

Тартиб-интизом – вақтингиз, молингиз, илмингизга қўйилган энг яхши қўриқчиидир.

\* \* \*

Токи янги қадам учун дилда ният қилиниб оёқ ердан кўтарилмас экан, бу қадам қўйилажак покиза ер ҳам кўринмайди.



**Шухрат  
СИРОЖИДДИНОВ**

### **“Қайсағ олим” нинг бетакрор услуги**

Адабиёт тарихининг ўзига хос нозик жиҳатлари билимдони, мумтоз манбаларимизни таҳлил қилишда алоҳида ўрни, бетакрор услубига эга бўлган навоийшунос олим, филология фанлари доктори, профессор Нусратулло Жумахўжа мақолаларини аввалдан қизиқиш билан ўқирдим. Чунки уларнинг ҳар бирида янги гап, янгича қараш ва ўзига хос индивидуал танқидий ёндашув бўларди. Илм йўлида ўз қарашларини аниқ ва лўнда, жойи келса кескин тарзда айтиб келгани учун ҳам “қайсағ олим” сифатида элга танилган Нусратулло Жумахўжанинг адабиёт тақдирига бефарқ эмаслигига доим ҳавас қилганман. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси ўткир илмий баҳслар майдонига айланган йилларда ҳар бир долзарб адабий мунозараларда Нусратулло аканинг чиқишини кутардим. Айниқса, ўтган асрнинг 80-йиллардаги тақрорланмас тарихий моҳиятга эга бўлган матншунослик баҳсларида олимнинг кескир фикрли фаол иштироқи алоҳида аҳамиятли эди.

Нусратулло ака бошқа, мен бошқа бир ташкилотда меҳнат қилган бўлсакда дунёқарашлар яқинлиги, жамиятга бўлган муносабатимиз бизни бир-биримизга яқинлаштириб турди. Ҳозирги кунда бир жамоада фаолият юритарканмиз, ҳамон у кишининг илмга садоқатини қаттиқ ҳурмат қиласман. Нусратулло аканинг ҳар бир китоби, жумладан, Навоий, Мунис, Оғаҳий, Турди, Феруз, Ҳувайдо сингари ўзбек мумтоз адабиёти намояндадарининг ижодини тадқиқ этишга бағишлигар асалари тадқиқотчилар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилиб келаётгани қувонарлидир.

Закий олим таҳлилнинг объекти матн бўлганда, энг аввало, ана шу матн сасига қулоқ тутади, бу садони жон қулоғи билан тинглайди, матннинг

---

**Шухрат СИРОЖИДДИНОВ** – филология фанлари доктори, профессор. 1961 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) тамомлаган. У ўндан ортиқ монография, рисололар ва ўқув услубий қўлланмалар ҳамда юздан ортиқ илмий мақолалар муаллифи.

кайфиятини тўла ҳис қилади ва ниҳоят сўзлатади. Нусратулло Жумахўжа тадқиқотлари буюк мутафаккир Алишер Навоий асарлари матнининг тили, маъноси, маҳобати-ю жозибасига таяниб яратилган.

Шунингдек, олимнинг “Жайхун”нинг аслияти”, “Илм аниқликка таянади”, “Давлат тилининг нуфузи ва мавқеи: уни тубдан амалга оширишда қандай долзарб муаммо ва тўсиқлар мавжуд?” сингари мақолалари барчамизни сергакликка чақиради, илм олами “бедарвоза” эмаслигини, пухта ўйланмаган фикрлар миллат савиясига дахл қилишини бот-бот ёдга солади.

Нусратулло Жумахўжа йигирмадан ортиқ фундаментал тадқиқот ва беш юздан зиёд илмий, танқидий, илмий-оммабоп мақолалар муаллифи бўлиш билан бирга, энг аввало, ўзбек мумтоз адабиёти тадқиқотчисидир.

Домла жадид тадқиқотчилар йўлидан бориб, етакчи адабиётшунос олимлар билан биргаликда 1990 йилларда, яъни мустақиллик арафасидаёқ 5–11-синф ўзбек адабиёти фанининг янги авлод дастури ҳамда дарслекларини яратишида иштирок этди. Шу ишнинг амалий натижаси сифатида ўрта мактабнинг 10-синфи учун “Ўзбек адабиёти” дарслиги ва мажмуасини яратди. Ушбу дарслик ва мажмуя мустақиллик даврида тўрт марта нашр этилган.

Бундан ташқари, унинг филология фанлари доктори Иқболой Адизова билан ҳаммуаллифликдаги, XVI – XIX аср биринчи ярмидаги адабий жараён, маданий муҳит, ундаги ижодкорлар ҳақидаги маълумотлар янгича талқинда ёритилган, ўзбек филологияси ҳамда ўзбек тили ва адабиётини ўқитиши ўйналишидаги талабалар учун мўлжалланган “Ўзбек адабиёти тарихи (XVI – XIX аср I ярми)” дарслиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мазкур дарслик ҳам Республика олий ўқув юртлари талабалари учун ҳар йили қайта-қайта нашр этилмоқда. Уларни шунчаки дарслик эмас, балки дарслик-тадқиқот дея баҳолаш мумкин. Чунки уларда мустабид шўро тузуми даврида феодал-клерикал ва диний-мистик адабиёт дея қораланган ҳамда ўқитиши тақиқлаб келинган Бобораҳим Машраб, Сўфи Оллоёр, Турди Фарогий, Хўжаназар Ҳувайдо, Қул Убайдий (Убайдуллоҳон), Амирий (Амир Умархон) каби мутафаккирларнинг адабий мероси, тасаввуфий асарлари истиқлолий хурфикрлик билан тадқиқ этилган. Олимнинг “Поэтик тасвирда пейзажнинг роли” (“Ўзбекистон” нашриёти, 1982), “Мунис ғазалиёти” (“Адабиёт ва санъат” нашриёти, 1991), “Турди назми бадиияти (Мактабда Турди Фарогий ижодиётини ўрганиш)” (Республика Таълим маркази, 1994), “Феруз маданият ва санъат ҳомийси” (“Фан” нашриёти, 1995), “Феруз. Шоҳ ва шоир қисмати” (Хоразмлик Давлатёр Раҳим ва Шихназар Матрасул ҳамкорлигида, “Ўзбекистон” нашриёти, 1995), “Ҳувайдо меросининг маънавий-маърифий моҳияти” (Республика Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази, 1995), Муҳаммад Юсуф Баёний ҳаёти ва ижодини ёритишга бағишлиланган, И.Адизова билан ҳаммуаллифликда ёзилган “Сўздин бақолироқ ёдгор йўқдур” (“Ўзбекистон” нашриёти, 1995) каби тадқиқот китоблари ҳам мазкур ўйналишга мансубdir.

Олимнинг 1996 йили “Ўқитувчи” нашриётида чоп этилган “Сатрлар силсиласидаги сехр (Алишер Навоий ғазаллари таҳлили асосида)” номли китоби мамлакатимизда Алишер Навоий ғазалларини кенг китобхонлар оммаси учун

## Шуҳрат СИРОЖИДДИНОВ

илмий-оммабоп услугда шархлаш йўналишининг шаклланишида муҳим омил бўлди. Ушбу қўлланма китоб Алишер Навоий номидаги ҳалқаро жамоат фонди томонидан “Истиқлол даври ўзбек навоийшунослиги” номли ўттиз жилдлик илмий тадқиқотлар тўпламига (“Тамаддун” нашриёти) танлаб олинди ва унинг 14-жилдидаги 2022 йили кайта нашр этилди.

Нусратилло Жумахўжанинг Навоий таваллудининг 575 йиллиги муносабати билан 2018 йили “Ўзбекистон” нашриётида чоп этилган “Навоий ғазалиёти талқинлари” номли китобида улуғ мутафаккир ғазалларининг машҳур олим ва шоирлар томонидан амалга оширилган энг сара таҳлиллари билан бирга муаллифнинг элликдан ортиқ ўз ғазал таҳлиллари ҳам ўрин олган. Ушбу китоб илм аҳли, талабалар ва кенг китобхонлар оммаси учун навоийхонликдан дастуриламал сифатида хизмат қилмоқда.

Домланинг мумтоз адабиёт нозикларини теран тушуниши, мумтоз адабиётимизда ўз аксини топган диний-фалсафий, тасаввуфий-ирфоний ғоялардан яхши хабардорлиги унинг “Қаро қўзум...” ғазали тадқиқи” номли монографиясида (“Муҳаррир” нашриёти, 2021 йил) ўз ёрқин аксини топган.

Шувақтгача Навоий даҳосининг бир ғазали ҳақида бутун бошли уч юз бетлик бир китоб яратилмаган эди. Нусратулла Жумахўжа эса Алишер Навоийнинг “Қаро қўзум...” ғазалининг қирқ беш йил мобайнида ўнлаб атоқли олимлар ва шоирлар томонидан ўрганилиши, бу борадаги баҳсу мунозараларни кузатган, таҳлил (анализ)ларни синтез қилган ва ғазал тадқиқи тарихини тўлигича китобида мужассам этган. Бу ҳам илмдаги ўрнак тажрибадир. Олимнинг ўз шахсий режасида Навоийнинг яна бир неча машҳур ғазаллари тадқиқига доир маҳсус монографиялар яратиш ва нашр этиш навбат кутиб турибди. Ҳолбуки, бу янги намуна асосида бошқа олимлар ҳам бир ғазалга бир китоб тажрибасини амалга оширишларига замин вужудга келди.

Матншунос олим сифатида ҳам изчил фаолият кўрсатиб келаётган Нусратулло Жумахўжа Хоразм тарихчиси Мухаммад Юсуф Баёний “Шажарайи хоразмшохий” солномасининг Ўрта Осиёнинг Россия томонидан ишғол этилишини тасвирловчи бобларини Иқболой Адизова билан бирга қўлёзма манбалар асосида аввал “Шарқ ўлдузи” журналида, кейин (1994) “Адабиёт ва санъат” нашриёти орқали ўттиз минг нусхада чоп эттириди. Ҳозир асарнинг 1000 бетлик тўлиқ нусхаси нашрга тайёр. Шунингдек, матншунос Шермуҳаммад Мунис Хоразмийнинг хаттотлик санъатига бағишланган “Саводи таълим” номли илмий-бадиий, шеърий рисоласини биринчи марта жорий ёзувда шоирнинг ўз дастхати билан бирга тўлиқ (“Ўқитувчи” нашриёти, 1997) нашр эттириди. Мунис ва Оғаҳий қаламига мансуб минг йиллик тарихини акс эттириган “Фирдавс ул-иқбон” асарининг 1980 йилларда америкалик шарқшунос олим Юрий Брегель томонидан аввал илмий-танқидий матни яратилиб чоп этилган, кейин эса инглиз тилига таржима қилиб, нашр этилган. Мазкур асар гарчи асар жаҳонни забт этган бўлса-да, лекин ўз Ватанимизда ҳануз унинг тадқиқига қўл урилмаган эди. Нусратулло Жумахўжа хоразмлик мутахассислар С.Рўзимбоев ва А.Абдуллаев билан биргаликда қўлёзма манбалар асосида Ўзбекистонда биринчи марта (“Ўқитувчи” нашриёти, 2010) уни тўлиқ нашрдан чиқаришга муваффақ бўлди. Олим “Тафаккур” журналида эълон қилган бир мақоласида

айтишича, бу асар замонавий адабиётимиз учун бир неча роман ва юз кисмлардан зиёд тарихий сериаллар яратишга манба бўла олади.

Нусратилло Жумахўжа илмий-ижодий фаолиятининг яна бир муҳим қирраси замонавий танқид ва адабиётшунослик бўлгани учун ҳозирги замон ўзбек адабиёти намуналарини ҳам муттасил мутолаа этади ва чоп этилаётган янги шеърий, насрой асарларга муносабатини ОАВ саҳифалари ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг ижодий кенгашларида эълон қилиб боради. Унинг Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Шавкат Раҳмон, Муҳаммад Али, Муҳаммад Салом, Ойдин Ҳожиева, Ашурали Жўраев, Улуғбек Ҳамдам, Исажон Султон, Комил Жўраев, Анвар Обиджон, Усмон Қўчқор, Зикрилла Неъмат каби ёзувчи-шоирлар асарлари ҳақидаги қатор тақриз ва мақолалари фикримизнинг далилидир.

“Давлат тили ҳақида”ги қонун ва унинг ижроси, нутқ маданияти, нотиқлик санъати масалалари ҳамиша олимнинг диққат марказида туришини унинг “Истиқлол ва она тилимиз” (“Шарқ” нашриёти, 1998) номли монографияси, “Янги ўзбек алифбоси ва имло қоидалари” (Равшан Жомонов ҳамкорлигига, Тошкент давлат Юридик институти, 2003) номли ўкув қўлланмаси, “Она тили – давлат тили” (Р.Жомонов ҳамкорлигидаги ўкув қўлланма-мажмуаси, “Адолат” нашриёти, 2004), “Давлат тили ҳақида” (Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тил ҳақида”ги Қонуни матнлари, қонун ости ҳужжатлар, қонунни амалга ошириш йўлидаги муаммо ва ечимлар, “Фан” нашриёти, 2008) ўкув қўлланма-мажмуаси, “Қонун тили мезонлари” рисоласи (“Муҳаррир” нашриёти, 2010) Давлат тили қонунчилиги соҳасидаги илмий-амалий тадқиқотларида ҳам кўриш мумкин.

1990 йилдан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, 1995 йилда туркум тадқиқотлари учун Халқаро Аҳмад Яссавий мукофотига сазовор бўлган олим 2016 йил “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирланган, 2022 йили “Биринчи даражали меҳнат фахрийси” унвонига сазовор бўлди.

Нусратулло аканинг ҳаётда ва илмдаги йўлдоши Иқболой Адизова ҳам таниқли олим, филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, университет илмий кенгаши раиси. Бу икки заҳматкаш олим бир-бирига елкадош бўлиб, адабиётшунослик илмини ривожлатиришда бирдек хизмат қилиб келмоқдалар. Бир-бирига маслаҳатчи ва танқидчи. Уларга қараб ҳавас қиласан, киши. Устознинг журъати, касбига муҳаббати, талабалар даврасидаги салобати, ҳамкаслари орасидаги шиҷоатини кўриб, кўз тегмасин деймиз. Шу пайтгача ҳақиқатга тик бокиб, илм келажагига бефарқ бўлмай келаётган Нусратулло акадай инсон билан бир жамоада ишлаётганимиздан бехад мамнунмиз.



## O‘qimog‘im shart kitob!

Rustam NAZAR

### “Lazgi”ni o‘rgangan kun

Otam, onam va akam  
Jilmayishib naq oftob –  
Tug`ilgan klinik menga  
Sovg`a qildilar rubob.  
Otam, onam, akamdan  
Edim juda minnatdor.  
– San`atni sev! – dedilar, –  
Unda katta hikmat bor!  
To`garakka yozilib,  
Mashq boshladim uyda ham.  
“Lazgi”ni o‘rgangan kun  
Bo`ldi men uchun bayram.  
Chalib beray degandim,  
Otam jerkib, urdi do`q:  
– Yozmoqchiman hisobot,  
Kuy tinglashga vaqtim yo`q!  
Chalib beray degandim,  
Gap eshitdim onamdan:  
– Boshim og`rir, ko`tar-ey  
Matohingni xonamdan!  
Chalib beray degandim,  
Qildi akam ham xitob:  
– Jim! Ertaga imtihon,  
O‘qimog‘im shart kitob!  
Men alamdan yig`ladim  
“Lazgi”ni o‘rgangan kun.  
Rubob bilan ikkимiz  
Hovliga bo`ldik surgun!..

---

**Rustam NAZAR** – (1949–2012). Respublika rus tili va adabiyoti pedagogika institutini (hozirgi O‘zDJTU) tamomlagan. Shoирning “Yashasin quyoshli kun”, “Rangli favvora”, “Mo’jiza” nomi kitoblari chop etilgan.

### Baliqchi

Qarmoq tashlab kun bo`yi  
Oftobda kuydi Xoliq.  
Lekin hatto nomiga  
Tutolmadi bir baliq.  
Yarim qarich chavoqcha  
Chiqqan edi ilinib –  
O`shani ham qochirdi,  
No`noqligi bilinib.  
Yo`lda kulgi etishdi:  
– Ey, baliqchi, qani ov?  
– Ketdi chiqib qarmoqdan,  
Ikki qarich edi-yov!  
Kim ko`rsa – tirjayardi,  
Bo`sht kelmasdi Xoliq ham.  
Har javobida picha  
Kattayardi baliq ham.  
Va nihoyat uyida  
So`radilar: – Qani ov?  
– Uzib ketdi qarmoqni,  
Bir quloch kelardi-yov!

### Ertakka ilova

Kampir asta ming`irlab,  
Kir yuvadi eshikda.  
Goh nolinib qo`yadi,  
Tog`orasi  
Teshik-da.  
Kuzatadi chol zimdan,  
Chehrasida o`ynar nur:  
– Biz yoqlarda  
Dengizning  
Yo`qligiga ham shukur!..

### O`zidan ko`rsin!

Kelsa daraxt  
Kesuvchilar,  
O`rtab jon –  
Tipirchilab  
Qolar sho`rlik  
Olmaxon.  
Kirpi unga  
Achinmaydi  
Hech vaqtida:  
– Kim aytibdi  
Yashagin, deb  
Daraxtda!?



## Битта фол очай...

Хаёттый ҳанғомалар

Негмурод  
ГУЛИЕВ

Бангладеш президенти

Муаллиф кагта китоб дўконига кириб салом-аликдан сўнг сотувчидан сўрабди:

– Бизнинг китоблар ҳам сотиляптими, ука?

– Ҳаа, ора-сирада битта-иккита харид қилишяпти, ака, – дебди сотувчи. Сўнг сирли оҳангда шивирлабди: – Энди хафа бўлмангу дўконга кирганларнинг кўпчилиги Муҳаммад Юсуфни сўрайди. Лекин сизникини ҳали иримига ҳам бирор киши сўроқлагани йўқ.

– Эй, менга қара. Қани айт-чи, АҚШ президенти ким? – “адиб” жаҳл билан сўрабди.

– Дональд Трамп-да ҳамма билади-ку, нимага буни сўраяпсиз?

– Хўш, энди Бангладеш президенти кимлигини айт қани? – “адиб” терговда давом этибида.

– Бангладеш, Бангладеш... – сотувчи чайналиб қолибди. – Тўғриси ҳеч қизиқмаган эканман. Билмайман, ака.

– Ана кўрдингми, билмайсан. Бўлмаса уларнинг иккаласи ҳам президент, – “адиб” илҳом билан давом этибида: – Энди фараз қил Муҳаммад Юсуф АҚШ президенти бўлса, мен Бангладеш президентиман-да, ука. Мени ҳам харидорларга таништириш, реклама қилиш, кўчма савдони ташкил этиш сенинг вазифанг. Паашша қўриб ўтирган билан иш битармиди?!

### “Менга чора кўринг”

Хурсанд aka ота-онадан жуда ёш қолган. Етимликда ўсиб, мактабда ҳам тўлиқ ўқиёлмабди ҳисоб. Кейинчалик механизаторлар тайёрлаш курсига қатнаб, тракторчи бўлиб, узоқ йиллар ишлабди. Ҳеч бир санаторияга дам олишга бормаган Хурсанд aka таътил олиб дам олишга боришга аҳд қилибди. Бирга ишлайдиган Ризоқулга илтимос қилибди:

– Ризо, менга курортга боришим учун йўлланма сўраб битта ариза ёзиб бер. Биласан, менинг саводим йўқ ҳисоби.

– Хўп бўлади. Ариза сиздан айлансин. Ҳозир қойилмақом қилиб ёзиб бераман.

Ризоқул раҳбарлари номига ариза ёзиб, Хурсанд акага имзо қўйдирибди.

– Ана энди аризани бошлиққа олиб киринг. Боринг, ҳозир у хонасида.

Хурсанд aka раиснинг олдига кириб, аризани унга узатибди. Раис аризани ўқибди: “Раис М.Ахтамовга тракторчи Ўлмасов Хурсанддан”

**Негмурод ГУЛИЕВ** – 1952 йилда туғилган. Бухоро давлат университетининг математика факультетини тамомлаган. “Бир қадам”, “Сенми, шошмай тур”, “Қизиқарли математика”, “Математикадан 90 жумбоқ”, “Алифбодан бошланар Ватан”, “Ёзмасам қўймас юрак”, “Шукронга қил”, “Китобимни бир ўқинг” номли китоблари чоп этилган.

## **Ариза**

Ушбуни ёзіб маълум қиласанки, мен күп йиллардан бери сизларни доимо алдаб келдім. Ишга кеч келиб, барваңт кетаман. Фақат ёлғон гапираман. Ишлаганда ҳеч жонимни койитмайман. Ана шуларни хисобга олиб менга қонуний чора күришингизни сўрайман.

Имзо. X. Ўлмасов”.

Раис умрида бунақанги аризани кўрмаган экан, ҳайрон бўлиб, Хурсанд акадан нима талаб қилаётганини сўрабди.

– Энди, раис ука, ёш ҳам бир ерга бориб қолди. Бирор йўлланма олиб берсангиз, соғлигимни бироз тиклаб келсам.

– Бу аризани ким ёзіб берди?

– Ризо ёзіб берди, барака топсин.

– Барака топмай кетсин, Ризойингиз! – деб раис аризани ўқиб берибди.

Буларни эшишган Хурсанд aka жиндай ўйланиб туриб:

– Куриб кеткур Ризо менга санаторияга эмас, қамоқхонага йўлланма олишим ҳақида ариза ёзіб берибди-ку! – дермиш.

## **Битта фол очай...**

Фазлиддин билан Йўлдош бирга ўсишган, қалин дўст. Иккови ҳам оиласи бўлишгач, шўрданак тайёрлаб сотиш билан тириклик қилишарди. Ҳар ҳафта туман марказидаги бозорга Фазлиддиннинг машинасида бориб, у ердан зардоли данаги билан туршагидан харид килиб қелишарди.

Бир якшанба Фазлиддин данак, туршакларни машинага ортаётса, лўли аёл келиб, “Бир фол очай, ако, қўлингизни беринг!” дебди.

– Менга қаранг, шеригим бозорга майдо-чуйдага кириб кетди, – шошмай тушунтира кетиби Фазлиддин. – Унинг оти Йўлдош. Хотини, икки ўғли бир қизи бор. Дарвозаси кун чиқарга қараган. Уйи катта анҳор ёқасида. Яқинда катта ўғлини ўқиган бир қизга йўлантироқчи... Ана шу оғайнимга фол очасиз, пулнинг тагида қоласиз.

Шу маҳал Йўлдош елим халтларни тўлдириб чиқиб, Фазлиддиннинг ёнига ўрнашади. Бир пайт лўли аёл пайдо бўлиб, Йўлдошга юзланиб:

– Ассалому алайкум, эй сахий инсон, келинг пешомадингизни айтиб берай. Пулмулингиз керак эмас. Қўлингизни узатинг, бир фол очай, – дебди.

Йўлдош истар-истамас ўнг кўлини чўзибди.

– Отингиз Йўлдошбой, тўғрими?

Йўлдош ялт этиб Фазлиддинга қарабди. У ҳеч нарсадан хабари йўқдек пинагини бузмашмиш.

– Ўзингиз кўп яхши, феъли кенг, сахий одам экансиз, – лўли аёл “илҳом” билан давом этиби. – Аёлингиз, икки ўғил, бир қизингиз бағрингизни тўлдириб юрибди. Дарвазангиз кун чиқарга қарайди. Ҳовлингиз шундоккина катта йўлнинг лабига. Юзингиздан буларнинг ҳаммаси манга телевезорга кўрингандай аён бўлопти, ако. Қани, атаганингизни чиқаринг!

Йўлдош қараса, лўлининг ҳамма гаплари тўғри. Ноилож уч сўм берибди. Омади юришган “фолбин” янаям қатъиyroқ ишга киришибди.

– Яқинда ўйингизда бир шодиёна бўлади. Катта ўғлингизни уйлантирасиз. Хушрўй, ўқиган, қиз келин бўлиб тушади, Худо хохласа. Бу янгиликнинг севинчисига ўн сўм беринг, ако жон! Гапларим ёлғон бўлса, уни айтинг. Қани, киссани кавланг.

Йўлдош ноилож тишини суғургандай бўлиб, фолбинга ўн сўм узатибди.

Машинани юргизиб, йўлга тушишибди.

– Бояги фолбин бало экан-а! Гапларининг бирорта ҳам хатоси йўқ. Қойилман! – деб Йўлдошли оғайнисига қараса, Фазлиддиннинг юзида кулги қотган, юмалоқ корни рулга тегиб силкинармиш! – Э, ҳаммасини бошлаган сенмидинг! Яхшиям машинани ҳайда деганим, бўлмаса уйга бир тийинсиз кириб борарканман! Сотиб олган фолбинингдан ўргилдим!

# Адабий ҳаёт

\* \* \*

**2 август.** Боку шахрида “Ўзбекистон маданияти кунлари” билан бирга Озарбайжон Миллий кутубхонасида ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирий қаламига мансуб “Ўткан кунлар” романининг озарбайжон тилидаги янги нашри тақдимоти бўлиб ўтди. Унда ўзбекистонлик ва озарбайжонлик адабиётшунос олимлар ўзаро фикр алмашдилар.

\* \* \*

**4 август.** Туркияning Аланъя шахрида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир ва публицист Олимжон Ўсаровнинг “Aşktan Bir Dünya Kuracağım” (“Мұхабbatдан Ватан қураман”) номли китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Тадбирда таникли шоир ва ёзувчилар, ноширлар ва таржимонлар, жамоат арбоблари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

\* \* \*

Ёзувчи Озод Мўминхўжанинг “Спитамен” номли китоби нашрдан чиқди. Ушбу тарихий тўпламга Ватанимиз тупроғида ўсиб-улғайиб, буюк инсон даражасига етган боболаримизнинг ҳаёт фаолиятлари ҳамда қаҳрамонликлари тасвирланган асарлар киритилган.

\* \* \*

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг “Адабиет” нашриёти томонидан чоп этилган “Огаҳий девони” Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан ўtkazilgan “Йилнинг энг яхши китоби” танлови ғолиби бўлди.

\* \* \*

**7 август.** Таниқли адиб, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Ислом Ҳамронинг “Тузоқ. Ўйин бошланди” номли китоби нашрдан чиқди.

\* \* \*

**8 август.** Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекнинг “Қутлуғ қон” романи турк тилида нашр этилди. уни Туркияда яшаб илмий изланиш олиб бораётган ҳамюртимиз, таниқли тилшунос ва таржимон Замира Ҳамидова (Ўзтурк)

турк тилига ўгирган. “Қутлуг қон” романы шу кунга қадар араб, форс ва МДХ халқлари тилларига таржима қилинган. Евроосиё ёзувчилар уюшмаси раҳбари профессор Ёкуб Умар ўғли раҳбарлигиде Анқарада нашр этилган мазкур таржима 430 бетдан иборат. Китобга Туркияning таниқли журналист-муҳаррири, айни пайтда Туркия атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шаҳарсозлик ва иқлим вазири матбуот котиби Лайло Гунеш хоним масъул муҳаррирлик қилган.

\* \* \*

Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира Зилола Хўжаниёзованинг “Кел, эй дўст” деб номланган шеърий тўплами Ozарбайжоннинг “Маориф” нашриётида озар тилида чоп этилди.

\* \* \*

**9 август.** Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари Ахтамқулининг “Куёшга она бўлган юрт”, Шоира Шамснинг “Тупроқ тили”, Эркин Умарнинг “Самарқанд “Сегоҳ”и”, Зухра Бегимнинг “Бахтли болалик” номли шеърий тўпламлари нашрдан чиқди.

\* \* \*

**10 август.** Ёзувчилар уюшмасида “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Ахборотномаси” янги нашрининг биринчи сони тақдимотига бағишлиланган тадбир бўлиб ўтди.

\* \* \*

**15 август.** Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси мажлислар залида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли ёзувчи Абдуқаюм Йўлдошевнинг “Шараф йўли” романи ҳамда шоира Сайёра Тўйчиеванинг “Шарофонма” номли достон ва эсселар тўплами тақдимоти бўлиб ўтди.

\* \* \*

**25 август.** Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Тоҷикистон Ёзувчилар иттифоқи раиси ўринбосари Акбар Абдулло ва Наср шўъбаси мудири, ёзувчи Сирожиддин Икромий билан учрашув бўлиб ўтди. Суҳбатда ўзбек-тоҷик адабий алоқаларини ривожлантириш, икки қардош халқларнинг дўстлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш хусусида сўз борди. Музокара давомида Акбар Абдулло бир гурух ўзбек ижодкорлари – Ботир Эргашев, Нурали Қобил, Одил Икром, Олимжон Давлатовга Тоҷикистон Ёзувчилар иттифоқининг “Нишони сухан” кўкрак нишонини топширди.

# Шарқ юлдузи

2023

8-сон

Муассис:  
**ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИ**

\* Муаллифлар фикри  
тахририят ижодий жамоаси нуткай  
назаридан фарқланиши мумкин.

Тахририятга юборилган  
материаллар муаллифларга  
кайтарилимайди.

Журнал ОАК эътироф этган  
нашрларнинг 10.00.02 “Ўзбек  
адабиёти” ихтисослиги бўйича  
рўйхатига киритилган.

\* Журналга обуна даврий  
нашрларни етказиб бериш  
 билан шугууланувчи барча  
ташкilotлар орқали амалга  
оширилади.

Обуна индекси – 911

## Манзилимиз:

100066, Тошкент шаҳри,  
Бузёндкор шоҳкӯча, Адиблар хиёбони,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси  
биноси.

## Телефонлар:

71231-23-67, 71231-23-68.

[www.sharqyulduzi.uz](http://www.sharqyulduzi.uz)

e-mail: [sharqyulduzi@umail.uz](mailto:sharqyulduzi@umail.uz)  
[sharqyulduzi1931@mail.ru](mailto:sharqyulduzi1931@mail.ru)

Босишига руҳсат этилди:  
23.08.2023

Қоғоз бичими 70x108  $\frac{1}{16}$   
Офсет босма усулида оғсет қоғозида  
босилди. Босма табоби 11,0.  
Шартли босма табоби 15,4.  
Нашриёт ҳисоб табоби 17,2.  
Адади 6800 нусха.  
Буюртма №9

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва  
ахборот агентлигига 05.02.2016 й.  
0562-ролада билан рўйхатга олинган.  
“PRINT REBEL” МЧЖ  
матбаа корхонасида чоп этилди.

## Корхона манзили:

Тошкент шаҳри Юнусобод тумани,  
Ифтихор кўчаси 117-йд 19-хонадон.  
Журнал ойда бир марта  
чоп этилади.

## Мухаррир:

**Дилфузা Маҳмудова**

## Мусаххих:

**Моҳира Ҳусанова**

Веб-сайт мухаррири:

**Дилноза Камол**

Саҳифаловчи-дизайнер:

**Рахматжон Бобоҷонов**

Copyright © “Шарқ юлдузи”

## МУНДАРИЖА

### НАЗМ

**ФАХРИЁР.** Кузга кириб борар дараҳтлар қатор.....47

**Наргиза ОДИНАЕВА.** Умрим ҳали бошлангани йўқ.....57

**Вафо ФАЙЗУЛЛОХ.** Аямажуз – айём кампир видоси.....70

**Илҳом АҲРОР.** Бошқача тикланар шеърда ҳар бино.....78

**Муҳтор ХУДОЙҚУЛОВ.** Инсоният. Достондан парча.....134

### НАСР

**Абдужалол РАҲИМ.** Ойдин кечалар. Қисса.....4

**Шодмон СУЛАЙМОН.** Сафар. Ҳикоя.....63

**Хуршид ДЎСТМУҲАММАД.** Сувратдан сийратни излаган нигоҳ.

Эссе-ҳикоя.....82

### АДАБИЁТШУНОСЛИК

**Ҳамидjon ҲОМИДИЙ.** Изчилик силсиласи.....101

**Шаҳло МУСАЕВА.** Адабий қаҳрамонлар характеристи эволюцияси....104

### ҚАРДОШЛАР АДАБИЁТИ

**АНАР.** Мен, сен, у ва телефон. Ҳикоя.....108

### АДАБИЁТИМИЗ ЖОНКУЯРЛАРИ

**Файзуло ЯҲЁЕВ.** Навоийшунос олим.....124

### ЁШЛАР ИЖОДИ

**Моҳира ЭШПЎЛАТОВА.** Олов ракси. Ҳикоя.....128

### ҚАТРАЛАР

**Сарвара ЭШОНХОНОВА.** Қалдирғочлар ҳар йил шу ерда.....132

**Зулфия КОМИЛ.** Қаноатли қалбда қаролик бўлмас.....164

### ЖАҲОН АДАБИЁТИ

**Теодор КАЛЛИФАТИДЕС.** Майдондаги Сизиф. Новелла.....144

### ТАДҚИҚОТ

**Олимжон ЖУМАБОЕВ.** Инсон руҳиятининг икки талқини.....148

**Абдунаби ТЎЙЧИЕВ.** Биографик лавҳалар ва сайёр образлар....151

### ТАЛҚИН

**Тўлқин ЭШБЕК.** Сатрларда Тошкент тафти.....155

**Элнур НИЁЗМАТОВ.** Тазод ва поэтик мазмун.....159

### АДАБИЁТ ВА ШАХС

**Шуҳрат СИРОЖИДИНОВ.** “Қайсар олим”нинг бетакор услуби...166

### BOLALAR DUNYOSI

**Rustam NAZAR.** O‘qimog‘im shart kitob! .....

170

### ГУЛҚАЙЧИ

**Негмурод ГУЛИЕВ.** Битта фол очай. Ҳаётний ҳангомалар.....172

**Адабий ҳаёт.**.....174